

ANDREAS SCHLEICHER

WORLD CLASS

HOW TO BUILD A 21ST – CENTURY
SCHOOL SYSTEM



АНДРЕАС ШЛЯЙХЕР

ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ТАЪЛИМ

XXI АСР МАКТАБ ТИЗИМИНИ ҚАНДАЙ
БАРПО ЭТМОҚ КЕРАК?



AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI



PREZIDENT T'ALIM
MUASSASALARI
AGENTLIGI

ALSKOM
SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

УЎК 37.013(100)

КБК 74.00(0)

Ш 71

Ушбу таржима асар муаллифи Андреас Шляйхернинг рухсати билан нашр этилмоқда. Асарнинг асли ва таржима ўртасидаги ҳар қандай номувофиқлик ҳолатида фақат асл матн ҳаққоний ҳисобланади.

Андреас Шляйхер.

Жаҳон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак? / Андреас Шляйхер; сўз боши Ш. Шерматов, Ҳ. Умарова; умумий таҳрир Д. Норбоева. – Тошкент: “Zamin Nashr” нашриёти, 2022. – 344 б.

Таржимонлар:

Р. Ахтамова, Д. Норбоева

Таълим тадқиқотчиси Андреас Шляйхернинг “Жаҳон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак?” номли ноёб асари биз учун жуда муҳим аҳамиятга ва алоҳида қимматга эга. Зеро, унда келтирилган таълимдаги муаммолар бизнинг тизимда ҳам мавжуд.

Китобда дунё таълим тизимлари бўйича келтирилган таҳлилий маълумотлар ва шарҳлар таълим сиёсатини олиб боришда барча мумкин бўлган хавф-хатар ва иккинчи даражали таъсирларни ҳисобга олиш, уларнинг тизимга таъсирини айнан қандай назорат қилиш ва баҳолаш мумкинлигини, илмий асосланган қарорлар қабул қилиш нақадар муҳимлигини ишончли тарзда кўрсатиб беради.

Ушбу китоб “ALSKOM” суғурта компаниясининг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан чоп этилди.

ISBN 978-9943-7680-3-1

© OECD, 2022

© Дилшода Норбоева

© Zamin Nashr, 2022

Ўз ҳаётини келажак авлодлар тарбиясига
бағишлайдиган, орзуларини рўёбга чиқаришда
уларга ёрдам берадиган ва барча қийинчиликларга
қарамай, кўпинча ўзлари чинакамига лойиқ бўлган
эътирофларга сазовор бўлмай, келажакимизни
белгилаб берадиган кишилар —
бутун дунё ўқитувчиларига!

МУНДАРИЖА

Асарнинг ўзбек тилидаги нашрига муқаддима 9

Миннатдорчилик изҳори 12

1 Таълим tadқиқотчи нигоҳида 13

Билим кўпроқ бўлсин, маҳорат ҳам кам бўлмасин 19

PISA tadқиқотининг яратилиши 20

“PISA шок” – мағрурлик чекинди 24

Картага нима тикилган? 33

2 Афсоналарни фoш этиш 47

Камбағаллар мактабда ҳар доим ёмон ўқийди,
муҳтожлик – бу қисмат 47

Мактаб самарадорлигининг умумий кўрсаткичларини
иммигрантлар пасайтиради 53

Инвестицияларни оширгандагина таълимда ютуқларга
эришиш мумкин 56

Синфда ўқувчилар сонининг камлиги ҳар доим яхши
натижаларга олиб келади 58

Таълим олиш вақти қанча кўп бўлса, натижалар ҳам
шунча юқори бўлади..... 60

Таълимдаги ютуқ туғма иқтидорга боғлиқ..... 64

Айрим мамлакатлар ўз маданияти сабабли таълимда
яхши натижаларни намойиш қилмоқдалар..... 65

Фақат энг яхши битирувчиларгина ўқитувчи
бўлиши керак 67

Ўқувчиларни қобилиятига қараб саралаш таълим
натижалари даражасини кўтаришга имкон яратади..... 71

3. Юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эга мактаб тизимлари нимаси билан фарқ қилади?	73
Самарадор мактаб тизимлари ҳақида нималарни биламиз	73
Устувор мақсад – таълим	77
Ҳамма ўқувчилар ўқиши ва юқори натижалар кўрсата олиши мумкинлигига ишонч	79
Мақсадли йўналишларни аниқлаш ва шакллантириш	85
Яхши ўқитувчиларни қандай топиш ва ушлаб қолиш керак.....	94
Ўқитувчиларга мустақил ва масъулиятли профессионаллар сифатида қараш	112
Ўқитувчилар вақтидан максимал даражада фойдаланиш.....	117
Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар фаолиятини мувофиқлаштириш.....	121
Қобилиятли раҳбарларни тайёрлаш	128
Мактаб мустақиллигининг зарур ва етарли даражасини аниқлаш	130
Расмий ҳисобдорликдан профессионал ҳисобдорликка ўтиш	137
Изчил концепция баёоти	144
Кўп сарфлаш керакми ёки ақл биланми?	146
Бешта етакчи таълим тизимлари	151

4. Нима сабабдан таълим имкониятлари тенглигига эришиш бу қадар қийин?.....	163
Тафовутларни қисқартиришга уриниб.....	173
Таълим сиёсати ва тенг таълим имкониятлари	182
Танлаш эркинлиги ва тенглик ўртасидаги мувозанат	196
Катта шаҳар – катта таълим имкониятлари.....	214
Иммигрантлар оиласидан чиққан ўқувчиларга мақсадли кўмаклашиш.....	217
Таълимда ўзгармас гендер тенгсизлик	225
Таълим – экстремизмга қарши	230

5. Таълим ислоҳотини амалга ошириш	235
Нима учун таълимни ислоҳ қилиш у қадар осон иш эмас?	235
Ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш учун нималар зарур?	240
Тўғри ёндашувнинг турлича вариантлари.....	247
Йўналишни аниқлаш	248
Келишувга эришиш	249
Ўқитувчиларни ислоҳотларни ишлаб чиқишга жалб этиш.	253
Пилот лойиҳаларини жорий қилиш ва узлуксиз баҳолаш..	255
Тизим потенциалини ошириш	256
Вақтни тақсимлаш ҳамма нарсани ҳал қилади.....	257
Ўқитувчилар ҳамжамиятларини таълим ислоҳотига жалб қилиш	258
 6. Энди нима қилмоқ керак?	263
Ўзгарувчан дунёда таълим	263
Таълим асосий омил сифатида	269
Тезкор даврда билим, кўникма ва хос хусусиятларни ривожлантириш.....	270
Қадриятларнинг аҳамияти	286
Муваффақиятли мактаб тизимларининг ўзгариб бораётган қиёфаси	290
Ўзгача ўқувчи.....	292
XXI аср ўқитувчиси	298
Мактаб ва ундан ташқарида инновацияларни қўллаб- қувватлаш	310
Самарадор тизим раҳбарини тарбиялаш.....	315
Таълим сифатини баҳолашни ислоҳ қилиш	320
Олдинга юраётиб, ён-атрофга назар солинг	325
 Изоҳлар	327
 Адабиётлар рўйхати	339
 Муаллиф ҳақида	343



АСАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШРИГА МУҚАДДИМА

Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши, ўз навбатида, меҳнат бозоридаги кадрларга боғлиқ. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган кадрлар эса таълим муассасаларида ўқиб-улғаяди. Демак, сифатли таълим тизими сифатли кадрларни, сифатли кадрлар эса ривожланган, бой жамиятни қуради.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган бугунги кунда инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланди.

Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган, глобаллашув ва дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида кўзланган натижаларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бош мақсадимиздир.

Инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳаси бир-бири билан шу қадар боғланганки, уларни ажратиб бўлмайди. Бу – иқтисодиёт, бу – таълим, бу – тиббиёт, бу – маданият, бу – ўзаро ижтимоий муносабатлар, бу – сиёсат. Ҳаёт давом этар экан, аввалги муносабатлар эскиради, янгилари юзага келади, жумладан, таълим тизимида ҳам. 1950 йилларда инсонни фазога олиб чиққан таълим бугунги тезкор замонда ҳозир-

ги авлоднинг талаб ва эҳтиёжларига мос келмай қолди. Инновацион рақамли технологиялар даври бошланди. Хўш, нима қилмоқ керак? Янги давр билан баробар одимлаш учун мамлакат сарҳадларидан ташқарига назар солмоқ керак.

Таълим тадқиқотчиси Андреас Шляйхернинг “Жаҳон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак?” номли китоби нафақат PISA тадқиқотининг бир неча йиллик илмий асосланган таҳлиллари билан, балки дунё таълим тизимлари олиб бораётган таълим сиёсати, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳамда унга таъсир этаётган омиллар, жаҳоннинг етакчи таълим тизимлари эришаётган муваффақият сабаблари бўйича келтирилган таҳлилий маълумотлар билан ҳам қимматли.

Китобда таълимни ислоҳ қилишда муваффақият нафақат киритилган маблағлар ҳажми билан, балки маблағ киритишнинг самарадорлиги билан ҳам белгиланиши, таълим сифати ўқувчилар дарсда ўтказадиган вақт миқдорига эмас, ўқув жараёнининг самарадорлигига боғлиқлиги ажойиб тарзда асослаб берилган.

Китобнинг юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эга мактаб тизимлари тўғрисидаги бўлимида тадқиқотчи Марк Такернинг “Мактаб тизимининг сифати ҳеч қаерда ўқитувчиларни тайёрлаш сифатидан ортиқ бўлмайди”, деган хулосалари айтилиши ҳақиқатдир.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни узлуксиз касбий ривожлантириш борасида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу борада кўплаб халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди ва қўйилмоқда.

Андреас Шляйхернинг мазкур китоби таълим тизимига дахлдор барча учун таълимнинг мақсад ва моҳиятини чуқур англаш, ўз таълим тизимини ислоҳ қилаётган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш, таҳлил қилиш имконини беради.

Бу ноёб китоб бугун Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларга, қабул қилинаётган қарорларни самарали жорий этишга ва бу жараённинг асосий иштирокчилари бўлган педагоглар ҳамда тизимнинг барча бўғинида фаолият олиб бораётган раҳбарларга катта ёрдам беради.

ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ

Бугунги кунда таълим давлат сиёсатининг муҳим ва асосий бўғини ҳисоблангани боис, таълим тизимини трансформация қилиш, шунингдек, Ўзбекистонни том маънода рақобатбардош давлатга айлантириш мақсадида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкам эгалламоқчи бўлган мамлакатимиз учун, шубҳасиз, барча соҳаларда малакали, жаҳон меҳнат бозори талабларига батамом жавоб берувчи салоҳиятли кадрлар керак. Демак, таълим муассасаларининг асосий вазифаси чуқур билим, теран тафаккур ҳамда кенг дунёқарашга эга ватанпарвар фуқароларни, рақобатбардош кадрларни тарбиялашдан иборатдир. Зеро, Президентимиз айтганидек, нажот – таълимда, мамлакатимиз ва халқимиз тақдири эса билимли, заковатли, ижодкор ва бунёдкор ёшлар қўлидадир.

Таълим тизимини ислоҳ қилаётган мамлакатлар учун халқаро тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, нуфузли халқаро таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тадқиқотчиси Андреас Шляйхернинг “Жаҳон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак?” номли ноёб асари биз учун жуда муҳим аҳамиятга ва алоҳида қимматга эга. Зеро, унда келтирилган таълимдаги муаммолар бизнинг тизимда ҳам мавжуд.

Китобда дунё таълим тизимлари бўйича келтирилган таҳлилий маълумотлар ва шарҳлар таълим сиёсатини олиб боришда барча мумкин бўлган хавф-хатар ва иккинчи даражали таъсирларни ҳисобга олиш, уларнинг тизимга таъсирини айнан қандай назорат қилиш ва баҳолаш мумкинлигини, илмий асосланган қарорлар қабул қилиш нақадар муҳимлигини ишончли тарзда кўрсатиб беради. Шунингдек, илмий асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш вақт ва ресурслар самарасиз ишлатилишининг олдини олиши билан бир қаторда ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминлаши атрофлича ёритиб берилган.

Асар мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш учун нафақат давлат миқёсида, балки мактаб даражасида самарали қарорларни қабул қилиш ҳамда таълим жараёнини XXI аср талаблари асосида ташкил этишда беминнат кўмакчи бўлишига ишонамиз.

ҲИЛОЛА УМАРОВА

МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида ишлаган 20 йилдан ортиқ вақт давомида мен таълим сиёсати ва амалиётини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда таълим етакчиларига ҳамроҳлик қилиш шарафига муяссар бўлдим. Маълум даражада ушбу китоб ҳамкасб, эксперт ва дўст сифатида ўз муваффақиятлари ва омадсизликларини мен билан баҳам кўрган таълим вазирлари, мансабдор шахслар, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг самимийлиги ва очиқлигига асослангандир. Афсуски, бу ерда уларнинг ҳар бирига миннатдорчилик билдирай десам, улар жуда ҳам кўп. Шу билан бирга, халқаро миқёсда таълим тизимларини қиёсий таҳлил қилиш учун инструмент ва услублар яратаётган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидаги жамоам олдида, улардан ҳар куни бирор нарсани ўрганаётган кишиларим олдида беҳад қарздорман.

Бу китобни яратишга мени руҳлантирган ва қўлғезмани тайёрлашга ёрдам берган Шон Когленга алоҳида ташаккуримни билдираман. Шон юқори натижалар бераётган таълим тизимлари таърифланган бўлимнинг муаллифи бўлди. Шунингдек, мен китобга муҳаррирлик қилган ва қўлғезмани тайёрлашнинг барча босқичларида маслаҳатларини аямаган Мэрилин Ахирондан ҳам миннатдорман. Бу китобни яратишда менга Роза Болоньини, Кэтрин Кэандиа, Кассандра Дэвис, Энн-Лиза Прижани, Ребекка Тессьелар бебаҳо ёрдам кўрсатишди. Ниҳоят, турмуш ўртоғим Мария Тереза Синискалькога бу китоб устида ишлашнинг ҳар бир босқичида қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдираман.



1. ТАЪЛИМ ТАДҚИҚОТЧИ НИГОҲИДА

2015 йилда ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро PISA (Programme for International Student Assessment) дастурида қатнашган 12 миллионга яқин ўқувчи ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича ҳатто оддий топшириқларни ҳам бажара олишмади¹. Тадқиқотнинг мақсадли гуруҳига аҳолисининг даромади юқори ва ўртача даражада бўлган жаҳоннинг 72 мамлакатада яшайдиган 15 ёшли ўсмирлар кирганди. Гарчи умумий ўрта таълимга сарфланган харажатлар бу даврда 20 фоизга ошган бўлса ҳам, сўнгги ўн йил ичида Ўраб мамлакатлари ўқувчиларининг таълим натижалари амалда яхшиланмади. Кўп мамлакатларда таълим сифати, мактаб жойлашган ҳудуд ва ўқувчилар яшайдиган жой ўртасидаги бевосита боғлиқликни кузатиш мумкин.


Эҳтимол, ҳозир сизда таълим тизимини такомиллаштириш усуллари ҳақида бундан кейин келадиган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар каби, бу китобни отиб юбориш истаги туғилгандир. Сиз таълимдек шу қадар катта, мураккаб ва баъзан нотўғри мақсадлар билан боғлиқ бир нарсани ўзгартиришнинг иложи йўқ, деб ўйлаётгандирсиз.

Лекин мен сизни ўқишни давом эттиришга ундамоқчиман. Нима учун? Ўйлаб кўринг, 10 фоиз энг кам таъминланган вьетнамлик ва эстониялик ўқувчиларнинг таълим натижалари Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларидаги энг бой оилаларда улғаяётган ўқувчиларнинг натижаларидан устунлик қилади, шунингдек, Европа ҳамда АҚШ ўқувчиларининг таълимдаги ўртача даражаси билан қиёслана олади (1.1 диаграммага қаранг).

1.1. ДИАГРАММА

АФСОНА: КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ БОЛАЛАРИ ДОИМО ЁМОН ЎҚИЙДИ.

ЎРТАЧА БАЛЛ




Изоҳ. Халқаро дециллар барча мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича PISA дастури-нинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми индексини тақсимлашга тегишлидир. Маълумотлар мавжуд бўлган мамлакат ва ҳудудларгина кўрсатилган.

ПШЦГ – Хитой провинциялари: Пекин, Шанхай, Цзянсу, Гуандун; Македония – Собиқ Македония Югослав Республикасининг қисқартирилган номи;

Буэнос-Айрес АШ – Буэнос-Айрес автоном шахри.

PISA дастурининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми индекси асосида халқаро дециллар бўйича ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлиги бўйича PISA – 2015 тадқиқоти натижалари.



Мамлакатлар ва иқтисодиётлар PISA иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми индексининг юқори децилида табиий фанлардан ўқувчилар билимини тадқиқ этишда ўртача натижаларининг пасайиб бориши тартибида жойлаштирилган.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table 1.6.4a.
<http://dx.doi.org/10.1787/888933432757>

Кўпчилик мамлакатларда энг ночор мактабларнинг баъзиларида ўқувчилар юқори таълим натижаларига эга эканлиги хусусида ҳам бир ўйлаб кўринг. Шунингдек, бугунги жаҳон таълим тизими лидерларининг кўпчилиги фақат яқиндагина бу юқори поғоналарга эришганлигини ҳисобга олинг. Демак, буни амалга ошириш мумкин.

Ва бу амалга оширилиши шарт! Инсонлар тўғри таълимсиз жамиятнинг пана-пастқам жойларида муҳтожликда яшайдилар. Мамлакатлар технология ютуқларидан фойда олмайди ва бу ютуқлар ижтимоий тараққиётга олиб келмайди. Агар таълимдаги иллатлар фуқароларга жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишга халақит берса, биз ҳаққоний ва кенг қамровли таълим сиёсатини ишлаб чиқа олмаймиз ҳамда барча фуқароларни бу сиёсатга жалб эта олмаймиз.

Аммо ўзгаришлар шиддатли кураш тусини олиши мумкин. Агар бу таълимнинг реал ҳаёт талабларига дахли бўлмаса, ёшлар ўз вақти ва кучини бирмунча сифатли таълимга сарфлашлари даргумон.

Агар ходимлар яхшироқ иш излаб кетадиган бўлса, корхона ва ташкилотлар ўз ходимлари учун узлуксиз таълимга сармоя киритишлари ҳам даргумон. Қонун чиқарувчилар эса муҳим вазифани эмас, ҳатто бу вазифа таълимни, жамиятнинг келгусидаги фаровонлигига сармоя киритишни ўз ичига олса ҳам, шошилиш масалаларни устувор деб билади.

Мен 70 дан ортиқ мамлакатларда таълим бериш ва таълим олишнинг мисли кўрилмаган жараёнларини кузатиш бахтига муяссар бўлдим. Инновацион таълим сиёсати ҳамда амалиётини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида таълим вазирлари ва уларнинг жамоаларига ҳамроҳлик қилдим. Таълимни яхшилашга эришмоқдан кўра уни намойиш қилиш анча осон бўлишига қарамай, биз ўрганишимиз мумкин бўлган кўпгина муваффақиятли мисоллар бор.

Гап бошқа мамлакатларнинг тайёр ечимларидан нусха кўчириш ҳақида эмас, балки айнан нима ишлаётгани ва қандай вазиятда ишлаётганини тушуниш учун ўз мамлакати ва бошқа жойлардаги энг яхши тажрибани жиддий ва холис ўрганиш ҳақида бормоқда.

Бироқ мавжуд мактаб тизимларида эртанги куннинг барча талабларига жавоб топиш мумкин эмас. Боз устига вазифалар шу қадар катталашиб кетяптики, қайсидир бир мамлакат ёлғиз ўзи бу муаммоларни ҳал қила олмайди. Жаҳоннинг таниқли педагоглари, тадқиқотчи ва сиёсатчилари энг яхши ечимни топиш учун ўз кучларини бирлаштирмакдалар.

Қисқача айтганда, нимани ўргатиш осон бўлса, ўшани рақамлаштириш ва автоматлаштириш ҳам осон кечади. Келажак компьютерларнинг сунъий интеллектини одамларнинг когнитив, ижтимоий ва эмоционал кўникмалари билан бирлаштиришдадир. Айнан биздаги тасаввур, онглилик ва жавобгарлик ҳисси дунёни яхши томонга ўзгартириш учун рақамлаштиришдан фойдаланиш имконини беради.

Ижтимоий тармоқларнинг алгоритмлари бизни ҳамфикр гуруҳларга ажратади. Улар бизнинг фикрларимизни кучайтирадиган ва бизни ўзга нуқтаи назарлардан ажратиб қўядиган виртуал қобиклар пайдо қилади. Шунингдек, улар жамиятларимизни қутбларга ажратиб, қарашларимизда бир хиллик пайдо қилади. Эртанги кун мактаблари ўқувчиларга мустақил фикрлашга ва фуқаролик жамиятидаги иш ва ҳаёт фаолиятида бутун борлиғи билан бошқаларга қўшилишига ёрдам бериши лозим. Мактаблар тўғри ёки нотўғрини фарқлаш туйғусини, бошқа кишилар томонидан бизга қўйиладиган талабларни қабул қилиш, шахсий ва жамоавий хатти-ҳаракатлардаги чеклашларни англаш туйғусини ривожлантиришда ўқувчиларга ёрдам бериши керак. Инсонлар ким бўлишидан қатъи назар, олим ёки рассомми, ишда, уйда, жамиятда турли маданият ва анъаналарга эга бўлган одамлар қандай яшаётганини, бошқалар қандай ўйлаётганини чуқур англаб етиши зарур. Машиналарга юкланадиган вазифалар қандай бўлишидан қатъи назар бизнинг ижтимоий ва фуқаровий ҳаёт учун аҳамиятли бўлган билим ва кўникмаларимизга бўлган талаблар ортиб бораверади.

Зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган кишилар учун рақамлаштириш ва глобаллашув эркинлик ва завқ берадиган ишга айланади. Аммо етарлича тайёр бўлмаган шахслар учун улар қалтис ва хатарли ишни ва истиқболсиз ҳаётни англатиши мумкин. Бизнинг иқтисодиётларимиз бир-бири билан глобал ахборотлар ва товарлар занжири билан боғланган, аммо нисбий афзалликлар яратиш ва кўпайтириш мумкин бўлган жойда тўпланган ҳудудий ишлаб чиқариш марказлари томон силжиб бормоқда. Бу жараён натижасида билим ва бойликларни тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга ва у таълим соҳасидаги имкониятларни тақсимлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Гарчи рақамли технологиялар иқтисодиётимиз ва жамиятимизни вайронкор оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса-да, бу оқибатлар олдиндан белгилаб қўйилмаган. Уларнинг бизга таъсир даражаси биз-

нинг биргаликдаги тизимли ҳаракатларимиз, бу вайронкорликка қарши кўрган чора-тадбирларимизга боғлиқ.

Мақтаб таълимини кенг миқёсда ўзгартириш учун бизга бўлиши мумкин бўлган нарсани мутлақо бошқача, муқобил тарзда ҳис этишгина эмас, балки доно стратегиялар, самарадор институтлар зарур. Бизнинг ҳозирги мактабларимиз стандартлаштириш ва талабларга риоя қилиш меъёрлари устун бўлган, болаларни катта гуруҳлар тарзида, ўқитувчиларни эса бутун иш фаолияти давомида фақат бир марта ўқитиш самарали ва мақсадга мувофиқ бўлган саноатлашган даврда яратилган эди.

Ўқувчилар айнан нимани ўрганишлари кераклиги баён қилинган ўқув дастурлари пирамида чўққисида ишлаб чиқилар, сўнгра улар ўқув материаллари, ўқув муҳити ва педагогик таълимга етказиларди. Улар кўп ҳолларда мамлакат таълим тизимининг бир неча босқичларидан ўтиб, қуйига, ўқитувчига тушар ва синфда қўлланилар эди.

Меҳнатнинг саноат моделидан мерос бўлиб қолган бу тузилма жадал ҳаракатланаётган дунёмиз учун ўзгаришларни жуда секин олиб боради. Жамиятдаги ўзгаришлар тезлиги бизнинг ҳозирги таълим тизимимизга хос бўлган ўзгаришларга жавоб бера олиш хусусиятининг структуравий имкониятларидан сезиларли даражада ўтиб кетди. Ҳатто энг зўр таълим вазири ҳам энди миллионлаб ўқувчилар, юз минглаб ўқитувчилар ҳамда ўн минглаб мактабларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира олмайди. Вазифа шундан иборатки, ўқитувчиларимиз ва мактаб раҳбарларимизнинг тажрибасига суяниш ва уларни юқори даражадаги таълим сиёсати ва амалиётини ишлаб чиқишга жалб этиш лозим. Мингта гулнинг очилишига шунчаки имкон яратиш билан бунга эришиб бўлмайди. Бу ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига эркинлик берадиган ва ўзгаришлар учун имконият яратадиган пухта ўйланган ижобий муҳитни талаб этади. Бу ўқувчиларнинг эмас, педагоглар ва раҳбарларнинг манфаати ва одатлари атрофига қурилган институционал тузилмалардаги мутаассибликни бартараф этишга қодир етакчиларни талаб этади. Ижтимоий ўзгаришларга самимий муносабатда бўладиган сиёсатни ишлаб чиқишга ижобий ёндашадиган ҳамда самарадор ислохотларни амалга ошириш учун ўзлари қозонган ишончдан фойдалана оладиган лидерларни талаб этади.

Билим кўпроқ бўлсин, маҳорат ҳам кам бўлмасин

Таълим оламига мен бошқаларникидан фарқ қиладиган нуқтаи назар билан кириб келдим. Физикани ўргандим ва бир неча йил тиббиёт соҳасида ишладим. Миллати ва маданиятидан қатъи назар, олимлар ҳамма қабул қилган тамойиллар ва юзага келган касбий тажрибага асосланиб, мулоқотда бўладилар ва ҳамкорлик қиладилар. Ўқитувчилар, аксинча, ҳар бир ўқувчига алоҳида қарайдилар ҳамда умумлаштириш ва қиёслашга олиб борадиган мулоҳазаларда баъзан шубҳа-гумонга йўл қўядилар.

Аммо тиббиёт ва таълим соҳаси ўртасида мен сезган энг катта фарқ мутахассислар касбий тажрибани қандай орттирганидадир. Тиббий касбни танлаган кишилар уларнинг тажрибаси тадқиқотлар ҳисобига бойийди, деб ўйлашади. Агар врач касалликларга қарши курашнинг шу кунгача ишлаб чиқилган энг самарали усуллари мифассал ўрганмаса, ўзини ҳеч қачон профессионал деб ҳисобламайди. Шунингдек, у ўз дорисини яратиш ҳақида ҳам ўйламайди. Врач, энг аввало, беморнинг ҳароратини ўлчайди, ташхис қўяди ва тезроқ таъсир кўрсатадиган муолажа тайинлайди. Педагог, одатда, ҳамма болаларга бир хилда сабоқ беради, бошқача айтганда – уларга бир хил “муолажа”ни таклиф қилади. Ва баъзан бу “муолажа” қай даражада самарали бўлганига йил охирида ташхис қўяди.

Менинг биринчи иш жойим “Philips Medical Systems” ташкилотида раҳбарият мендан ишимиздаги ҳар қандай хато учун мижозлар судга бериши мумкинлигини яхши тушунган ҳолда ҳар бир ишланма сифатини назорат қилишга, жиҳозларни синовдан ўтказишга етарлича эътибор қаратишимни қаттиқ талаб қиларди. Бу орада таълим соҳаси сиёсатчилари амалда ислохотларнинг самарадорлигини олдиндан ҳеч қандай илмий тажриба орқали асосламай туриб, халқ олдида ҳисоб беришга энг минимал бурчлилик билан кетма-кет ислохот ўтказардилар.

Шунга қарамай, мен таълим оламини мароқли, деб билар ҳамда инсон ва жамият ҳаётини ўзгартиришда таълимнинг қудратини англаб турардим. Шунингдек, мен кам бўлмаган маҳорат, бироқ кўпроқ билим билан таълимни ислох қилиш имконини кўрдим.

Бу ғоя учун мен уч атоқли олим – Торстен Хусен, Жон Кивс ва айниқса, Невилл Постлетвейтдан қарздорман. Улар билан Гамбург

университетида бирга ишлаганман. Невилл нафақат ажойиб олим эди, балки таълим соҳасини такомиллаштириш учун бутун жаҳон етакчи экспертларини бирлаштириб, кенг миқёсли тадқиқотлар ўтказиш ва зўр ташаббускорлик қобилиятига ҳам эга эди. Мен Невилл билан 1986 йилда, қизиқувчанлигим сабаб унинг қиёсий тадқиқотлар ҳақидаги маърузасига кирганимда танишганман. Биринчи кундан оқ мени унинг билим ва тажрибалари билан ўртоқлашгандаги очиқлиги ва у бирорта саволни, агар улар олдиндан пухта ўйлаб кўрилган бўлса, жавобсиз қолдирмагани руҳлантирди. Бир неча ҳафтадан кейин Невилл мендан матбуотда эълон қилинган ишларим бор-йўқлигини сўради. Ҳеч нарса нашр қилдирмаганимни тан олишга мажбур бўлдим. “На-чора, – деди у, – унда кел, биринчи мақола устида иш бошлаймиз”. У менга кластер таҳлил услубларини ўргатди. Тадқиқотлар учун маълумотлар берди. Ҳар битта саҳифани таҳрир қилди, хатоларини тузатди, мен билан муҳокама қилди ва ноширни мақолани босиб чиқариш мумкинлигига ишонтирди. У мени мақоланинг муаллифи қилди. Илмфан олами вакиллари, одатда, бу жараён аниқлик билан ёки аксинча кетишини яхши билишади.

Университет ва бошқа кўплаб ташкилотларда бирга ишлаган кейинги йилларимизда Невилл менинг иккинчи отам бўлиб қолди. У бошқаларнинг ўсишига ёрдам беришдан астойдил завқ оладиган инсон эди. Ҳатто Гамбург университетида кетиб, Парижда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида ишлай бошлаганимдан кейин ҳам Невилл мен юборган барча мақола ва илмий ишларимни ўқир ва шарҳлаб борар эди.

PISA тадқиқотининг яратилиши

1990 йилларнинг охирида айнан таълим сиёсатини ишлаб чиқиш учун тадқиқотларда аниқ илмий ёндашувни қўллаш ғояси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур – PISAнинг яратилишига олиб келди. Мен 1995 йилдаги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Таълим департаменти вакиллари билан бўлган илк учрашувимни эслайман. Парижда стол атрофига 28 мамлакат вакиллари йиғилган эди. Иштирокчиларнинг баъзи бирлари ҳаммани ўзлари-

нинг таълим тизими дунёда энг яхши тизим, деб ишонтирмоқчи бўларди. Уларнинг шундай дейишларига сабаб, эҳтимол, бу уларга яхши таниш бўлган ягона тизим бўлганидандир. Мен уларга турли мамлакатлар мактаб тизимидаги таълим натижаларини қиёслашга имкон берадиган халқаро тадқиқот ўтказишни таклиф қилдим. Кўпчилик иштирокчилар бунинг имкони йўқ, керакмас ёки бу нарсаси халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлмаслиги керак, дейишди.

Уларни ишонтиришга бўлган уринишларни тўхтатиш ёки яна бир бор уриниб кўришга қарор қилиш учун менда 30 сония вақт бор эди, холос. Мен ўша пайтда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Таълим, меҳнат, бандлик ва ижтимоий масалалар департаменти директори бўлган бошлиғим Томас Александерга хат узатдим: “Бу масалада ҳам тўлиқ келишувга эришмаганимизни тан ол, аммо мамлакатларга тажриба-синов лойиҳасини таклиф қил”. PISA лойиҳаси ана шундай бошланди. Том эса унинг энг иштиёқманд тарафдорига айланди.

Бу пайтга келиб Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таълим соҳасида кўплаб қиёсий тадқиқотлар натижаларини эълон қилди. Бироқ улар кўпроқ таълимнинг умумий давомийлигини ҳисоблашга асосланган эди. Бу натижалар доим ҳам одамлар ўзлари олган билимни аслида қандай ишлата олишларини кўрсата олмайди.

Биз ҳисобдорликнинг яна бир шаклини яратишга интилганимиз йўқ, биз PISA лойиҳасининг мақсадини таълим ташкилотлари ва таълим сиёсатини белгилайдиган шахсларга ўзаро муносабатларнинг бюрократларча, иерархияга асосланган тизимдан узоқлашишга, синф хонаси, мактаб ва бутун мамлакат чегарасидан ташқарига назар солишга ёрдам беришда кўрдик. Моҳиятан PISA тадқиқоти ўлчаниши мумкин бўлган нарсани ўлчайди. У ишончли маълумотларни тўплайди ва уларни ўқувчилар ҳақидаги кенг қамровли маълумотлар билан бирлаштиради. Кейин бу маълумот ўйлаб кўриб қарор қабул қилишлари учун ўқитувчилар ва таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга тақдим этилади.

PISA асосида ётган новаторлик ғояси халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланган инструментлар воситасида ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини тўғридан-тўғри баҳолашдан иборат. Баҳолаш натижалари ўқувчилар, ўқитувчилар, мактаблар ва таълим тизимларидан олинган контекст маълумотлар билан бирлаштирилади. Бундан мақсад

Ўқувчилар эришган таълим натижаларидаги фарқларни тушунишдир. Кейин ушбу маълумотлар асосида бошқарув қарорлари қабул қилинади. Туташ нуқталар топилганидек, қарашлардаги ҳар хиллик ҳам аниқланади.

Бугун PISA тадқиқотлари нафақат мамлакатларни қиёслаш, балки тадқиқотда ихтиёрий қатнашаётган минглаб таълим ташкилотларини ҳам таққослашдир. Бу уларга ўз натижаларини бутун дунё мактаблари билан қиёслаш имконини беради. Биз яна PISA тадқиқотларини таълим сифатини анъанавий баҳолашдан бошқача қилишга уриндик. Бизнинг назаримизда, таълим – бу ўқишга бўлган иштиёқни рағбатлантириш, тасаввурни кучайтириш ва келажакни кура оладиган инсонларда мустақил қарор қабул қила олиш қобилиятини ривожлантиришдир. PISA тадқиқотларида юқори натижани кўрсатиш учун ўқувчилар ўз билимларини керакли вазиятларда татбиқ этишлари, фанлар чегарасидан чиқиб фикрлашлари ва янги вазиятларда ўз билимларини ижодий қўллай олишлари лозим. Бироқ биз ўқувчиларга фақат ўзимиз билган нарсани ўргатсак, улар балки фақат бизнинг йўлимиздан бориш учунгина эслаб қолишар. Агар биз уларни ўқишга ўргатсак, улар ўз йўллари танлашда эркин бўладилар. Баъзи кишилар бизнинг тестларимизни адолатсизликда айблашди, чунки ўқувчилар мактабда ўзлари учрамаган масалаларни ечишларига тўғри келди. Бироқ унда ҳаётнинг ўзини ҳам адолатсизликда айблаш мумкин, чунки у бизнинг мактаб материални эслаб қолиш қобилиятимизни текширмайди. Ҳаёт эртага бизнинг шундай муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятимизни текширадики, биз уларни бугун ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. Ҳозирги дунё энди инсонни фақат билимлари учун мукофотламайди, балки билимлар асосида ҳаракат қилиш қобилиятини мукофотлайди.

Тажриба-синов лойиҳасининг камчилиги бюджетнинг танқислигида эди. Ҳақиқатан ҳам дастлабки икки йилда PISA тадқиқоти билан боғлиқ ишга бюджетдан маблағ ажратилмаган эди. Аммо натижада бу бизнинг устун томонимиз бўлиб қолди.

Баҳолаш материалларини ишлаб чиқишнинг стандарт иш тартиби режалаштириш ва режани амалга ошириш учун экспертлар ёллашни кўзда тутди. Шундай қилиб, миллионлаб доллар турадиган тестлар яратилади, аммо улар таълимни ўзгартиришга интиладиган инсонларга эмас, ташкилотларга тегишли бўлади.

Биз бошқача йўл тутдик. Тез орада PISA жаҳоннинг энг яхши экспертларини жалб этди ва иштирокчи мамлакатларнинг юзлаб ўқитувчи ва тадқиқотчиларини сафарбар қилди. Биз биргаликда ўқувчилардан нимани кутишимиз ва буни қандай баҳолашимиз кераклигини белгиладик. Бугун бу ёндашув *краудсорсинг* деб аталади. Аммо биз уни қандай атамайлик, у ҳар биримизда дахлдорлик туйғусини пайдо қилди. Ва бу муваффақият гарови бўлди.

“Қуйидан юқорига” глобал қиёсий тадқиқотлар назарияси афзаллик беришига яна бир мисол. 2001 йилда биз дастлабки қиёсий таҳлилларимизни тақдим этганимизда французлар ўз мактабларининг паст натижаларни намоиш этганини кўришди. Шунда бу мамлакатдан келган кузатувчилар тестда нимадир бошқача, деган хулосага келишди. Бироқ PISA методологиясини ишлаб чиққан бош мутахассис ва Австралия педагогик ўлчовлар кенгаши қошидаги тадқиқот консорциуми координатори Раймонд Адамда бу саволга жавоб бор эди. У ўз вақтида маданий аҳамияти ва Франциядаги ўқув дастурига мос келгани учун французлар томонидан юқори баҳоланган ёки тадқиқотнинг французларнинг ўзлари тайёрлаган тест саволларини кўрсатди. Кейин эса французлар анча-мунча намунали деб ҳисоблаган саволларга тадқиқотнинг бошқа мамлакатлар иштирокчилари қандай жавоб беришганини намоиш қилди². Шунингдек, биз бундай қиёслашни бошқа мамлакатлар учун ҳам қилишимиз мумкинлигини тушундик. Турли мамлакатлар ўқувчиларининг жавоблари юқори даражада ўхшашлиги маълум бўлганида тадқиқот материалларининг маданиятлараро мутаносиблиги ва ишончлилиги ҳақидаги баҳслар тез орада тўхтади. Иш бошлаганидан буён PISA тадқиқоти таълим соҳасидаги ислохотларнинг ўзига тортувчи кучи бўла олишини исботлади. Ҳар уч йилда ўтказиладиган бу баҳолаш таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга анчагина қийин бўлган ислохотларга оид қарорларни таҳлилий манба билан мустаҳкамлаб, қабул қилишга ёрдам беради. Шунингдек, у бошқарувдаги қарорлар нотўғри ёки қоникарсиз бўлган соҳаларни ҳам кўрсатиб қўйди. Парижда ўтган биринчи учрашувдан икки йил ўтгач, 28 мамлакат лойиҳада иштирок этишга рози бўлди. Бугун PISA тадқиқоти воситасида жаҳон иқтисодиётининг 80 фоизини ташкил этадиган 90 дан ортиқ мамлакат таълим бўйича баҳс-мунозаралар олиб бормоқда.

“PISA шок” – мағрурлик чекинди

PISA тадқиқотининг дастлабки натижалари 2001 йилнинг 4 декабрида эълон қилинди ва қизғин муҳокамалар мавзусига айланди. Тест синовлари якунига кўра намоён бўлган таълим манзараси кўпларнинг тасаввуридан анчагина фарқ қилар эди. Таъсир маълум даражада кучайди. Чунки халқаро ташкилот натижаларни ҳеч қандай ўзгаришларсиз тўлиқ эълон қилгани камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Биз мамлакатлар ўз натижаларини эълон қилинишига розилик бермасларидан олдин, шунингдек, ўзларининг бошқаларники билан солиштиргандаги натижаларини билмаган ҳолда билиб оладиган тизимни ишлаб чиқдик. Бу мамлакатлар ўз натижалари умумий ҳисоботга киритилиши ёки уларни эълон қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилаётганларида бошқа таълим тизимлари билан қиёслаганда қандай ишлаётганларини билмайдилар, деган маънони англатади.

Таҳлилчилар қайси мамлакатнинг материаллари билан ишлаётганини билмаган ҳолда натижаларни баҳолаши ва таҳлил қилиши учун маълумотларни бошқаларидан фарқ қилмайдиган қилиб ўзгартиришдан ҳам фойдаландик.

Аммо бу фақат бошланиши эди. PISA синовлари ўтказилгани сабаб натижалар кўпроқ эътиборни торта бошлади ва кўпроқ баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу баҳс-мунозаралар биз 2006 йилги PISA натижаларини 2007 йилнинг декабрида эълон қилганимиздан кейин авжига чиқди. Биз уларда нафақат мамлакатларнинг айна пайтдаги таълим ҳолатини, балки 2000 йилдан буён ўз фаолияти давомида PISA ўтказган уч изчил ўлчашлар бўйича ўзгаришлар динамикасини ҳам кўриб чиқдик.

Бир мамлакат бошқасига қараганда ёмон натижалар кўрсатишини тушунтириш осон. Вазият яхшиланмагани ёки яна қаергадир нисбатан анча секин яхшиланаётганини тан олиш сиёсатчилар учун бирмунча қийин кечади. Демак, сиёсий босим бўлиши муқаррар эди. 2006 йилда ишга тайинланган Бош котибимиз Анхел Гурриани ишнинг моҳияти билан таништирганимда, у дарҳол таълим сиёсатини ўзгартиришда PISA тадқиқотининг таъсир кучини юқори баҳолади ва унинг муваффақияти учун курашга тайёр бўлди.

PISA тадқиқотининг энг муҳим кашфиётларидан бири шуки, таълим тизимлари ўзгариши ва яхшиланиши мумкин экан.

Тадқиқотнинг мактаб натижаларида муқаррар ва доимий нарсанинг ўзи йўқ. PISA маълумотлари ижтимоий ночорлик ва мактаб болаларининг ёмон натижалари ўртасида ғайриихтиёрий алоқа йўқлигини исботлади.

Бу омиллар ўз тизимидан мамнун бўлган “мағрурларга” қарши чиқди. Модомики, айрим мамлакатлар ўзлаштиришни кўтаришга қаратилган сиёсат юритиши ва мактаб таълими натижаларидаги ижтимоий тафовутни бартараф этиши мумкин экан, нега энди бошқа мамлакатлар бундай қилолмайди?

Бундан ташқари, баъзи мамлакатлар муваффақият таълимнинг изчил ва олдиндан айтиладиган натижасига айланиши мумкинлигини кўрсатишди. Бу – мактаблари ҳақиқатан ҳам яхши бўлган таълим тизимлари эди. Масалан, Финляндияда, дастлабки PISA тадқиқотида энг юқори умумий натижаларга эришган мамлакатда, ота-оналар ўз болаларини жойлаштиришни истаган ҳар қандай мактабда таълим сифати доим юқори бўлишига ишонишлари мумкин. Мамлакат таълим тизими бошқа мамлакатлар ёки ўзлари кутган натижалар билан қиёсланиб, ёмон ишлаётгани аниқланганида, шубҳасиз, PISA тадқиқотининг таъсири ғоят юқори даражада бўлди. Баъзи мамлакатларда PISA тадқиқотлари жамоатчиликнинг хабардорлик даражаси ошишига имкон яратди ва ўзгаришлар учун кучли туртки бўлди. Энг кўп қаршилик олинган натижалар жамоатчиликнинг мавжуд таълим тизими хусусидаги барқарор фикрига тамоман зид келганида пайдо бўлди.

Жамоатчилик ва сиёсатчилар ўз мактабларини дунёнинг энг яхши мактабларидан, деб ҳисобласа-да, PISA тадқиқотлари бутунлай бошқа манзарани кўрсатди ва бу ҳамма нарсани тубдан ўзгартириб юборди.

Ватаним Германияда эълон қилинган PISA – 2000 натижалари атрофида бўлган баҳслар ўта шиддатли кечди. Ўқувчиларнинг кутилган натижаларни умуман акс эттирмайдиган паст натижалари билан тўқнаш келган сиёсатчилар “PISA – шок” деб аталадиган ҳолатни бошдан кечиришди. Бу шок жамоатчиликнинг мамлакат газета ва телевидение янгиликларида таълим соҳасидаги сиёсат ва ислохотлар ҳақида ойлаб ҳукмронлик қилган давомли баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

Немислар мактабларда ўқитиш имкониятлари тенг бўлиши ўз-ўзидан маълум, деб ҳисоблашар, чунки мактабларни бир хил ва тенг ресурслар билан таъминлаш учун катта куч сарфланарди.

Аммо PISA – 2000 натижалари мамлакатдаги турли ижтимоий-иқтисодий мақомга эга мактабларнинг таълим натижаларида сезиларли даражада тафовутлар борлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқотлар Финляндиядаги мактабларнинг юқори стабилликка эга эканини кўрсатгани Германияда чуқур таассурот уйғотди. Немис мактаблари ўртасидаги фарқ 50 фоизга етган бир пайтда, Финляндиядаги турли мактаб ўқувчиларининг натижаларидаги фарқ 5 фоиздан ошмас эди. Бошқача айтганда, Германияда болангизни айнан қайси мактабга беришингиз жуда муҳим эди.

Немис мактаб тизими анъанавий тарзда болаларни ўн ёшида турли йўналишлар бўйича ажратади. Бунда уларнинг баъзи бирлари академик таълим йўлидан кетиши ва интеллектуал ходим бўлиб етишиши кутилади, бошқалари эса касбий йўлдан кетадилар ва оқибатда интеллектуал ходимларга ишлайдилар.

PISA тадқиқоти бундай саралаш жараёни кўп нарсада мавжуд ижтимоий-синфий тузилмани мустаҳкамлаганини кўрсатади. Бошқача айтганда, PISA таҳлили таълим соҳасида хийла юқори натижаларни берадиган нуфузли академик мактабларга кўпроқ имтиёзга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий қатламлардан чиққан немис ўқувчилари мунтазам равишда жўнатилаётган бир пайтда камроқ имтиёзга эга бўлган қатламлардан чиққан ўқувчилар таълим соҳасида пастроқ натижа берадиган нуфузи пастроқ касбий мактабларга жўнатилишини тахмин қилганди.

Германиянинг кўпгина педагоглари ва экспертлари учун PISA аниқлаган мактаблар ўртасидаги фарқлар кутилмаган янгилик бўлмади. Аммо кўпинча кам таъминланган ўқувчилар мактабда ёмон ўқиши ўз-ўзидан равшан ва бу давлат сиёсатига кирмайди, деб ҳисобланарди.

PISA тадқиқоти яна бир нарсани, яъни ижтимоий-иқтисодий мақомнинг ўқувчиларга ва уларнинг ўзлаштиришига таъсир даражаси бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар борлигини ва бошқа мамлакатлар бу таъсирни Германияга нисбатан самарали тарзда йўқотиб юбораётганини кўрсатди.

PISA тадқиқоти Германиядаги далил ва маълумотларга янгича муносабатни шакллантиришга ёрдам берди. Одатда, мактаб таълими ҳақида Федерал ҳукумат кам гапирадиган мамлакатда айнан Таълим ва тадқиқотлар федерал вазири Эдельгард Бульман Германиядаги таъ-

лимни ўзгартириши мумкин бўлган узоқни кўзлаб иш қилишни ривожлантиришда етакчилик қилди.

2000 йилларнинг бошида Германия таълим соҳасига мўлжалланган федерал харажатларни амалда икки баробар оширди. Аммо молиялаштиришни оширишдан ташқари баҳс-мунозаралар бутун мамлакат бўйлаб кенг қўламли ислохотларга ҳаёт бағишлади, бу ислохотларнинг баъзилари бутун тизимни сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Болаларни эрта ёшидан тарбиялаш кенг тус олди, мактаблар учун миллий таълим стандарти жорий қилинди (ер мустақиллиги дахлсиз бўлган мамлакатда буни тасаввур қилиш қийин) ва кам таъминланган ўқувчиларга, жумладан, иммигрантларнинг болаларига ҳам кўпроқ ёрдам кўрсатила бошланди. Германияда тўққиз йилдан кейин 2009 йилдаги PISA натижалари таълим сифатида ҳам, таълим имкониятларининг тенглигида ҳам сезиларли даражада яхшиланиш рўй берганини намойиш этди.

Германия нисбатан қисқа муддатда ўз таълим тизимини яхшилаган ягона мамлакат эмас. Жанубий Кореянинг ўртача кўрсаткичлари 2000 йилдаёқ юқори эди, аммо корейликларни элитанинг тор доираси вакилларигина PISA тадқиқотининг ўқиш саводхонлиги бўйича юқори даражага эришаётгани хавотирга соларди. Ўн йилдан камроқ муддат ичида Жанубий Корея юқори кўрсаткичларга эга ўқувчилар сонини икки баробарга ошира олди.

Польша мактаб тизимини тубдан қайта қуриш ҳар хил мактаб ўқувчиларининг ўзлаштиришидаги фарқларни қисқартириш, кучсиз мактабларнинг кўрсаткичларини ошириш ва мактабларнинг умумий самарадорлигини икки баробарга кўтариш имконини берди. Португалия, худди Колумбия ва Перу сингари, ўзининг тарқоқ мактаб тизимини мустаҳкамлай ва умумий ўзлаштиришни яхшилаётган олди.

Мамлакатларнинг PISA рейтингидаги нисбий ўрни, асосан, ижтимоий ва маданий омилларни акс эттиради, деб таъкидлайдиган кишилар ҳам таълимни яхшилаш мумкинлигини тан олишга мажбур бўлдилар.

Эстония ва Финляндия Европадаги педагог ва сиёсатчилар учун машҳур саёҳат йўналишига айланди. Бу мамлакатларда ўқувчилар 6 ёшга тўлгандан кейин мактабга боради (Эстонияда 6 ёшга, Финляндияда 7 ёшга тўлгач) ва машғулотларга бошқа мамлакатларга қараганда бир ўқув йили учун кам соат сарфлайди. Аммо ўн беш ёшида

бу ўқувчилар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий мақомларига қарамай дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришадилар. Ва амалда бу мамлакатлар мактаблар ўртасида ўзлаштиришда ҳеч қандай тафовутларсиз аъло даражадаги таълим сифати ва таълим тизимидаги барча мактабларнинг таълим имкониятлари тенглигини ривожлантиришнинг уддасидан чиқяптилар.

PISA тадқиқотининг илк раундлари давомида юқори самарадорликка эга ва тез такомиллашаётган таълим тизимларининг кўпчилиги Шарқий Осиёда экани маълум бўлди. Бу натижалар Ўрбда ҳаммага одат бўлиб қолган, кўпинча бу Осиё мамлакатларидаги муваффақиятни ўқувчиларга юқори босим ўтказишга ва ўқув материални юзаки, тушунмасдан ёдлаб олишга қаратилганига йўядиган фикрга қарши чиқди. Қисман бу нарса кузатувчилар ўрганганларни мустаҳкамлашга қаратилган такрорлаш ва машқлар бажариш тажрибасини юзаки эслаб қолиш услуби сифатида хато қабул қилишгани натижасида юзага келди³.

PISA тадқиқотида ғалабага эришиш учун ёд олиш камлик қилади. PISA 2012 йилда муаммони ҳал қилиш бўйича ижодий кўникмаларни баҳолаш учун ўзининг дастлабки тестларини тақдим этди. Аксарият кузатувчилар, улар рейтинг жадвалларини остин-устун қилиб юборади ёки ҳеч бўлмаса Шарқий Осиёнинг анча-мунча паст натижаларини намойиш этади, деб башорат қилишди. Аммо биринчи ўринга бир авлод етишиб чиққан даврдаёқ ривожланаётган мамлакатдан замонавий индустриал давлатга айланган Сингапур чиқди. Мен бу натижаларни 2014 йилнинг мартида Сингапурда тақдим этганимда, ўша пайтдаги таълим вазири Хэн Сви Кит Сингапур ижодий ва танқидий мушоҳада, ижтимоий ва эмоционал кўникма ва малакалар, ўқувчиларнинг шахсий сифатларини тарбиялашга жуда катта аҳамият бераётганига урғу берди. Гарчи бизнинг тасаввуримизда Сингапурдаги фуқаролик жамияти ҳозиргача фуқароларнинг сиёсий жараёнларга аралашуви чекланганлиги билан ажралиб турса-да, Сингапурдаги таълим Ўрбда деярли мутлақо сезилмаган тинч инқилобни бошидан кечирди. Ҳозирги пайтда мамлакат ўз таълим муассасаларининг сифати бўйича ҳам, инновацион таълим стратегияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда педагогларнинг иштирок этиш даражаси бўйича ҳам пешқадамлик қилмоқда.

Япония PISA бўйича энг яхши натижаларни кўрсатган мамлакатлардан бири бўлди, бироқ тадқиқотда ўқувчилар, одатда, ўқув фани-

нинг мазмунини аслидай айтиб беришни талаб қиладиган масалаларни жуда яхши уддалашларига қарамай, ўз билимларини янги вазиятларда қўллашни талаб этадиган очиқ турдаги топшириқларни анча ёмон бажаришларини кўрсатди.

Буни университетга кириш имтиҳонларидаги кўп танловли топшириқларга ўрганиб қолган кенг жамоатчилик ва ўқувчиларнинг ота-оналарига етказиш осон бўлмади.

Япония миллий баҳолаш тизимида PISA топшириқларига ўхшаш очиқ жавобли топшириқлар киритилди. Бу киритилган янгилик ўқув жараёнининг ўзгаришида ижобий акс этди. 2006 йилдан 2009 йилгача очиқ топшириқлардан иборат бўлган бўлим бўйича Япониянинг натижалари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти иштирокчи-мамлакатлари орасида шитоб билан яхшиланди. Мен бу яхшиланишни ибратли деб ўйлайман, чунки у аниқланган камчиликларга жавобан давлат сиёсатининг ўзгариши ўқув синфида реал ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда биз ҳалиям Шарқий Осиё мамлакатларининг таълимдаги ўзгаришлар орқали ҳаётни ўзгартиришга интилишини муносиб баҳолай олмаёмиз. Мен 2012 йилнинг сентябрида Владивостокда бўлган саммитда маъруза қилганимда, бу интилиш нафақат таълим соҳасидаги мутахассислар учун катта қизиқишни ифодалашини, балки энг юқори даражада қарор қабул қилишда ҳам унга катта эътибор қаратилаётганини кўрдим.

Қўшма штатларда, аксинча, PISAнинг биринчи тадқиқотларига нисбатан кам эътибор қаратилди. Аммо бу вазият 2006 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари эълон қилинганидан сўнг ўзгарди. 2007 йилнинг 4 декабрида Ўзбекистон Виржиниянинг собиқ губернатори ҳамда Alliance for Excellent Education Миллий таълим ассоциациясининг директори Боб Уайз Миллий пресс-клубда Губернаторларнинг миллий ассоциацияси вакиллари, мактаб таълими соҳасида давлат сиёсатини белгиловчи мансабдор шахслар кенгаши, етакчи Америка корпорацияларининг ижрочи директорлари гуруҳи ва Asia Society нодавлат ташкилоти вакиллари тадқиқот натижаларини эшитиш учун тўплади.

Мен икки ой ўтиб, 2008 йилнинг феврилида губернаторларнинг қишки мажлисида PISA ҳақида гапирдим ва штатлар раҳбариятининг халқаро қиёсий тадқиқотларга катта қизиқиш билан қараётганини сездим. Мен ўша ойнинг ўзида сенатор Эдвард Кеннедининг (ҳозирда

вафот этган) офисида қандай қилиб Польша олти йил мобайнида ўзлаштириши паст ўқувчилар ҳиссасини икки баробарга қисқартиришга эришганини гапириб бердим. Сенаторларнинг кўзлари чақнаб кетди. 20 дақиқага мўлжалланган учрашув деярли уч соатга чўзилди. Ўша йилнинг май ойида Сенатда кўпчиликни ташкил этувчи демократлар лидери Гарри Рид ва сенатор Кеннеди махсус тушликни режалаштиришди, у ерда мен 20 нафар сенатор билан PISA натижаларини муҳокама қилдим.

PISA тадқиқотиға бўлган қизиқиш орта борди. 2009 йилнинг августида Вакиллар палатаси Таълим ва меҳнат масалалари бўйича қўмитасининг кўчма мажлисида жаҳон таълим тизими лидерлари томонидан қабул қилинаётган қарорлардан Қўшма штатлар олиши мумкин бўлган сабоқлар муҳокама қилинди. Бунда мен билвосита эксперт сифатида иштирок этдим. Бир ой ўтиб мактаб таълими тизимида сиёсатни белгиловчи мансабдор шахслар кенгаши томонидан Финляндияда ташкил этилган бошқа бир кўчма мажлисда давлат таълим муассасалари раҳбарларига ҳамроҳлик қилдим⁴. Биз баҳс-мунозаралар билан ортиқ шуғулланмадик, америкалик лидерлар ўз ҳамкасблари – энг самарали жаҳон таълим тизими вакиллари билан ҳамкорлик қилиш учун саёҳат қила бошладилар.

Бироқ фақат ҳукумат 2009 йилдан 2015 йилгача Арне Дункан бошқарган Таълим вазирлиги билан биргаликда PISA тадқиқотининг навбатдаги даврийлигидан кейингина, 2009 йилда унинг натижаларига астойдил эътибор қаратди. Вазирнинг “Race to the Top” (“Чўққи томон пойга”)⁵ деб номланган ташаббуси Америка штатлари ўртасидаги рақобатни кучайтиришга эмас, штатлар раҳбарларини энг самарали жаҳон таълим тизимларини ўрганишга ундашга қаратилган эди.

Мен Массачусетс штатида ушбу таълим ташаббусини жорий этиш қўмитасида консультант бўлиб ишлардим. Бу штат, одатда, бутун Америка таълимининг модели сифатида қабул қилинарди, қўмитадаги муҳокамалар Массачусетс қандай қилиб штат ўқувчиларининг таълим натижалари билан жаҳондаги анча самарали таълим тизимлари ўртасидаги каттагина тафовутни йўқотиши мумкинлигига бағишланарди.

Мен таълимнинг ҳар бир йили учун таълим мазмунини аниқлашни мақсад қилган Умумтаълим стандартларини тасдиқлаш қўмитасида ишлаётим⁶, Америка ўқувчилари учун Америка миллий таълим тизимини жаҳон таълим лидерлари билан қиёслаш мақсадларни шаклланди.

тириш ва XXI аср таълим натижаларини аниқ ифода этишга қандай таъсир кўрсатишини тушундим.

Германияда ҳатто PISA тадқиқотига бағишланган жуда машҳур телекўрсатув ҳам пайдо бўлди⁷. Бу кўрсатув профессионал баҳс-мунозаранинг таълим, жамият ва иқтисодиёт муаммоларининг оммавий муҳокамасига айланишига имкон яратди.

Баъзи мамлакатлар PISA натижаларидан ўз таълим сиёсатини эксперт таҳлилидан ўтказиш ва уларни худди шундай муаммоларга дуч келаётган, аммо яхши натижа кўрсатаётган бошқа давлатларнинг таълим сиёсати билан қиёслаш нуқтаси сифатида фойдалана бошлади. Таълим сиёсатини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ тавсиялардан иборат бундай эксперт таҳлили бизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидаги фаолиятимизнинг ўзига хос хусусиятига айланди.

PISA тадқиқоти нафақат таълим сиёсатини белгиловчи шахслар ва олимлар, балки, эҳтимол, ундан-да муҳими, амалиётчи педагоглар, ўқитувчилар бирлашмаси ва ўқитувчилар касаба уюшмалари ўртасида ҳам ўзаро ўқиш-ўрганишни рағбатлантирди.

Сўнги, аммо анчайин муҳим гап: PISA тадқиқоти жамиятни таълим хизматларини яхшилашни талаб қилишга ундайди. Кўп мамлакатлардаги ота-оналар уюшмалари фаол роль ўйнай бошлади. Германия, Италия, Япония, Мексика, Норвегия, Бирлашган Қироллик, АҚШ ва Европа парламентида парламент муҳокамаларида қатнашишдан ташқари, мен кўп сонли ташкилотларнинг вакиллари ва таълим тизимини нафақат ўз компаниялари учун кадр тайёрлаш фабрикаси сифатида қабул қила бошлаган, балки биз яшаётган ва ишлаётган жамиятни шакллантиришда таълимнинг муҳим аҳамиятини тан олган саноат соҳасининг лидерлари билан учрашиб турдим.

Сиёсий фаолиятсизликнинг қийматини ошириш

1997 йилда PISA устида ишлай бошлаганимизда менга Бразилия Президенти маъмуриятдан қўнғироқ қилишди. Бу Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг аъзоси бўлмаса ҳам тадқиқотга қўшилишга қизиқиш билдирган биринчи мамлакат эди ва бу қайсидир маънода мени ҳайрон қолдирди. Бразилиянинг ўша пайтдаги президенти

Фернанду Энрики Кардозу унинг мамлакати жаҳон рейтинг жадвалининг қуйи қисмида туради, деб ўйлаган бўлса керак. Кейинчалик биз у билан бу нарсани муҳокама қилганимизда, Бразилия таълим тизими-ни яхшилашда энг катта тўсиқ ресурсларнинг етишмаслиги эмас, балки таълим сифати стандартлари пастлигига қарамай ўқувчилар яхши баҳо олаётганидир, деди. Президент Кардозу одамлар ҳақиқий аҳволни билишлари зарур, деб ҳисобларди. Шундай қилиб, Бразилия PISA рейтингидagi миллий бални шунчаки эълон қилгани йўқ, балки ҳар бир мактабга 2021 йилга келиб Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти бўйича ўртача даражага эришиш учун зарур ривожланиш ҳақидаги маълумотни тақдим этди.

Шундан буён Бразилия PISA натижаларининг яхшиланишида мислсиз ўсиш динамикасини кўрсатиб келмоқда. 2000 йилдаги тадқиқотларнинг биринчи даврийлигида қатнашганидан сўнг тўққиз йил ўтиб Бразилия ўқиш саводхонлиги соҳасида энг катта ўсишни намойиш қилди.

Мексикада ҳам худди шундай тажриба бор эди. 2007 йилдаги сўровномада 77 фоиз ота-оналар уларнинг болаларига мактаб берган таълим хизматининг сифати, Мексикада 15 ёшли ўқувчиларнинг деярли ярми PISA тадқиқоти самарадорлиги паст деб белгиланган мактабларда ўқишларига қарамай, яхши ёки жуда яхшилигини қайд қилишди.

Тахмин қилинган таълим сифати ҳамда халқаро тадқиқотлар натижалари ўртасидаги тафовут кўп сабаблар билан изоҳланади. Масалан, ҳозирги пайтда Мексика болалари бораётган мактабларнинг сифати уларнинг ота-оналари борган мактаблардан яхшироқ бўлиши мумкин.

Жамиятнинг расмий талабисиз таълимга давлат ресурсларини сарфлашни оқлаш осон эмас. Мен 2008 йилнинг феврилида Мексиканинг ўша пайтдаги президенти Фелипе Кальдерон билан учрашдим. У мамлакатда PISA дастурига асосланган умумий ўрта таълим самарадорлиги халқаро кўрсаткичини яратиш масаласини кўриб чиқаётган эди. Бу кўрсаткич миллий ва халқаро таълим даражаси ўртасидаги тафовутни аниқлаш имконини берарди. Кўрсаткич асосида бу тафовутни қисқартириш, шунингдек, ўқитувчиларни рағбатлантириш ва профессионал таълимга кириш йўлини кенгайтириш чора-тадбирларини пухта ишлаб чиқиш кўзда тутилганди.

Аксарият мамлакатлар PISA дастурига асосланган таълим мазмуни самарадорлигининг миллий мезонларини ишлаб чиқиш ишидан ўрнат олишди. Бу мамлакатлар энди ўз таълим тизимлари самарадорлигини фақат ўқитиш натижалари ва ўтган йиллар натижаларини қиёслаш йўли билангина ўлчамасликларини билдиради. Энди улар олдларига мақсад қўяди ва ўзларини жаҳоннинг энг самарали таълим тизимлари билан таққослаб, мақсадга эришишдаги ўсишни ўлчайди.

Картага нима тикилган?

Ҳар бир шахс ҳамда халққа билим ва фаровон ҳаёт

Ўз фуқароларининг билим ва кўникмаларини қандай ривожлантириш ва улардан қандай фойдаланиш жамиятнинг гуллаб-яшнашидаги асосий омиллардан биридир. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг PISA асосида ишлаб чиқилган, катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш бўйича халқаро дастури (PIAAC – Programme for the International Assessment of Adult Competencies) доирасида ўтказилган катта ёшдаги аҳоли кўникмаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, билим даражаси паст бўлган шахслар яхши ва катта ҳақ тўланадиган ишга киришда жиддий чекловларга дуч келадилар. Рақамлаштириш бу муаммоларни кучайтиради, янги соҳаларнинг ўсиб бориши натижасида бошқа соҳалар қисқариб, йўқола боради. Айнан инсонлар олган таълимгина уларни бундай руҳий ларзалардан ҳимоя қиладиган қалқонни яратади. 2016 йилнинг майида Швеция бош вазир Стефан Лёвен билан учрашганимда, у шундай деди: “Одамларнинг ишимдан ажралишим мумкин, деган хавотирини йўқ қилишга ёрдам берадиган ягона нарса – бу янги иш топиш ёки яратиш учун улардаги билим ва малаканинг етарли эканлигига бўлган ишончдир”.

Агар катта ёшли аҳолининг анчагина қисми эга бўлган компетенциялар даражаси паст бўлса, маҳсулдорликни ошириш ва технологиялардан унумли фойдаланиш қийинроқ бўлади, бу, ўз навбатида, яшаш даражасини кўтаришга тўсқинлик қилади. Аммо гап иш ҳақи ва аҳолининг бандлигидан кўра анча муҳим нарса ҳақида бормоқда. Бизнинг катта ёшли аҳоли компетенцияларини тадқиқ этишимиз шуни

кўрсатадики, паст компетенцияларга эга кишилар меҳнат бозоридаги ўзгаришлар шароитида нафақат тез ранжийдилар, балки катта эҳтимол билан ўзларини жамиятнинг сиёсий ҳаётидан ташқарида қолгандек ҳис қиладилар (1.2 диаграммага қаранг).

Катта ёшли аҳоли компетенцияси бўйича тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, етарлича ривожланмаган компетенциялар билан бирга одамларда ижтимоий институтларга ҳамда бир-бирига нисбатан ишончсизлик ҳам пайдо бўлади. Гарчи таълим, шахсий ўхшашлик ва одамларнинг бир-бирига ишончи ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар мураккаб бўлса ҳам, улар катта аҳамиятга эга, чунки ишонч ҳозирги замон жамиятининг пойдевори ҳисобланади. Одамларга, давлат ташкилотлари ва тартибга солинадиган бозорларга ишонч бўлмаса, инновацион сиёсатларнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш осон бўлмайди, айниқса, қисқа муддатли зарарлар талаб қилинганида, узоқ муддатли фойдалар дарҳол кўзга кўринмайди. Педагоглар маънавий тамойилларга таянган таълим томонда туришни афзал билишлари табиий, аммо таълим сифати ва иқтисодиёт самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик кучли. Бу фикр далиллар билан тасдиқланиши мумкин.

Стенфорд университетининг Гуверов институти иқтисодчиси ва катта илмий ходими Эрик Ханушекнинг ҳисоб-китоблари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар иқтисодиёти⁸ 2015 йилда туғилган авлод яшайдиган муддатда 260 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўриши мумкинлигини кўрсатди, чунки иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда мактаблар таълим натижаларини энг ривожланган таълим тизимига эга мамлакатлар даражасида таъминламайди⁹. Бошқача айтганда, таълим тизимларидаги камчиликларни кенг миқёсли иқтисодий рецессия натижалари билан қиёсласа бўлади, бундан ташқари, бу натижалар доимий хусусиятга эга.


Ўқувчиларни бизнинг ўтмишимизга эмас, уларнинг келажагига тайёрлаш

Конфуций ва Суқрот замонларидан буён педагоглар таълимнинг қўшалок мақсадини тан олганлар – ўтмишнинг мазмун ва аҳамиятини етказиб бериш ва ёшларни келажак даъватларига тайёрлаш.

1.2. ДИАГРАММА

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ КАТТА ЭЪТИМОЛ БИЛАН КАТТА ЁШЛИ АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ БЎЛИШИГА ИМКОН ЯРАТАДИ.

Саводхонлик тадқиқоти бўйича катта ёшдагилар “4” ёки “5” балл олиш-са, уларнинг даромадлари кам балл тўплаганларникига қараганда, худди ишонч, сиёсий фаоллик, саломатлик, волонтерлик фаолияти ва ишга жойлаштиришда қатнашиш даражаси каби, юқори бўлади.



Изоҳ. Имкониятлар нисбатининг коэффициенти ёш, жинс, билим даражаси, иммигрантлар тоифасига муносабат ва тил гуруҳини ҳисобга олиб белгиланган. Юқори даромад мамлакат бўйича ўртача иш ҳақидан юқори бўлган соатбай иш ҳақи сифатида аниқланади.

Манба: Survey of Adult Skills (PIAAC) (2012, 2015), Tables A5.13, A5.14.
<http://dx.doi.org/10.1787/888932903633>

Биз мактабда олинган билимлар ҳаётимиз давомида ўзгармас бўлади, деб ҳисоблаган пайтларимизда, фан мазмуни бўйича ўқитиш ҳамда одатий қобилият ва кўникмаларга ўргатиш ҳаққоний равишда таълим мазмунининг асосини ташкил этарди. Бугун фан мазмунига қидириш тизимлари ёрдамида йўл топилаётган, эскирган когнитив вазифалар рақамлаштирилаётган ва аутсорсингга берилаётган бир пайтда, таълим мазмуни асосида узлуксиз таълим тамойили ётиши керак.

Узлуксиз таълим – бу контекст ўзгарганида ҳам доим ва қайта-қайта ўқиш. Узлуксиз таълим узлуксиз рефлексия жараёнини, олдиндан сезиш ва ҳаракат қилиш жараёнини кўзда тутди. Рефлексия қарор қабул қилиш, танлаш ва ҳаракат қилишда турли нуқтаи назарларни ҳисобга олиб, маълум ва қабул қилинган нарсалардан чекиниб, танқидий позицияни эгаллаш учун зарур. Олдиндан сезиш таҳлилий ва танқидий тафаккур сингари когнитив малакаларни келажақда нималар керак бўлиши ёки бугун бошланган ишлар қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан кўриш учун сафарбар қилади. Рефлексия каби олдиндан сезиш қобилияти ҳам масъулиятли ҳаракатларга тайёрлик, воқеалар ривожини шакллантира ва ўзгартира олишимизга ишонч пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшади. Компетенциялар мана шундай шаклланади. Шу боис замонавий мактаблар ўқувчиларга доим ривожланиш ва ўсишга, ўзгариб турадиган оламда ўз ўрнини топиш ва шакллантиришга ёрдам бериши керак¹⁰.

Бугун мактаб аввалги замонларга нисбатан тезроқ юз бераётган воқеа-ҳодисаларга, ҳали вужудга келмаган касбларга тайёрлаши, ҳали биз тасаввур ҳам қила олмайдиган ижтимоий даъватларга жавоб беришга, ҳали кашф этилмаган технологияларга ўргатиши керак. Мактаб ўқувчиларга дунёдаги ҳамма нарса ўзаро боғлиқ эканини англатиши, уларни турли нуқтаи назар ва қарашларни қабул қилиш ва қадрлашга, атрофдагиларга ҳурмат билан ва биргаликда самарали ҳаракат қилишга, муштарак фаровонлик ва тараққиёт учун жавобгарликни бўйнига олишга ўргатиши керак.

Таълим когнитив, эмоционал ҳамда ижтимоий кўникмаларни ривожлантира бориб, одамлар, ташкилотлар ва тизимларнинг омон қолишига ва эҳтимолки, кутилмаган тасодифлар шароитида ҳатто ўса боришига ёрдам бериши мумкин. Таълим инсонларнинг ҳамжамиятлари ва ижтимоий институтларга барқарорлик, мослашувчанлик ва қарор

қабул қилишда тезкорлик бахш этиши мумкинки, булар ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар жараёнида равнақ топиш учун зарурдир.

Албатта замонавий билимлар доим ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Инноваторлар ёки ижод кишилари, одатда, турли билим ёки фаолият соҳаларига тегишли ихтисослашган малакаларга эга бўладилар. Бу ҳам ўқишни ўрганиш каби муҳим, биз доим бу нарсага бирор нарсани тушуниб етиш жараёнида ўрганиб борамиз. Аммо таълимдаги муваффақият ҳозирда тўпланган билимларни қайта тиклашдан иборат эмас, у билган нарсамизни ҳаётга татбиқ этишни ва бу билимларни янги вазиятларда қўллашни кўзда тутати. Олимлар, файласуфлар ёки математикларга хос бўлган эпистемологик билим (юнонча *episteme* – билим, *logos* – таълимот; эпистемология қандай қилиб объект ҳақида билиш мумкинлигини ва у ҳақда ҳақиқий тасаввур ҳосил қилишни ўрганади) аниқ формулалар, исмлар, сана ёки жойларни билишга нисбатан устунликка эга. Шу сабабли бугунги мактаб таълими тафаккур услубларига (ижодий, танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва мулоҳаза юритиш билан биргаликда), иш инструментларига (янги технологиялар потенциалини аниқлаш ва ишлатиш қобилияти билан бирга) ва кўп қиррали оламда фаол ва масъулиятли фуқаролар каби яшаш қобилиятига анча кўпроқ эътибор қаратиши лозим¹¹.

Анъанавий мактабга хос ёндашув муаммоларни катта ва кичик бўлакларга бўлиш ва ўқувчиларни муаммоларни қисмларга бўлиб ҳал қилишга ўргатишдан иборат эди. Аммо замонавий жамиятлар турли билим соҳаларини синтез қилиб, илгари боғланмаган ғоялар ўртасида алоқа ўрнатиб қадрият яратади. Бу нарса ўз соҳасида яхши билимга эга бўлишни ва бошқа соҳадаги билимларга идрокли бўлишни талаб этади.

Бугунги мактабларда, одатда, ўқувчилар индивидуал тарзда ўқийдилар ва йил охирида биз уларнинг индивидуал ютуқларини баҳолаймиз ва тасдиқлаймиз. Ҳозирги пайтда инновация камдан-кам ҳолларда айрим кишиларнинг мустақил иши маҳсули, аксарият ҳолларда эса билимларимизни қай тарзда ишга солишимиз, қандай баҳам кўришимиз ва уларни қандай бирлаштиришимизнинг натижаси бўлади. Жамиятнинг фаровонлиги борган сари кўпроқ одамларнинг биргаликда ҳаракат қилиш қобилиятига боғлиқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун мактаблар яхшироқ бўлиши, ўқувчиларга замонавий ҳаётнинг хилма-хиллигини тушунишга ёрдам бериши керак.

Амалда ўқувчилар кўп вақтларини алоҳида парталарда ўтириб ўтказадилар, бирга дарс қилишга ажратилган вақт эса чекланган бўлади. Муаммоларни биргаликда ечиш кўникмаларини баҳолаш бўйича PISA – 2015 натижалари аниқланганида бу муаммо, айниқса, кўзга ташланиб қолди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ўрта ҳисобда 15 ёшли ўқувчиларнинг ҳар ўнтадан биттаси гуруҳларда ҳаракат қилишни кузатиш маҳоратини, бошқалар билан бирга ишлаганда дуч келадиган тўсиқлар ва ихтилофларни бар-тараф этишни талаб қиладиган масалаларни еча олган¹².

Маълум маънода битирувчи ўқувчиларнинг компетенциясига қўйилган талабларнинг ўзгариши ижтимоий ва эмоционал кўникмаларнинг ролини оширади. Бу – мақсадларга эришишда ҳар кун юзага келадиган вазият ва бошқалар билан ишлашда, шунингдек, ўз ҳис-туйғуларини бошқаришда қўлланиладиган кўникмалардир. Улар мақсадга эришишда қатъиятли, ҳамдард бўла олиш қобилияти, диққат-этиборни жамлаш хусусиятини сақлаб қолиш, ахлоқ этикаси, қарор қабул қилишда қатъиятли бўлиш ва раҳбарлик хусусиятларини ўз ичига олади. Энг яхши мактабларнинг кўпчилигида бу хусусиятларни ривожлантириш мажбурий дастурнинг бир қисми эди. Аммо кўпчилик ўқувчилар учун мактабда феъл-атворнинг шаклланиши – бу ўқитувчининг энг муҳим вазифасига айланган ёки айланмаганига боғлиқ бўлган омаднинг ишидир. Бугунги кунда ўқувчи шахсини камол топтиришни ўз ўқув дастурининг ажралмас қисмига айлантирган бундай таълим тизимлари жуда кам.

Ўз навбатида, ижтимоий ва эмоционал компетенцияларни ривожлантириш ҳаётнинг хилма-хиллиги ҳақидаги ўқувчилар тасаввурини ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади. Улар ўқувчиларга кўпчилик кишилар бошқаларнинг ғоялари, фикрлари ва қадриятларига ҳурмат билан қарайдиган турлича маданиятга эга кишилар билан ҳамкорлик қилиш маҳоратини оширишга ёрдам берадиган, технологиялар ёрдамида макон ва замондан ғолиб келишга ўргатадиган оламда яшаш ва ишлашга ёрдам беради. Келажак дунёси – бу шундай дунёки, бунда ҳаёт давлат чегараларидан ташқарига чиққан масалаларга боғлиқ бўлади. Самарали коммуникация ва турли жамоа аъзоларининг муносиб хулқ-атвори ҳам инсон фаолиятининг кўплаб жабҳаларида муваффақият калитидир. Ва бу тенденция сақланиб қолади, чунки технология одамлар учун халқаро муносабат имконини

осонлаштиришда давом этипти. Иш берувчилар кўпинча осон мослашадиган ҳамда ўз билим ва кўникмаларини янги фаолият контекстида қўллай оладиган битирувчиларни ишга олади. Ўзаро боғлиқ дунёда ишлашга тайёрлик ёшлардан турли маданият ва анъаналарнинг вакиллари билан бирга ишлаш учун глобаллашув ва шаффофликнинг мураккаб динамикасини тушунишни талаб этади.

Ўзаро маданий алоқалар одамлардан турли миллатларнинг келиб чиқиши, уларнинг урф-одатлари ҳақида билимга эга бўлишни талаб этади. Ўз навбатида, бу ўзимизга ўхшамайдиган одамларга нисбатан чуқур ҳурмат ва қизиқишни, шунингдек, воқеликка турлича қарашлар, турлича тушунишларни қабул қилганимиздек, ўзгаларнинг фикрини ҳам қабул қилишни кўзда тутати. Бошқа одамнинг позицияси ёки этиқодини тан олиш у билан ҳамжиҳат эканлигини билдирмайди, бироқ оламга турли нуқтаи назарлардан қараш, ўз қарашларига танқидий муносабатда бўлиш ва теран ўйланган қарор қабул қилиш имконини беради. Таълим тизимини яратишда кишилик маданияти ранг-баранглигини инобатга ололмас эканмиз, биз уни жиддий номукамалликка маҳкум этамиз. Гап шундаки, бугунги воқеликлар шу қадар бир-бирига боғланганки, сунъий чегаралар барпо этишнинг иложи йўқ.

Ўқувчиларнинг когнитив, ижтимоий ва эмоционал қобилиятларини камол топтиришда асосий қийинчилик ўқитиш ва ўргатишга бутунлай бошқача ёндашув ҳамда ўқитувчиларни тайёрлашга алоҳида талабларни ишлаб чиқиш зарурати борлигидадир. Педагогик иш тайёр билимларни етказиб беришни кўзда тутганида, мамлакатлар таълим сифатининг паст бўлишига йўл қўйиши мумкин. Ўқитувчиларни тайёрлаш сифати юқори бўлмаса, одатда, ҳукумат исталган натижани олиш учун меҳнатни ташкил этишда индустриал ёндашувни қўллаб, ўз ўқитувчиларига нима қилиш ва қандай қилиш кераклигини буюради. Бугунги бирламчи вазифа – ўқитишни илғор билимларга эга, юқори даражадаги касбий мустақиллик билан ҳамкорлик маданияти шароитларида ҳам ишлайдиган профессионалларнинг ишига айлантиришдир. Бундай ўқитувчилар чуқур билим, юксак муомала маданиятига эга, ўзлари ўқиб-ўрганишга, инновацион лойиҳалар яратишга қодирдирлар, улар – ўзгаришларнинг раҳнамолари, қайсидир маънода, жамиятнинг қурувчиларидир.

Аммо бундай кишилар меҳнатни илмий ташкил этиш назариясига асосан бошқариладиган ва чексиз ҳисобдорлик ҳамда қоғозбозликнинг маъмурий шакллари асосида иш юритадиган мактабларда худди алмашилиб турадиган ахлоқларга ўхшаб ишламайдилар. Мутахассисларни жалб қилиш учун ҳозирги замон мактаблари ўз фаолиятини ташкил этишни шундай ўзгартириши керакки, бунда касбий нормалар қоғозбозлик ва маъмурий назорат шакли билан алмашинади. Агар авваллари заковат авлоддан авлодга ўтган бўлса, келажакда заковат билимларни ишлатиш жараёнида юзага келади.

Ўтмишда ҳам тақсимот тамойили тантана қиларди: ўқитувчилар ва таълим мазмуни фанлар бўйича тақсимланар, ўқувчилар эса келажакда кутилган хизмат пиллапояларидан кўтарилиш истиқболлари бўйича бўлинарди. Мактаблар бошқа оламни ташқарида қолдириб, ўқувчиларни ичкарида ушлаб туришга мўлжалланган бўлиб, оилалар билан ҳамкорлик қилинмас, шунингдек, бошқа мактаблар билан ҳамкорлик қилишни истамасликлари сезилиб қолган эди. Келажак интеграцияни – фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаракатига урғу беришни кўзда тутди. Келгусидаги таълим жараёни реал дунё ва ҳозирги замон муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши, у яна илм олишга ёрдам берадиган уюшмаларнинг барча очиқ имкониятларига таяниши керак. Ахир самарали ташкил этилган ўқув муҳити жамиятнинг касбий, ижтимоий ва маданий капиталини мустаҳкамлашнинг янгидан-янги ресурсларини топишга имкон яратди. Келажак мактабларининг билим бериш муҳити оилалар ва инсонларнинг бошқа гуруҳларини олий таълим тизими, бизнес вакиллари ва айниқса, бошқа мактаблар ва ўқув шароитлари билан бирлаштиради. Гап инновацион шерикликни вужудга келтириш ҳақида бормоқда. Мураккаб ўқув тизимлари оламидаги яққаланиш алоҳида ўқувчининг ҳам, бутун бир жамиятнинг ҳам ривожланиш потенциалини жиддий тарзда чеклаб қўяди.

Ўтмишда кўргазмали таълимга амал қилинарди, келгусидаги таълим кўпроқ лойиҳалаш ва фаолиятга асосланган бўлиши керак. Бунинг негизида ўқувчиларга фанлар чегарасидан ташқарида фикрлашга кўмак берадиган тажрибани шакллантириш ётади. Ўтмиш иерархияга – қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунishiга асосланган эди. Келажак горизонтал алоқалар

билан тўлдирилган бўлиши керак, ўқитувчи ва ўқувчилар ўқув жараёнида ҳаммуаллиф ва ҳамфикрга айланишлари лозим.

Ўтмишда ҳаммани бир хилда ўқитишарди, келгусида эса мактаблар хилма-хилликни, таълимга дифференциал ёндашувни рағбатлантириши лозим. Ўтмишда таълимнинг асосий вазифаси стандартлаштириш ва мутаносиблик эди: ўқувчилар ягона стандарт дастурга биноан ёшига кўра гуруҳларга бўлиниб таълим оларди ва бир вақтнинг ўзида баҳоланарди. Келгусида таълим ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига, ўқув жараёнини ихтисослаштиришга асосланган бўлиши керак, баҳолаш эса ўқувчи шахсияти ва иқтидорини ривожлантиришга кўмаклашадиган усулларда олиб борилиши лозим. Келгусидаги таълим ўқувчиларни кашфиётчилик ва топқирликка рағбатлантириши зарур.

Мактаб одамлар ўз ҳаётининг турли давларида турлича ўқишларини яхши тушуниши керак. Мактаб ҳар хил таълимий эҳтиёжларга эга болаларни ўқитишга яхшироқ имкон яратадиган ва уларнинг юқори даражада ривожланишини рағбатлантирадиган янгича таълимий ёндашувларни яратиши зарур. Ўқитиш жойга эмас, услуб ва мазмунга боғлиқ.

Ўтмишда мактаблар технологик “ороллар” бўлиб, бунда технологиядан фойдаланиш кўп ҳолларда мавжуд ўқув фанларини ўқитиш амалиётларига кўмаклашиш билан чекланган эди, ўқувчилар эса технологияларни ўзлаштириш бўйича ўқитувчилардан анча-мунча ўзиб кетганди. Бугун мактаблар эски услублардан қочиш учун бор технологик потенциалдан фойдаланиши, ўқувчиларга тушуниш ва билимлар манбаига кириш, шунингдек, инновацион иловалар орқали бир-бири билан боғланишнинг янги усуллари тақдим этиши керак.

Аввалги таълим стандартларида асосий эътибор таълим жараёнини таъминлашга қаратилган эди, ҳозирги замонавий стандартлар натижаларга қаратилиши керак. Бундай ўзгариш бюрократик механизмлар орқали амалга ошириладиган “юқоридан пастга” бошқарувидан ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир мактаб, ҳар бир таълим тизимининг қарашларини ҳисобга оладиган “ичкаридан ташқарига” бошқарувига ўтишни кўзда тутди. Авваллари маъмурият, асосан, мактабни бошқариш билан шуғулланарди, ҳозир унинг асосий эътибори ўқитувчига қаратилиши, уни қўллаб-қувватлашга, баҳолаш ва ривожлантиришга, юқори малакали профессионалларни яратишга йўналтирилиши ло-

зим. Мактаб таълимнинг инновацион шароитларини ишлаб чиқадиган жойга айланиши керак. Ўтмишда биз таълим сифатини назорат қилиш билан чекланардик, келгусида биз таълим сифатини таъминлашимиз керак.

Муаммо шундаки, таълим тизимидаги бундай ўзгаришлар давлат томонидан маъқулланмайди. Бу ўзгариш (трансформация) мутлақо йўқдан бошланмаслиги керак. Акс ҳолда бу фақат янги талабларга юзаки риоя қилишга олиб келади.

Ҳукумат инновацияларни ҳар бир синфга жорий қила олмайди, бироқ у ислохотлар мазмунини белгилашга ва таълим жараёнида иштирок этаётган кишиларга етказишга ёрдам бериши ҳамда XXI аср таълими ҳақидаги ўз тасаввурини аниқ ифодалаши мумкин. Мамлакат раҳбарияти таълимни ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнайди. У платформа ишлаб чиқади, у бош воситачи, тезлаштирувчи омил ва ижроқилар. У манбаларни йўналтиради, қулай ислохотчилик иқлимини яратади ва мажбурий ҳисобдорликдаги ўзгаришлар орқали янги амалиётларни жорий қилишни рағбатлантиради.

Таълим институти ўзгаришларнинг потенциал драйверларини янада самарали аниқлаши, уларни эҳтиёт қилиши, ўзлари тарғиб қилаётган инновациялар кўламини кенгайтириши ва татбиқ этишга тез мослашувчи ёндашувларни излаб топиши керак. Бошқача айтганда, янги ғояларнинг пайдо бўлишини рағбатлантирадиган энг яхши педагогик амалиётларни жорий этишнинг янгича усуллари излаб топиши, педагог-новаторларни тан олиш ва рағбатлантириш учун имкониятлар яратиши, уларга тажриба-синов учун қулай шароитни таъминлашда мумкин бўлган ҳамма нарсани қилишга ҳаракат қилиши керак. Илгари давлат таълим тизими хусусий таълим муассасалари ва ташаббусларга қарши қўйилар эди, келажак эса уларнинг яқин ҳамкорлигини кўзда тутди.

Бундай даъватлар ҳар қандай одамни гангитиб қўйиши мумкин, аммо ҳозирги пайтда кўплаб таълим тизимлари аллақачон нафақат ажратиб қўйилган қуйи тизимларда, балки бутун мамлакат миқёсида фойдаланиладиган ўз новаторлик ечимларини излаш йўлида турибди.

Илҳом излаб сарҳадлар ортига назар

Ҳайдовчи ҳақида шундай нақл бор: у қоронғи кечада машинаси ёнига қайтаётиб, калитни қаергадир тушириб қўйганини пайқаб қолади. У калитни кўча чироғи остидан излайди, ундан калитни йўқотган жойингиз шу ерми, деб сўрашганида, ҳайдовчи, кўриш мумкин бўлган ягона жой шу, деб жавоб беради. Худди шундай таълимда ҳам чуқур илдиз отган тажриба – ҳамма нарсадан яқин турган ва ҳамма нарсадан кўриш осон бўлган объектга эътибор қаратиш тажрибаси мавжуд. Эҳтимол, кўриниб турган нарса – қидириш учун яхши соҳа эмасдир, аммо бу соҳада тушунарли саволлар ва топса бўладиган жавоблар бор. Масалан, биз кўп ҳолларда муҳимроқ параметрларни баҳолаш ўрнига таълимдаги ўсишни ўлчаш осон бўлган нарсага асосланиб ўлчаймиз. Таълим ҳақидаги анъанавий баҳс-мунозаралар кўпинча миллий тизим натижаларини бошқа мамлакатларнинг ютуқлари билан қиёслашга эмас, мамлакат ёки ҳудуддаги аҳволни акс эттирадиган маълумотга асосланган.

Глобаллашув иқтисодиёт, меҳнат шароити ва кундалик ҳаёт тарзига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган бир пайтда таълим ўта ёпиқ тизимлигича қолмоқда. Таълим тизимлари, ўз одатларига кўра, ўқитувчилар, мактаблар ва тизимнинг ўзини ҳамкорликдаги таълимдан ажратиб қўядиган тўсиқни пайдо қилади. Мактабдаги жараёнларни ташкил этиш усуллари, худди ахборотлар оқимини бошқариш каби, ўқитувчилар ва таълим ташкилотлари ўртасидаги билимлар алмашинувини қийинлаштириши мумкин. Таълим тизимини бошқарадиган шахслар тизимнинг кучли ва заиф томонлари тўғрисидаги маълумотларни билишга имконлари бўлгани ҳолда таълим хизматини тақдим этаётган шахслар – директорлар, ўқитувчилар бу билимларни самарали ўқитиш услубида қандай қўллашни кўпинча билмасликлари ёки била туриб, бундай қилишни рад этишлари мумкин.

Бундай тўсиқлар турли мамлакатлар таълим тизимини бир-биридан ажратиб қўяди – уларда четда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган таълим сиёсатини ўрганиш имкониятлари жуда кам. Бошқача айтганда, бошқа мамлакатларнинг методик ва педагогик тажрибаси амалда ишлатилмайди. Таълим соҳасининг яна ахлоққа оид таркибий қисми ҳам борки, у муқобил сиёсатчи ва амалиётчилар билан тажриба-синов ўтказиш учун ишлатилади, чунки улар мавжуд ёшларнинг ҳаёти ва келажагига таъсир қилади.

Мана нима учун халқаро қиёсий тадқиқотлар муҳим. Улар жаҳон миқёсидаги лидер мамлакатларнинг натижалари мисолида таълим сифати, имконияти ва самарадорлигига қай даражада эришиш мумкинлигини кўрсата олади. Улар таълим сиёсатини белгилайдиган шахсларга кўмаклашишга, ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлар асосида мақсадли мўлжалларни белгилашга ва турли таълим тизимлари ўхшаш муаммоларни қандай уддалашини яхшироқ тушунишга ёрдам беришга қодир. Эҳтимол, ўз таълим тизими ҳақида янада тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш, тизимининг кучли ва заиф томонларини аниқлашга халқаро тажрибаларнинг имкон яратиши муҳимроқдир. Таълим тизимини ўзгартириш ва яхшилашдан олдин уни чуқур ва изчил ўрганиш зарур.

Халқаро тадқиқотлар, шунингдек, таълимни ривожлантиришда ўзгаришлар динамикасини ҳам аниқлайди. Биз буни Қўшма Штатлар ва Жанубий Корея мисолида кўриб чиқамиз. 1960 йилларда АҚШда мактабни муваффақиятли тугатган ёшлар сони жуда кўп эди¹³. АҚШ нафақат иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли мамлакат эди, балки оммавий умумтаълим мактабларида ўқиш ҳуқуқини тақдим этиш асосчиси бўлган давлат сифатида таълим соҳасида ҳам етакчи эди. Умумтаълим мактабларига киритилган бу инвестициялар мамлакат иқтисодий муваффақиятининг гарови бўлди.

Аммо 1970–1980 йилларда бошқа мамлакатлар АҚШдан ўзиб кета бошлади. 1990 йилларга келиб мактаб битирувчиларининг кўрсаткичлари бўйича АҚШ биринчи ўриндан ўн учинчи ўринга тушиб қолди. Гарчи бугунги кунда Қўшма Штатлар аввалгидек мактаб аттестатига ҳам, университет дипломига¹⁴ ҳам эга бўлган 55–64 ёшлилар гуруҳининг натижалари бўйича кўпчилик мамлакатлардан анча олдинда бўлса ҳам, бирмунча ёш гуруҳлар ичида юқори натижаларга эришган битирувчиларнинг улуши пасайиб, ўртача кўрсаткичга яқинлашди. Бунда Қўшма Штатларнинг таълим кўрсаткичлари шиддат билан орқага қайтмади-ю, лекин ривожланиш динамикасини сақлаб қоллолмади. Шу боис борган сари кўпроқ мамлакатлар АҚШнинг ўртача таълим даражасидан ўзиб кета бошлади.

Аксинча, 1960 йилларда Жанубий Корея турмуш даражасини бугунги Афғонистоннинг турмуш даражаси билан қиёсласа бўлар, мамлакат жуда паст таълим даражасига эга эди. Ҳозир Жанубий Кореяда мактабни муваффақиятли тугатган ўсмирлар улуши энг юқори¹⁵. Жанубий Корея ўзини юқори технологияли иқтисодиётга эга мамлакатга

айлантирди ва бунга таълим тизими мустаҳкам асос бўлди. Жанубий Корея ва Шарқий Осиё мамлакатлари мактабларининг юқори даражадаги ўзлаштириши турмуш даражаси пастлигидан кўп нолийдиган ўқувчиларни ўйлантириб қўйганлиги ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Аммо PISA тадқиқотининг охириги баҳолаш натижаларига кўра Эстония, Финляндия, Нидерландия ва Швейцарияни қўшганда баъзи юқори самарадорликка эга таълим тизимлари яхши таълим натижаларига эришган, шу билан бирга, ўқувчиларнинг турмушдан қониққанлик даражасининг юқорилиги сақланиб қолган, бошқача айтганда, Шарқий Осиё мамлакатлари ҳам ҳаракат қилишса бўлади.

Албатта, халқаро баҳолашнинг ўз қийинчиликлари ҳам бор. Тестларнинг ишончлилиги жиддий вазифадир. Ютуқларни баҳолаш мезонлари миллий миқёсда аҳамиятли бўлмоғи ва мамлакатлар ўртасида қиёслашлар ўтказиш имконини яратмоғи лозим. Қиёслаш натижаларини олиш учун баҳолаш бир хил шароитларда ўтказилиши керак. Бунинг ўрнига сиёсатчилар ва амалдорлар, одатда, натижалардан муқобил ривожланиш имкониятларини ўрганиш учун эмас, мавжуд сиёсатни қўллаб-қувватлайдиган инструмент сифатида танлаб фойдаланади.

2016 йилнинг декабридан бир оз олдин PISA тадқиқотининг сўнги баҳолаш натижалари эълон қилинганида, кўпгина мамлакатларнинг вакиллари PISA рейтингларида қандай кутилмаган янгиликлар бўлишини билиш учун менга мурожаат қилишди. Таълим сифати ва шаффофлиги аниқ бир мақсадга қаратилган, чуқур ўйланган ва мунтазам олиб бориладиган ишнинг натижасидир. PISA маълумотлари баъзи таълим тизимларининг тез яхшиланиб бораётганини кўрсатади. Ҳатто натижаларни геохронологик даврдан кам бўлмаган даврда яхшилаш мумкин, деб таъкидлайдиган ёки мамлакатларнинг рейтингдаги нисбий ҳолати кўпроқ ижтимоий ва маданий омилларни акс эттиради, дейдиган кишилар ҳам мактаб тизимини яхшилаш мумкинлигини тан олишлари керак. PISA тадқиқотидан олишимиз керак бўлган энг яхши сабоқ шундан иборатки, кўплаб тафовутларга қарамай, энг яхши мактаблар ва илғор таълим тизимлари маданий, миллий ва тил чегараларидан четга чиқадиган қандайдир ўхшаш параметрларга эгадир. Мана нима учун таълимни глобал нуқтаи назардан ўрганса арзийди.

Ўзимизга савол берадиган пайт келди: дунёнинг энг илғор мактаб тизимларидан нимани ўрганишимиз мумкин? Уларнинг тажрибаси бошқа мамлакатлардаги ўқувчилар, ўқитувчилар ва мактаб директор-

ларига қандай ёрдам бера олади? Таълим сиёсатини белгилайдиган шахслар асослироқ қарорлар қабул қилишда ўхшаш муаммоларга дуч келаётган мамлакатлар тажрибасидан қандай сабоқ олиши мумкин? Нима сабабдан, ҳатто халқаро тажриба бор бўлганида ҳам, улардан фойдаланиш ва айнан шу хатоларни такрорлашдан тўхташ шу қадар қийин? Бу саволлар ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Энди бу саволларни кўндалангига қўйиш ва уларга жавоб топиш пайти келди.



2. АФСОНАЛАРНИ ФОШ ЭТИШ

PISA тадқиқотига ўхшаш халқаро тадқиқотлар мамлакатларнинг бошқа мактаб тизимлари билан қиёслагандаги натижаларини акс эттирадиган ўзига хос ойнадир. Улар яна таълим натижаларини яхшилашга ҳалақит бериши мумкин бўлган кўплаб хато фикрларни аниқлаш ва ошкор қилишга ҳам имкон яратади.

Камбағаллар мактабда ҳар доим ёмон ўқийди, муҳтожлик – бу қисмат

Ўқитувчилар бутун дунёда баъзи ўқувчилар оиласининг яшаш шароити билан боғлиқ ночор аҳволни бирмунча тиклашга уринишларига қарамай, муҳтожлик – бу қисмат эканига ишончи комил бўлган кишилар мавжуд. PISA натижалари бу хато фикр эканини ва бола мансуб бўлган ижтимоий синф ҳамда у ўқишда ва кейинчалик – ёши улғайганида қай даражада омадли бўлиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ эканини кўрсатади.

Бундан иккита хулоса келиб чиқади. Бир томондан, PISA дастурида қатнашаётган барча мамлакатларда ўқитиш натижалари ўқувчилар ва мактабларнинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ ва бу жиддий муаммодир¹. Иккинчи томондан, ижтимоий келиб чиқиш ва ўқитиш натижаларининг сифати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси ёмон натижалар кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчилар учун муқаррар эмаслиги исботланиб, таълим тизимига боғлиқ ҳолда тубдан ўзгаради.

2012 йилда PISA масалаларини ечишда Шанхайнинг кам таъминланган оилаларидан чиққан 15 ёшли ўқувчиларнинг 10 фоизи математикадан АҚШ ва бошқа кўпчилик мамлакатларнинг бадавлат оилаларидан чиққан 15 ёшли ўқувчиларнинг 10 фоизидан кўра яхшироқ натижаларни кўрсатди². Худди шундай PISA – 2015 тадқиқотидаги баҳолашда Эстония ва Вьетнамнинг энг ночор оилаларидан чиққан ўқувчиларнинг 10 фоизи Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичи каби натижани кўрсатди (1.1 диаграммага қаранг).

Модомики Эстония, Шанхай, Вьетнамда энг ночор оилалардан чиққан ўқувчилар ғарб давлатлари ўртача ўқувчиларининг натижалари қандай бўлса, ўшандай натижани кўрсата олган экан, нега энди ғарб давлатларининг энг камбағал болалари бундай ютуқларни намойиш қила олмас экан?

Ўхшаш ижтимоий-иқтисодий яшаш шароитларига эга оилаларнинг болалари қайси мактабда ўқиётганликлари ёки қайси мамлакатда яшаётганликларига боғлиқ ҳолда ўзлаштиришда каттагина тафовутни намойиш қилади. Ночор оилалардан чиққан ўқувчилар муваффақиятга эришаётган мамлакатларда ижтимоий тенгсизлик моҳирлик билан юмшатилади. Истеъдодли ўқитувчилар энг оғир синфларда ишлашга жалб этилади. Бир мунча қобилиятли раҳбарлар эса анча ёмон аҳволдаги мактабларга тайинланади. Шу билан бирга, педагогларга ютуққа эришишлари учун зарур ёрдам кўрсатилади. Бу мамлакатларда юқори стандартларни қўллашади. Ва барча ўқувчилар ўрнатилган талабларга жавоб беришига ҳаракат қилишади, қайси ижтимоий гуруҳга мансублигидан қатъи назар ўқувчилар ўзларига энг қулай усулда энг юқори самарадордик билан ўқишларига имкон берадиган услублардан фойдаланишади.

Ҳамма давлатларда беқиёс иқтидорга эга ўқувчилар бор, аммо фақат бир неча мамлакатлардагина кўпчилик ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда. Чунки бу мамлакатларда уларга шундай шароит яратиб берилган. Тенг таълим имкониятларини тақдим этиш фақат ижтимоий адолат талаби билан қабул қилинган эмас, бу – ресурслардан фойдаланиш ва фуқароларнинг жамият раванқига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган иштиёқидан фойдаланиш усулидир. Пировардида, жамиятнинг ҳимоясиз қатламларига мансуб болаларни қандай тарбиялаётганимиз бизнинг жамият сифатида ким эканимизни белгилайди.

Баъзи бир америкалик танқидчилар таълимни халқаро даражада қиёслашнинг аҳамияти чекланган, деб ҳисоблашади, чунки ноқулай ижтимоий шароитда яшаётган ўқувчиларнинг ғоят кўп қисми Қўшма Штатларга тўғри келади. Лекин Қўшма Штатлар аслида бошқа мамлакатларга қараганда кўпгина ижтимоий-иқтисодий устунликларга эга. АҚШ бошқа мамлакатлардан кўра бойроқ ва таълимга кўпроқ маблағ сарфлайди, катта ёшдаги кишилар бошқа кўп давлатлардаги тенгдошларидан кўра юқори билимга эга, бу, ўз навбатида, уларнинг болалари учун устунликдир. Ночор оилаларга мансуб ўқувчиларнинг улуши эса Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич қандай бўлса, деярли шундайдир.


PISA тадқиқотининг ўтган даврлари Қўшма Штатларда ноқулай ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўқувчиларнинг ўзлаштиришига кўпроқ таъсир қилишини кўрсатди. Бошқача айтганда, Қўшма Штатларда турли ижтимоий-иқтисодий қатламлардан чиққан икки ўқувчининг таълим натижалари, одатда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда кузатилганидан кўра анча катта фарқ қилади.

Лекин айнан шу ерда тадқиқотнинг асосий топилмаси яширинган: Қўшма Штатларнинг PISA натижалари ҳаётда нотенг имкониятларга ва ижтимоий мобилликнинг пасайишига олиб келадиган мактаб таълими натижаларидаги чорасиз тенгсизликдан қандай қутулиш мумкинлигини кўрсатади.


2006 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда Қўшма Штатларда ижтимоий келиб чиқиш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириши ўртасидаги боғлиқлик PISA тадқиқотида иштирок этаётган бошқа ҳар қандай мамлакатдагига нисбатан кўпроқ сусайди. Ўйлаб кўринг, 2006 йилда 15 ёшли энг қашшоқ америкаликларнинг ҳар бешинчиси табиий фанлардан энг яхши натижаларга эриша олди. 2015 йилда бунини ҳар учинчи ўқувчи уддалади. Шундай қилиб, ижтимоий ҳаракатчанлик ҳақидаги америкача орзунини ҳаётга татбиқ этишга қодир ўқувчилар улуши 10 йил ичида 12 фоизга ўсди. Ҳатто ўқувчилар – турли ижтимоий синф вакиллари ютуқлари ўртасидаги тафовут сақланиб қолган бўлса ҳам, бу маълумотлар нафақат яхшиланиш, балки унга қанчалик тез эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатади (2.1 диаграммага қаранг).

2.1. ДИАГРАММА

НОҚУЛАЙ ИЖТИМОЙ АҲВОЛДА ЯШАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИШИ ВА ДУНЁДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШИ МУМКИН.



Изоҳ. Биз ноқулай ижтимоий аҳволда яшаётган ўқувчилар ҳақида гапиряпмиз: уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми PISA индексининг қуйи чорагида турибди, аммо улар намоиш қилган натижалар барча мамлакатларнинг ўқувчилари орасида биринчи чоракка киради (ижтимоий-иқтисодий мақомни ҳисобга олганда).



Ушбу ўқувчилар улушида 2006 ва 2015 йиллар ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқ мамлакат/худуд номи билан ёнма-ён берилган. Фақат статистик аҳамиятга эга фарқлар келтирилган.

Мамлакатлар ва иқтисодиётлар ушбу ўқувчиларнинг 2015 йилдаги фоизининг камайиб бориши тартибида жойлаштирилган.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table 1.6.7.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432860>

PISA тадқиқоти тўғрисида асосий маълумот

Математика, ўқиш, табиий фанлар ва қатор инновацион соҳалар бўйича халқаро даражада мувофиқлаштирилган топшириқлар тўплами PISA тадқиқоти баҳолашининг асосидир. Бундай баҳолаш ҳар уч йилда иштирокчи мамлакатларнинг 15 ёшли ўқувчилари ўртасида тасодифий танлов асосида ўтказилади. Қиёслаш нуқтаси сифатида 15 ёш танлаб олинган, чунки у мактаб таълими маълум даражада умумий таълимлигича қоладиган сўнгги босқични ифодалайди.

PISA дастури 16 ёшдан 65 ёшгача бўлган инсонлар ўртасида ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик ҳамда ахборот коммуникация технологияси (АКТ) соҳасидаги билимларни ўлчайдиган PIAAC дастури билан чамбарчас боғлиқ.

Мактаб тизимлари ҳаётда муваффақият қозониш учун қай даражада самарали пойдевор қуришганини PISA аниқласа, PIAAC бирламчи кўникмалар кейинги ўқиш давомида қандай ишлатилиши, одамлар фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий натижаларига ҳамда уларнинг касбий бандлигига қандай таъсир қилишини баҳолайди.

PISA фанларга оид билимларни, шунингдек, ўқувчиларнинг шу билимларни ҳатто нотаниш контекстда ҳам ижодий қўллаш қобилиятини баҳолайди.

Тадқиқотнинг таянч схемаси биринчи марта PISA тадқиқотининг бир даври натижаларини иккинчи даври натижалари билан қиёслашни таъминлаш учун 2000 йилда фойдаланилганидан буён ўзгармас бўлиб қолди. Бу мамлакатларга таълим сиёсатидаги ўзгаришларни ва вақт ўтиши билан натижаларда юз бераётган яхшиланишни боғлаш имконини берди.

Баҳолаш материалларининг маданият ва тил кўламини ҳамда мувозанатлиликни таъминлаш учун анча-мунча куч сарфланади. Материалларни ишлаб чиқиш, таржима, мактабларни танлаб олишга тайёргарлик кўриш, маълумотларни тўплашда сифатни таъминлашнинг жиддий механизмлари қўлланилмоқда.

PISA тадқиқоти – бу жамоавий иш. Иштирокчи мамлакатларнинг экспертлари PISA тадқиқотининг қамраб олинган соҳалари ҳамда хусусияти, тўпланган умумий характерга эга маълумотлар ҳақида қарор қабул қиладилар. Ҳукуматлар ҳамкорликда эришилган келишувларга таяниб, бу қарорлар устидан назорат ўрнатадилар.

Мактаб самарадорлигининг умумий кўрсаткичларини иммигрантлар пасайтиради

Кейинги йилларда минглаб мигрант ва қочоқлар, шунингдек, сон-саноқсиз болалар, Европада хавфсиз ва яхшироқ яшаш умидида довулли денгизлар ва тиканли сим тўсиқларни енгиб ўтдилар. Бизнинг мактаблар турли маданият вакиллари билан ҳамкорлик қилишга қодир ва бунга истак билдираётган одамлар яшаётган оламда иммигрант ўқувчиларнинг жамиятга қўшилишига ёрдам беришга, барча ўқувчилар ҳаётда ўрнини топишга тайёرمи? Кўп инсонлар буни имконсиз, деб ҳисоблайдилар.

Аммо мана нима ҳақда ўйлаб кўришингиз керак: PISA натижалари иммигрант ўқувчилар улуши ва у ёки бу мамлакат ўқувчилари улушининг умумий ўзлаштириши орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлагани йўқ (2.2 диаграммага қаранг). Ҳатто ўхшаш миграцион тарих ва тажрибага эга ўқувчилар турли мамлакатларда анча тафовутли ўзлаштириш даражасини намоиш қиладилар. Улар миграциягача олган таълим аҳамиятга эга, бироқ мигрантлар кўчиб борган жой уларнинг билим даражасига анча катта таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашга асос бор. Масалан, Нидерландияда яшаб, араб тилида сўзловчи иммигрантларнинг болалари ўша мамлакатлардан Қатарга кўчиб келган иммигрантларга қараганда, ҳатто улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларни ҳисобга олгандан кейин ҳам, табиий фанлар саводхонлиги бўйича 77 балл ортиқ балл тўплашган (бу мактабда ўқишнинг икки йилига тенг). Шунингдек, Данияга кўчиб борган тенгдошларидан ҳам 56 балл ортиқ тўлаган.


Хитойда туғилган ўқувчилар бошқа мамлакатга кўчиб бориб, маҳаллий аҳоли ичидаги тенгдошларига нисбатан кўпроқ ютуққа эришмоқдалар. Гарчи борган жойи ҳам аҳамиятли бўлса-да, бу амалда улар бориб яшаётган барча мамлакатларга тааллуқли. Австралияда биринчи авлод хитойликлар австралиялик тенгдошлари каби 502 балл тўплашган. Аммо иммигрантларнинг иккинчи авлоди 592 балл тўлаган. Бу мактаб дастури бўйича уларнинг австралиялик тенгдошларидан икки йилга ўзиб кетганига тўғри келади. Бошқача айтганда, ижтимоий келиб чиқиши жипслашган жамоа каби таъсир уйғотадиган бу иммигрант ўқувчилар Австралияда туғилган болалардан кўра, ҳатто ижтимоий-иқтисодий мақомни ҳисобга олганда ҳам, Австралия мактаб тизимидан кўпроқ наф олишди.


2.2. ДИАГРАММА

ЎҚУВЧИ-ИММИГРАНТЛАР СОНИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАМЛАКАТ БЎЙИЧА ЎРТАЧА ЎЗЛАШТИРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭМАС.

ЎРТАЧА БАЛЛ

Табийий-илмий саводхонлик бўйича тадқиқот натижалари ва иммигрант-ўқувчилар фоизи





Манба: Source: OECD, PISA 2015 Database, Table 1.7.3.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432897>

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда иммигрант ва маҳаллий ўқувчиларнинг таълим натижалари орасидаги тафовут 2006–2015 йиллар мобайнида қисқарди. Бу қисқариш Бельгия, Испания, Италия, Португалия ва Швейцарияда айниқса сезиларлидир³. Масалан, Португалияда иммигрант бўлмаган ўқувчиларнинг натижалари атиги 25 балга ошган бир пайтда, иммигрант ўқувчилар бу давр ичида табиий фанлардан ўз кўрсаткичларини 64 балга оширдилар, бу қарийб икки ўқув йилига тенг.

Италияда иммигрант ўқувчилар табиий фанлардан ўз натижаларини 31 балга яхшиладилар. Испаниядаги иммигрант ўқувчиларнинг натижалари 23 балга яхшиланди, айна пайтда ҳар икки мамлакатдаги иммигрант бўлмаган ўқувчиларнинг кўрсаткичлари ўзгармади. Бу давлатларнинг ҳеч бирида иммигрантлар орасида юз берган демографик ўзгаришлар бу яхшиланишларни тушунтириб бера олмайди. Масалан, Италия ва Испанияда ота-оналари маълумотли бўлган ўқувчи-иммигрантларнинг улуши 2015 йилда 2006 йилдагига қараганда 30 фоизга пасайди.

Динамика иммигрант ўқувчиларга ўз билимларини амалда қўлашга ёрдам берадиган қонун ва амалиёт даражасида анчагина имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Инвестицияларни оширгандагина таълимда ютуқларга эришиш мумкин


Ўз фуқароларининг самарали ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мамлакатлар таълимга сармоя киритишлари зарур. Аммо таълимга бевосита инвестиция киритишни ошириш таълимнинг автоматик равишда яхшиланишига олиб келмайди.

Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган битта ўқувчига 50 минг АҚШ долларида камроқ пул сарфлаётган мамлакатлар учун PISA бир ўқувчига сарфланган харажатлар ва таълим натижалари даражаси ўртасидаги мустаҳкам ўзаро боғлиқликни кўрсатади. Аммо ушбу харажатлар даражасидан ошиб ўтган мамлакатларда, шунингдек, кўпчилик Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда, бир ўқувчига сарфланган харажатлар билан ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириши ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқ (2.3 диаграммага қаранг).

2.3. ДИАГРАММА

МАЪЛУМ БИР ЧЕГАРАДАН КЕЙИН БИТТА ЎҚУВЧИГА ҚИЛИНАДИГАН САРФ-ХАРАЖАТЛАР БИЛАН ЎРТАЧА ЎЗЛАШТИРИШ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЙЎҚОЛАДИ.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириши (тўпланган баллар)



Изоҳ. Фақат маълумотлари мавжуд бўлган мамлакат ва ҳудудлар кўрсатилган. Қийматга эга бўлган боғлиқлик ($p < 0,10$) юқоридаги горизонтал чизиқ билан кўрсатилган. Қийматга эга бўлмаган боғлиқлик ($p > 0,10$) қия чизиқ билан кўрсатилган.

Сарф-харажатлар харид қилиш қобилияти нисбатидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Tables 1.2.3 and 11. 6. 58.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933436215>

6 ёшдан 15 ёшгача бўлган бир нафар ўқувчига 47 минг АҚШ доллари сарфлаётган Венгрияда 15 ёшли ўқувчиларнинг натижалари бир ўқувчига 187 минг АҚШ долларида ортиқ маблағ сарфлаётган Люксембургда ўқувчиларнинг натижалари қандай бўлса, ҳатто харид қилиш қобилиятининг томонлар тенглигидаги тафовутларини ҳисобга олгандан кейин ҳам, худди ўшандай даражада турибди. Шундай қилиб, Люксембург Венгрияга нисбатан тўрт баробар ортиқ пул сарфлаётган бўлса-да, устунликка эриша олмаяпти. Бошқача айтганда, муваффақият сарфланган маблағ миқдори билан эмас, бу маблағ қандай сарфлангани билан ўлчанади.

Синфда ўқувчилар сонининг камлиги ҳар доим яхши натижаларга олиб келади

Балки сиёсий дискурс нуқтаи назаридан ўқувчилар сони кам бўлган синфлар ҳақида баҳслашиш урфга айлангандир, лекин синф қамровини камайтириш таълим натижалари яхшиланишининг асосий сабаби эканлигини тасдиқлайдиган ҳеч қандай халқаро маълумот мавжуд эмас. Бундан ташқари, синфда ўқувчилар сонини камайтириш бошқа бир нарсаси, масалан, энг яхши ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишга сарфлаш лозим бўлган маблағларнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Одатда, PISA тадқиқотининг синф қамровини эмас, ўқитувчилар сифатини афзал кўрадиган иштирокчи-мамлакатларда таълим тизими амалда ҳаммадан кўра самарали бўлиб, ҳар гал ўқувчи сони кам синфлар билан ўқитувчиларга пул сарфлашдан бирини танлашга тўғри келганида, улар кейингисини афзал кўришади.

Эҳтимол, синфда ўқувчилар сонини камайтириш янги ва самаралироқ дарс бериш услуби учун имконият яратар ва бошқа тенг шароитларда синфларда бола сонининг камлиги яхши натижа берар. Аммо кўп ҳолларда бу вазиятга нотўғри қарашдир, чунки мамлакатлар пулни фақат бир марта сарфлаши мумкин. Синфда ўқувчилар сонини камайтириш ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишга, уларга фақат дарс бериш билан шуғулланиш ёки ўқув соатларини ошириш имконини беришга кам маблағ қолишини англатади.

Синфда ўқувчилар сони кам бўлишининг афзаллигини тасдиқловчи далил-исботлар йўқлигига қарамай, кўп давлатлар уни ўзлари учун устувор деб ҳисоблашда давом этмоқда. Ўқувчилар, ота-оналар ва таълим сиёсатини белгиловчи шахслар кам қамровли синфлар тарафдоридирлар, чунки улар бундай синфларни самаралироқ ва индивидуаллашган таълим воситаси, деб ҳисоблайдилар. 2005–2014 йиллар оралиғида кенг жамоатчилик томонидан ўтказилган босим ва демографик ўзгаришлар ҳукуматларни Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда бошланғич синфлардаги ўқувчилар сонини ўртача 6 фоизга қисқартиришга мажбур қилди⁴.

Аммо қарийб шу давр ичида (2005 – 2015 йй.) ўрта ҳисобда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар бўйича бошланғич синф ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи реал ифодалаянда бор-йўғи 6 фоизга ошди, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг учдан бир қисмида эса ойлик иш ҳақи амалда пасайиб кетди. Ҳозир бошланғич синф ўқитувчиларига тўлиқ иш куни билан банд бошқа олий маълумотли мутахассислар оладиган маошнинг фақат 88 фоизи тўланмоқда⁵. Агар ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи рақобатбардош бўла олмаса, улар вақтлари ва маблағларини мустақил билим олишга сарфламайди ёки, аниқроғи, ўз касбини ташлаб, уларнинг тажрибасидан яхшироқ фойдаланадиган, тан олинадиган ва кўп ҳақ тўланадиган жойга кетади.

Таълим олиш вақти қанча кўп бўлса, натижалар ҳам шунча юқори бўлади

Мактаб тизимлари ўқувчилар ўқишга сарфлайдиган вақт миқдори бўйича, айниқса, мактаб машғулотларидан кейин, бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳар бир давлатда, одатда, фанни ўзлаштиришга сарфланадиган аксарият вақт фанга оид энг яхши натижаларга боғлиқ⁶. Шундай қилиб, таълим сиёсатини белгиловчи шахсларда ва узоқ давом этадиган ўқиш вақти тарафдори бўлган ота-оналарда ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш учун асослар бор. Лекин биз ўқиш вақтининг давомийлигини ҳам ҳисобга олиб, мамлакатларни қиёслаганимизда ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади: PISA тадқиқотида дарс соатлари кўп бўлган мамлакатлар ўқувчиларининг натижалари кўпинча партада кам вақт ўтказадиган ўқувчиларнинг натижаларидан ёмонроқ (2.4а диаграммага қаранг). Қанақасига бундай бўлиши мумкин?


Аслида бунинг сабаби оддийгина. Таълим натижалари ҳар доим таълим имкониятларининг сони ва сифатининг оқибати бўлади. Агар дарс сифатининг барқарорлиги сақланса, ўқув соатини кўшиш яхши натижа беради. Бироқ мамлакатлар таълим сифатини оширишда, одатда, ўқишга ажратилган вақтни кўпайтирмасдан ҳам яхши натижаларга эришади.

Масалан, Япония ва Жанубий Кореяда табиий фанлардан ўқувчилар балларининг миқдори бир хил бўлади, аммо Японияда ўқувчилар ҳамма фанлар бўйича ўқишга ҳафтасига 41 соат (28 соат мактабда ва 14 соат мактабдан ташқари), Жанубий Кореяда эса ўқувчилар ҳафтасига 50 соат (30 соат мактабда ва 20 соат мактабдан ташқари) вақт сарфлайди. Тунис ва Пекин, Шанхай, Цзянсу ва Гуандунда – Хитойнинг 2015 йилдан бошлаб PISA тадқиқотида қатнашган тўрт муниципалитети ва вилоятида – ўқувчилар ҳафтада 30 соатни мактабдаги ва 27 соатни мактабдан кейинги машғулотларга сарфлайди. Аммо ўрта ҳисобда Хитой шаҳар ва вилоятларида табиий фанлар бўйича натижалар 531 бални, Тунисда эса у 367 бални ташкил этади (2.4б диаграммага қаранг).

2.4a. ДИАГРАММА

ЎҚИШ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИ КЎП БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ТАДҚИҚОТДА ДОИМ
ҲАМ ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТАВЕРИШМАЙДИ.

ТАБИИЙ-ИЛМИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТДАГИ БАЛЛАР



Изоҳ. Умумий ўқиш давомийлиги мактабда ўтказилган вақтни, уйга берилган вазифани бажаришга, мактабда ўқитувчининг қўшимча тушунтириши ва шахсий тартибда репетитор билан ўтказилган машғулотларга сарфланган вақтни ўз ичига олади.


Манба: OECD, PISA 2015 Database, Figures I.2.13 and II.6.23

<http://dx.doi.org/10.1787/88893343641>


2.46. ДИАГРАММА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШИ АЖРАТИЛГАН ЎҚУВ СОАТИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИГА ҲАМ, ЎҚУВ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТИГА ҲАМ БОҒЛИҚ.

ҲАФТАЛИК СОАТЛАР МИҚДОРИ



УМУМИЙ ЎҚУВ ВАҚТИНИНГ БИР СОАТИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАБИИЙ-ИЛМИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТДАГИ БАЛЛАР



Изоҳ. Умумий ўқув вақти мактабда ўқитиш кўзда тутилган барча фанларга ажратилган вақтни, мактабдан ташқари сарфланадиган вақтни, жумладан, уйга берилган вазифани бажаришга, ўқитувчиларнинг қўшимча равишда тушунтиришларига ва репетиторлар томонидан олиб бориладиган машғулотларга кетган вақтни ўз ичига олади.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Figure 11.6.23.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933436411>

Бу тафовутлар мактаб тизимининг сифати ва ўқувчиларнинг ўқиш вақтидан унумли фойдаланиши, шунингдек, мактабдан ташқари норасмий шароитда ўқувчилар ўқишни давом эттира олиш ёки олмаслиги ҳақида гувоҳлик бериши мумкин.

Кўп ота-оналар уларнинг болалари мустаҳкам академик билим ва кўникмаларни эгаллашлари мумкин бўлган, уларнинг ижтимоий ва эмоционал компетенцияларини ривожлантирадиган ва келажакда яхши яшашларига ёрдам берадиган театр тўғрисида қатнашиш, муסיқа ёки спорт билан шуғулланиш каби синфдан ташқари тадбирларга етарлича вақтлари бўладиган мактабларда ўқишини хоҳлаган бўларди. Бу ҳар доим мувозанат масаласи бўлган. Германия, Финляндия, Швейцария, Япония, Эстония, Швеция, Нидерландия, Янги Зеландия, Австралия, Чехия ва Макао (Хитой) ўқиш вақтининг давомийлиги ва ўзлаштириш ўртасидаги тўғри мувозанатни топишнинг уддасидан чиқди.

Таълимдаги ютуқ туғма иқтидорга боғлиқ

Кўпгина психолог ва педагогларнинг илмий ишларида ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқлари, асосан, тиришқоқлик билан қилинган ҳаракатларнинг эмас, наслий интеллектнинг натижаси, деган ғоя баён қилинади.

PISA тадқиқоти нафақат 15 ёшли ўсмирлар нимани билишини текширади, балки ўқувчилардан уларнинг фикрича қўйилган вазифаларни ҳал қилишда муваффақият ёки муваффақиятсизликнинг сабаби нимада эканини аниқлайди. Кўп мамлакатларда ўқувчилар ўзларидан бошқа ҳаммани айблашни маъқул кўради. 2012 йилда Франциянинг – PISA бўйича ўртача натижаларни кўрсатган мамлакатнинг – ҳар тўрт ўқувчидан учтаси ўқув материали жуда ҳам қийин эканини айтишди, учтадан иккитаси ўқитувчи ўқитилаётган фанга қизиқиш уйғота олмади, дейишди, ҳар иккинчи ўқувчи унинг шунчаки омади келмаганини ёки ўқитувчининг тушунтиришлари етарлича тушунарли бўлмаганини айтди⁷.

Сингапурда вазият бошқача эди. Ўқувчилар, агар ҳаракат қилса, ютуққа эришиши, ўқитувчилар уларни қўллашига ишонарди. Баъзи мамлакатларда мактаб ўқувчилари ўқишдаги ютуқлар, асосан, ота-онадан ўтган интеллектнинг эмас, тиришқоқлик билан қилинган

меҳнатнинг натижаси эканига ишончлари комиллиги, умуман олганда, таълим тизимлари ва жамият ўқувчиларнинг мактаб ва ўзлаштиришга бўлган муносабатини қай тарзда ўзгартира олишини тушуниш имконини беради.

PISA тадқиқотининг энг муҳим хулосаларидан бири шуки, ўқувчилар ютуққа эришиши учун кўп ва хўп меҳнат қилиш лозим, деб ўйлайдиган кўп мамлакатларда амалда ҳамма юқори натижаларга эришар экан (3-бўлимга қаранг).

PISA тадқиқотларида ўқувчиларнинг натижалари ўқиш кўникмалари даражаси, таълимга доир одатлар, мактаб ва таълимга бўлган муносабатни ўз ичига олади. Бу натижаларни мактаб ичидаги баҳолаш билан қиёслаш бадавлат оиладан чиққан ўқувчилар, одатда, ўзининг мактабдаги ишлари учун кам таъминланган оиладан чиққан тенгдошларидан кўра юқорироқ баҳо олишларини кўрсатади⁸. Бу амалиёт икки сабабга кўра истиқболли ва узоқ муддатли натижаларга олиб келиши мумкин: биринчидан, ўқувчилар кейинчалик ўқишни давом эттиришлари ва касб-корлари хусусида кўпинча ўзларининг мактабда олган баҳоларидан келиб чиқади, иккинчидан, таълим тизимлари баҳолардан университетга киришга мўлжалланган академик дастурлар учун ўқувчиларни саралашда фойдаланади.

Шундай қилиб, етарли даражада ҳаракат қилинса ва қўллаб-қувватланса, ҳамма болалар яхши ўқиши ва юқори натижаларга эришиши мумкинлигини тан олмагунча, мактаб тизимлари илғор мамлакатлар билан тенг ўзлаштиришга эришишлари даргумон.

Айрим мамлакатлар ўз маданияти сабабли таълимда яхши натижаларни намойиш қилмоқда

Маданияти жиддий фарқ қиладиган мамлакатларнинг таълим тизимини қиёслаш бемаънилик, деб даъво қиладиган одамлар ҳам бор, чунки таълим сиёсати ва ўқитиш методикаси турли хил энг муҳим меъёр ва анъаналарга асосланади. Бундай услуб ўз ҳолича ўхшаш маданий контекстларда қўлланиши мумкин. Агар у турли маданий негизларга эга мамлакатлар томонидан ишлатилса, ҳар хил натижаларни беради. Маданият чиндан ҳам ўқувчиларнинг билим натижаларига таъсир қила олади. Маълумки, конфуцийчилик анъаналарига асослан-

ган маданиятга эга мамлакатларда таълимни ва мактаб ўқувчиларининг ўқишдаги ютуқларини юксак қадрлашади. Кўп тадқиқотчилар ушбу маданий хусусият бу мамлакатларга катта устунлик беради, деб ҳисоблашади.

Аммо бунга ўхшаш аъанавий қарашларга риоя қиладиган ҳамма мамлакатларнинг ҳам ўқувчилари тадқиқотларда юқори натижаларни кўрсатавермайди. Конфуцийдан қолган мерос устунлик бўлиши мумкин, аммо муваффақият гарови бўлолмайди. PISA тадқиқотида ўқувчилари катта балл тўплаётган мамлакатларнинг, масалан, Канада ва Финляндиянинг, тажрибаси таълимнинг қиммати алоҳида аҳамиятга эга бўлган конфуцийчилик маданиятининг ноёб ҳодисаси эмаслигини кўрсатади.

Кўп мамлакатларда кузатилаётган ўқувчилар натижаларининг тез суръатларда яхшиланаётгани маданият муваффақиятни таъминлайдиган омил, деган фикрга қарши энг кучли далилдир. Масалан, 2006–2015 йиллар мобайнида табиий фанлар бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичлари Исроил, Қатар, Колумбия, Макао (Хитой), Португалия ва Руминияда анча яхшиланди. Шу давр ичида юқори натижаларни кўрсатаётган ўқувчилар улуши Макао (Хитой), Португалия ва Қатарда ўсди ва айни пайтда таълим натижалари паст ўқувчилар улуши қисқарди.

Бу мамлакат ва ҳудудлар на ўз маданиятини, на аҳоли таркибини, на ўқитувчиларни ўзгартиришгани йўқ, улар ўз таълим сиёсати ва ўқитиш услубини ўзгартиришди, холос. Ана шу натижаларни ҳисобга олиб, мамлакатларнинг нисбий ҳолати PISA рейтингда асосан ижтимоий ва маданий омилларни акс эттиради, дейдиганлар маданият шунчаки мерос бўлиб ўтмаслигини, шунингдек, у чуқур ўйланган таълим сиёсати ва ўқитиш тажрибаси воситасида яратилиши мумкинлигини тан олишлари керак.

Фақат энг яхши битирувчиларгина ўқитувчи бўлиши керак

Мен тез-тез ўз юртидаги таълим натижаларининг пастлигини тушунтирмоқчи бўлган одамлардан ўқитувчи бўлиб ишлашга бораётган ёшлар мамлакатнинг энг ақлли кишилари қаторига кирмайди, деган иддаоларни эшитаман. Уларнинг айтишича, юқори таълим натижаларига эга мамлакатлар энг яхши уч қисмга бўлинган битирувчиларнинг биринчи қисми ичидан ўқитувчиларни танлаб олиши мумкин эмиш.


Бу ҳақиқатнамо эшитилади, чунки мактаб тизимининг сифати ҳеч қачон ўқитувчилар ишининг сифатидан ортиқ бўлмайди. Ва ўз-ўзидан маълумки, яхши мактаб тизимлари ўқитувчиларни пухталиқ билан саралайди. Бироқ бу бундай мамлакатларда энг яхши битирувчилар ҳуқуқшунос, шифокор ёки муҳандис эмас, ўқитувчи бўлишни маъқул кўришини англатадими?

Бу саволга жавоб бериш қийин, чунки ўқитувчиларнинг билим ва компетенциялари ҳақида қиёсий маълумот олиш мушкул. Аммо катта ёшли аҳоли, шунингдек, ўқитувчиларнинг ҳам, компетенциясини тадқиқ этиш уларнинг ўқиш ва математика соҳасидаги саводхонлигини текширишга имкон берди. Бу маълумотлардан фойдаланиб, ўқитувчилар компетенциясини коллеж ва университетларнинг бошқа битирувчилари тайёргарлиги билан қиёсласа бўлади⁹.

Натижалар шуни кўрсатадики, қиёсий маълумотлар олинган мамлакатлар ичида бирорта ҳам мамлакат йўқки, бунда олий маълумотга эга уч қисмга бўлинган катта ёшлиларнинг биринчи қисмига ўқитувчилар кирган бўлса (ўқиш ва математик саводхонликнинг ўртача даражасига асосан), бирорта ҳам мамлакат йўқки, бунда учга бўлинган олий ўқув юрти битирганларнинг энг заиф қисмига ҳам ўқитувчилар кирган бўлса (2.5а диаграммага қаранг). Кўпчилик мамлакатларда ўқитувчиларнинг компетенцияси олий маълумотга эга, статистик жиҳатдан ўртача кишининг компетенциясига тенг. Фақат бир неча истиснолар мавжуд. Масалан, Финляндия ва Японияда ўртача ўқитувчи коллежнинг ўртача битирувчисига қараганда яхшироқ математик саводхонликка эга. Айти пайтда Дания, Словакия, Швеция, Чехия ва Эстонияда ҳақиқатан тескарсидир.

2.5а. ДИАГРАММА

Кўпчилик мамлакатларда ўқитувчилар компетенцияси статистик ҳисоб бўйича ўртача олий маълумотли кишининг компетенциясига ўхшаш.



Изоҳ. Мамлакат ўқитувчилари когнитив кўникмаларининг ўртача даражаси тўқроқ рангда белгиланган. Горизонтал шкалалар барча олий ўқув юрти битирувчиларининг (ўқитувчиларни қўшиб ҳисоблаганда) 25 ва 75-процентиль ўртасидаги оралиқ когнитив кўникмалар даражасини акс эттиради. Мамлакатлар ўқиш ва математик саводхонликнинг ўртача даражаси бўйича тартибланган.

Қуйидагилар асосида тайёрланган:

Hanushek, Piopunuk and Wiederhold (2014), *The Value of Smarter Teachers: International Evidence on Teacher Cognitive Skills and Student Performance*

2.56. ДИАГРАММА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШИ ЎҚИТУВЧИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ, АММО БУТУНЛАЙ ТОБЕ ЭМАС.

МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА PISA ТАДҚИҚОТИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛАР



МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА PISA ТАДҚИҚОТИДА
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛАР

Диаграмма қуйидагилар асосида тайёрланган:

Hanushek, Piopiunik and Wiederhold (2014), *The Value of Smarter Teachers: International Evidence on Teacher Cognitive Skills and Student Performance.*

Аммо бу вазиятга бошқа томондан ҳам қараш мумкин. Барча мамлакатларда катта ёшли аҳоли компетенцияси тадқиқотида ўқитувчилар олий ўқув юрти битирувчилари тўплайдиган миқдорга яқин балл тўплаётган бир пайтда битирувчиларнинг (шунингдек, ўқитувчилар) билим ва компетенциялари мамлакатига боғлиқ ҳолда тубдан фарқ қилади. Япония ва Финляндия ўқитувчилари математик саводхонлик бўйича биринчи ўринга чиқишди, уларнинг ортидан бельгиялик, германиялик, норвегиялик, голландиялик ҳамкасблари боришмоқда. Италия, Россия, Испания, Польша, Эстония ва АҚШ ўқитувчилари энг паст даража кўрсаткичини намоиш қилмоқдалар.

Бир тадқиқотда¹⁰ ўқитувчи ва ўқувчилар компетенциялари ўртасида ижобий корреляция мавжудлиги аниқланди (2.56 диаграммага қаранг). Шунга қарамай, баъзи мамлакатларда, масалан, Эстония ва Жанубий Кореяда ўқитувчиларнинг ҳисоблаш қобилиятлари даражаси ўртача, лекин уларнинг ўқувчилари PISAда математика бўйича энг яхши саналади. Бундан ташқари, юқори натижаларга эришган кўпчилик мамлакатларда ўқитувчиларининг фақат ўртача билим ва кўникмаларига таяниб, ўқувчилар кутилганидан кўпроқ балл тўплашади. Бу шуни англатадики, ўқувчиларнинг юқори даражада ўзлаштиришига ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатар экан.

Модомики, мамлакатлар Финляндия ёки Япониядан ўқитувчи ёллай олишмас экан, унда улар кўпроқ қандай қилиб ўқитувчилик касбини ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан эҳтиромга лойиқ ва янада жозибадор қилиш ҳақида ўйлаши лозим. Улар ўқитувчи тайёрлаш сифатига ҳам, рақобатбардош иш шароитларига ҳам инвестиция кириштишлари зарур. Акс ҳолда, улар таназзулга юз тутадилар: ўқитувчилик касбига кириш стандартларининг анча пастлиги ўқитувчилар орасида ўзига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келадики, натижада бу директив ўқитишга айланади, шундай экан, ўқитувчи дарс бериш жараёнида ўзлигини намоён қилолмайди. Бу нарса энг иқтидорли ўқитувчиларни ўз касбидан сиқиб чиқариши ва ўқитувчилар таркиби сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Ўқувчиларни қобилиятига қараб саралаш таълим натижалари даражасини кўтаришга имкон яратади

Асрлар давомида педагоглар ўзларига ўқувчиларнинг барча эҳтиёжларини аъло даражада қондириш учун таълим тизимини қандай ташкил қилиш керак, деган саволни бериб келардилар. Баъзи мамлакатлар барча ўқувчиларга тенг таълим имкониятларини беришга ҳаракат қилиб, мажбурий умумий мактаб таълимини жорий қилди ва ўқувчиларнинг барча қобилият, қизиқиш ва билимларини ўқитувчи ва мактаб ихтиёрига топшириб қўйди. Бошқа мамлакатлар таълим эҳтиёжларининг хилма-хиллигига, таълимнинг академик потенциалга ёки ўқувчиларнинг аниқ бир дастурга қизиқишига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўқувчиларни гуруҳларга бирлаштириш ва мактаблар бўйича ёки бир мактаб доирасида синфлар бўйича мониторинг ўтказиш йўлига эътибор қаратади. Бу билан улар биринчиси тенгликка имкон яратади, иккинчиси эса сифат ва юқори натижаларни рағбатлантиради, деб ҳисоблашади.

Энг яхши таълим сиёсатларини саралаш тажрибасига асосланган тахмин шундан иборатки, агар ўқувчилар бир-бирларининг ўқишга бўлган қизиқишини кучайтирса, иқтидорлар муваффақиятлироқ ривожланади.

Мамлакатлар ўқувчилар селекциясига турлича ёндашади¹¹. PISA маълумотлари шуни кўрсатадики, ўқувчиларни қобилиятига қараб ажратадиган мамлакатларнинг ҳеч бири (бу ажратиш кузатиш шаклида, қобилиятларни ҳисобга олиб синфларни ташкил этиш шаклида ёки синфдан синфга қолдириш шаклида бўлишидан қатъи назар) хийла самарали таълим тизими қаторига ёки энг яхши натижаларга эришган ўқувчилар улуши кўпроқ бўлган тизимлар қаторига кирмайдиган. Ҳамма ўқувчиларига тенг таълим имкониятларини яратиб берган тизимлар анча самаралидир. Буни таълим йўналишини мустақил танлаш имконини тақдим этиш йўли билан ўқувчиларнинг қобилият кўламини чеклаш ҳам таълим натижаларини яхшилашга олиб келмаслигини кўрсатадиган бошқа тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди¹². Бу схема ўқувчилар синф доирасида қобилиятига қараб ёки аниқ бир фан бўйича қобилиятларни ҳисобга олиб гуруҳларга ажратилганида фарқланади. Маълум бўлишича, бундай амалиёт ўқув дастурига ва ўқитиш услубига мос ўзгартишлар киритилганида самарали бўлади.

Илгари фақат баъзи ўқувчиларгина мактабда ютуққа эришиши етарли эди, чунки жамият ва иқтисодиёт нисбатан кам маълумотга эга кишиларга эҳтиёжманд бўлган. Аммо сифати паст мактаб таълимига кетаётган ижтимоий-иқтисодий харажатлар ҳажми кундан-кунга ошаётгани ҳисобга олинса, мактаб тизимини истиснолар ва селекция асосида ташкил этиш наинки адолатсизлик, балки ҳаддан ташқари бекфойдадир. Тенглик ва инклюзия ҳозирги замон таълим тизими ва жамият талабидир.

Энди, самарали таълим тизимлари ҳақидаги афсоналарнинг баъзиларини фожия қилганимдан кейин, ўқувчилари юқори натижаларни кўрсатаётган таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш вақти етди.



3. ЮҚОРИ ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭГА МАКТАБ ТИЗИМЛАРИ НИМАСИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ?

Самарадор мактаб тизимлари ҳақида нималарни билимиз?

Мактаб тизимлари соҳасида таълим сиёсатини белгилайдиган шахсларнинг саволларга шу заҳоти жавоб олиш истаги доим ахборот, маълумотлар тўплаш ва илмий-тадқиқий кашфиётлар қилишнинг паст суръатларига дуч келади. Менимча, бу кишилар маълумотлар тасодифий воқеалар йиғиндиси эмаслигини унутишади.

PISA тадқиқоти тўплаган маълумотлар кўп саволларни жавобсиз қолдиради. Натижалар фотосуратга ўхшаб маълум бир пайтда таълим тизими ҳақидаги тасаввурни қайд қилади, аммо улар мактаб тизимлари ҳозирги кундаги натижага қандай эришганини, уларнинг ривожига нима ёрдам ёки халақит берганини кўрсатмайди, кўрсатолмайдиям. Бу маълумотлар натижаларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида ҳеч нарсани билдирмайди. Ўзаро боғлиқликлар кўпинча алдоқчи бўлади: модомики бутун жаҳон бўйлаб кун ортидан кун, йил ортидан йил ўтиб, қуёш чиқаётганида қушлар сайрашар экан, бу ҳали қуёш қушларнинг сайраши натижасида чиқади, дегани эмас. Қисқача айтганда, илғор тизимлардаги ҳозирги ҳолатни билиш ҳали қолоқ тизимларни қандай яхшилаш керак, деган саволга жавоб бермайди. Бу халқаро ташкилотларнинг муҳим чеклашларидан бири бўлиб, у сабабли бошқа таҳлил шакллари ишга солиш зарур бўлади. Айнан шунинг учун ҳам PISA мактаб тизимларига нима қилиш кераклигини кўрсатиб бермайди.

PISA тадқиқотининг кучи – жаҳон ҳамжамиятини турли мамлакатларнинг педагогик тажрибалари ҳақида хабардор қилишдадир.

Шундай бўлса-да, таълим сиёсатини белгиловчи шахслар, агар улар халқаро тадқиқот натижаларидан сабоқ олмоқчи бўлсалар, сабаб ва оқибат ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрнатишлари зарур.

Улар халқаро қиёслашлардан, худди бизнесменлар бошқалардан илҳомланиб ва олинган сабоқларни ўз ҳолатига мослаштириб, компанияни муваффақият сари бошлашга ўрганганидек, фойда олишлари мумкин. Бунинг учун қиёсий таҳлилнинг турли шакллари қўллаш мумкин: таълимнинг сифати, оммавийлиги, самарадорлигида мамлакатлар ўртасидаги тафовутни кузатиш, бу мамлакатлар таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлигини излаш каби.

Бундай ёндашувни ишлаб чиқувчи мутахассислардан бири 1988 йилдан бери Қўшма Штатларда таълим ва иқтисодиёт масалалари бўйича Миллий марказни бошқараётган Марк Такердир¹. 2009 йилда биз у билан биргаликда PISA тадқиқотида иштирок этаётган етакчи ва тез ривожланаётган таълим тизимлари тажрибасини таҳлил қилиш асосида АҚШ таълим тизими учун тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича етакчи тадқиқотчилар гуруҳини тўпладик. Тадқиқот давомида тарихчилар, сиёсатчилар, иқтисодчилар, таълим соҳаси экспертлари, оддий фуқаролар, тадбиркорлар ва педагоглар ўртасида саволнома ўтказилди. Такернинг ташаббуси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг мавзуга ва мамлакатларга оид сиёсий шарҳларини қизиқарли нуқтаи назарлар билан тўлдирадиган бир қатор зарур тадқиқотларга асос бўлди.

Мамлакат таълим тизими индивидуал ривожланишининг ҳар қандай таҳлили ноёб тарих, анъанавий қадриятлар, кучли томонлар ва миллий ўзига хосликни ҳисобга олиши керак. Аммо Такернинг қиёсий тадқиқотлари юқори натижаларга эришган барча таълим тизимларини ажратиб турадиган кутилмаган хусусиятларни аниқлади.

- Юқори натижали таълим тизимларининг лидерлари ўз фуқароларини ресурсларни қисқа муддатли мақсадларга сарфламай, келажакка таълим орқали сармоя тикса арзишига ва ишчи кучининг қиймати учун эмас, сифати учун курашиш яхшироқлигига ишонтиришди.

3. Юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эга мактаб тизимлари нимаси билан фарқ қилади?

- Таълимнинг катта аҳамиятга эгалиги – тенглаштиришнинг бир қисми, холос. Унинг иккинчи қисми – ҳар бир ўқувчи ўқиши мумкинлигига ишонч. Баъзи мамлакатларда ўқувчилар эрта ёшдан гуруҳларга ажратилади, бу фақат танлаб олинган ўқувчилар юқори натижаларга эришишлари мумкин, деган тасаввурни акс эттиради. Аммо PISA тадқиқоти бундай саралаш ижтимоий номуносибликни мустаҳкамлашини кўрсатади. Аксинча, Эстония, Канада, Финляндия ва Япония сингари шу қадар турлича мамлакатларда ота-оналар ва ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи юқори стандартларга мос келишига ишонишади. Бу ишонч ўқувчи ва ўқитувчиларнинг хулқ-атворида намоён бўлмоқда. Таълим муносабатлари иштирокчилари бу тизимларда одамларни иқтидорига қараб саралашдан ҳар бир кишида иқтидорни ривожлантириш томон силжий бошладилар.
- Кўпгина таълим тизимларида барча ўқувчилар бир хил ўқитилади. Энг яхши мактаб тизимлари ўқувчиларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган педагогик амалиётни таълим стандартларига зиён етказмасдан табақалаштиради. Бу тизимларда одамлар одатдаги ўқувчиларда ғайриодатий иқтидорлар бўлиши мумкинлигини англайди ва шу сабабдан барча ўқувчилар юқори таълим стандартларига мос келишлари учун таълимни хусусийлаштиради. Бундан ташқари, бундай тизимларда ўқитувчилар ўз кучи, вақти ва маблағларини нафақат ўқувчиларнинг ўзлаштиришига, балки уларнинг бахт-саодатига ҳам сарфлайдилар.
- Мактаб тизимининг сифати ҳеч қаерда ўқитувчиларни тайёрлаш сифатидан ортиқ бўлмайди. Энг яхши тизимлар ўқитувчилар таркибини синчиклаб саралайди ва ўқитади, ўқитувчиларга, айниқса, қийинчиликларга дуч келаётган ёш педагогларга малака оширишга ёрдам беради, ўқитувчиларнинг иш ҳақини касбий стандартлар асосида белгилайди. Бундан ташқари, ўқитувчиларга энг яхши педагогик тажрибани яратиш устида биргаликда ишлаш учун шароит яратиб беради ва уларнинг касбий жиҳатдан ўсишини, хизмат пиллапояларидан кўтарилишини қўллаб-қувватлайди.

- Юқори самарали мактаб тизимлари ўз олдиларига ўқувчилар нималарга қодир бўлиши ва ўқитувчилар ўз ўқувчисига нимани ўргатиши кераклигини аниқлайдиган улкан мақсадлар қўяди. Улар маъмурий назорат ва ҳисобдорликдан меҳнатни профессионал ташкил этиш шаклларига ўтишган. Улар ўқитувчиларни новаторликка, ўзи ва ҳамкасблари ишининг самарадорлигини оширишга, натижаларни яхшилашга кўмак берадиган касбий ривожланишга рағбатлантиради. Илғор мактаб тизимларида маъмурият ва педагоглар пирамидасимон иерархик муносабатлар ва пастдан юқорига қарашдан узоқлашишга ҳаракат қилади. Бунинг ўрнига улар ҳамкорлик маданияти ишончли ва барқарор бўлган инновацион тармоқлар яратиб, ўқитувчилар ёки мактаблар ўртасида горизонтал боғлиқликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.
- Ҳар бир ўқувчи энг зўр педагогик тажрибалардан фойда олиши учун энг самарали мактаб тизимлари уларнинг ҳар бирига юқори сифатли таълимни таъминлайди. Бу мақсадга эришиш учун энг кучли директорлар энг оғир мактабларга ва энг истеъдодли ўқитувчилар энг оғир синфларга жалб қилинади.
- Ва ниҳоят охирги, аммо аҳамияти кам бўлмаган хусусият: юқори самарали таълим тизимлари, одатда, танланган таълим курсини ҳамма жойда жорий қилишни назорат қилади. Узоқ вақт мобайнида таълим сиёсатининг мувофиқлигини таъминлайди ва унинг изчил амалга оширилишини кузатиб боради.

Бу хусусиятларнинг ҳар бирини батафсилроқ кўриб чиқамиз².

Устувор мақсад – таълим

Кўп мамлакатларнинг раҳбарлари таълим улар учун энг муҳим вазифа эканини таъкидлашади. Бироқ бу ҳақиқатан ҳам шундайлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир неча оддий савол бериш мумкин. Масалан, ўқитувчилик касбининг мақоми қандай, худди шундай таълим даражасига эга бошқа мутахассисларнинг иш ҳақи билан солиштирганда ўқитувчининг иш ҳақи қанақа? Сизнинг фарзандингиз ўқитувчи бўлишини истармидингиз? ОАВ мактаб ва таълим ҳақидаги ахборотларни тез-тез эълон қилиб турадими? Нима муҳимроқ: мамлакатнинг спорт лигаларидаги ўрними ёки унинг академик рейтингими?

PISA тадқиқотида юқори кўрсаткичларга эришган кўп мамлакатларда ўқитувчиларга, агар болаларида адвокат, муҳандис ёки шифокор бўлиш имкони бор, деб ҳисоблайдиган ота-оналар ўз болаларини мактаб ўқитувчиси бўлишга қизиқтирмайдиган АҚШ ва кўпгина Европа мамлакатларидан фарқли равишда катта миқдорда маош тўлашади, таълим юқори баҳоланади ва таълимга ажратилган сарф-харажатларнинг катта қисми педагогнинг тўғридан-тўғри синфда олиб бораётган ишига йўналтирилади.


Жамиятда таълимга берилаётган аҳамият ёшлар кейинчалик нимани ўрганишни исташи ва уларнинг қобилиятлироқлари педагог бўлиш ҳақида ўйлаб кўриш-кўрмасликларига таъсир қилади. Ва ўз-ўзидан маълумки, таълим мақоми жамоатчиликнинг профессионал педагогларнинг қарашларини қадрлаш-қадрламаслигига ёки уларни жиддий қабул қилиш-қилмаслигига таъсир кўрсатади.

Шу сабабдан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ўқитувчилик касбини тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро тадқиқоти (TALIS – Teaching and Learning International Survey) 2013 йилда ўқитувчилар уларнинг касби жамият томонидан қадрланади, деб ҳисоблаш-ҳисобламасликлари борасида мамлакатлар ўртасида каттагина тафовутлар борлигини аниқлаганига ажабланмаса ҳам бўлади. Тадқиқот натижаларига кўра, Франция ва Словакияда ҳар йигирманчи ўқитувчи педагоглик касби жамият томонидан қадрланади, деб ҳисоблайди (3.1 диаграммага қаранг).

3.1. ДИАГРАММА

БАЪЗИ МАМЛАКАТЛАРДА ҚЎПЧИЛИК ЎҚИТУВЧИЛАР ПЕДАГОГЛИК КАСБИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚАДРЛАНМАЙДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАШАДИ.

“Мен педагоглик касби жамият томонидан қадрланади, деб ҳисоблайман”, деган фикрга қўшиладиган бошланғич синф ўқитувчилари фоизи.



Изоҳ. Мамлакатлар “Тўлиқ қўшиламан” ёки “Қўшиламан” деган жавобни танлаган ўқитувчилар фоизининг камайиб бориши тартибида жойлашган.

Source: OECD, TALIS 2013 Database, Tables 7.2 and 7.2 Web.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933042219>

Ҳамма ўқувчилар ўқиши ва юқори натижалар кўрсата олиши мумкинлигига ишонч

Эҳтимол, дунё миқёсидаги натижаларга эришиш учун таълимнинг юксак даражада кадр топиши зарурий шартдир, аммо ўқитувчилар, ота-оналар ва бутун жамият фақат айрим ўқувчиларгина юқори натижаларга эриша олади, деб ҳисоблашар экан, таълимнинг бу кадр-қиммати ўз-ўзидан ҳеч нарсага олиб келмайди.

Яқин кунларгача Германияда ишчилар синфи вакилларининг болалари ишчи касбига эга бўларди ва уларга академик таълимга мўлжалланган гимназияларнинг ўқув дастурлари керак эмас, деган фикр кенг тарқалган эди. Бугунги кунда Германиянинг кўп жойларида 10 ёшли ўқувчилар университетда ўқишни давом эттириш ва ақлий меҳнат ходимларини тайёрлашга мўлжалланган академик мактабларга кирувчилар ва малакали ишчи касбига тайёрлаш дастурини танлайдиганларга бўлинади.

PISA натижалари бундай бўлиниш ўқувчилар келажакда қандай таълимни ўзлаштиришида ҳам акс этишини кўрсатади. Германияда PISA тадқиқотида қатнашган 15 ёшли ўқувчиларнинг фақат ҳар тўрттадан биттасигина университетга кириш ёки касбга оид бирор ихтисосликни эгаллаши мумкинлигини айтди (бу ҳақиқатан ҳам шундай иш қиладиган ўқувчилар сонидан кам), айти пайтда Япония ва Жанубий Кореяда ҳар ўн ўқувчининг тўққизтаси олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятини билдирди³.

Аксинча, PISA тадқиқотида яхши натижалар кўрсатаётган Шарқий Осиё мамлакатлари ва юқори кўрсаткичга эга бошқа мамлакатларда, Канада, Эстония ва Финляндия билан биргаликда, ота-оналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик ҳамма ўқувчилар юқори ютуқларга эришиш қобилиятига эга, деган фикрга қўшиладилар. Сингапур таълим вазирлиги ҳар бир ўқувчи – манфаатдор ўқувчи, ҳар бир ўқитувчи – ғамхўр педагог, ҳар бир ота-она – маслакдош, ҳар бир мактаб директори – илҳомлантирувчи лидер, ҳар бир мактаб – яхши мактаб бўлишига интилади. Буларнинг барчаси, аниқки, ўқувчиларнинг ишонч-эътиқодида акс этади. Математика ва табиий фанларни ўрганиш тенденцияларини тадқиқ этиш Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилигида мактаб ўқувчилари туғма иқтидор эмас, тиришқоқлик билан зўр бериб ўқиш муваффақиятга эришиш йўли эканига ишона-

ди⁴. Буни, ғарб мамлакатлари ўқувчиларидан фарқли ўлароқ, Шарқий Осиё аҳолиси омад ва омадсизликларни кўпроқ бор кучини ишга солиш билан изоҳлаши ҳақида гувоҳлик берадиган бошқа тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Осиё ўқувчиларига кўпинча сабр-матонат билан қилинган меҳнат – муваффақият калитидир, дея ўргатишади⁵. Осиё ўқитувчилари ўқувчиларга нафақат натижага эришишга ёрдам беришади, балки ўқувчиларда айнан уларнинг шахсий қобилият ва ҳаракатлари муваффақият манбаи эканига ишонч уйғотишади.

Бошқа мамлакатларда, агар ўқувчилар ўқишда қийинчилик сезишса, ўқитувчилар шунчаки қўйилган талабни пасайтиришади. Бундай ҳолатда паст ўзлаштириш туғма қобилият йўқлигининг натижаси сифатида англашилади. Бор кучини ишга солишдан фарқли ўлароқ, иқтидор ўқувчиларда унинг устидан ҳеч қандай назорат ўрнатилмайдиган бир нарса сифатида баҳоланади, шу боис ўқувчилар астойдил меҳнат қилишдан бош тортишга мойилдир. Баъзи тадқиқотларга кўра, ўқитувчилар ўзлари қобилиятлироқ деб билган ўқувчиларни кўпроқ мақтайди, кўпроқ ёрдам беради ва уларнинг саволларига кенгроқ жавоб қайтаради⁶.

Ўқитувчилар кунт билан ўқиш орқали ўқувчилар ривожланиши, билим даражасини ошириши ва кенгайтириши мумкинлигига ишонмас экан, мураккаб масалаларни ечишга ноқобил, деб ҳисоблайдиган болаларга босим ўтказишга мажбур бўлганларида, улар ҳатто ўзларини айбдордай ҳис қилишлари мумкин. Бу хавотирга солади, чунки тадқиқотлар ўқитувчи ўқувчига нисбатан енгил мисолни бериб, уни бажаргани учун мақтаса, ўқувчи ўқитувчининг муомаласини ўз қобилиятсизлигининг тасдиғи сифатида талқин қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси катта аҳамиятга эга, чунки одамлар ўзлари ҳақида ўйлаб юрган фикрларининг ичида энг муҳими – уларнинг қобилиятини акс эттирганидир⁷. Умуман, тадқиқот шуни кўрсатадики, ўз феъл-атворимиздан келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар эканимизга ишонч руҳиятимизга таъсир этади⁸. Шу сабабдан одамлар ўзлари эришмоқчи бўлган натижаларни олишга ишонганларида бор кучларини ишга солишга мойил бўлади.

Буларнинг ҳаммаси нима сабабдан билимларни изчил ўзлаштириш назарияси бу концепция пайдо бўлган ва тадқиқ этилган Ғарбда эмас, балки Шарқий Осиёда кенг ва муваффақиятли тарқалганини

изоҳлаши мумкин. Билимларни кенг қўламда эгаллаш ўқиш изчиллигини тушунишга асосланади. Таянч билимларни эгаллаш кейинги мавзуларни ўзлаштиришнинг асоси ҳисобланади. Америкалик психолог Джон Кэроллнинг⁹ фикрича, таълим натижалари ўқувчининг материални ўрганишга кетадиган вақтга бўлган эҳтиёжи ва унда ўз таълимий эҳтиёжларини қондириш учун сифатли таълим олиш имкониятининг мавжудлигини акс эттиради. Ўз навбатида, ўқитувчи бутун синф учун қўйилган таълим мақсадларини ўзгартирмайди, аммо ҳар бир ўқувчига айнан унга мос келадиган усуллар билан материалларни ўрганиш имкониятини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилади. Баъзи ўқувчиларга қўшимча вақт ҳамда тушунтиришлар талаб қилинади, баъзи бирларига бошқаларга нисбатан ўзгача ўқув шароитлари лозим бўлади. Бунинг ортида ҳар бир ўқувчи ўқий олиши ва ютуққа эриша олишига чуқур ишонч туради ва ўқитувчиларнинг вазифаси синфда ва синфдан ташқарида шундай ўқув муҳитини яратишдан иборатки, бу муҳит ўқувчиларга бутун куч-қувватини ишга солишга ёрдам берсин.

Ҳамонки барча ўқувчилар галдаги ҳар бир мавзунини муваффақиятли ўзлаштираётган экан, бунинг оқибати натижаларнинг кам вариантлилиги ва уларга ижтимоий-иқтисодий омилларнинг кам таъсир қилиши бўлади. PISA тадқиқотларида кўпчилик Шарқий Осиё мамлакатлари таълим тизимларини мана нима ажратиб туради.

PISA тадқиқотида ўқувчилардан улар ўз ўқитувчиларидан олаётган кўмак даражаси ҳақида айтиб беришни сўрашди. Уларнинг жавоблари ўқувчиларни ўқишнинг турли йўналишлари бўйича ажратишган ёшга жуда боғлиқ эди. Ўқувчилар ўқитувчилар томонидан кўрсатиладиган кўмакнинг жуда озлиги ҳақида айтишган мамлакатларда ўқувчилар жуда ёшлигидан қобилият даражасига қараб ажратилади. Булар Австрия, Бельгия, Венгрия, Германия, Люксембург, Нидерландия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия ва Швейцария мамлакатларидир. Ҳатто жавоблар турлича услубда берилгани эътиборга олинса ва улар эҳтиёткорлик билан шарҳлаб берилса ҳам, натижалар айтарли ажаблантирмайди. Ўқувчиларни ўқув муассасаларининг тури бўйича саралаш анча ўхшаш синфларни пайдо қилади, бунда ўқитиш бир қадар оддийлик касб этади ва ўқитувчилар эътибор кўрсатиш, қўшимча ёрдам бериш ёки алоҳида ўқувчилар билан ишлаш керакмас, деб ҳисоблашлари мумкин.

PISA – 2015 тадқиқотида энг юқори рейтингга эришган Сингапур бошланғич синфларда ўқувчиларни қобилиятига қараб тақсимлайдиган тизимга эга эди, кейинчалик бу тизим ўзгартирилди, чунки мамлакат стандартлар даражасини кўтарди. Ҳозир Сингапурда ўқишда қийналаётган ўқувчилар ўз вақтида аниқланаётганига ишонч ҳосил қилишга имкон берадиган турли хил стратегиялардан фойдаланил-япти, уларнинг муаммоларига бошланғич даврдаёқ ташхис қўйилади ва уларни умумий оқимга солиб юбориш учун ҳамма нарсга қилинади.

3.2. диаграммада бу масалага ўзгача қараш кўрсатилган.


Гарчи PISA – 2015 натижалари Канада ва Финляндия эришган таълим олиш имконияти даражасини ривожлантириш масалаларида Сингапур интилиши керак бўлган кўп нарсга борлигини кўрсатса ҳам, ҳукуматнинг иқтисодий ва таълим сиёсати жамиятда таълимнинг қимматини англашга ёрдам берадиган ижтимоий мобилликни оширди.

Финляндияда шунга ўхшаш вазифани қийналаётган ва қўшимча ёрдамга муҳтож болаларни аниқлашда фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қиладиган устоз-ўқитувчилар бажарадилар, кейин эса синфдошларига етиб олишда бундай ўқувчиларга ёрдам бериш учун улар билан яқка ҳолда ёки кичик гуруҳларда ишлайдилар. Нафақат синфда ишлайдиган ўқитувчи муаммоларни аниқлаб, устоз-ўқитувчига хабар бериш лозим, балки ҳар бир умумтаълим мактабида “ўқувчиларга кўмак берувчи” кичик профессионал гуруҳ бўлиб, у бир ойда камида икки марта икки соатга йиғилади. Гуруҳ мактаб директори, устоз-ўқитувчи, мактаб ҳамшираси, мактаб психологи, ижтимоий ходим ва маж-лисда ўқувчилари муҳокама қилинаётган фан ўқитувчиларидан иборат бўлади. Баъзан ўқувчилар ота-оналардан ҳам йиғилишда иштирок этишларини сўрашади.

Ўқувчилар мактабни ташлаб кетадиган ҳолатларни бартараф қилиш учун Онтарио таълим вазирлиги (Канада) ўрта мактабларда “Ўқувчиларнинг муваффақияти”¹⁰ ташаббусини ишлаб чиқди. Вазирлик бу ташаббуснинг маҳаллий кучларни мувофиқлаштирадиган раҳбарини ёллаш учун округларга маблағ ажратади ва округ раҳбарлари йиғилишларни молиялаштиради, бу йиғилишлар жараёнида раҳбарлар энг самарали стратегиялар билан ўртоқлашадилар. Ҳар бир мактабга “Ўқувчилар муваффақияти” дастуридан ўқитувчи ёллаш учун ресурслар ажратилади, шунингдек, мактаблар қийинчиликка учраётган болаларни аниқлаш ва керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ўз-

3.2. ДИАГРАММА

**БОЛАЛАРНИ ТУРЛИ СИНФЛАРГА ҚАНЧАЛИК КЕЧ ТАҚСИМЛАШСА, УЛАР
ЎҚИТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ШУНЧАЛИК КЎП КЎМАКНИ ХИС ҚИЛАДИЛАР.**



Манба: OECD, PISA 2015 Database, Tables II.3.23 and II.4.27.

http://dx.doi.org/10.1787/888_933435743

ларининг “Ўқувчилар муваффақияти” жамоаларини ташкил этишлари керак. Бу ва бошқа ташаббусларнинг натижалари Онтариода таълимни тубдан ўзгартириб юборди: бир неча йил ичида бу провинциядаги ўрта мактабни битирувчилар улуши 68 фоиздан 79 фоизга ўсди.

Фақат танлаб олинган ўқувчиларгина муваффақиятга эриша оладилар, деган фикрдан воз кечиш ва ҳар бир ўқувчи юқори даражада ўзлаштира олишига ишониш учун кўпчилик давлатларга узоқ вақт керак бўлди. Бу мақсадга эришиш учун таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва имкониятларни оширишнинг ҳар томонлама мувофиқлаштирилган дастури зарур. Аммо яхши кўрсаткичларга эга мамлакатларда мавжуд моделлардан бири ўқувчиларни қобилияти ва турли даражадаги когнитив кўникмаларига қараб ажратадиган тизимдан ҳамма ўқувчилар ҳаммага бирдай талаб қўйиладиган ўқув дастурига эга умумтаълим мактабларида ўқийдиган тизимга аста-секин ўтишдир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотларига аъзо мамлакатлар ичида Финляндия 1970 йилларда шу йўлдан борган биринчи мамлакат бўлди. Польша бундай ислохотни фақат 2000 йилларда бошлади. Бу мамлакатлар талабга риоя қилиб “тенглашдилар”, унга кўра барча ўқувчилар илгари фақат “элита” учун қўлланиладиган ягона стандартларга мос келиши керак. Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар тезда аниқланади, уларнинг муаммоларига тез ва аниқ ташхис қўйилади, кейин қатор педагогик чора-тадбирлар қўлланилади. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар бошқаларга нисбатан катта ҳажмдаги ресурсларга эга бўладиган вазият юзага келиши муқаррар, аммо айнан эҳтиёжманд ўқувчилар улардан максимал фойда оладилар.

Бу жараёнга ота-оналарни, айниқса, саралашга асосланган ёндашувни афзал биладиганларни жалб қилиш учун кучли етакчилик, дадил қарорлар, пухта ўйланган коммуникация талаб қилинади. Мен 2010 йилда она шахрим Гамбургда менга берилган сабоқни яхшилаб ўрганиб олдим. 2009 йилда таълим сиёсатини ишлаб чиқиш соҳасида қарор қабул қилган шахслар ва барча сиёсий доираларнинг вакиллари мактаб тизимидаги табақаланишнинг таъсир даражасини пасайтириш ва юмшатишга имкон берадиган мактаб ислохотини ўтказишга келишиб олишди¹¹. Мажлис иштирокчилари бу ислохот ҳар бир киши учун энг яхши ва ҳаққоний ўқиш имконини таъминлашнинг самарали усули эканини тушуниб турардилар. Бироқ ушбу ташаббус тарафдорлари ўқувчиларнинг ота-оналарини унинг афзалликларига ишонтириш учун

етарлича ҳаракат қилмадилар ва тез орада ислоҳотларга фаол қарши чиқувчи фуқаролар, асосан, жамиятнинг энг сара намоёндаларига мансуб оилаларнинг вакиллари, гуруҳи пайдо бўлди. Улар ҳақиқий умумтаълим мактаб тизими ташкил этилганидан сўнг болалари ютқазилари мумкинлигидан хавотирга тушишди. Натижада 2010 йилнинг июлида бўлиб ўтган референдумда ислоҳот бекор қилинди.

Лекин бу билан моҳият ўзгармайди: барча ўқувчилар юқори ўзлаштириш даражасига эриша олади ва бинобарин, бу улар учун жуда зарур, деган нуқтаи назар асосида бу тизимни қурмай туриб, бирортаям таълим тизими барқарор юқори даража ва тенг таълим имкониятларига эриша олмади. Мен ягона таълим стандартлари асосида ўқитиш натижаларини аниқ таърифлаб беришнинг муҳимлигига ортиқча баҳо беролмайман. PISA тажрибаси ҳар қандай маданий шароитларда бундай ечимнинг имкони борлигини ва бу йўл билан ҳаракат қилиб, тезроқ тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Мақсадли йўналишларни аниқлаш ва шакллантириш

Стандартларни қабул қилиш яхлит фан мазмунини пухталики билан яратиш, турли синфларда ўқув дастурларини такрорлашни қисқартириш, турли мактабларда ўқитиш услубидаги фарқларни йўқотиш ва (эҳтимол, ҳаммасидан муҳими) ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар орасидаги тенгсизликни қисқартириш орқали ўқувчилари юқори натижаларга эришадиган таълим тизимини шакллантиришга имкон бериши мумкин.

Кўп мамлакатлар ўз ўқув дастурларини ва кўпинча битириш имтиҳонларини ҳам стандартлар билан асослашади. Мактаб имтиҳонлари, одатда, таълим даражалари ёки иш ўртасидаги, ёки унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида фойдаланилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда битириш имтиҳонларини стандартлар асосида топширадиган ўқувчилар бундай имтиҳонларни топширмайдиган мамлакатларнинг ўқувчиларига нисбатан 16 балл ортиқ тўплашади¹². Аммо имтиҳонларни ишлаб чиқишда йўл қўйилган хатолар таълим тизимларининг ривожланишини тўхтатиб туриши, мазмун ҳамда нимани қадрлаш ва нимани ўргатиш ҳақидаги тасаввурлар доирасини чеклаши мумкин.

Ёмон ишлаб чиқилган имтиҳонлар тизими мазмуннинг қисқаришини, тушунмасдан ёдлашни ва товламачиликни рағбатлантиради.

Шуни айтиш керакки, PISA тадқиқотида юқори натижаларга эришган кўпчилик таълим тизимлари ўқувчиларда юқори даражали тафаккурни ривожлантириш ва бундай тафаккурни реал дунё муаммоларини ҳал қилишда қўллашга қаратишган. Бу мамлакатларнинг ўқитувчилари: "Ким ҳақ?", "Нима учун?", "Бунинг тушунтириб бероласизми?" каби саволларни бериб, ўқувчиларни кейинги мушоҳадаларга ундашади.

Шанхайда анъанавий фанларнинг ўқув соҳаси сифатида қайта ташкил қилиниши бундай уринишларга мисол бўла олади. Финляндия ҳам фанлараро ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларига эга, ўқитувчи ва ўқувчилардан ўқув фанлари доирасидан ташқарига чиқиб фикрлаш ва ишлашни талаб қиладиган ўқитиш тизимини яратиб, бу масалада олға силжиди¹³.

Айни шу сабабдан юқори натижали баъзи мамлакатларда имтиҳонлар кўп танловли топшириқлар ва компьютер тестларга асосланмайди. Бунинг ўрнига имтиҳонларда эссе, оғзаки жавоблардан фойдаланилади, баъзан эса якуний баҳога ўқувчилар томонидан имтиҳондан ташқари бажарилган иш ҳам таъсир қилади.

Айни пайтда баъзи давлатлар баҳолаш натижаларининг аниқлик ва қиёсланиш даражасини ошириш учун катта куч сарфлашапти. Мен Германиянинг энг йирик федерал мулки, Вестфалия ҳудудига қарашли Шимолий Рейнда ўқувчилар учун битириш имтиҳонларини ишлаб чиқадиغان маслаҳат кенгашида ишлардим ва қандай қилиб мансабдорлар ва экспертлар баҳолашнинг объективлиги ва ҳақиқийлигига путур етказмасдан туриб фақат мактаб ичида бўладиган ёзма битириш имтиҳонларидан бир қадар стандартлаштирилган назорат шаклларига ўтишга уринишаётганини кузатдим.

Назорат-баҳолаш материалларини ишлаб чиқишда валидлик, таққослана олишлик, мақсадга мувофиқлик ва ишончлиликни бир вақтнинг ўзида таъминлаш осон эмасдай туюлиши мумкин, лекин кўп мамлакатларда бир вақтнинг ўзида таваккалчилик оқибатида юзага келадиган хатарни пасайтириб, уларнинг афзалликларидан фойдаланишга имкон берадиган юқори сифатли имтиҳонлар тизимини яратишда катта юксалишга эришилди.

Ўзининг имтиҳон олиш маданиятини ўзгартира олгани билан мени бағоят ҳайрон қолдирган давлатлардан бири бу – Россия Феде-

рацияси бўлди. Узоқ вақтлар мобайнида товламачилик ва қонунга хи-лоф равишда қилинган хатти-ҳаракатлар натижасида россияликлар-нинг имтиҳон баҳоларига бўлган ишончи йўқолган эди. Аммо мана ўн йилдирки Россия Федерацияси бу муаммоларнинг ечими устида иш олиб борапти. Бугун ягона давлат имтиҳони ўқувчилар билимини баҳолашнинг илғор ва шаффоф усули ҳисобланади.

Аввал бошдан Россия Федерацияси кўпчилик имтиҳон тизимла-рига хос бўлган самарадорлик фойдасига валидликни ёки ишончли-лик учун мақсадга мувофиқликни хатарга қўймади ва тузоққа тушма-ди. Бу ерда имтиҳон топшириқларининг бажарилиши текшириладиган жавоб варақалари йўқ. Бунинг ўрнига имтиҳон қилинаётганларга очик турдаги топшириқлар берилади, эссе, тафаккурнинг мураккаб кўник-маларини қўллашга мўлжалланган энг юқори даражадаги топши-риқлар борган сари кўпроқ киритилмоқда.

Аммо Россия Федерацияси ягона давлат имтиҳонининг энг катта ютуғи – бу таълим ва имтиҳонларга бўлган ишончнинг қайта тиклани-ши бўлди. Ишончни қонун билан мустаҳкамлашнинг иложи йўқ, ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Имтиҳон ўтказиш учун зарур бўлган шароит каби ишонч ҳам ишончли имтиҳон тизимини ишлаб чиқиш-нинг натижасидир.

Россия Федерацияси бунга қандай эришди? Биринчидан, мамла-кат барча ҳудудларда ҳозирги замон тест синовлари тизимини маблағ билан таъминлади. Имтиҳон материаллари имтиҳон топшириладиган жойнинг ўзида, ўқувчилар ва имтиҳон олувчилар кўз олдида бутун имтиҳон жараёнини назорат қилиб ёзиб борадиган 360 градусли ка-мера объективи остида тўлдирилади ва муҳрланади.

Имтиҳон охирида ишлар сканер қилинади, рақамланади ва эга-си номаълум ҳолатга келтирилади, бу ишлар ҳам ўқувчилар кўз ўн-гида бажарилади. Мураккаброқ жавобларни, масалан, иншоларни автоматик тарзда баҳолаб бўлмайди, улар қўшимча ишончлилик на-зорати остида мустақил ва махсус ўқитилган экспертлар томонидан марказлаштирилган ҳолда текширилади. Шубҳасиз, иншони баҳолаш ҳар доим баҳо берадиган мулоҳазага боғлиқ бўлади. Нима учун ўқув-чилар уларни ҳаққоний баҳолашганига ишонишади? Чунки улар бунга ишонишлари мумкин. Тўлиқ текширилган имтиҳон ишлари баҳолари билан интернетга жойлаштирилади ва ҳамма ўқувчилар уларни кўра олади. Агар ўқувчилар натижадан норози бўлишса, эътироз билдириш-

лари мумкин, бундай ўқувчилар ҳар йили оз бўлса-да топилади. Мактаблар ҳам ўзларининг ягона давлат имтиҳони натижаларини кўриши ва кузатиши мумкин. Шундай экан, россиялик ўқувчилар, ўқитувчилар, мактаб директорлари ва иш берувчиларнинг ҳозирда мактаб таълими ва имтиҳонларга анча ижобий муносабатда бўлишаётгани табиий ҳолдир.

Имтиҳонлар – касб сари бир қадам

Баъзи мамлакатларда Таълим вазирликлари имтиҳонлардан кейин имтиҳон саволлари ва юқори баллар олинган жавоблардан намуналарни газеталарда чоп этишади. Шундай қилиб, жамият юқори сифатли ишлардан олинган намунага эга бўлади, ўқувчилар ҳам ўз ишларини стандарт намунага қиёслай оладилар.

Кўпинча бу имтиҳонлар миллий квалификация ва аттестация тизимлари билан боғлиқ бўлади. Бундай тизимлар мавжуд бўлган мамлакатларда мутахассислиги тасдиқланмай туриб таълимнинг кейинги босқичларига ўтиш ёки бирор соҳада иш бошлаш мумкин эмас. Ушбу тизимларда аттестация баҳоларини олиш учун талаблар қўйилади – фан мазмуни нуқтаи назаридан ҳам, ўқувчилар кўрсатиши лозим бўлган амалий кўникмаларнинг етуклик даражаси нуқтаи назаридан ҳам.

Швеция ва қатор Шимолий Европа давлатларида аттестация тизимлари ўзгарувчандир ва шундай ташкил этилганки, қачон бўлса ҳам ўз мутахассислигини тасдиқлатиш мумкин, ҳеч қачон бу ишнинг кечи бўлмайди. Бунинг устига имтиҳонлардан ўта олмаслик мумкин эмас, фақат инсон ҳали ютуққа эришгани йўқ, дейиш мумкин, холос.

Шунинг учун Швеция ҳам катта ёшли ўқувчилар нимага, қандай, қаерда ва қачон ўқишларига нисбатан хатти-ҳаракатларида максимал эркинликка эга бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакат эканига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу нарса Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида Швециянинг катта ёшлиларни расмий ва норасмий ўқитиш дастурларида иштирок этиб, энг юқори кўрсаткичларга эришганида ўз аксини топади¹⁴. Бундан ташқари, катта ёшли шведлар ўқиш ва математик саводхонлик бўйича дунёдаги энг яхшилар қаторига киради¹⁵.

Мутахассисликка эга бўлиш ҳеч қачон кеч бўлмайдиган бундай тизимларда имтиҳонларни қачон қулай бўлса, ўшанда топшириш мум-

кин, стандартлар эса ҳеч қачон пасаймайди ёки бекор қилинмайди. Ўқувчилар мутахассисликка эга бўлиш учун сидқидилдан ўқиш кераклигини билишади. Ўқувчи кейинги босқичга шунчаки ўқишга кераклик вақт сарфлагани учунгина ўтмайди. Бундай тизимда ўқувчиларга қўйилган шартлар юқори, аммо педагоглар учун, одатда, улар паст ёки бутунлай йўқ.

Одатда, битириш имтиҳонлари ташқи бўлгани боис ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар ҳаммалари битта кемада эканликларини ҳис қилишади. Боланинг баҳосига таъсир кўрсатиш мақсадида ота-оналар мактаб маъмуриятига камдан-кам мурожаат қилишади. Чунки бу нарсаси қисман бўлса-да стандартларга риоя қилишни истаган ўқитувчилар ва ўз боласига яхши келажакни истаган ота-оналарнинг орасига нифоқ солади. Ота-оналар ва ўқувчилар на ўқитувчи, на маъмурият баҳони ўзгартиролмаслигини, шу боис натижани яхшилашнинг энг яхши усули – ўқиш эканлигини билишади.

Ҳақиқатан ҳам имтиҳонларга катта умид боғлаш реал ўқишнинг зарарига тайёргарликка жуда катта эътибор қаратишга олиб келиши, аҳолининг таъминланган қатламларининггина имкони бўлган хусусий репетиторликнинг раванқига туртки бўлиши, шунингдек, товламачиликни авж олдириши мумкин. Бу хавф-хатарлар ҳақиқатан ҳам мавжуд, бироқ уларни пасайтириш мумкин.

Ота-оналар ва педагоглар баъзан баҳолаш жараёнлари ўқувчиларнинг таълимий натижаларини яхшилаш ўрнига уларни ташвишланишга мажбур қилади, дейишади. Хусусан, келажакни белгилаб берадиган стандартлашган имтиҳонлар, масалан, аниқ бир университет ёки таълим дастурига қабул, хавотирга қўйиши ёки ўқувчининг ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин.

Аммо PISA маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, назоратнинг тез-тез такрорланиши ўқувчиларда кузатилаётган хавотирлик даражаси билан боғлиқ эмас (буни мактаб директорлари ҳам тасдиқлайди)¹⁶. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар бўйича ўртача олганда стандартлашган ёки ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган имтиҳонлар ёрдамида назорат камида ойига бир марта ўтказиладиган мактабларнинг ўқувчилари текширишлар кам ўтказиладиган мактабларнинг ўқувчилари хавотирлик даражаси ҳақида нима дейишса, худди шу нарсани айтишади¹⁷. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва уларни баҳолаш тезлиги орасидаги боғлиқлик ҳам заифдир.

Аксинча, маълумотлар ўқувчиларнинг назорат ишини бажариш тезлигидан кўра уларнинг мактабда орттирган тажрибаси хавотирлик ҳиссининг пайдо бўлиш эҳтимоли билан кўпроқ боғлиқ эканини кўрсатади. Масалан, PISA сўровномаларининг маълумотлари ўқитувчилар ўқувчиларга кўмаклашганида ёки ўз услубларини ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мослаштирганларида уларнинг хавотири пасаяди. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан ноҳақлик юз бераётганини ҳис қилсалар, масалан, ўқитувчи уларни бошқалардан кўра қаттиққўллик билан баҳоласа ёки уларни зеҳни паст, деб ҳисоблаётгандай туюлса, қаттиқ хавотирга тушишларини билдирдилар.

Имтиҳонлар ва таълим дастурини ишлаб чиқиш

Таълим стандартлари ва имтиҳонлар – таълим тизимининг ниҳояси эмас, бошланиши. Стандартлар ва имтиҳонларнинг таълим дастури, ўқув материаллари ва педагогик амалиётда қандай мужассамланиши муҳим жиҳат ҳисобланади. Мени кўпинча мамлакатлар ўз таълим дастурлари ва ўқув материалларини ишлаб чиқишга, уларни таълим мақсадлари, стандартлар, ўқитувчиларнинг касбий етуклик даражаси ва битириш имтиҳонлари билан мувофиқлаштиришга нақадар кам эътибор қаратаётгани ва нақадар кам маблағ ажратаётгани ҳайрон қолдиради.

Мамлакатдаги миллионлаб болалар нимани ўрганишини кўпинча бир неча олим ва мансабдорларгина белгилашар экан. Келгусида ютуққа эришиш учун ўқувчилар нимани билиши ва нимани уддалай олишини муҳокама қилиш ўрнига улар ўз фанлари мазмунининг ҳажми ва яхлитлигини ҳимоя қилишга интиладилар.

PISA – 2003 тадқиқотини ишлаб чиқиш учун математикадан миллий ўқув дастурларини ўрганаётганимда, нима сабабдан тригонометрия ва ҳисоблашни ўргатишга бу қадар эътибор қаратишларига кўп ажабландим. На математика фанининг ички тизимида, на аҳамиятга молик ўқув жараёнларида, на ҳозир математикадан қандай фойдаланишаётганида бу саволга жавоб йўқ. Гап ўз ер-мулкларининг ҳажмини ўлчаган ёки аллақачон рақамларда ифодаланган мураккаб ҳисоб-китобларни бажарган ота-боболаримизнинг математикадан қандай фойдаланишганида.

Ҳамонки ўқиш вақти чегараланган экан ва биз ўз аҳамиятини йўқотган нарсани ўргатишдан воз кечолмас эканмиз, ёшлар ўтмишининг асири бўлиб қолаверадилар, мактаблар эса ҳозирги дунёда ютуққа эришиш учун муҳим бўлган қимматли билим, компетенция ва шахсий сифатларни такомиллаштириш имконидан маҳрум бўлади.

1990 йилларнинг охирида Япония фанлараро таълимни янада чуқурлаштириш учун макон яратиш мақсадида миллий ўқув дастуридан мундарижанинг деярли учдан бирини олиб ташлаб, бу вазиятга ўз муносабатини билдирди. Ўқитувчилар, одатдагича, *ютори кёику* (ютори таълими)¹⁸ ислоҳоти вазифаларини қабул қилдилар, аммо ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар уларни ҳал қилиш учун етарлича ёрдам кўрсатмади.

Бундан ташқари, мактаб ўқитувчилари ўтмишда ўз самарадорлигини исботлаган ва япон имтиҳон тизимининг текширувидан ўтган барқарор амалиётдан истар-истамас узоқлашадилар, 2003 йилдан PISA натижалари математика фани бўйича кўрсаткичларнинг пасайганини намоён қилганида ота-оналар қисқартирилган ўқув дастури уларнинг болаларини келажакка тайёрлашидан шубҳалана бошлашди. 2006 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда Япония ўқувчиларнинг PISA таклиф қилган ноструктуравий очиқ масалаларни еча олиш қобилиятини бошқа ҳар қандай мамлакатга қараганда тезроқ яхшилашга эришди. Бундай масалаларни ечиш учун *ютори* ислоҳоти мустаҳкамлашга интилган ижодий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини қўллаш зарур бўлади. Бироқ ислоҳотни бекор қилишга қаратилган босим кучайди ва кейинги бир неча йил давомида ўқув дастурларининг мазмун-мундарижаси яна устун кела бошлади.

Бошқа мамлакатлар бугунги кун талабларига ўқув дастурларининг ҳажмини орттириш билан жавоб берди. Натижада, мавзуларнинг катта қисми юзаки ўрганилмоқда. Янги мазмун қўшиш – дастурдан материалларни олиб ташлаш анчайин мураккаб бўлган бир пайтда тизим замон талабларига муносабат билдираётганини кўрсатишнинг оддий усулидир.

Ота-оналар кўпинча ўзлари нимани ўрганган бўлсалар, болаларини ҳам шунга ўргатишларини кутишади, шу сабабдан улар таълим мазмунининг қисқаришини стандартларнинг пасайишига тенглаштиришга мойилдирлар. Ўқитувчилар эса, аксинча, ўқув дастури у қадар муфассал бўлмаса, талабчанроқ бўлишади, ўқувчилар томонидан фан-

лар мазмунини тушунишни чуқурлаштиришга кўпроқ куч ва ресурслар йўналтирилади.

Мен буни PISA сабабли тушундим. 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин мансабдорлар мактабларда молияга оид таълимни кучайтиришга ҳаракат қилдилар ва бу кўникмаларни тадқиқотда баҳолаш учун илтимос билан мурожаат қилдилар. Молияга оид таълим даражасини ошириш ўқувчиларнинг молиявий саводхонлик кўрсаткичларининг ошишига олиб келади, деб тахмин қилинганди. Аммо 2014 йили илк натижалар эълон қилинганида¹⁹, улар ўқувчиларнинг молиявий саводхонлиги билан улар олган молияга оид таълим ҳажми ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатди. Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши натижаларни ўқув дастурида амалда молияга оид ҳеч қандай бўлим мавжуд бўлмаган Шанхай кўрсатди. Юқори натижаларнинг сири Шанхай мактабларида чуқур концептуал (моҳиятни англашга қаратилган) ва комплекс математик тафаккурни тарбиялашларидадир. Ўқувчилар математиклардай ўйлай олганлари ва эҳтимоллик, ўзгариш, таваккаллик каби тушунчаларнинг маъносини тушунганлари сабабли, ўз билимларини нотаниш молияга оид контекстга ўтказиш ва қўллаш улар учун қийинчилик туғдирмайди.

Мана нима учун мамлакатда энг зўр экспертларни тўплаш нафақат ўз соҳасининг мутахассисларини, балки ўқувчилар қандай ўқиётганининг фарқига борадиган кишиларни ҳамда қайси синфда, қандай мавзуларни ва қандай изчилликда ўқитиш лозимлигини аниқлаш ва мунтазам кузатиб бориш учун реал ҳаётда қандай билим ва соҳалардан фойдаланишни тушунадиган кишиларни жамлаш ҳам жуда муҳим.

Ўқитувчилар ва дарсликларни чоп этувчи ноширларнинг ишини йўлга соладиган таълим дастурларида стандартлар қай даражада пухта ўйлаб татбиқ этилишига эътибор қаратиш зарур. Пухта ишлаб чиқилган имтиҳонлар олий тафаккур кўникмаларига қаратилиши, ўқувчиларнинг таълим стандартларига ва асосий ўқув дастурига мослик даражасини баҳолаши керак, мутахассислик тизими битириш имтиҳонлари тизимини ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак.

Яна шуниси ғоят муҳимки, таълим тизимлари шунчаки айрим академик фанлар атрофида қурилиши керакмас, балки педагогик тадқиқотлардаги энг янги кашфиётлар ўқувчилар қандай ўқиётгани ва ривожланаётгани ҳақида нимани кўрсатаётганига асосланиб барпо

қилиниши керак. Масалан, Сингапур таълим дастурида таълим изчиллиги очик кузатилади. Ўқувчилар бошланғич мактабдан ўрта мактабга, ўртадан юқори мактабга ўтишига қараб, кутилганидек, ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун маънавий жасоратга эришиш йўлида ўзида маънавий яхлитлик тушунчасини шакллантириш воситасида яхшини ёмондан ажратиш кўникмасига эга бўлиши керак бўлади. Ўз навбатида, ўқитувчилар ўқувчиларига ўзларининг кучли ва заиф томонларини топишга ёрдам бериши, ўз кучларига бўлган ишончини қўллаб-қуватлаши, ўзгаришларга мослашиш ва тақдир синовларига бардош бериш қобилиятини ўстириши керак. Эътиборлиси, жамоавий ишда ўқувчилар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш жараёнида такомиллаша борадилар, меҳр-оқибат туйғусини намоён қила бошлайдилар, ўзаро маданий ҳамкорлик ва жамоа олдида бурчлилиқ қобилиятини ўстирадилар. Улар бошланғич синфдаги қизиқувчанлик, ўрта мактабдаги ижодкорлик ва тиришқоқликдан олий мактабдаги новаторлик ва тадбиркорлик билан боғлиқ қобилиятларни ривожлантиришгача бўлган йўлни босиб ўтишлари кутилади. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиш ва ўзлигини намоён қилиш қобилиятини ривожлантиришни ўзгаларнинг нуқтаи назарини ҳурмат қилиш ва самарали фикр алмашиниш, танқидий фикрлаш ва мулоқот мақсадларига эришиш қобилиятини ўстириш ёрдамида йўналтиришлари кўзда тутилади. Ўқувчилар ўз ишлари билан фахрланиб, олаётган билимлари учун жавобгарликни ҳис қилиб, комилликка интилиб ўсишлари назарда тутилади.

Таълим дастурларини ишлаб чиқишда аниқ бир мақсадга йўналтирилган ва тартибли ёндашувни қўллаш учун мамлакатларга шу қадар кўп вақт керак бўлгани ажабланарли ҳол. Бу қадам маълум даражада Чарльз Фадель ва унинг Гарвард университетидаги таълим дастурларини қайта тузиш марказининг иши билан боғлиқ эди²⁰. Фикрлашдаги бу силжиш Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 2016 йилда биз ишга солган “Таълим – 2030” таълим дастурларини ишлаб чиқиш лойиҳасида ўз аксини топди. Мамлакатлар ўқув дастурларини ички сиёсатга тегишли соҳа деб билиб, уларни халқаро миқёсда муҳокама қилишни рад этганларидан сўнг кўп йиллар ўтиб, улар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотини таълим дастурларини ишлаб чиқишнинг янги глобал тузилма яратиш жараёнига бош қилиб қўйишди. Улар жамият таълимдан кутаётган нарса билан мавжуд таълим муассасаларини таъминлаётган нарса ўртасидаги тафовут

борган сари катталашиб бораётгани ва бу тафовутни камайтириш учун ҳамжиҳатликдаги халқаро ҳаракатлар талаб қилинишини тан олишди.

Яхши ўқитувчиларни қандай топиш ва ушлаб қолиш керак

Биз ўқитувчиларимиздан кўп нарсани талаб қиламиз. Биз улар ўз фанларини, ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ва атрофлича тушунишларини кутамиз, чунки ўқитувчиларнинг ғамхўрлиги уларга жуда қаттиқ таъсир қилади. Бизнинг орзу-ниятларимиз фанларга оид профессионал билимларни, ўқув дастурини билишни, мазкур фан бўйича нимага ва қандай ўқитиш кераклиги ҳақида тасаввурни, методикага оид билимларни, яхши ўқув натижаларига олиб борадиган ўқув муҳитини ташкил этишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ўқитувчилар ўзига ўзи савол бериш ва уларга жавоб излаш қобилиятига эга бўлишлари, етук илмий текшириш кўникмаларига эга бўлишлари, умр бўйи ўқиб-ўрганишлари, ўз малакаларини мунтазам ошириб боришлари зарур. Модомики ўқувчилар бундай хулқ-атвор намунасини ўз ўқитувчисига кўрмас экан, улар бутун умри давомида узлуксиз таълимга тайёргарлик кўрмайдилар.

Биз яна ўқитувчилардан лавозим мажбуриятларида кўрсатилганидан кўра кўпроқ нарсани кутамиз. Биз уларнинг қизиқувчан, ғамхўр, раҳмдил бўлиши, болаларда жавобгарлик ҳиссини тарбиялаб, рағбатлантириши ва эргаштириши, ҳар хил ижтимоий мақомга эга бўлган болаларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши, бағрикенглик ва фуқаровий нуқтаи назарни ривожлантириши, ўқувчиларни узлуксиз баҳолаш ва қайта алоқани таъминлаши, баҳолаш ва барча ўқувчиларни ишга жалб қилиш учун шароит яратиши ва биргаликда ўқишни рағбатлантиришини хоҳлаймиз. Шунингдек, биз ўқитувчилардан бир-бири билан ҳамкорлик қилиш, бир жамоадек ота-оналар ва бошқа мактаблар билан шерикликда ишлаш, умумий мақсадлар қўйиш, уларни амалга оширишни режалаштириш ва назорат қилишни кутамиз.

Шундай жабҳалар борки, улар ўқитувчи ишини бошқа ишлардан анча қийин ва фарқли қилади. Нуфузли Сингапур миллий таълим институти раҳбари Ун Сен Тан айтганидек²¹, ўқитувчилар кўп вазифалик шароитида эксперт бўлмоқлари керак, чунки улар ўқувчиларининг

кўплаб талабларига бир вақтнинг ўзида жавоб берадилар. Улар дарснинг ривожига қараб ишлайдилар, дарсдаги вазиятни эса олдиндан кўриб бўлмайди ва қандай жавоб қайтаришни ўйлашга бир сония ҳам вақт қолмайди. Ўқитувчиларнинг бир ўқувчига қилган муомаласи барча синфдошлари томонидан тасдиқланади ва бу ўқитувчини мактабда қандай қабул қилишларини шакллантириши мумкин.

Кўп кишилар уларнинг ҳаёти ва интилишларига самимий қизиқиш кўрсатган, ўзлигини англашга ёрдам берган, нимагадир иштиёқи борлигини кашф қилган, китоб ўқишни севишга ўргатган ҳеч бўлмаганда битта ўқитувчисини эслаб юрадилар.

Таълим тизимининг сифати шу тизимда ишлаётган ўқитувчининг сифатидан ортиқ бўлолмайди. Бу кундай равшан. Шу сабабли энг яхши ўқитувчиларни жалб қилиш, уларнинг касбий етуклиги ва уларни сақлаб қолиш – таълим тизимлари дуч келадиган катта муаммодир. Уни ҳал қилиш учун ҳукумат корпоратив жамоаларни барпо этиш бўйича бизнес тажрибага мурожаат қилиши мумкин. Компаниялар ўз ходимларини танлаб оладиган кадрлар резервини яратиш, ўзларига тегишли ёш мутахассислар иш бошлашдан олдин оладиган билим даражаси, янгиларга қандай йўл-йўриқ кўрсатиш ва касбга олиб кириш, ходимлар қандай узлуксиз таълим олаётгани, уларнинг иш ҳақи қандай белгиланиши, яхши ишлаётганлар қандай мукофотланиши, қийинчиликка дуч келганларга қандай ёрдам кўрсатилиши ва энг яхши ходимларга хизмат поғонасидан кўтарилишда қандай имкониятлар тақдим этилиши билан таништиришга жиддий эътибор қаратишлари лозимлигини биладилар.

Энг яхши ўқитувчиларни жалб этиш

Юқори натижаларга эришган таълим тизимларини ўрганиш давомида мен энг яхши ўқитувчиларни жалб этиш ўқитувчилик касбининг бир вақтнинг ўзида ҳам эксклюзив, ҳам инклюзив касбга айланишига таъсир қилишини билиб олдим.

Бизнес-тузилма ёки ташкилот профессионалларни ишга олаётганида кучли ходимларни аҳолининг юқори самара берадиган бўғинидан танлаш учун ҳамма нарсани қилади. Кўпчилик компаниялар ва саноат соҳалари маълум даражада мактаблар ва университетларга ва улар учун шундай саралашни амалга оширадиган имтиҳон тизимига

суянади. Бу – Токио университети битирувчисини ишга олишга қарор қилганида етакчи япон вазирликлари қиладиган ишдир ёки бу – Гарвард, Йэль ва Стенфорд университетлари битирувчилари орасидан ходим танлаётганида Уолл-стритдаги энг яхши фирмалар қиладиган ишдир. Улар ана шу ташкилотларга эътибор қаратишган, чунки энг иқтидорли ёшлар шу университетларда таҳсил олади, деб ҳисоблашади, бу битирувчилар қандайдир аниқ билим ёки кўникмалари билан ярқ этиб кўринишгани учун эмас. Ҳеч бир соҳада барча мутахассисларни битирувчиларнинг энг самарадор бўғинидан ёллаш имкони бўлмагани сабабли улар ўз иш фаолиятларини шундай ташкил қиладиларки, бунда энг яхши кадрларни муҳим ўринларга қўйиш ва ўртамиёна кадрлардан ёрдамчи вазифаларда фойдаланиш имконига эга бўладилар. Улар кўпинча энг юқори даражадаги касбий маҳоратга эга мутахассисларни жалб қилишга ёрдам берадиган кадрлар агентлигига мурожаат қиладилар.

Шундай қилиб, у ёки бу соҳага тегишли ташкилотлар ўз мутахассисларини танлаб оладиган бундай кадрлар захирасини қандай омиллар шакллантиради? Одатдагидек, бу – хизмат вазифаси берадиган ижтимоий мақомни бирлаштириш, компанияга номзод (ўзининг нуқтаи назари бўйича) келтириши мумкин бўлган фойда, молиявий мукофот ва меҳнат мажбуриятларини бажаришдан маънавий қониқиш даражасидир.

Мамлакатдаги ўқитувчилик касбининг мақоми шу касбга киришга интилаётган кишиларга жиддий таъсир кўрсатади. Финляндияда мутахассисларнинг синчков танлови ўтказилади, мактабларда эса фақат юқори малакали ва яхши билимга эга ўқитувчилар ишлашади. Мамлакатда обрўли касблар озчиликни ташкил этади. Анъанавий конфуцийчилик маданиятига эга мамлакатларда ўқитувчилар узоқ вақт давомида Ғарб давлатларига қараганда бир мунча юқори ижтимоий мақомга эга эдилар. Баъзи бир Шарқий Осиё давлатларида ўқитувчилар катта ҳақ тўланадиган давлат хизматчилари қаторида туриши учун, уларнинг маоши қонун билан белгиланади.

Англияда Тони Блэр раҳбарлиги остидаги лейбористлар маъмурияти ҳокимият тепасига келганида мамлакат ўз тарихида жуда кенг миқёсда ўқитувчилар танқислигига дуч келди. Беш йил ўтгач, ҳар бир вакант ўринга саккизта талабнома берилди. Маълум даражада бу – таълим маошининг ошганлиги ва ўқитувчининг меҳнат шароитидаги туб ўз-

гаришлар натижасидир. Бу жараёнда педагог ва маъмурий ходимларни қабул қилиш бўйича чуқур ўйланган ва кучли тарғибот-ташвиқот кампанияси ҳам муҳим роль ўйнади²².

Сингапур ўқитувчиликка номзодлар танлаб олинadиган кадрлар захирасининг сифатини оширишга бўлган оқилона ёндашуви билан ажралиб туради. Ҳукумат номзодларни синчиклаб саралайди ва уларга бошланғич педагогик таълим даврида бошқа соҳалардаги олий таълим битирувчиларининг ойлик маошига тенг ойлик стипендияни таклиф қилади. Шу билан бирга, бўлғуси ўқитувчилар битиргандан сўнг камида уч йил дарс бериш мажбуриятини оладилар. Сингапур бошланғич маошни ҳам эътибор билан кузатади. Шундай қилиб, мамлакат ўзининг малакали номзодлари сабоқ беришни бошқа обрўли касблар сингари молиявий жиҳатдан жозибали, деб ҳисоблашларини хоҳлайди. PISA маълумотлари Сингапур мактаблари ўқитувчилар ёллаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда нисбатан чекланган ҳаракат эркинлигига эга эканлигини кўрсатади. Аммо амалиётчилар бириктирилган мактаб директори ёш ўқитувчиларни ёллаш ҳақида ўйлаётиб, унинг хатолари камида қирқ йил ёмон ўқитишга олиб келишини тушунган ҳолда ўз қарорларини тарозига солиб кўради. Яъни, гап нафақат битта мактаб, балки умуман яхлит бир тизимнинг фойдалилиги ҳақида боряпти.

Ўқитувчилик касбини моддий томондан жозибадор қилиш нисбатан осон бўлган бир пайтда ўқитишни маънавий жиҳатдан жозибадор қилиш анчагина мушкул иш. Аммо айнан кейингиси иқтидорли кишиларни, айниқса, жамиятни яхши томонга ўзгартириш учун билим бериш билан шуғулланаётган кишиларни касбга жалб қилишнинг зарур шарти ҳисобланади. Бу эса қийин, чунки у ўқитувчи ишини ташкил қилишга, касбий юксалиш имкониятининг мавжудлиги ва касбнинг бутун жамият томонидан қабул қилинишига боғлиқ (диаграмма 3.1). Шуни ҳисобга олсак, ўқитувчилик касби илғор тажрибанинг халқаро миқёсда тан олинishi ва тақдирланишининг бошқа усуллариغا эга эмаслиги ажабланарлидир. 2016 йилда киносаноат ўзининг 88-“Оскар” мукофотини тақдим этди, лекин 2016 йил эса – ўқитувчиларга берилган халқаро мукофот Global Teacher Prize'нинг биринчи йили бўлди²³.

Бироқ, иккинчи бобда айтилганидек, катта ёшли аҳоли компетенциясини баҳолаш натижаларига қараганда бирортаям мамлакатда ўқитувчилар юқори натижаларга эришган, учга бўлинган битирувчила-

рининг биринчи қисмидан олинмайди (диаграмма 2.5а). Одатда, коллеж ёки университетни битирган ўртача ходим даражасидаги ўқитувчилар етиштирилади. Ўқитувчилар компетенцияси халқаро миқёсдаги ёки ҳатто ўртача коллеж битирувчисининг тайёргарлик даражасидаги мутахассисларнинг компетенцияси билан қиёслашдан анча узоқ бўлган мамлакатларда ўсиш тезлашаётганини кузатиш қизиқ ҳол (Польша шундай мамлакатлардан биридир). Бу – имтиёзли-битирувчиларни жалб қилиш таълим сифатини ошириш усулларида бири эканлигидан, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришни давом эттиришга мамлакатларнинг маблағ киритиши ҳам муҳимлигидан далолатдир.

Энг яхши ўқитувчиларни ўқитиш

Ўқитувчини нима самарали қилади? Тадқиқотчилар Томас Л. Гуд ва Элисон Лавин²⁴ уларга умумий таъриф беришди: бундай ўқитувчилар барча ўқувчиларни ўқишга лаёқатли, ўзларини эса ўқитишга лаёқатли, деб ҳисоблашади; вақтларининг кўп қисмини бевосита ўқувчиларга билим бериш билан ўтказадилар; синфдаги ишни ўқувчиларнинг ўқиш вақтини максималлаштириш мақсадида ташкил қилишади; кичик қадамлар билан олдинга юриб, ўқув дастури бўйича тез ҳаракат қилишади; ўқитишнинг фаол услубларини қўллашади; ўқувчилар кўникма ва малакага эришмагунича, билим беришда давом этишади.

Аммо биз бундай ўқитувчиларни қандай тайёрлаймиз? Табиатдаги ўхшашликдан фойдаланаман: қурбақалар, ҳеч бўлмаса баъзи бир итбалиқлар тирик қолиб, кейинги авлод қурбақаларига айланиши учун жуда кўп миқдорда увулдириқ ташлашади; ўрдақлар атиги бир нечта тухум қўйишади, қўриқлашади ва жўжа очгунича уларни иситишади, кейин эса ҳаётини гаровга қўйиб жўжаларини ҳимоя қилишади. Маълум маънода бу такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти турли мамлакатлардаги педагогик таълимга бўлган муносабатларда ўз аксини топади. Айрим мамлакатларда ўқитувчилик касбини эгаллаш имконияти ҳаммада бор, бироқ унга ҳеч иложи топилмаган тақдирдагина мурожаат қилишади, шу билан бирга, олий ўқув юртини битирмаган талабалар сони эса жуда катта. Бошқа мамлакатларда педагогик таълим ортиқ даражада танлов хусусиятига эга. Уларда университет ёки

коллежга қабул қилинган талабаларга етук ўқитувчи бўлиб етишишга кўмак бериш учун кўшимча маблағлар ажратилади.

Кўпгина юқори натижали таълим тизимлари паст мақомга ва нисбатан кириш осон бўлган кўп сонли турли касб коллежларидан ўқитувчи олиш амалиётидан кириш стандартлари нисбатан юқори бўлган ва анча юқори мақомга эга кам сонли педагогика олий ўқув юртлари ва коллежларидан ўқитувчи олишга ўтди. Ўқитувчилар тайёрлайдиган коллежларга кириш талабини кўтариш билан бу мамлакатлар аттестация баҳолари паст бўлган ёшлар ўқитувчи бўлишига тўсқинлик қилади. Улар бошқа нуфузли мутахассисликни танлаши мумкин бўлган иқтидорли ёшлар жамият эгаллаш осон деб ҳисоблайдиган ва бинобарин, қийинроқ мутахассисликни эгаллай олмайдиганлар учун жозибадор бўлган мутахассисликни танлашлари амримаҳоллигини тушунади.

Финляндия педагогик таълимни олий мактабнинг энг нуфузли дастурларидан бирига айлантирди. Ҳар йили педагогика олий ўқув юртларига битта ўринга тўққиздан ортиқ номзод даъвогарлик қилади, ўқишга кира олмаган ёшларда эса адвокат ёки шифокор бўлиш имкони қолади. Абитуриентлар мактабдаги ўқиш натижалари ва кириш имтиҳонида олган баҳосига асосан баҳоланади. Номзодларни янада жиддийроқ саралаш кейинроқ содир бўлади. Академик натижалар асосидаги бошланғич танловдан сўнг улар ўқитувчи ишини кўрсатиб беришига қараб баҳоланадилар, кейин улардан интервью олинади. Фақат юқори даражада ўзлаштиришдан ташқари, ҳақиқатан дарс бера олиш қобилиятига эга абитуриентларгина курсга қабул қилинади.

Ишга қабул қилиш талабини кўтариш ва ўқитувчиларга синфда кўпроқ ҳаракат ва назорат эркинлиги беришни бирга қўшиш, шунингдек, ўз иш шароитига таъсир ўтказиш имконияти ўқитувчилик касби мақомининг ошишига йўл очиб берди. Бугун ўқитувчилик ёш финларнинг энг ардоқли касбларидан бирига айланган. Фин педагоглари амалда барча ўқувчиларга билимли бўлишга ёрдам бера олишларини исботлаб, ота-оналар ва бутун жамиятнинг ишончига сазовор бўлдилар.

Анча самарали таълим тизимлари кенг назарий базагагина эмас, балки бевосита синфларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашга асосланган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш моделини яратиш устида ҳам ишляпти. Бундай дастурларнинг моҳияти шундаки,

бўлажак ўқитувчилар мактабга эртaroқ кирадилар, кўп вақтларини мактабда ўтказадилар ва таълим олиш жараёнида катта ёрдам оладилар. Бундай дастурлар муаммоли ўқувчиларга эрта ва аниқ ташхис қўйиш ва ўқув дастурини мос равишда соддалаштириш малакасини ривожлантиришда ўқитувчиларга кўмак беришга кўпроқ эътибор беради. Бу дастурлар бўлажак ўқитувчилар кенг инновацион педагогик услублардан дадил фойдаланадиган кишилар бўлишини кўзда тутди. Бу услублар ўқувчиларнинг ўқув тажрибасини бойитишни, тасаввур ҳамда муаммони ўртага ташлаш қобилиятини ўстирадиган жамоавий фаолиятда иштирок этишни рағбатлантиради.

Баъзи мамлакатларда бўлғуси ўқитувчиларнинг бошланғич тайёргарлиги илмий текшириш асосларини ўз ичига олади. Ўқитувчилар бу кўникмалардан умри давомида ўқиб-ўрганишга тайёр ўқувчилар каби фойдаланадилар ва педагогнинг касбий фаолиятини яхшилашга ўз ҳиссасини қўйиш учун турғун амалиётни шубҳа остига қўядилар, дея тахмин қилинади.

Илмий текшириш фаолияти ўқитувчилар касбий таёргарлигининг ажралмас қисмидир. Финляндияда ҳар бир ўқитувчи маълумотни магистрлик диссертацияси билан тугаллайди.

Финляндия ижодкорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи мамлакатларнинг олдинги сафида тургани боис ўқитувчилик иши тадқиқотлар, ишлаб чиқишлар ва лойиҳалар билан боғлиқ касбга қизиқадиган кўп кишиларни ўзига жалб қилади.

Ўқитувчиларни улар қандай қилиб ўқитувчи бўлганлари учун эмас, улар нимани билишлари ва уддалай олишлари учун тан олиш жуда муҳим. Маълум муддат мен катта қизиқиш билан Teach For All ҳаракатини кузатдим. Бу ҳаракатга қўшилган ташкилотлар турли академик фанлар ва касбларнинг умидли вакилларини камида икки йилга мутахассисларга катта эҳтиёж сезаётган мактабларда дарс бериш учун жалб этишга интилади. Бу фаолиятга жалб этилган мутахассислар кейинчалик таълим имкониятларининг сифатлилиги ва тенглиги тарафдорларига айланишлари ҳам кўзда тутилади.

Бу ҳаракатнинг бошқарув кенгаши аъзоси бўлганимдан кейин, тез орада 2012 йили Teach First'нинг Лондонда йилда бир бўлиб ўтадиган биринчи конференциясида “10 000 та синф хонасини қандай ўзгартириш керак?” деган тақдирот билан чиқиш қилдим. Мен мактаб ўқи-

тувчиси бўлиш ва шароити оғир болаларнинг ҳаётига таъсир кўрсатиш учун мансабидан кечган инсонлар ҳақида кўп эшитганман. Ўқитувчилар тайёрлаш интенсив курсларини ишлаб чиққан ва ўтказган ёш конференция қатнашчиларнинг ишлари менга янада кучли таъсир кўрсатди. Педагог кадрларни тайёрлаш инфратузилмаси умуман мавжуд бўлмаган Нигерияда бу курсларда ҳар йили 400 тагача ўқитувчи қатнашган. Хитойдан келган вакила ўзининг узоқ қишлоқ ҳудудларида ўқитувчилар потенциалини ривожлантириш лойиҳалари бўйича маҳаллий органлар билан қандай ҳамкорлик қилаётганини гапириб берди.

20 йиллар илгари Teach For America ташкилотига асос солган Венди Копп 2007 йилда ўзи ҳамкорликда асос солган For All ҳаракатининг эволюцияси ҳақида айтиб берди. Бир неча мамлакатдан иборат таълим имкониятларини беришда тенглик тарафдорларининг кичик гуруҳи ҳозирда ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган болаларни ўқитиш учун жамоавий раҳбарликни ривожлантириш устида ишлаётган 47 та мустақил шерикчилик ташкилотларидан иборат глобал тармоққа айланди. Teach For All ҳаракатининг эски шериги Teach For America бугунги кунда 50 мингдан ортиқ ҳаракатдаги ва собиқ ўқитувчилардан чиққан битирувчилар ҳамжамияти сифатида аҳамиятлидир. Уларнинг 80 фоизи таълим соҳасида ёки ресурслар тақчиллигини бошдан кечираётган ҳамжамиятларда ишлашяпти. Ушбу ҳаракатнинг шу кундаги 6 500 дан ортиқ иштирокчилари ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш учун бутун Қўшма Штатлар бўйича деярли 400 минг нафар ўқувчи билан ишламоқда. Дастур битирувчилари ўқитувчилар, мактаб директорлари, муниципалетларнинг раҳбарлари, ижтимоий тадбиркорлар ва таълим сиёсатини белгилайдиган мансабдорлардир. Teach For All ҳаракатининг иккинчи эски шериги—Teach First ҳозирги пайтда Буюк Британияда 165 мингдан ортиқ ўқувчи билан ишлаётган 2 500 дан ортиқ ўқитувчини бирлаштиради. Teach First ташкилотининг 7 минг нафар битирувчисидан деярли 70 фоизи таълим соҳасида ишлайди, ташкилот эса Лондондаги давлат мактабларини ислоҳ қилишнинг етакчилардан бири, деб тан олинган. Teach For All тармоғи ташкилотлари бутун дунё бўйлаб пайдо бўлмоқда, ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Дастурнинг 5 мингдан ортиқ ўқитувчиси ва 6 мингдан ортиқ битирувчиси АҚШ ва Буюк Британиядан ташқарида ишламоқда.

Бу ташкилотнинг танқидчилари талаба-педагоглари ўқитишнинг аъъанавий йўлининг муқобили йўқ ва мактабда келажакда мартабага

эришишнинг ҳам муқобили мутлақо мавжуд эмас, дея таъкидлашади ва бунда бир оз ҳақиқат бор. Бироқ улар таълим соҳасидаги истеъдод, ташаббускорлик ва тажрибанинг бирикувини ифодаладиган ижодкорлик имкониятларига муносиб баҳо бера олмайдилар.

Ўқитувчилик касбининг умумий мақоми пасайган тақдирда ҳам бундай дастурлар шуҳрат қозонгани ва келажаги бор номзодларни қабул қилишга имкон бериши ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бу ташкилотлар юқори академик натижаларни ва ўқувчиларга кўмак бериш тизимини бирлаштиради. Бу тизимда энг яхши педагогик тажрибани ўрганишга имкон берадиган гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш устунлик қилади. Бундан ташқари, улар ўқитувчиларга ўқитувчи ёки мактаб ёхуд муниципалитет миқёсидаги ёки ҳатто таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижтимоий тадбиркорлик каби бошқа соҳалар миқёсидаги раҳбар сифатида мартаба ошишининг оқилона йўлларини кўрсатадилар. Ҳаммадан ҳам мени бу ишларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзгариб боришини ҳис этиш лол қолдиради – ўқитувчининг синфдаги лидерлигидан бутун ўқитувчилар ҳамжамиятини ташкил этишгача. Тўғри, Teach For All анъанавий педагогик таълимнинг муқобили эмас, аммо бу **ташкилотнинг** кўпгина ўқитувчилари ўйин қоидаларини ўзгартирадиган кишилар, педагогик касбининг новаторлари бўлиб етишдилар.

Ўқитувчилар малакасини ошириш

Модомики биз мактабларда ўқитиш самаралироқ бўлишини истар эканмиз, кўпроқ ўқитувчилар малакасини ошириш ҳақида ўйлашимиз керак. Қандай қилиб яхши ўқитувчилар жуда яхши ўқитувчига айланишини, бу амалиётни турли мактабларда қандай қўллаш кераклигини тушуниш муҳим.

Ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги, одатдагидек, дастлабки таълимга, бўлғуси ўқитувчилар иш бошлашдан олдин эгалладиган билим ва кўникмаларга қаратилган. Худди шунга ўхшаш педагогларни тайёрлашга йўналтирилган ресурсларнинг катта қисми улар мактаб остонасига қадам қўймасларидан олдин ажратилади. Бироқ таълимдаги тезкор ўзгаришларни ва кўп ўқитувчилар фаолиятининг узоқ давом этишини инobatга олиб, уларнинг касбий компетенциясини оширишни узлуксиз таълим нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак, бунда ўқитувчилар олган бирламчи таълим кейинги ривожланиш учун асос бўлади

холос, аммо касбий маҳорат чўққиси эмас. Технологик инновациялар ва янги медиаканалларнинг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчилар дуч келадиган зиддиятлар ҳақида ўйлаб кўринг, қаршиларида яқин кунлардаги мигрантлар оқими билан боғлиқ мураккаб муаммолар турган европалик ўқитувчилар ҳақидаям ўйлаб кўринг. Дастлабки педагогик таълимнинг бирортаям дастури 10 йил олдин, бугунги ўқитувчилар коллежда таҳсил олаётган пайтда, бундай нарсани тахмин ҳам қилолмасди.

Онтарионинг собиқ бош вазири Далтон Мак-Гинти 2010 йилда менга ўқитувчиларнинг янги авлоди келишини кутиб ўтирмай, олдиндан қўллаб-қувватлаши ва ислохотларга тайёрлиги ҳақидаги ваъдасини олиб, мавжуд мактабларни ривожлантириш ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишга сармоя киритишни бошлаганини айтиб берди.

Дастур мактаб потенциалини оширишни фаоллаштириш ва ислохотларни ишлаб чиқиш курси ва стратегиясини муҳокама қилиш учун ҳар чоракда тизим раҳбарлари, ўқитувчилар касаба уюшмалари, мактаб инспекторлари ташкилоти ва мактаб директорлари ассоциацияси раҳбарларининг учрашувини кўзда тутарди.

Бошқа мамлакатлар ҳам ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига инвестиция киритди. Сингапурдаги ўқитувчилар бир йилда юз соат малака ошириш ҳуқуқига эгалар, бу уларнинг фанлар соҳасидаги ўзгаришлардан бохабар бўлишига ва ўз услубий тайёргарлигини такомиллаштиришга имкон яратади. Ўқитувчилар бирлашмалари ва профессионал ўқиш ҳамжамиятлари ўзаро таълимни рағбатлантиради.

Шундай қилиб, Сингапурда 2010 йилнинг сентябрида ўқитувчилар ўртасида илғор тажрибалар билан мунтазам алмашилиш мақсадида ўқитувчилар Академияси очилди. Сингапурда олий ўқув юрти битирувчисида синфда ишлаш тажрибаси етишмаслиги муаммоси тўлиқ ҳал қилинган деб бўлмайди. Ҳар йили 2000 нафар ёш ўқитувчини тайёрлаш – қимматга тушадиган мураккаб жараён.

Хўш, нима қилса бўлади? Педагогик таълим маҳаллий миқёсда қабул қилинадиган кўплаб қарорлар таъсирида шаклланадиган, шахсий танлов ўқитувчилик касбининг умуммиллий сифатига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида мутлақо беҳабар АҚШ ёки баъзи Европа давлатларига эргашса бўлармикин? Ёки кичик, сараланган гуруҳ учун ўрин таклиф қилаётган университетларга эргашамизми? Сингапур турли хил ёндашувларни синовдан ўтказяпти. Сингапур миллий

таълим институти 10 ҳафтадан 22 ҳафтагача давом этадиган мактаб педагогик амалиётига қўшимча равишда рақамли технологиялардан ҳам фойдаланади. Бундан мақсад, бутун мамлакат бўйлаб реал вақт режимида синфхоналарга киришга ижозат бериш билан талабаларнинг назарий тайёргарлигига ҳақиқий дарс динамикасини киритишдир. Шунингдек, институт бўлғуси ўқитувчиларга ишлаб, педагогик тажриба орттиришга, ўзлари келажакда ишлайдиган синфлардаги ўқувчиларнинг ўсиб бораётган турли-туман эҳтиёжларини қондиришга, шу билан бирга, ўқув дастурлари, педагогика фани, амалиёт ва рақамли ресурслардаги инновациялар билан барабар қадам ташлашга кўмак бериш учун ўқув муҳитида қатор тадқиқотлар олиб бормоқда.

Шанхайда ҳар бир ўқитувчига беш йил мобайнида малака ошириш учун 240 соат вақт берилади, деб ҳисоблашади. Хитой учун Шанхай истисно эмас. Мен Хитойнинг Пекин педагогика университетидеда тақлиф этилган профессор вазифасидаман. Ҳар гал у ерда маъруза ўқиганимда, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига ва доим комиллик сари интилишларига ҳамда ўзга мамлакатларнинг педагогик амалиётларига қизиқишлари нақадар юқори эканлигига ҳайрон қоламан.

Самарали малака ошириш узлуксиз бўлмоғи ҳамда назария, амалиёт ва қайта алоқани ўз ичига олиши, зарур бўлса, қўшимча маслаҳатлар беришни таъминлаши керак. Самарадор дастурлар ўқитувчилар ўз ўқувчилари билан қўллайдиган усулларни пишитиб, маҳорат дарсларида иштирок этишларини кўзда тутди.

Аммо муваффақият калити шунчаки ўқув соатларининг кўплигида эмас, балки ўқитувчилик касбининг ўқитувчилар биргаликда ишлайдиган, доим улардан янги билим ва компетенцияларни қўллашга талаб қиладиган ва айни пайтда уларни шакллантиришга имкон берадиган муҳит билан ўзаро боғлиқлигидадир. Самарадор дастурлар ўқитувчилар ўз билим ва тажрибалари билан бўлишадиган педагогик ҳамжамиятларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Билимларнинг тўпланиш ва ёйилиш усулларига қизиқиш касб доирасида, шу жумладан, педагогик тадқиқотлар ва ўқитиш тажрибаси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўли билан, шунингдек, мактабларни доимий ривожланишга қизиқтириш орқали ортиб бормоқда.

Сингапур миллий таълим институти ходими Дэвид Хун ўқитувчилар қарашларининг ўзгариши таълимдаги ўзгаришлар учун муҳим

қадам эканлигини аниқлади²⁵. У муаммони дарс бериш жараёнида билим беришдан педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда яратадиган асарига, дарсликдаги юзаки назариябозликка асосланган билимдан илмий тажриба ўтказиш орқали ўқитишга, сумматив баҳолашдан яратувчиликка асосланган кузатувга ўтиш сифатида таърифлайди. Бундай ўтиш омадсизликдан қўрқишни уриниб кўриш ва синаб кўришга ўзгартиришни (трансформация қилишни) талаб қилади. Ўз шахсий самарадорлигини юқори ёки паст баҳолайдиган ўқитувчилар уларга ўргатилган янги кўникмалардан камроқ фойдаланишга мойилдирлар. Ўз кучига ўртача ишонадиган ўқитувчилар эса кўпроқ шундай ишни қиладилар.


Ўз ҳаракатларининг самарадорлигига ишонч, ўз навбатида, ишни ташкил қилиш билан боғлиқ: ўқитувчилар очик дарсларга қанча кўп кирса, умумий касбий маҳорат машғулотида қатнашса ва ҳамкорликда ўқитиш билан шуғулланса, шунча тез ўзларини яхши ўқитувчи сифатида ҳис қиладилар (диаграмма 3.3)²⁶.

Айни пайтда ўқитувчилар ўз фаолияти давомида қандай малака ошириши ҳақида жуда оз нарса маълум. Бу нарса менда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида ўтказилган ўқитувчилар корпусини биринчи халқаро тадқиқ қилиш (TALIS) давомида ўқитувчиларнинг ўзига мулоҳаза билдириш имконини бериш фикрини пайдо қилди. Тадқиқотнинг 2009 йилда эълон қилинган дастлабки натижалари²⁷ шунини кўрсатдики, ўқитувчилар касбий ривожланишга уни самарали деб ҳисоблаш учун зарур бўлганидан анча кам вақт сарфлашар экан. TALIS'нинг 2013 йилда ўтказган кейинги тадқиқоти ҳам²⁸ турли мамлакатларда ўқитувчилар кўпинча норасмий гуруҳларга бирлашишларини, айни пайтда касбий етуклик учун анча самарали бўлган очик дарсларга кириш, дарсларни таҳлил қилиш ёки гуруҳ бўлиб ўқитиш усулларини ўрганиш каби фаолият турларида камдан-кам иштирок этишларини кўрсатди (диаграмма 3.3 ва 3.4).

TALIS маълумотлари шундан далолат берадики, самарали малака ошириш мактабларда ўтказилиши ва ўқитувчиларга гуруҳларда бирга ишлаш имконини бериши керак экан. Ривожланган ҳамкорлик маданиятига эга таълим ташкилотларида ишлайдиган катта касбий мустақилликка эга ўқитувчилар тўғридан-тўғри мактабда бўладиган касбий ривожланишда тез-тез иштирок этишларини ва бу тадбирлар уларнинг дарсларига катта таъсир кўрсатишини айтишади²⁹.

3.3. ДИАГРАММА

ЎҚИТУВЧИЛАР ОРАСИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ
ҲАМКОРЛИҚДАН КЎРА НОРАСМИЙ АЛМАШИНИШ КЕНГ ТАРҚАЛГАН.




Манба: OECD, TALIS 2013 Database, Table 6.15

3.4. ДИАГРАММА

ҲАМКАСБЛАР БИЛАН ИШЛАГАНДА ЎЗ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИС ЭТИШ ТУЙҒУСИ

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧИ
(ХАЛҚАРО МАЪЛУМОТЛАР, ЎРТАЧА ҚИЙМАТ)



Изоҳ. Ўқитувчининг самарадорлиги унинг бошқа ўқитувчилар билан интенсив ҳамкорлиги бўйича аниқланади. Ўқитувчилар турли шаклларда қанчалик кўп ҳамкорлик қилишса, улар шахсий самарадорлигининг баҳоси шунча юқори бўлади.

Манба: OECD, TALIS 2013 Database, Table 7.10.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933042295>

Аммо буни ҳаётга татбиқ этиш осон эмас. Педагоглар ташаббуси билан қилинган ҳамкорлик ва таълим тизими сифатини ошириш мақсадида маъмурият томонидан мажбурий бошқариладиган жараёнлар ўртасида сезиларли фарқ бор. Кўп мактабларда ўқитувчилар биргаликда ишлаш имкониятини ҳақиқатан ҳам қадрлашади, лекин буни қилишга ҳар доим ҳам ҳаракат қилишмайди. Шу билан бирга, педагогик жамоа ичида профессионал ҳамкорликни маъмурий чоралар билан бошлаш ўқитувчилар томонидан ёмон қабул қилинади.

Чиндан ҳам мактабларда ҳамкорлик маданиятини яратиш ҳақида гапириш буни ҳаётга татбиқ қилишдан кўра осон. Бостон коллежи Линча Педагогика мактаби кафедра мудирини Энди Харгривз кўпинча мактабда ҳамкорлик маданиятини яратиш ва бундай маданиятни бир неча мактаб ва ташаббускор-муниципалитетлар доирасидан ташқарига ёйишнинг қийин томонларига кўп эътибор қаратади³⁰. У баъзи бир мактаблар тизимида қабул қилинган ёндашув “юзакли коллегиалликка”, яъни юқоридан мажбуран ўтказилган ҳамкорликка, нимани ва ким билан қилиш керак, деган сўроқларнинг пайдо бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув қўйидан кўтарилаётган касбий ташаббусга, ҳақиқий ҳамкорликка тўсқинлик қилади.

Айни пайтда кўп нарса ўқитувчилар ўртасидаги асл ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдиган ва рағбатлантирадиган регламент ва стандартларни яратиш нуқтаи назаридан қилиниши мумкин. Ўқитувчиларнинг раҳбарлик хусусиятларини ривожлантириш стратегияси ва таълим олаётган ўқитувчиларга кўмаклашиш чоралари ишлаб чиқирилиши, аккредитация пайтида касбий ҳамкорлик кўрсаткичлари таклиф қилиниши, касбий таълим ҳамжамиятига мансублиги ҳақидаги гувоҳнома ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ўқитувчиларнинг компетентлиги ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилиши, мактаб ичида мустақил ўқиб-ўрганиш ва улар ўртасидаги тажриба алмашишга маблағ ажратилиши мумкин. Ўқитувчиларнинг биргаликда ўқиш самарадорлигини ошириш учун уларни ҳамкорликка қизиқтирадиган, соатлар ажратиш ва гуруҳларга бўлиб ўқитиш учун имконият яратиш билан бирга соз тузилма ва жараёнлар зарур. Бундай ўқитиш фаолиятнинг турли-туман кўринишларида мавжуд бўлиши мумкин, масалан: тадқиқот лойиҳалари, ўқитувчилар нетворкинги, ҳамкасбларнинг очиқ дарсларига кириш, устозлик қилиш ёки мутахассис раҳбарлиги остида қисқа муддатли тренинглар ва ҳ. к. Ўқитувчиларнинг касбий камолотига шароит яратиш ва қўллаб-қувват-

лаш билан таълим сиёсатини белгиловчи шахслар ўқувчиларнинг ҳам бу ижобий ўзгаришларни пайқаш эҳтимолини оширишлари мумкин.

Финляндияда ўқитувчиларни бутун фаолиятлари давомида ўқи-тишнинг самарали услубларини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшишга қизиқтиришади. Хитой педагогик таълим тизими илмий тадқиқот-ларнинг муҳимлиги ва бутун тизимнинг такомиллашуви ўқитувчилар ўтказган тадқиқотларга боғлиқ эканини таъкидлайди. Самарадорлик лойиҳасининг кўрсаткичи – бу эришилган натижаларни бошқа мактаб-ларда бошқа ўқитувчилар билан такрорлаш қобилиятидир.

Хитой ўқитувчилари раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар сони ва бундай ишга давлат грантларининг осон ажратилиши ҳар доим менда катта таассурот қолдиради. Тажриба-синов мактабларининг собиқ директори, кейин эса Шанхай бош педагогика университети президенти Чжан Минсюань менга мактабларга универсаллик ва янги педагогик ишланмаларни бошқа мактабларда қўллашни апробация-дан ўтказиб, тасдиқлаш ва текшириш учун тадқиқот грантлари қандай берилишини тушунтирди. Бу мактабларнинг бир мунча тажрибали ўқи-тувчилари кейинчалик янги тажрибаларнинг самарадорлигини баҳо-лаш тадқиқотларига жалб этилади.

Аммо Осиёнинг бошқа минтақаларида мамлакатлар энг яхши ўқитувчилардан кўп нарса ўрганадилар. Таълим ташкилотлари тез-тез илғор ўқитувчиларни аниқлаб, улар ўз ҳамкасбларига маъруза ўқиш-лари, маҳорат дарслари ўтказишлари ва туман, вилоят, ҳатто бутун мамлакатда ўқитувчиларга ўргатишлари учун уларни баъзи бир эскир-ган фаолият турларидан озод қилади. Яхши ўқитувчилар мактаб миқё-сида дарс ишланмалари жараёнига бошчилик қиладилар. Тажрибали ўқитувчилар педагогик фаолиятини энди бошлаётган ўқитувчиларга ўргатишда ва баъзи ўзлаштириши паст ўқувчилар бошидан кечираёт-ган қийинчиликларни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этадилар.

Бундай сиёсат ва амалиёт ўқитиш сифатига таъсир кўрсатади. Масалан, японларнинг очиқ дарсларга кириш анъанаси ўзлари олиб бораётган дарсларнинг сифатини яхшилаш учун биргаликда ишлаёт-ганларини кўрсатади. Дарс бериш даражаси етакчи ўқитувчилар да-ражасидан паст бўлган ўқитувчилар аъло даражадаги дарсдан наму-на оладилар. Ўқитувчиларнинг профессионал ўсиш тузилмаси нуфузи ҳамда мажбуриятнинг ортиши билан хизмат пиллапоясидан кўтари-лишга имкон бергани боис яхши ўқитувчи бундан-да яхшироқ бўлиши

учун қилинган саъй-ҳаракатлар тақдирланади.

Сингапур ўқитувчилар малакасини оширишни ўзининг натижаларни такомиллаштириш бошқаруви тизими сабабли кучайтиради. 2005 йилда жорий этилган бу дастур хизмат пиллапоясидан кўтарилиш, аттестация ва касбий ривожланиш “Профессионал етуклик ва мартаба” глобал тизимининг бир қисмидир.

Тизим уч қисмдан таркиб топган: хизмат пиллапоясидан кўтарилиш, моддий рағбатлантириш ва аттестация. Хизмат пиллапоясидан кўтарилиш дастури ўқитувчиларнинг орзу-интилишлари турлича бўлишини кўзда тутаяди, шу сабабдан уларга унча имконият бериш мўлжалланган: ўқитувчига синфда қолиб ишлаш ва моҳир ўқитувчи даражасигача кўтарилиш имконини берадиган педагогик йўл; мактаблар ва вазирликда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш имконини берадиган етакчилик йўли; Сингапур ҳукумати эълон қилганидек, “янги уфқларни очиш ва Сингапурни олдинги ўринларда тутиб туриш учун билимнинг турли соҳаларида чуқур билим ва етук компетенцияларга эга мутахассисларнинг кучли ядросига” айланган ўқитувчи-мутахассиснинг йўли.

Натижаларни такомиллаштириш бошқаруви тизими асосида хизмат пиллапоясидан кўтарилишининг ҳар бир йўналишига мос келадиган, билим, кўникма ва касбий хусусиятларни аниқлашга ёрдам берувчи чуқур билимга асосланган қарашлар ётади. Бутун жараён режалаштириш, мураббийлик ва баҳолашни ўз ичига олади. Режалаштириш ўқитувчининг йилни ўз-ўзини баҳолашдан бошлашини ва маълум бир синфда дарс бериш мақсадларини ишлаб чиқишини, дарс бериш, касбий ҳамда шахсий ривожланиш учун инновацион ўқув-услубий материалларни тайёрлашини назарда тутаяди. Ўқитувчи услубий бирлашма раҳбари, унинг касбий ривожланишига жавобгар бўлган катта ҳамкасби – раҳбари билан мақсадлар вазифалар ва назорат кўрсаткичларини муҳокама қилиш учун учрашиб туради. Ўқув-услубий масалалар бўйича йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериш бутун йил мобайнида, айниқса, раҳбар унинг ютуқ ва эҳтиёжларини муҳокама қилиш учун у билан учрашадиган ярим йиллик мониторинг давомида олиб борилади.

Йил охирида амалга ошириладиган баҳолаш давомида раҳбар суҳбат ўтказаяди ва қилинган иш натижаларини режадаги иш билан қиёслаб таҳлил қилади. Ўқув-услубий ишнинг бажарилишини баҳолаш ўқув йилининг охирида бериладиган йиллик мукофот пулига таъсир

қилади. Баҳолаш босқичида ўқитувчини кейинги даражага кўтариш ҳақидаги қарор кўзда тутилган жорий потенциал асосида қабул қилинади. Ўқитувчининг имкониятига оид қарор шу ўқитувчи билан ишлаган раҳбар ходимлар билан келишган ҳолда қабул қилинади. Қарор портфолиода мавжуд бўлган кузатувларга, суҳбатга, ўқитувчининг ишга ва мактаб ҳаётига қўшган ҳиссаси ҳақидаги далилларга асосланади.

Бу яна шундай соҳаки, бунда халқаро алмашинув мавжуд сиёсат ва амалиётни маълум даражада бойитади. 2014 йилда Англиянинг таълим ва болаларни парвариш қилиш масалалари бўйича вазир ўринбосари, собиқ математика ўқитувчиси Лиз Трасс Шанхайнинг PISA тадқиқотларида математика бўйича юқори натижаларга эришганидан руҳланиб кетди. У Шанхайга борди. Математика фанини ўқитиш даражаси ва “ўқитувчи-ўқитувчи” ва “мактаб-мактаб” касбий алмашинув дастури унда катта таассурот қолдири. У хитойликлар билан Хитой ва Англия ўртасида ўқитувчилар алмашинув дастурини яратиш устида иш олиб борди³¹. Ташаббус математика фанини ўқитишнинг энг яхши амалиётларини кенг ёйиш ва математик стандартларни математика бўйича педагогик маҳорат марказларининг миллий тармоғи орқали оширишга қаратилганди.

Аввалига ташаббус бир қадар шубҳа билан қарши олинди. Мен буни бу дастур ишга тушгани сабабли BBC журналистлари мен ва ўқитувчилар миллий иттифоқи етакчисидан интервью олганида яққол кузатдим. Иттифоқ вакили бир мамлакат ва бир маданиятда ишлаётган ҳодисани бошқа бир контекстга кўчириш мумкинми, деган анъанавий савол берди. Мен, математикадан сабоқ бериш усуллари такомилаштиришга хитойликлар минг йил сарф қилишган, шундай экан, наҳотки Англия уларнинг тажрибасидан ўрганиши мумкин бўлган ҳеч нарса бўлмаса, дея эътироз билдирдим. Менинг жавобим уни ишонтиролмади, шекилли.

Шундан кейин тез орада дастурни амалга ошириш бошланди. Элликка яқин инглиз тилини биладиган хитойлик ўқитувчи Англиянинг 30 та математика фани марказларига жўнатилди. Улар ўзлари ишлатадиган ўқитиш услубларини, жумладан, энг кучли ўқувчиларга дарс бериш, шунингдек, ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчиларга индивидуал ёндашишни намойиш этдилар. Улар ҳар куни дарс ўтишди, вазифа беришди ва қайта алоқани амалга оширишди. Хитойлик ўқитувчилар яна

маҳаллий мактабларда маҳорат дарсларини ва математика ўқитувчиларини махсус тайёрлаш ишларини ҳам олиб боришди. Ўз навбатида, Англиянинг ҳар бир математика марказидан етакчи математика фани ўқитувчилари Хитой мактабларида ишлаш учун жўнаб кетдилар. Бу дастур, агар ўқитувчиларга имконият яратиб берилса ва бизда ғоявий тўсиқларни олиб ташлашга жасорат топилса, улар ўзга маданият вакилларида ўрганишни исташларини ва ўргана олишларини кўрсатиш билан ҳар икки мамлакатда ҳам катта эътиборни тортди³².

Ўқитувчиларга мустақил ва масъулиятли профессионаллар сифатида қараш

“Профессионализм” тушунчаси тарихан у ёки бу фаолият тури вакили учун тушуниш осон бўлган автономия ва ўз-ўзини бошқариш даражасига тегишли эди. Европада XVIII – XIX асрларда ҳунар ва касб ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики, касб махсус билимларни, расмий ахлоқ кодексига риоя қилишни ва аниқ фаолият юритишга давлат томонидан берилган ваколатларнинг борлигини талаб қиларди. Вақти келиб касбнинг классик таърифи кенгайди ва университет ва мактаб ўқитувчилари ҳам таълим соҳасининг экспертлари, деб тан олинди.

XX асрда ўқитувчининг профессионализмига ўқув дастурларини стандартлаштириш даражасининг ўсиши ва умумий ўқитувчи ишини ташкил қилишнинг пайдо бўлиши қарши қўйилди.

Сўнгги юз йил ичида бутун жаҳонда таълим соҳасидаги имкониятларнинг кенгайиши нафақат ўқитувчилар сонининг ортишига, балки анча мукаммал тузилган ва ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва ўқув режаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Аммо, XXI аср бўсағасида, таълим ислохотининг асосий элементи сифатида яна ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига урғу берилди. Ўқитувчилар иши сифатини ошириш ўқувчилар ютуғининг гарови сифатида баҳолангани боис профессионализм ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда ўқитувчилар ўз зиммаларидаги педагогик касбида тўпланган ва тартибга солинган залворли профессионал билимлар мажмуасига эга бўлиши, ўз касби бўйича тинимсиз ривожланиши керак – мана ўқитувчи ишининг самарадорлиги ва натижавийлигини

ошириш омиллари. Турли мамлакатларда ўқитувчининг профессионаллик даражаси тубдан фарқ қилади (диаграмма 3.5) ва бу ўзгарувчанлик кўпинча маданият ва тарихий тафовутларни ҳамда миллий ва маҳаллий сиёсатнинг аҳамият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини акс эттиради.

Баъзи мамлакатларда синфхонада бўлаётган ишлар алоҳида бир ўқитувчининг фаолият доирасига киради, деб ҳисобланади. Бироқ бундай муносабат кўпинча ҳамма томонидан қабул қилинган амалиётдан ташқари ишга олиб келади. Вазифа – ҳар бир ўқитувчи ўз муносабатини танлайдиган тизимдан профессионал ҳамжамият томонидан маъқулланган ва самарали деб тан олинган услубларни танлайдиган тизимга ўтишдан иборат. Биз эркинликни ўзига хосликни сақлаб қолишнинг асоси сифатида тушунмаслигимиз керак. Бу контекстда профессионализм ва касбий автономиянинг айна вазиятда ўқитувчи фақат ўзи зарур деб ҳисоблаган ишни қилишини билдирмаслиги, айниқса, аҳамиятли экани намоён бўлади. Бироқ улар қилаётган иш тўғри, чунки бу нарса уларнинг вазиятни чуқур англаши ва бой тажрибалари натижасида келиб чиқади.


TALIS маълумотлари кўрсатганидек, ўз компетентлигини, ўз иш фаолиятига тегишли қарорларни қабул қилишдаги мустақилликни, шунингдек, тажриба алмашиш ҳамда кўмак олишдаги имкониятларини баҳолашда ўқитувчилар аввалгидек жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. Ўқитувчилар камдан-кам ҳолларда ўз касбий стандартларига бошқа мутахассислар эришган даражада мос келадилар ва билимга асосланган бошқа касб эгалари оддий ҳол, деб ҳисоблайдиган умумий ишдаги мустақиллик ва маданият даражасига ҳам камдан-кам ҳолларда эга бўладилар. Аммо маълумотлар яна шуни кўрсатадики, ўқитувчилар бирга машғулоти олиб борганларида, бошқа ўқитувчиларнинг очиқ дарсларига мунтазам кириб турганларида, касбий ўқувларда ҳамкор бўлиб иштирок этганларида ўз касбларидан қониқиш ҳосил қиладилар ва оддий иш фаолиятларида ўзларини фойдалироқ ҳис қиладилар (диаграмма 3.4).

Бевосита жойлардаги ўқитувчиларнинг касбий маҳорати нима эканлигини тушуниш учун энг самарали таълим тизимларига мурожаат қилиш фойдадан холи эмас. Шуниси ажабланарлики, рейтингда юқори ўринларни эгаллаган мамлакатларда ўқитувчилар касбий маҳоратини идрок этишга бўлган муносабатлар бошқа жойларда қандай

3.5. ДИАГРАММА

БУТУН ДУНЁ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ БИР-БИРИДАН СЕЗИЛАРЛИ ФАРҚ ҚИЛАДИ.

ЎҚИТУВЧИ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИНИНГ КОЭФФИЦИЕНТИ



Изоҳ. Билимлар профессионал компетентлилик сифатида белгиланади; коэффициент қуйдагиларни ўз ичига олади: ўқитувчининг расмий маълумоти, шунингдек, ўқитувчида касбий ривожланиш (яъни иш вақтида ҳар хил фаолият турларида қатнашиши мумкин) ва касбий ривожланишда бевосита иштирок этиш имкониятининг борлиги.

Касбий автономия иш билан боғлиқ жабҳаларда қарор қабул қилиш ҳуқуқи сифатида белгиланади; коэффициент таълим мазмунини аниқлашни ва ўқув курси ва интизом ўрнатиш бўйича таклифлар бериш, баҳолаш ва қўлланадиган материалларни ўз ичига олади. Ҳамкасблар билан ҳамкорлик юқори давлат стандартларига кўмаклашиш учун зарур бўлган ахборот алмашиш ва ёрдам кўрсатиш имконияти сифатида белгиланади; коэффициент қўшимча ва танишиш дастурларида, устозлик ёки ўқитувчилар бирлашмалари дастурларида иштирок этиш, очиқ дарслар давомида қайта алоқага эга бўлишни ўз ичига олади.

Манба: OECD (2016), *Supporting Teacher Professionalism: insights from TALIS 2013*

Бўлса, худди шундай тубдан фарқ қилади. Масалан, Гонконг ўзининг Шарқий Осиёдаги қўшниларига қараганда ўқитувчилар учун кўпроқ мустақилликни жорий қилди. Гонконгда мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларга ўқув дастурларини ўзгартириш, ўқув материаллари ва ўқитиш услубларини танлаш имконияти берилади. Бу қадар кенг ва теран мустақиллик ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан ўзига ўзи баҳо бериш ва узлуксиз касбий ривожланишга бўлган ички рағбатнинг ошишига имкон берди. Ҳукумат мактаблар энг паст ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлганида ҳам мактаб бошқарувига аралашмайди, бунинг ўрнига у мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларга таянади.

Шанхайда эса аксинча, муниципалитетлар таълим сиёсатини ишлаб чиқишади, мактабларни бошқаришади ва дарс бериш жараёнини яхшилаш устида иш олиб боришади. Шанхай ўқитувчилари олдиндан тайёгарлик кўриш дастури бўйича ҳар томонлама ва жиддий таълим оладилар, кейин эса мунтазам равишда малака ошириш дастурларини ўтайдилар. Улардан ҳукумат томонидан белгиланган стандартлар ва ёндашувларга амал қилишлари кутилади ва одатдагидек, шанхайлик ўқитувчилар ўқув мақсадларини талқин этишда анча тор доирада иш кўрадилар.

Юқори малакали ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари Сингапур таълим тизимининг пойдевори ва юқори самарадорлигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Сингапур саралаш, ўқитиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ўқитувчилар ва мактаб директорлари малакасини оширишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқди ва бу билан таълимда ноёб имкониятлар яратди. Профессионал ривожланишнинг катта қисми мактаб негизида эҳтимолий қийинчиликларни аниқлайдиган ёки янгича ўқитиш услубларидан фойдаланишни таклиф қиладиган малака ошириш соҳасидаги мутахассисларнинг раҳбарлиги остида юз беради. Бу ўқитувчиларга профессионал етукликка эришишда катта эркинлик беради ва ўқитувчи атрофида касбий маҳорат маданиятининг шаклланишига имкон яратади. Австралия, Канада, Финляндия ва Нидерландия худди шундай стратегияни амалга оширмоқда ва таълимни мавжуд шароитларга мослаштириш учун ўқитувчиларга тақдим этилаётган кенг имкониятлар билан ҳам машҳурдир.

Ўқитувчиларга берилган мустақиллик даражасидаги фарқлар унинг таъсири контекстга боғлиқ эканини тахмин қилишга имкон беради. Бўлғуси ўқитувчиларни саралаш амалиёти ва педагогик таълим

яхши тайёргарлик кўрган, мустақил муаллимлик ишчи кучини яратадиган мамлакатларда автономия ижодиёт ва инновацияларнинг гуллаб-яшнашига йўл очиб беради, бошқа ҳолларда автономия узоқни кўра олмаслик ва нотўғри қарорлар қабул қилишга олиб келиши мумкин.

Финляндия ва Онтарио мисолида собиқ марказлашган тизимлар қандай қилиб эътиборни кучайтириш, янги ғоялардан фойдаланиш ва ўз ҳамкасбларидан ўрганиш имкониятини тақдим этиш, ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам таълим жараёни натижалари комплексига эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг ислохотларни қўллаб-қувватлаши учун шароит яратиш орқали бутун кучни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга йўналтиришганини кўриш мумкин.

Бошқа мамлакатлар ҳам мактаб директорлари ва педагогик жамоага кўпроқ эркинлик бериш учун ўз тизимларини қайта қуришга ҳаракат қилиб кўрдилар, бу нарса ҳамкорлик маданияти ва масъулият тақсмоти билан биргаликда мактаб ишининг муваффақиятли боришида муҳим омил ҳисобланади³³.

Баъзи мамлакатларда бутун педагогик жамоага ва унинг ўз мажбуриятларини яхши уддалайдиган алоҳида аъзоларига кўпроқ ҳуқуқ берилади. Қийинчиликни ҳис қилаётган кишиларга эса камроқ ҳуқуқ берилади. Айрим мамлакатларда мактаб раҳбари катта ўқитувчидан ортиқ эмас, баъзиларида эса ҳукумат аввалгидек ривожланиш йўлини директорнинг ўзи белгилайди ва ўқитувчилар жамоасини ўзи бошқаради, деб ишонади. Аммо ҳамма учун шу нарса умумийки, бу мамлакатлар расмийликка асосланган мактаб бошқарувидан катта эҳтимол билан профессионаллар ҳамжамиятида учратиш мумкин бўлган меҳнатни ташкил қилиш шаклларига ўтишмоқда.

Кўп давлатларда “юқоридан қуйига” ташаббуси педагогик амалиётда жиддий ва узоқ муддатли ўзаришлар учун камлик қилади, деган хулосага келишган, чунки ислохотлар реал ўқитувчилик фаолиятидан ниҳоятда узоқ бўлган жиҳатларга мўлжалланган. Бу ислохотларнинг муаллифлари ўқитувчилар аслида ўзлари уддалай олмайдиган ишни уддалайдилар, дея фараз қилишади. Кўпинча бундай ислохотлар даврида ўқитувчилардан бир вақтнинг ўзида жуда кўп нарсаларни бажаришни сўрашади, айрим ҳолларда на ўқитувчилар, на мактаблар ислохот ўтказиш стратегиясини маъқуллашади. Шу боис давлат сиёсати ҳукумат тўғридан-тўғри мактаблар, ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор

томонлар билан биргаликда ҳаракат қила олади, дея тахмин қилиш ўрнига жамият билан боғланган мустаҳкам ижтимоий институтлар яратишга эътибор қаратиши керак .

Таълим ислохотларини тасниф қилишнинг бошқа чеккасида – “юқоридан қуйига” қараб қурилган эстон ва фин ҳисобдорлик тизими турибди. Ўқитувчиликка номзодлар қисман ўзининг давлат таълимининг асосий вазифасига бўлган ишончини исботлаш қобилиятига асосланиб танланади. Улар оладиган тайёргарлик уларга ишониб топширилган барча ўқувчиларнинг ўқиши ва бахт-саодати учун шахсий жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган. Жавобгарликнинг кейинги босқичи мактабга юкланади. Жамиятнинг ўз мактабларига бўлган ишончи, маълум бўлишича, ҳар бир ўқувчининг муваффақияти учун жамоавий жавобгарлик ҳиссини туғдиради. Гарчи Финляндиядаги барча умумтаълим мактаблари ҳукуматнинг муниципал органига бўйсунса ҳам, бу органлар таъминлайдиган назоратнинг сифати ва даражаси анча-мунча фарқ қилади. Муниципалитетлар, одатда, олти ёки етти йиллик контракт бўйича директорни ишга олгани учун жавобгардирлар, аммо мактаб бошқарувидаги ҳар кунги жавобгарлик, худди ўқувчиларнинг ўсишини таъминлашдаги жавобгарлик сингари, педагогик жамоага юклатилади.

Ўқитувчилар вақтидан максимал даражада фойдаланиш


PISA – 2015 тадқиқотининг энг ажойиб кашфиётларидан бири – бу бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сонининг нисбати билан синфларнинг тўлиқлилик (комплект) даражаси ўртасидаги алоқадир (3.6 диаграммага қаранг).

Бир ўқувчига тўғри келадиган ўқитувчилар сонининг кўплиги синфнинг кам қамровли бўлишини билдириши аниқдай туюлади, лекин олинган маълумотлар бунга гувоҳлик бермайди. Бразилия ва Японияда 15 ёшли ўқувчилар синфининг ўртача тўлиқлилик даражаси 37 кишини ташкил этади, аммо Бразилияда 29 нафар ўқувчига битта ўқитувчи, Японияда эса 11 нафар ўқувчига битта ўқитувчи тўғри келади. АҚШ ва Вьетнамда эса, аксинча, битта ўқитувчига 15 нафар ўқувчи

3.6. ДИАГРАММА

**БИР ЎҚИТУВЧИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР СОНИНИНГ ЎХШАШ
НИСБАТИ ТЎЛИҚЛИЛИГИ ҲАР ХИЛ БЎЛГАН СИНФЛАРГА ЭГА МАКТАБЛАРДА
УЧРАЙДИ.**

БИР ЎҚИТУВЧИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР СОНИ
(МАКТАБДА “ЎҚИТУВЧИ - ЎҚУВЧИ” НИСБАТИ)



Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table 11.6.26.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933436320>

тўғри келди, гарчи Вьетнамдаги синфлар АҚШдагига қараганда икки баробар катта бўлса ҳам.

Статистик тасодифга ўхшаб кўринган нарса таълим сиёсатининг маҳсулидир. Бразилия ва АҚШ ўқитувчилари бевосита ўқитишдан бошқа нарса билан шуғулланишга вақтлари кам бўлган бир пайтда, уларнинг Япония ва Вьетнамдаги ҳамкасабалари ўз вақтларини бошқа фаолият турларига, масалан, айрим ўқувчилар билан, ота-оналар билан ва энг муҳими, бошқа ўқитувчилар билан ишлашга сарфлашлари мумкин.

Ўқувчилар сони кўп бўлган синфлар ўқитувчиларга айрим ўқувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал шуғулланишга имкон бермайди, деб ҳисоблашда давом этиш мумкин, бироқ PISA тадқиқотида ўқувчиларнинг хабар беришича, ўқитувчидан олинадиган эътибор даражаси синфдаги ўқувчилар сони билан боғлиқ эмасга ўхшайди³⁴. Чиндан ҳам, мен баҳс-мунозаралар уюштириш мақсадида ўқитувчилар маърузалар вақтини минималлаштирган Японияда кўп синфларни кузатдим. Бу баҳс-мунозаралар пайтида масала мағзини тушунишга ва масалаларни ечишнинг таянч тамойилларига эътибор қаратилади. Ва бунини шундай қилишадик, ўқувчиларнинг фикрлаш тезлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча ўқувчилар ўқиш жараёнига жалб этилади. Шундай қилиб, япон ўқитувчилари синфдаги ҳар бир ўқувчи билан алоқа вақтини максимал тарзда оширишнинг уддасидан чиқадилар. Ўқитувчи алоҳида гуруҳ билан ишлаётганида ўқувчилар ҳам ўз вақтларини бекор кетказмайдилар. Бир куни фукусималик бир япон ўқитувчиси яхши дарс ўтишнинг асоси бўлган масаланинг мумкин бўлган барча ечимларини кўрсатиш учун синфлар жуда кичиклик қилаётганидан шикоят қилди.

Финляндия таълим тизими шунга ўхшаш мақсадларга интилади, бироқ бошқача услублардан фойдаланади. Фин мактаблари ўқув муддатининг учдан бирига яқинини дарсдан ташқари фаолиятга бағишлайди, бу билан қолоқ ва истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчиларга кенг имкониятлар яратиб беради. Финляндияда махсус таълимга эҳтиёжманд болалар таълими ўқишда қийинчилик сезадиган ўқувчилар таълимининг синоними эмас.

Аксинча, амалда ҳар бир ўқувчи маълум бир муддат ўқишга алоҳида эҳтиёжи бўлган ўқувчига айланиши мумкин, бунинг сабаби шуки, мактаб унинг учун мактабдан ташқарида кўпроқ нарса қилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Синфда ўз ўқув фаолиятига мақсад қўйиш ва унга эришишни назорат қилиш маҳоратини ривожлантиришга ва ўқувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаш қобилиятига катта эътибор берилади. Ўрта мактабни тугатаётган ўқувчилар шахсий дастур ишлаб чиқа олади ва дастур доира-сида ҳар бири баҳо олмаган ҳолда ўз маромида таълим олишни давом эттиради, дея ҳисобланади.

Шанхайда тадқиқот ўқув дастури элементларидан бири ҳисобланади, унинг мавзусини ўқувчи ўқитувчи ёрдамида мустақил белгилаб олиши лозим. Ўқувчининг шахсий тажрибаси танлаш учун асос бўлади. Бундай муносабат ўқувчиларга ўқиш маҳоратини, ижодий ва танқидий фикрлаш, жамият ҳаётида иштирок этиш ва жамиятнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш қобилиятини ривожлантиришга имкон беради. “Ўқувчиларга дарс вақтини қайтаринг” шиори остида Шанхайда амалга оширилган муҳим ўзгаришлардан бири бу синфда ўқитувчи маърузасидан кўра ўқувчиларнинг фаол фаолиятига кетадиган вақтни кўпайтириш бўлди³⁵. Шундай қилиб, ўқитувчининг чуқур ўйланган тақдироти андаза ҳисобланган яхши дарс нима, деган нарсани ўзлаштириш тубдан ўзгарди. Илгари яхши дарс бериш намунасини кўрсатадиган ўргатувчи видеороликлар ўқитувчи фаолиятига эътибор қаратарди, бугун дарс намуналари бир неча камерада суратга олинади, улардан бири ўқувчилар ишини ёзиб боради. Ўқитувчилар ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш даражаси ва унга кетган вақтга қараб баҳоланади.

Финляндия, Япония, Шанхайда ўқитувчилар бир-бирининг ишини кузатишади. Бирортаям синф ёпиқ ҳудуд ҳисобланмайди.

Хиросимадаги ижод дарси

Хиросимадаги мактаблардан бирининг директори жаноб Кадошима билан офис биноти ёнидан машинада ўтиб бораётганимизда у 69 йил бурун бу ерда бувиси ва икки амакиси бошқа кишилар қатори тириклай ёниб кетишганини айтиб берди. Унинг айтишича, улардан қолган бор-йўқ нарса – бу полдаги қора из экан.

2014 йилнинг ўша куни бир гуруҳ ўқувчилар Нагиса ўрта мактабининг ўйин майдончасида эдилар. Одатдаги ўйиндай кўринган нарса аслида ўқувчиларга ўзининг беш туйғуси, ўз шахси ва бошқалар билан ишлаш қобилиятини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган, пухта режалаштирилган ва чуқур ўйланган ўқув дастурининг бир қисми эди.

Ҳар бир дарс давомида мен ўқувчилар ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро муносабатни кузатдим. Мен инглиз тили дарсини бирга олиб бораётган австралиялик Редьерд Бреттар ва АҚШлик Олен Петерсон ўқувчиларга ҳар хил тилда гапириш мумкинлигини қандай кўрсатишга ётганини кўрдим.

Мактабда қўлланилаётган кўпгина педагогик услублар ақлий-маънавий ҳамжиҳатлик ва ўқувчиларнинг шахсий ўқув тажрибасини ривожлантиришни кўзда тутди. Битта синфда мен ўқувчиларнинг Хиросимада энг машҳур бўлган егулик – оқономияки тайёрлашга ётганини кўрдим. Ҳар бир ўқувчи ўзи билганча тайёрлар, ҳаммалари биргаликда хатоларни тузатиш орқали ўрганишарди.

Директор Кадошима менга бошқа мамлакатлар, корхоналар ва бошқа япон шаҳарларига қилган саёҳатларида ўқувчилари билан тушган суратларини кўрсатди. Бу сафарлар чоғида ўқувчилар уларнинг ҳаётига таъсир ўтказадиган глобал иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучлар ҳақида билиб боришган. Бир суратда жуда ҳорғин ўсмирлар тонг пайтида кўприк устида ётишарди. Кадошима улар кечаси 44 км йўл босишганини тушунтирди. Бу тадбирдан мақсад, уларда сабр-бардошни мустаҳкамлаш ва уриниб кўриш, мағлубият, мослашиш, ўқиш ва етуклик нимани англатишини тушуниш қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар фаолиятини мувофиқлаштириш

Нима учун одамлар ўзлари қилаётган ишни нега қилишаётганини тушуниши учун қандай сабаблар уларни у ёки бу йўсинда ҳаракат қилишга ундаётганини ўзингиздан сўраб кўринг. Ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларга таъсир кўрсатаётган сабаблар нима учун бошқа мамлакатлардаги сабабларга нисбатан катта эҳтимол билан юқори натижаларга олиб келишини ўрганиш нима учун айрим мамлакатлар бошқаларига қараганда рейтингларда юқори ўринларни эгаллаётганини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Қатор мамлакатларда имтиҳонларга юқори талаблар қўйилади, ўқувчилар бу имтиҳонларни топширмасдан ҳаётнинг кейинги босқичини бошлай олмайдилар, бу ишми ёки ўқишнинг кейинги босқичи-

ми, барибир. Ўқувчилар орзуларини амалга ошириш учун ўз билим ва малакасини мустаҳкамлаши кераклигини биладилар, шунинг учун ҳам астойдил тайёрланишга мажбурдирлар. Бошқача айтганда, имтиҳонлар тизими ўқувчиларга астойдил ўқиш учун кучли стимул бўлиб хизмат қилади. PISA натижаларига қараганда, Эстония, Финляндия, Нидерландия ва Швейцария сингари давлатларда тиришқоқлик билан ўқиш ва муваффақиятли натижалар мактабга бўлган яхши муносабат ва ўқувчиларнинг юқори даражали муваффақиятини камайтирмайди.

Ўқитувчиларни фидокорона меҳнат қилишга ундайдиган қандай омиллар лозим бўлади?

Саноатлашган меҳнатни ташкил этишнинг эскирган, қатъий шароитларида раҳбарият кутилганидан ортиқ натижаларга эришган кишиларни мукофотлайди. Бундай шароитларда ишчи ходимлар бир-бирлари билан рақобатлашадилар. Ишда ўзларидан устун бўлган ҳамкасбларидан хафа кишилар кучли ходимга худди жамиятдан четда қолган кишига қарагандай муносабатда бўладилар. Аммо профессионаллар муҳитида ташкилотнинг муваффақияти ҳар бир ишчи ходимнинг меҳнат унумдорлигини максималлаштиришга боғлиқ бўлади, шу сабабли ишчилар ҳамкорлик қилишга мойил бўладилар.

Мактаб муҳити ҳам ота-оналарнинг таъсирида шаклланади. Европа ва Осиёнинг кўп давлатларида ўқитувчиларни синф раҳбари этиб тайинлашади. Улар синфни йилдан-йилга бошқариб борадилар. Синф раҳбарлари ўз синфидаги ўқувчилар учун маълум даражада жавобгарликни бўйинларига оладилар ва нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатадилар. Осиёда ҳам, Европада ҳам ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасидаги ахборот алмашиш, одатда, ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади. Бу нафақат ота-оналарни жалб қилишнинг яхши усули, балки, эҳтимол, ундан ҳам муҳими, ота-оналар учун ўқитувчиларга тўғри келадиган шаклда ҳисоб бериш усулидир.

Бундай тизимларда ота-оналар болаларининг раҳбарлари билан ўзаро алоқани ҳис қиладилар. Данияда Таълим ва иқтисодиёт масалалари бўйича миллий марказ томонидан ўтказилган фокус-групп сўровлар серияси давомида ота-оналарга, агар уларнинг боласига савияси пастроқ синф раҳбари тайинланса нима бўлади, деган савол берилди. Бу муаммо бўла оладими? Ота-оналар синф раҳбари бор бўлган ти-

зимнинг афзалликлари ҳар қандай камчиликни ёпиб кетади, деб жавоб беришди.

Бу тизимнинг яна бир у қадар сезилмайдиган устун томони бор. Аниқ бир ўқувчини бор-йўғи бир йил ўқитган ўқитувчи, агар бор имкониятимни ишга солсам ҳам аввалги ўқитувчидан қолган муаммоларни йўқотиш учун бир йил ичида кўп иш қилолмайман, деб ўйлаши мумкин. Кейинги синфларда ўқувчиларни етарлича билимга эга бўлмаган ўқитувчилардан ҳимоя қилиш учун ҳам кўп нарсга қилиб бўлмайди.

Аммо синф раҳбари бўлган тизимда маъсулият бошланғич синф раҳбаридан юқори синф раҳбарига ўтади. Бу тизимда ўқитувчи ўз ҳимоясидаги болалар билан бўлаётган ҳодиса учун шахсий жавобгарликдан ўзини олиб қочолмайди. Синф билан кўп йиллар яқин бўлиши ва шахсий жавобгарлик тўйғусининг ривожланиши натижасида ўқувчиларнинг ота-оналари билан норасмий алоқа ўрнатилади. Синф раҳбарлари ҳам кўпинча ўз ўқувчиларининг ўқишини фан ўқитувчилари билан уйғунлаштирадilar, болалар улғайгани сари ўз маслаҳатлари билан уларни йўналтирадilar.

Ўқувчиларнинг фаровон ҳаёт кечиришига эътибор қаратиш

PISA ўзининг ўқитиш натижалари бўйича маълумотлари билан кўпроқ танилди, аммо 2015 йилда биз яна ўқувчиларнинг ҳаётдан қониқиш даражасини, уларнинг тенгдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан муносабатлари ҳамда улар бўш вақтларини қандай ўтказишларини ҳам ўргандик³⁶. Натижалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар мамлакатлар бўйича ва мамлакат ичида ҳаётдан қониқиш даражаси, ўқишга бўлган рағбати, мактабда олган руҳий зарба даражаси, келгусидаги орзу-умидлари, тенгдошлари томонидан бўлган салбий муносабатлар ва ўқитувчиларнинг адолатсиз муносабати даражаси жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилар экан. PISA тадқиқотида математика ва табиий фанлар бўйича топ даражадаги мамлакатларнинг ўқувчилари ҳаётдан қониқиш даражаси нисбатан пастлигини билдиришди, бироқ Эстония, Финляндия, Нидерландия ва Швейцарияда ўз ўқувчиларининг ўқишдаги яхши натижалари билан юқори даражадаги ҳаётдан қониқиш туйғусини бирлаштира олишганга ўхшайди.

Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлардаги ўқувчиларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси пастлигини ўқув муддатининг чўзилиши билан тушунтиришга уриниб кўриш мумкин, бироқ маълумотлар мактабда ёки мактабдан ташқарида ўтказилган ўқув вақтининг миқдори билан ҳаётдан қониқиш даражаси ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини кўрсатади. Гарчи педагоглар ўқувчиларнинг хавотири ортиқча юкламага нисбатан назорат-баҳолаш ишлари оқибатида келиб чиққан табиий реакция бўлиш-бўлмаслиги ҳақида тез-тез баҳслашиб турсалар ҳам, назоратнинг тез-тез такрорланиши ўқувчиларнинг хавотирлик даражаси билан боғлиқ, дейишга асос йўқ.

Ўқувчиларнинг хотиржамлигига таъсир қиладиган бошқа омиллар бор, уларнинг кўпчилиги ўқитувчилар, ота-оналар ва мактаблар билан боғлиқ.

Биринчидан, PISA маълумотлари мактабда ўқувчиларнинг қулай шароитда бемалол ўқишларига ҳалақит берадиган асосий таҳдидлардан бири бу ўқитувчилар билан ёмон муносабатда бўлишдир, деб тахмин қилишга имкон беради. Ҳаётдан бир мунча мамнун ўқувчилар, одатда, ўқитувчилар билан муносабатлари яхшилигини, “бахтли” мактабларнинг (бундай мактабларда ўқувчиларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори) ўқувчилари “бахтсиз” мактабларнинг ўқувчиларига нисбатан ўз ўқитувчиларидан катта ёрдам олишаётганини айтишади. Мамлакатлар бўйича ўртача олганда ўқитувчи уларга ёрдам беришга тайёр ва уларнинг шахсан ўсишидан манфаатдор эканлигини айтаётган ўқувчилар бунинг аксини айтган ўқувчиларга нисбатан тахминан 1,3 марта кўпроқ мактабга алоқадорлик туйғусини ҳис қилишга мойилдирлар. Ва аксинча, ўз ўқитувчилари томонидан ноҳақлик бўлаётгани ҳақида хабар бераётган ўқувчилар 1,7 марта кўпроқ мактабда ёлғизликни ҳис қиладилар. Бу эса жуда муҳим жиҳат. Ўсмирлар кучли ижтимоий боғлиқликни ҳис қиладилар, улар бошқалар томонидан тан оoliniшни, ғамхўрлик кўрсатишлари ва қўллаб-қувватлашларини қадрлайдилар. Ўзини мактаб ҳамжамиятининг бир қисми деб ҳисоблайдиган ўсмирлар катта эҳтимол билан яхшироқ ўқийдилар ва мактабда кўпроқ мотивацияни намоиш қиладилар. Бу тадқиқотлар натижаларида мамлакатлар ўртасида катта тафовут мавжуд. Ўртача тўрт ўқувчидан учтаси мактабга тааллуқлилик туйғуси ҳақида айтишади, энг самарадор таълим тизимларида эса, Эстония, Финляндия, Япония, Нидерландия, Сингапур, Жанубий Ко-

рея, Хитой Тайбэйи ва Вьетнамни қўшиб ҳисоблаганда, бу улуш янаям кўпроқ. Францияда эса бештадан икки ўқувчигина шу гапни айтади.

Турган гапки, кўпчилик ўқитувчилар ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қиладилар, аммо баъзан улар тарбияси оғир ўқувчилар билан ва қийин синфларда ишлашга етарлича тайёргарлик кўрмаган бўлиши ҳам мумкин. Синфни самарали бошқариш маҳорати фақат ахлоқ қоидаларини ўрнатиш ва мажбуран қабул қилдириш, уларга риоя қилишни талаб қилиш ва жазони рағбатлантиришдангина иборат эмас. У шундай ўқув муҳитини яратишни кўзда тутадик, бунда ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этиши ва ўқишда ҳамкорлик қилиши рағбатлантирилади ва қўллаб-қувватланади, атрофдагилар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган хулқ-атвор рағбатлантирилади. Агар малака ошириш дастурларида синфда тўғри муносабат ўрнатиш қобилиятига кўпроқ эътибор қаратилса, ўқитувчилар ўқувчилар билан ҳамжиҳатлик даражасини кўтара оладилар. Ўқитувчиларга барча ўқувчиларни мактаб ҳамжамиятига интеграциялашнинг энг яхши усуллари топиш бўйича ўз ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиш ва ўқувчиларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида маълумот алмашишга қўшимча вақт берилиши керак.

Ўқувчиларга назорат ишининг тез-тез ўтказилиши таъсир қилмас-да, тестнинг ўқувчилар томонидан таҳдид сифатида қабул қилиниши уларнинг хавотирлик даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда ўқувчиларнинг ўртача 59 фоизи бўлажак тест синови қийин бўлишидан, 66 фоизи натижалар ёмон бўлишидан хавотирга тушишини айтади. 55 фоизга яқин ўқувчилар, ҳатто яхши тайёргарлик кўрган бўлса ҳам, назорат иши пайтида қаттиқ ташвишга тушишларини айтишади.

Айни пайтда PISA ўқитувчилар бу соҳада кўп иш қилишлари мумкинлигини кўрсатади. Ҳатто ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва гендер омилларининг натижага таъсирини ҳисобга олган тақдирда ҳам, ўқитувчи уларнинг эҳтиёжлари ва билим даражасига қараб иш қилиши ҳақида гапирган ўқувчиларнинг, агар яхши тайёрланган бўлса, назорат иши ёки дарс пайтида руҳий зарба олишга мойиллиги паст бўлади. Шунингдек, агар ўқувчилар қийинчилик сезаётган бўлсалар, ўқитувчи уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш-кўрсатмаслиги ҳам руҳий зарба даражасига таъсир кўрсатади (мазкур ҳолатда бу табиий фанлар ўқитувчиси эди).

Аксинча, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ёмон муносабатлар юқори даражадаги руҳий зарбага ва ўқувчида ўзига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади. Мамлакатар бўйича ўрта ҳисобда ўқувчиларнинг машғулотлар пайтидаги кескин ҳолат ҳақида хабар бериш эҳтимоли 62 фоизгача кўтарилди, агар уларга аслида бундай бўлма-са ҳам ўқитувчи уларни етарлича қобилиятли эмас деб ҳисоблаётгандай туюлса, назорат ишидан олдин ўқувчилар ҳис қиладиган зўриқиш эҳтимоли тахминан 31 фоизга ўсди. Бундай хавотир ўқувчилар қиладиган ёки қилишдан қўрқадиган хатоларни изоҳлаш билан ёки ўқувчиларнинг хатолардан таъсирланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Улар хатоларини қобилиятлари пастлигининг исботи сифатида қабул қила бошлайдилар.

Шу сабабли ўқитувчилар қандай қилиб ўқувчиларда ўзининг кучли ва заиф томонларини тушуниш қобилиятини ривожлантириш ва улар бу заиф томонларни енга олишларига ишонч ҳиссини шакллантиришни билишлари керак. Масалан, мураккаблик даражаси аста-секин орта борадиган топшириқлар бериладиган мустақил ишлар тез-тез ўтказилса, бу ўқувчиларда ўзига бўлган ишонч туйғусини ривожлантиришга ҳамда асосий имтиҳонлар бошлангунга қадар аҳамиятсизроқ имтиҳонлар пайтида ўз қобилиятларини намойиш қилишга ёрдам беради. Шуниси қизиқки, амалий жиҳатдан ҳамма мамлакатларда ўғил болаларга нисбатан қиз болалар ўқиш сабабли қаттиқ ҳаяжонланишаётганини айтишади, бундай пайтда ўқиш, уйга вазифа ва имтиҳонлар муносабати билан ҳаяжонланиш уларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир ўтказади. Назорат ишида хатога йўл қўйишдан қўрқиш энг кучли, лекин руҳий зарбани кўтаролмайдиган ўқувчи қизларнинг муваффақиятига таъсир кўрсатади.

Ота-оналар ҳам муҳим роль ўйнайдилар. Ота-онаси деярли ҳар куни улар билан “шунчаки суҳбатлашиб ўтириб вақт ўтказадиган”, “тушлик ёки кечки овқатни биргаликда қиладиган” ёки “мактабдаги муваффақиятларини муҳокама қиладиган” болалар 22-29 фоизга кўпроқ эҳтимол билан ҳаётдан қониқиш ҳиссини туяётганларини айтадилар. Ота-оналар билан бўлган оддий мулоқот ўқувчиларнинг ҳаётдан қониқиш даражасига нисбатан кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Бу нарса ўқиш натижаларига ҳам таъсир кўрсатади, дейишга ҳам асос бор. Ота-оналари улар билан шунчаки вақт ўтказадиган ва гаплашиб ўтирадиган ўқувчилар табиий фанлар бўйича

Йиллик ўқув дастурининг учдан икки қисми миқдорида олдинда эдилар. Ҳатто ижтимоий-сиёсий омиллар ҳисобга олинганидан кейин ҳам улар жорий йиллик дастурдан учдан бир ҳиссага ўзиб кетдилар. Бирга ўтириб овқатланадиган оилаларда ҳам худди шу манзарани кўриш мумкин. Бу омилнинг ўқувчилар натижаларига таъсири PISA томонидан ўлчанадиган ҳар қандай жиҳат ва ресурсларнинг таъсиридан кучлироқдир.

Ота-оналар ҳам болаларга ўз кучларига, турли топшириқларни бажара олиш қобилиятига ишонишга ва хавотирлари даражасини пасайтиришга ёрдам бера оладилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар бўйича ўртача олганда, ҳатто ижтимоий-сиёсий омиллар ва ўзлаштиришдаги тафовутларни ҳисобга олгандан кейин ҳам, ота-оналари уларнинг ўз кучига бўлган ишончини қўллаб-қўвватлайдиган қизлар ўқиш пайтидаги хавотирлари ҳақида 21 фоизга кам маълум қилганлар.

Кўпчилик ота-оналар болалари ўқишда юқори мотивацияга эга бўлишини хоҳлайдилар, мотивацияга эга бўлган ўқувчилар эса яхши ўқийдилар.

PISA маълумотлари ўртача анча-мунча мотивацияга эга бўлган ўқувчилар мотивацияга эга бўлмаган ўқувчиларнинг натижаларидан бир йилдан ортиқ ўқув йилига тенг ҳажмда юқори натижаларни намойиш қилишини кўрсатади. Муваффақиятга эришишда мотивация ҳаётдан қониқиш даражаси билан боғлиқ; айтиш мумкинки, улар бир-бирига куч беради. Ўз ҳаётидан мамнун ўқувчилар руҳий зарбага чидамли ва ўқиш мақсадларига эришишда қатъийдирлар. Муваффақият қозонишга бўлган мотивация ўз фаолиятига мақсад қўйиш билан биргаликда ўқувчиларга яшашдан мақсад нималигини тушунишга ҳам ёрдам беради. Балки шунинг учун ҳам бундай ўқувчилар ҳаётдан жуда мамнун эканликларини билдирсалар керак.

Бироқ, ютуқларга эришиш мотивациясининг тескари томони ҳам мавжуд, айниқса бу мотивация ташқи босимга жавоб бўлса. PISA'нинг кўрсатишича, юқори натижаларга эришишни мақсад қилган ўқувчилар, ҳатто яхши тайёгарлик кўрган бўлсалар ҳам, назорат иши олдидан ортиқча зўриқишни бошдан кечиришлари эҳтимолдан холи эмас. Ўқитувчилар ва ота-оналар ўз болаларида омадсизлик олдида ҳаддан ташқари кўрқувни ривожлантирмасдан, ўқишга бўлган иштиёқини ошириш усулини топишлари керак.

Шундай бўлса ҳам ўқувчилар хотиржамлигини оширишнинг маъқул усули – бу ота-оналарнинг ўз фарзандлари қизиқиши ва қийинчиликларига, мактабдаги ютуқ ва муаммоларига эътибор кўрсатишларидир. Мактаблар, ўқитувчилар ва ота-оналар бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладиган муҳитни ривожлантира оладилар. Ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш ва улардан яхшироқ кўмак олишлари учун ўқитувчиларни воситалар билан таъминлаш мумкин, мактаблар яна омадсиз ўқувчиларнинг қандайдир объектив қийинчиликлари, масалан, ўқиш учун осойишта ва тинч жойнинг йўқлиги, билан ишлашлари мумкин. Агар ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ишончли муносабатлар ўрнатилса, ота-оналар ўқув жараёнига маълум даражада таъсир кўрсатишлари мумкин.

Қобилиятли раҳбарларни тайёрлаш

2003 йилнинг сентябрида мактаб инспекторларининг доимий халқаро ассоциацияси раҳбари Иоханн ван Бругген мени кўргани келди³⁷. Унинг мактаб ва тизимни самарали бошқаришга катта аҳамият бериши, шунингдек, текширилаётган мактаб хусусиятларини ўрганиш ва кузатиш учун унинг қўл остидаги инспекторлар фойдаланаётган, чуқур ўйланган услублар менда яхши таассурот қолдирди. У мактабни қатъиятсизлик билан бошқариш ҳатто энг қобилиятли ўқитувчининг ҳаракатларини ҳам йўққа чиқаришини таъкидлади. Зўр ўқитувчини ёмон бошқарилаётган мактабга жойлаштирсангиз, бундан мактаб фақат ютади. Кўпинча ўқитувчилар ва ўқувчилар мактаб ёмон ишлашининг айбдори эмас, “қурбони” бўладилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар бўйича мактаблар раҳбариятининг бошқарув услубларини қиёсий тадқиқ этиш ўқувчиларнинг таълим натижаларини яхшилашга катта таъсир кўрсатадиган бошқарув омилларининг тўртта гуруҳини аниқлади³⁸.

- Ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини қўллаб-қувватлаш, баҳолаш ва ошириш. Шу билан бирга, юқори малакали мутахассисларни ишга олиш, янги келган ўқитувчиларни тайёрлаш, дастур бўйича ишлаш учун мутахассислик даражасини тасдиқлаш, ўқитиш сифатини ошириш учун ўқитувчиларнинг

биргаликда ишлашни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ўқитувчининг синфдаги ишини кузатиш ва баҳолаш, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш, ҳамкорлик маданиятини қўллаб-қувватлаш. Агар сиз реал ва узоқ муддатли ўзгаришларга эришмоқчи бўлсангиз, сизнинг олий мақсадларингизни нечта ўқитувчи бўлишаётганига эмас, уларнинг қанчаси ҳамкорликка тайёрлиги ва ўз ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилаётганига қараб иш қилинг.

- Юқори стандартларга эришишда ўқувчиларга ёрдам бериш учун таълим ва назорат мақсадларини аниқлаб олиш. Бу мактаб дастурига асосан ўқитишни стандартлаштиришни, мактаб миқёсида ўқувчиларни тайёрлаш мақсадларини ўрнатишни, бу мақсадларнинг ютуқларини ўлчашни, индивид ва бутун мактаб миқёсида натижаларни яхшилаш дастурига тузатиш киритишни кўзда тутати. Мактаб раҳбарияти ҳамма ўқувчилар ҳақида маълумот йиғиши, бирорта бола четда қолиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Раҳбарият ўқишга ўзгача назар билан қарайдиган кишилар билан ишлаётганда ишончни намойиш қилиши лозим.
- Мактаб ресурсларини ишлатишга бўлган стратегик ёндашув услубий жиҳатдан ўзини оқлаши лозим.
- Ўқувчиларнинг натижалари ва фаровонлигини яхшилаш бўйича янада кўпроқ ҳаракат қилиш учун мактаб ташқарисидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бу оилалар, маҳаллий ҳамжамиятлар, таълимнинг кейинги босқичи, бизнес ва айниқса, бошқа мактаблар ҳамда таълим шароитлари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг инновацион услубларини излаб топишни кўзда тутати.

TALIS натижалари таҳлили ўқитувчининг ўз дарс бериш даражасини яхшилаш қобилияти ва унинг лидерлик сифатларини ривожлантириш ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлайди³⁹. Ўқитувчи ташаббус кўрсата бошласа ва инновацияларни татбиқ этишга интилса, у ўзини янада қатъиятли ҳис қилади, унинг касбий мақоми, худди жанговар руҳ сингари, ўсиш учун ички туртки олади.

Яхши бошқарувчилик қобилияти таълим тизимининг барча даражаларида талаб этилади (6-бўлимга қаранг). Бир қанча сабабларга кўра бошқарувнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўп мамлакатларда мактабнинг ривожланиши очикдан-очик мактабларга кўпроқ ҳаракат эркинлиги бериш, ҳар бир ўқувчи ва бутун мактаб натижалари учун маълум даражада ҳисобдорлик, мавжуд педагогик амалиётларнинг билимлар базасидан тўлиқроқ фойдаланиш, маҳаллий ҳамжамиятлар, бошқа мактаб ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлиш билан барабар олиб борилади⁴⁰.

Онтариода машҳур таълимни ислоҳ қилиш стратегиясини яратган Майкл Фуллон таълимда энг яхши натижаларга эришган етакчилар бошқаларни ўзгаришлар жараёнига жалб этадилар ва издошлари ёрдамида бутун тизимда ўз билим ва тасаввурларини оммалаштирадилар, дейди⁴¹. У лидерлар ўз ўқитувчилари ва мактаб учун муҳим бўлган пайдо бўлаётган трендлар ва потенциал муаммоларни пайқай олишга қодирлар, дея таъкидлайди. Етакчилар ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва ўз ходимларига экспериментлар ўтказиш ва таваккал қилишга имкон яратадилар. Улар узоқни кўра олиш ва ташаббускорлик қобилиятига эгадирлар ва шунинг учун ҳам инновациялар учун зарур бўлган маблағ ва одамларни сафарбар қила оладилар. Улар истеъдодли ходимларни жалб этадилар. Шунингдек, таълимни ва ўқитишни ислоҳ қилиш жараёнига амалдорлар, ижтимоий тадбиркорлар, бизнес вакиллари, жамоат фаоллари, фуқаролик жамияти лидерлари ва олимларни жалб этган ҳолда иқтисодий секторлар ва бутун бир мамлакатлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатадилар.

Мактаб мустақиллигининг зарур ва етарли даражасини аниқлаш

Кўп мамлакатлар эътиборни таълимдан унинг натижаларига кўчирдилар. Айни пайтда улар мактабларни ўзига хос масалаларни ҳал қилишга кўпроқ эътибор қаратишга қизиқтириб, уларнинг маъсулиятини оширдилар. Мактаблар кўпроқ мустақилликка эга бўлдилар, шунинг учун директорлар, мактаб кенгашлари ва ўқитувчилар ўз ресурсларидан фойдаланиш, ўқув дастури тузиш, назорат-баҳолаш ишларини ўт-

казиш масалаларида, қабул ва интизом қоидаларида ўз зиммаларига кўпроқ жавобгарликни оладилар.

PISA маълумотларига биноан ўқувчиларнинг таълим натижаларига аниқ талаблар ўрнатиш, таълим дастури ва баҳолаш ишларида мактаб мустақиллиги бутун таълим тизими ишига ижобий таъсир кўрсатади (3.7 диаграммага қаранг). Масалан, мактаб ички назорати, таълим мазмуни, ўқув-методик адабиётни танлаш масалаларида мактабларга кўпроқ мустақиллик бераётган таълим тизимлари бу ўзаро алоқанинг асл сабаби қандай бўлишидан қатъи назар PISA тадқиқотида энг яхши натижаларни кўрсатади⁴².

Мактабларга кўпроқ мустақиллик беришни қўллаб-қувватлашнинг бошқа бир далили шундан иборатки, у инновацияларга ундайди. Муваффақиятларга эришаётган мактаблар одамлар ишлашга интиладиган жойга айланади, чунки у ерда улар ўзларининг яхши ғояларини амалга ошира оладилар. Айти пайтда қоида ва кўрсатмаларга риоя қилишни мукофотлайдиган иерархия ва расмийчиликка асосланган тузилмада инновацияларни рўёбга чиқариш анча мушкул.

2000 йилдан 2011 йилгача таълим тизимида новаторлик даражасини ўлчашга уриниш бошланди. Мустақиллик ва мактабларни бошқаришда марказлашиш даражаси паст бўлган мамлакатларда мактаб ва ўқув амалиётини модернизациялаш бўйича инновацион тадбирлар комплексини қўллашди. “Новаторликнинг ягона индекси” чўққисида Дания ва Нидерландия турибди⁴³.

Яқинда ўтказилган инновацион таълим муҳити тадқиқотида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлардаги новаторлик мактаблари ва мактаблар бирлашмалари ўрганилди⁴⁴. Гарчи фойдаланилган танловни репрезентатив деб аташ мумкин бўлмаса-да, сифатли таҳлил ўтказиш учун турли таълим тизимларидаги мактаблар ҳақида катта маълумотлар олинди. Бу ерда одатдаги давлат мактаблари бор эди, баъзилари ўхшаш параметрларга эга чартер мактаблар тармоғига қарашли эди, баъзи бирлари аввалгидек давлат тизимлари доирасида ёки улардан ташқарида ишлайдиган хусусий мактаблар эди. Аммо уларнинг ҳаммаси равнақ топди, чунки давлат уларга эксперимент ўтказиш учун имкон берди.

Шунингдек, тадқиқот мактаблар ташкилий тузилмасининг парчаланишига олиб келадиган хавф-хатарларни ҳам қайд этди. Бошқалар билан ҳамкорликда қилинган иш новаторликни рағбатлантириши ва


3.7. ДИАГРАММА

**ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ
МУСТАҚИЛЛИК МАКТАБ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАР
ЎЗЛАШТИРИШИ БИЛАН
БОҒЛИҚ.**

Натижалар мактаб дирек-
торлари ҳисоботларига
асосланган.

Изоҳ. Мактаб автономияси даражаси бажарилишига директор, ўқитувчилар ёки мактабнинг бошқарув кенгаши масъул бўлган вазифаларнинг фоизи сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Ижтимоий-иқтисодий омиллар PISA тадқиқотининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақомининг кўрсаткичи сифатида белгиланади.

Мамлакатлар ва иқтисодиётлар мактаб автономияси даражасининг пасайиб бориши тартибида келтирилади.



Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table II.4.5.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933435854>

3. Юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эга мактаб тизимлари нимаси билан фарқ қилади?



янгиликлар киритиш истагини қувватлаши мумкин. Аммо мактаб автономияси, агар уни яккалаб қўйиш деб тушунилса, у бутунлай мантиқсиз ва ҳатто хавфли бўлиб қолиши мумкин. Берилган эркинлик мослашувчанлик ва бошқа шериклар билан ҳамкорликни рағбатлантириши лозим.

Бутун таълим тизимида ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш йўлида битта тўсиқ мавжуд – бу тизимда иштирок этаётган кишиларнинг ўз олдларида турган муаммоларни етарлича тушунмасликларидир. Ҳукумат қандай муаммоларни ечишга уринаётганини на ўқитувчилар, на ота-оналар тушунмаса, у кўраётган чораларни ҳам тушуниши қийин. Онтарио ҳукуматининг манфаатдор шахсларнинг барча гуруҳлари ўртасида умумий нуқтаи назар ва мақсадлар тақсимотини барпо қилишга уриниши бу тўсиқни бартараф этишга мисол бўлади. Ўқиш ва математик саводхонликни такомиллаштириш соҳасида Онтарио сиёсати ўқиш, ёзиш ва математикада мос компетенцияларни шунчаки ривожлантиришга қаратилмаган (дарвоқе, у бу мақсадга эришди). Унинг мақсади Онтарио мактаб таълими маданиятида пировардида сезиларли силжишга олиб келган бутун бир ечимлар тўплами орқали энг муҳим компетенцияларни ривожлантириш соҳасида кенг миқёсда новаторликни қўллаб-қувватлаш тизимини барпо этиш эди. Ўқиш ва математик саводхонликнинг аҳамиятини англаш тушунчасининг ортиб бораётгани синф, мактаб, бошқарув кенгаши ва таълим вазирлиги миқёсида муносабатлар ва ҳаракатларнинг ўзгаришига олиб келди⁴⁵.

Сингапурнинг “Фикрлайдиган мактаб – маърифатли миллат” ислоҳоти мактабларни географик белгисига қараб кўпроқ мустақиллик берилган кластерларга айлантиришни ва энг илғор мактабларнинг директорларини бу кластерларга раҳбар қилиб тайинлашни тақлиф қилди. Уларнинг вазифаси устоз-мураббийлик ва янгиликлар киритишдан иборат эди⁴⁶. Катта ҳаракат эркинлиги билан бирга ҳисобдорликнинг янги шакллари ҳам пайдо бўлди. Назоратнинг эски шакллари бекор қилинди ва “такомиллашган мактаб” модели билан алмаштирилди. Бу модель мактаб ўз фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ўзи белгилаши ва ҳар йили уларга эришишдаги ўсиш ҳақида, шунингдек, таълим натижаларидаги ўсиш ҳақида ҳам ҳисоб беришини кўзда тутди. Мактабларга катта автономия берилиши автоматик тарзда мактаблардаги ўзгаришни бошқара оладиган самарали мактаб раҳбарларини тарбиялаш ва тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди. Ҳар олти йилда мактабда ташқи текшириш ўтказилади.

Мен ҳар доим АҚШдаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш анъанасига эга мактаблар ва ўқитувчилар бошқа мамлакатларнинг ўқитувчи ва мактабларига қараганда кўпроқ мустақиллик оладилар, деб ўйлардим. 2009 йилнинг июлида, ҳар йили ўтказиладиган ўрта мактаб директорлари миллий ассоциацияси конференцияси пайтида америкалик мактаб директорлари билан учрашганимда уларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги мустақиллик даражаси хусусидаги гапларидан жуда ҳайрон қолдим.

PISA маълумотларини ўрганганимда Америка мактаблари чиндан ҳам маҳаллий ҳокимият органларидан бошқа мамлакатларга нисбатан анча кўп кўрсатма олишларини аниқладим. Шу маънода АҚШ битта марказлашган бюрократик тизимни иккинчиси билан алмаштирган. Айтиш керакки, яқинда Америка таълимида юз берган касаба ташкилотларининг кўтарилиши ўқитувчилар касаба уюшмаларига катта ваколатлар берди ва бу нарса меҳнатни касб-корга қараб ташкил қиладиган тизимлардагидан кўра кўпроқ бюрократияга олиб келди.

Айрим мамлакатларда давлат мактабларининг кўпчилигига қарорлар қабул қилишда АҚШ нинг чартер мактабларига қанча эркинлик берилса, ўшанча эркинлик берилади. Англия академиялари бунга мисол бўлиши мумкин. Булар тўлиқ автономияга эга давлат мактабларидир, аммо улар давлат имтиҳонларида қатнашиши, таълим натижалари ҳақидаги ҳисоботларни оммавий эълон қилиши, бошқа мактаблар бюджети қандай бўлса, ўша бюджетдан чиқмаслиги, бошқа давлат мактаблари қабул қилган ўқувчиларни қабул қилиши лозим. Англия таълим вазирлиги катта академияга эркинлик берилиши паст натижаларни яхшилаш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Аммо натижалар динамикаси ҳақида нималар маълум? Мактабларга катта эркинлик берилиши ўқувчиларнинг натижаларига чиндан ҳам таъсир кўрсатадими? Агар академиянинг мақоми ва умрбод давом этадиган мустақиллик – бу, ифодали қилиб айтганда, йўлнинг охири битта бўлса ва маълум вақт ўтиб янги ислохотлар энди самара бермай қўйса, нима бўлади? Ошиб бораётган мустақиллик билан бирга катта яккаланишдан қандай сақланиш керак?

Академиялар ўқитувчилар ўртасида ҳам, мактаблар ўртасида ҳам профессионал автономияни ҳамкорлик маданияти билан бирга қўшиб олиб бориш нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бундай академик тизимни ўрнатишдаги асосий қийинчилик мактаблар ўртасидаги

Ўзаро ҳамкорликнинг энг яхши усулини топишдир. Бироқ мактаблараро тажриба алмашиш – осон иш эмас. Фақат уларнинг ёйилишига ҳеч қандай таъсир қилувчи куч ва рағбатлантирувчи омиллар бўлма-сагина, тажрибалар қаерда ишлаб чиқилган бўлса, ўша жойда қолади. Бу шуни англатадики, таълим дастурларининг раҳбарлари ва ўхшаш ечимларни яратувчилар бошқа муҳитга кўчирилиши мумкин бўлган тажрибани бу инновация оролчалари атрофида амалга оширишни қандай бошлаш, энг истеъдодли ўқитувчиларни энг оғир синфларга қандай жалб қилиш, энг яхши директорларни энг ночор мактабларни бошқаришга қўйиш ҳақида биргаликда ўйлашлари керак бўлади.

Бунинг иложи борлиги аниқ кўриниб турибди. Дания, Финляндия, Япония, Норвегия, Шанхай ва Швеция мактаблари ўзларининг жамоавий ишлаш ва ҳамкорлик маданияти билан машҳурдир. Улар тармоқли ўзаро ҳаракатни ташкил этади, ресурслар ва инновацион тажриба яратиш ғоялари билан бўлишади. Аммо бу маданиятлар ўз-ўзидан вужудга келмайди, уларнинг пайдо бўлиши учун қонуний ва экспериментал база зарур. Масалан, баъзи бир фин муниципалитетларида мактаб директорлари иш вақтининг учдан икки қисмини мактаб директори сифатида, учдан бир қисмини ўз округларининг раҳбари сифатида округни бошқариш билан ўтказадилар.

Бу янги вазифада жавобгарлик директор билан бошқарувчилар жамоаси ўртасида тақсимланади. Шу тарзда директорлар ўз ҳамкасблари билан мунтазам учрашиб турадилар. Энди улар маҳаллий маъмурият бошқаруви остида ишламайдилар, уларнинг ўзи – маҳаллий бошқарув органидир. Округ идорасида амалдорлар эмас, мактабни бошқариш нима эканлигини яхши биладиган кишилар ишлайди. Масалан, Шанхайни олинг. Агар сиз юқори кўрсаткичларга эга мактаб директорининг ўринбосари ўлароқ директорлик лавозимига даъвогарлик қилмоқчи бўлсангиз, унда сиз, энг аввало, кучсиз мактабнинг натижаларини кўтаришингиз лозим.

Қаттиқ текширишлар – менимча, дунёдаги энг самарали тизимлардан бири – Англия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятидир. Бошқарувнинг юқори даражада эканлигини исботлаш учун мактаблар ўз ташкилотидан ташқарида ҳам таълимни ривожлантиришга ёрдам бераётганини намоиш қилиши керак.

Аммо кўпроқ нарса талаб қилиниши мумкин. PISA маълумотлари ўқитувчилар тажриба алмашадиган жойда мактаблар автономияси афзал эканлигини кўрсатади. Аммо биргаликда таълим бериш ва жавобгарлик (ҳисобдорлик) маданияти ўрнатилмаган тизимларда мактабга юқори даражада мустақиллик берилиши ўқувчиларнинг таълим натижалари даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тажрибани самарали ошира бориш ва тажриба алмашиш, балансни назорат қилиш керак, ана шунда академиялар ўз мустақиллигидан самарали, муҳими, донолик билан фойдаланади.

Шунга қарамай, ислохот таълим тизимида маълум даражада яхшиланиш рўй беришини ваъда қилмоқда. Агар мактаб мустақиллиги билан ҳамкорлик маданиятини тўғри қўшиб олиб борилса, бундан нафақат мактаблар, балки алоҳида ўқитувчилар ҳам фойда кўради.

Расмий ҳисобдорликдан профессионал ҳисобдорликка ўтиш

Мактаб мустақиллигини таълим тизими ичига қуриш учун мактаблар ишини ва улар эришаётган таълим натижаларини баҳолашга имкон берадиган инструментларга эга бўлиш керак. Назорат ва ҳисобдорлик педагог ва мансабдорларга қўлни таълим тараққиёти пульси устида ушлаб туриш имконини беради. Кўпчилик юқори самарадорликка эга таълим тизимларида ҳисобдорликнинг маълум бир тури мавжуд. Бошқаларида, гарчи бу бирмунча самарали тизимларда у қадар ёйилмаган бўлса-да, натижалар ҳақидаги маълумотларга кириш очикдир. Бола учун мактаб танлашга рухсат берилган тизимларда қиёсий маълумотлар ота-оналарнинг қарорига таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи тизимларда бу маълумотлардан раҳбарият маълум қийинчиликларга дуч келган мактабларга қўшимча ресурсларни йўналтириш учун фойдаланади.

Бироқ ҳисобдорликка бўлган ёндашувлар тизимларнинг ўзи билан биргаликда ривожланади. Қоидалар тамойилга айланади, яхши амалиётга ўтади ва оқибатда маданиятни шакллантиради. Бундай ўтиш кўпинча расмий ёки маъмурий ва профессионал ҳисобдорлик ўртасида мувозанат сақлашга риоя қилишни талаб этади.

Маъмурий ҳисобдорлик яхши ўқитувчилар ва мактабларни аниқлаш ҳамда қолоқ мактаблар ишига аралашиш учун маълумотлардан фойдаланади. Бошқа хусусиятларидан ташқари маъмурий ҳисобдорлик кўпинча ўқитувчиларни ёки директорни ишга олиш, юқори лавозимга ўтказиш ва ўқитувчиларни шу касбда ушлаб қолиш усуллари ва ойлик иш ҳақининг даражаси ҳақида қарор қабул қилиш учун ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотларга таянади.

Профессional ҳисобдорлик эса ўқитувчилар барча даражадаги маъмурият олдида эмас, балки асосан ўз ҳамкасблари ва директорлари олдида ҳисоб берадиган тизимларда мавжуд бўлади. Ҳар қандай соҳадаги профессионаллар ҳамкасб-мутахассислар олдида масъулиятни ҳис қиладилар. Шу маънода ўқитувчи ҳамкасблари, ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари олдида шахсий жавобгарликни ҳис қилади.

Канада Онтариосида, Финляндия, Япония ва Янги Зеландияда ҳамкасблар ва директор олдида ҳисоб бериш зарурати кўзда тутилган меҳнатни ташкил қилишнинг янада профессионал шаклларига умид боғлашади. Бундай амалиётнинг мақсади ислоҳот шунчаки юқоридан туширилмагани, у коллектив томонидан қабул қилиниши ва маъқулланишига ишонч ҳосил қилишдир. Улар ўзини профессионал деб ҳисоблайдиган ва ўзларига профессионаллардек муносабатда бўлишларини кутаётган одамлар ҳамкасблари олдида кўпроқ расмий ва норасмий ҳисобот беришга тайёр бўлади, дея даъво қиладилар. Бундан ташқари, улар меҳнатни ташкил қилишнинг саноатлашган тури билан бирлашадиган расмий маъмурий ҳисобот тўлдириш заруратига салбий муносабатда бўладилар.

Онтарио тажрибаси илғор тажриба намуналари, уларнинг бирлашуви ҳамда янада кенгроқ татбиқ этилишини аниқлаш учун ҳукумат, мактаб ва ўқитувчи ўртасидаги шериклик муносабатларини ҳамма жойда қандай ўрнатиш ва фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Онтарио маъмурияти йўл-йўриқ кўрсатувчи директива яратиш ўрнига мактабларга тажриба-синов ва инновациялар учун маблағ ажратди. Бу нарса ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган, ўқиш ва математик саводхонликни такомиллаштириш бўйича қилинган таклифлар юқоридан тушган кўрсатмаларга қараганда самаралироқ эканини яққол кўрсатади. Провинцияда қолоқ мактабларнинг кескин камайишига бу мактабларни ёпиш хавфи эвазига эмас, балки уларга техник ёрдам ва ҳомийлик кўрсатиш ҳисобига эришилди. Ислоҳотнинг асосий шарти

шуки, ўқитувчилар тўғри иш қилишга ҳаракат қиладиган профессионаллардир ва ишдаги ҳар қандай камчилик ўқитувчиларнинг иштиёқи эмас, билими етишмаслигига боғлиқдир.

Айни пайтда Онтарио ҳукумати аввалги ҳукумат томонидан тақдим этилган мавжуд баҳолаш амалиётини бекор қилмаслик ёки бўшаштирмасликка қарор қилди. Ҳукумат доим провинциядаги ягона баҳолаш натижалари аҳамиятли эканини мактаблар ва жамоатчиликка етказиб турди.

Сингапурда маъмурий ва профессионал ҳисобдорлик қўшиб олиб борилади. Ўқитувчилар, директорлар, мансабдорлар ва ўқувчилар – ҳамманинг тиришқоқлик билан ишлаши кўзда тутилган. Ҳукумат ҳар йили мақсадларни белгилайди, уларга эришишда ёрдам беради, кейин эса бу уддаландими ёки йўқми, текширади. Ўқувчиларнинг таълим натижалари ҳақидаги маълумотлар ҳам бошқа кўрсаткичлар, масалан, ўқитувчиларнинг мактаб ва ҳамжамият ҳаётида қатнашиши билан бир қаторда ҳисобга олинади. Баҳолаш катта амалиётчи мутахассислар гуруҳининг фикр-мулоҳазаларига асосланади. Мукофотлаш тизимига фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари киради. Алоҳида ютуқлар мактаб ўз ривожланиш режасини таҳлил қиладиганида ҳисобга олинади.

Ишончнинг муҳимлиги ҳақида

Баъзи бир кишилар, таълим тизимига асос бўлган ишонч маданияти сабабли Финляндиянинг тажрибасидан амалий сабоқ олиш мумкин эмас, деб таъкидлашади. Бундай маданиятни эса ўзлаштириш осон эмас. Аммо ўқитувчилар ва жамият ўртасидаги муносабатларда бу ишонч нафақат ислохотлар оқибати, балки уларнинг шартидир. Фин ўқитувчиларига кўрсатилиб келинаётган ҳақиқий ҳурматни ҳисобга олсак, ислохотлар учун мустаҳкам асос мавжуд эканлигини кўрамиз. Фин маъмурлари ўз ўқитувчиларига ишонади ва бу билан унумли ва инновацион таълим муҳитини самарали қайта тиклаш учун фойдали замин яратади. Қабул қилинаётган қарорлар, мумкин бўлган барча босқич ва муҳокамадан ўтганлигини билдирувчи юқори даражада пухта ўйланган ислохотлар шунга олиб келадики, пировардида фин ўқитувчилари, ўз навбатида, мансабдор шахсларга ишонч билдиради-

лар, уларнинг холислиги ва ўз таклифларини ҳаётга татбиқ қила олишларига ишонадилар. Ва бу кўр-кўрона ишонч эмас.

Дарҳақиқат, Финляндияда профессионал ҳамжамият томонидан кўрсатилаётган босим жуда катта. Турли мактаб ўқувчиларининг натижалари ўртасидаги фарқ атиги 5 фоизни⁴⁷ ташкил қилишининг ўзиёқ қўшимча ёрдам зарур бўлганда тизим аралашиши мумкинлигини кўрсатади. Эҳтимол, кимдир Финляндияни ҳеч қандай стандарт назорат бўлмаган жаннатмонанд макон деб тасаввур қилаётгандир, аммо PISA – 2015 натижалари бундай тасаввур мутлақо нотўғри эканидан далолат беради. Финляндияда ўтказилаётган стандартлаштирилган имтиҳонларнинг такрорланиши Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларнинг ўртача такрорланиш даражасига яқин⁴⁸. Фарқи шундаки, имтиҳонлардан тизимнинг камчиликлари (заиф томонлари)ни аниқлаш ёки паст натижаларни қайд қилиш учун эмас, балки ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ўқитувчилар ва мактаблар ишига ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади.

Аслида, ишонч ва ҳисобдорлик бир қарашда кўринганидан анча мустаҳкам боғланиши мумкин. Шаффоф ҳисобдорлик барқарор ишонч маданиятини барпо этиш учун зарур: агар кишилар қандай мақсад кўзда тутилаётгани ва уларнинг ютуқлари қандай ўлчанишини тушунишмаса, бундай маданиятни барпо этиш мушкул. Аммо ишонч ҳам касбий компетентлилик билан боғлиқ нисбий тушунча. Сиз ўз онангизга ишонасизми? Унга самолётни бошқаришни ишониб топшира оласизми?

Фин маъмурларининг ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан ривожланишига юқори даражада эътибор қаратиши бутун тизимнинг ғоят муҳим таркибий қисмидир. Пухта тайёргарлик билан ўқув режаси ва баҳолаш сингари масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш имконининг бирлашуви фин ўқитувчиларига бошқа соҳа мутахассислари билан қиёсланадиган профессионал автономия даражасидан фойдаланиш ва бу ҳуқуқни тасдиқлайдиган ишончга сазовор бўлиш имконини беради. Давлат томонидан кўрсатилган ишонч, синчиклаб ўтказилган саралаш ишларидан кейингина кириш мумкин бўлган олий ўқув юртлари битирувчисининг мақоми ўқитувчиларга шундай ишлашга имкон яратадики, улар ота-оналар ва бутун жамиятнинг ўзларининг касбий маҳоратига бўлган ишончини янада мустаҳкамлай оладилар.

Бу аёл яхши ўқитуви, деб ким айтди?

Профессионал ҳисобдорлик маданиятини татбиқ этиш бутун тизимда баҳолаш маданиятини яратишга халал бермаслиги жуда муҳим. Айрим мамлакатларда ўқитувчи ишини баҳолаш зарурлигини эслатишнинг ўзиёқ профессионал муҳитда кескин баҳс-мунозараларни келтириб чиқаради⁴⁹.

АҚШ ва Франция ўқитувчилари намоишга чиқадилар, Англия ўқитувчилар касаба уюшмалари ва мактаб директорлари вакиллари ўртасида ўқитувчи маошини бундай баҳолаш натижалари билан боғлаш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тортишувлар бошланиб кетади.

Деярли ҳамма мактаб умидли ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча имкониятларини излаб топиши, ўз самарадорлигини исботлаган педагогларни мукофотлаши ҳамда қониқарсиз ишлаётганларни ишдан бўшатиши керак, деган фикрга қўшилади. Аммо ўқитувчи ишининг сифатини қандай аниқлаш керак? Хулоса чиқаришга ким ҳақли? Ўқувчиларми? Ота-оналарми? Ҳамкасбларми? Директорларми?

23 та мамлакат қатнашган TALIS – 2013 тадқиқотининг натижалари бўйича иши баҳолашдан ўтган, кейин эса ижобий қайта алоқага эга бўлган ўқитувчиларнинг 83 фоизи бу баҳолашни ҳаққоний деб ҳисоблайдилар, 79 фоизи эса бу баҳолашни ўз маҳоратларини такомиллаштириш учун фойдали, деб топдилар⁵⁰. Бироқ ўқитувчилар ишини қандай баҳолаш ҳақида келишувга эришиш асло осон эмас.

Ўқитувчи фаолиятини баҳолаш тизими мавжуд бўлган кўпчилик мамлакатларда бу тизим жиддий равишда унинг кам-кўстини тўлдириб, охирига етказишни талаб этади. TALIS тадқиқоти иштирокчи-мамлакатлари ўқитувчиларининг 13 фоизга яқини баҳолашнинг ҳеч қайси турида қатнашмади ва ўз иши хусусида қайта боғланмади. Қисман бу нарсa бундай тизимни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашга нафақат молиявий ёки вақтга боғлиқ ҳолда сарфланадиган харажатларнинг юқорилиги билан изоҳланади. Бундай тизим анчагина мардликни талаб этади, уни ишлаб чиқиш эса маъмурият вакиллари обрўсини хатарга қўйиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда яқдилликка эришиш муаммоси ўқитувчи маҳоратини баҳолаш мезонларини аниқлашдадир. Нимани асос қилиб олса бўлади? Назорат ишларини бажаргани учун

Ўқувчилар олган баҳоларними? Тўлиқ синфни бошқаришни уддалаш қобилиятиними? Ўқувчилар ва ота-оналарнинг фикрлариними? Ким текширувчи бўлиши лозим: марказий таълим органининг давлат инспекторими, директорми ёки ҳамкасбларми? Ва бу баҳолаш ёки аттестация натижаларидан қандай фойдаланиш лозим? Иш ҳақи баҳолашга боғлиқ бўлиши керакми? Баҳолаш лавозим ошишини белгилаши керакми? У касбий ривожланишдаги эҳтиёжларни аниқлаши керакми? У самарасиз ходимларни сафдан чиқаришга ёрдам бериши керакми?

Ҳақиқатан ҳам баъзи масалаларда аллақачон аниқлик пайдо бўла бошлади. Ўқувчилар ишини баҳолаш муҳим маълумотларни беради, аммо таълим сифати ҳақида тўлиқ ҳукм чиқаришга имкон бермайди. Фақат баҳоларга суяниш кўрилатган жиҳатларни асоссиз равишда чеклайди.

Ўқитувчиларни баҳолаш тизими ўқитувчини тайёрлаш ва малакасини оширишни, мактаб раҳбарларини тайёрлашни, ўқитувчиларни ислохотлар жараёнига жалб қилишни ва жозибадор ишчи муҳити яратишни қўшган ҳолда касбга бўлган яхлит муносабатнинг бир бўлаги бўлмоғи керак.

Сингапурдаги бюджет соҳасининг барча ходимлари ва бошқа мутахассислар сингари ўқитувчилар ҳам ҳар йили 13 та компетенция бўйича аттестациядан ўтадилар. Бу компетенциялар нафақат ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, балки уларнинг намунали шахс сифатида камол топишига ўқитувчининг қўшган ҳиссаси, ота-оналар ва ижтимоий бирлашмалар билан ҳамкорлик, ҳамкасаблар билан ишлашнинг натижалари ва умуман, мактаб ҳаётига таъсир этишни ўз ичига олади.

Шуниси қизиқки, ўқитувчилар бу жараёни юқоридан келган ҳисобдорлик тизими сифатида эмас, ўз касбий маҳоратларини ошириш ва мансаб пиллапояларидан кўтарилиш инструменти сифатида қабул қиладилар. Кўзга кўриниб турган ишлари учун ўқитувчилар мактабнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантириш фондидан пул мукофоти оладилар. Мактабда уч йил ишлагандан кейин қуйидаги уч хизмат даражасининг қайси бири уларга ҳаммадан кўпроқ тўғри келишини аниқлаш учун ўқитувчиларни ҳар йили аттестациядан ўтказиш бошланади: устоз-мураббий, таълим дастури ёки тадқиқотлар бўйича мутахассис ёки мактаб директори. Ўқитувчиларни индивидуал аттестациядан ўтказиш маълум даражада таълим сифатини яхшилаш бўйича аниқ бир мактабнинг умумий режасига мувофиқ амалга оширилади.

Шундай қилиб масъулият кимнинг зиммасида бўлади?

Энг самарали мактаб тизимларида зиммасига жавобгарлик юкланган аниқ маъмурий орган мавжуд. Бу тизим иш фаолиятининг сифати ва самарадорлигига жавоб берадиган бир ёки бир неча ташкилот бўлиши мумкин. Одатда, бу миллий таълим вазирлиги ёки штат вазирлигидир. Бундай ташкилотлар нафақат таълим сифати ва самарадорлиги учун, балки узоқ муддатли режалаштириш учун ҳам жавобгардир. Улар тадқиқотларни бошлаб беради, уларнинг натижаларини таҳлил қилади ва шу натижалар асосида қарор қабул қилади. Бундай ташкилотларда ишлаш таълим тизимининг етакчи ходимлари учун муносиб мақсад ҳисобланади. Уларнинг талаб ва таклифлари инобатга олинади, чунки бу ташкилотларнинг ходимлари катта ҳурматга сазовордирлар.

Таълим тизимининг барча бўғинлари ҳамжиҳатлик билан ишлаши керак. Режалар ишлаб чиқиш ва уларда кўзда тутилган мақсадларга эришиш зарур. Тизимда зарурий тадқиқотларни ўтказиш, зарур бўлган жойда ёрдам кўрсатиш, режани бажариш мониторингини олиб бориш, натижаларни баҳолаш ва зарурат туғилганида йўналишни ўзгартириш учун салоҳият бўлиши лозим. Агар мамлакат, штат ёки федерал тизимдаги штатлар гуруҳида бундай салоҳият бўлмаса, у тўлақонли стратегик режа ишлаб чиқолмайди; ҳатто уни ишлаб чиқишнинг иложи бўлганида ҳам, режани амалга ошириш учун етарлича куч-қудрат бўлмаса, унинг аҳамияти муҳим эмас.

Федератив ташкилий тузилмага эга мамлакатлар субъектлар (штатлар) ўртасида ҳамкорликни ташкил қилиш тажрибаси билан ўртоқлашиши мумкин. Канада таълим вазирлиги кенгаши⁵¹ ёки немис Таълим вазирлиги мажлиси⁵² маҳаллий вазирлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб турадиган форумларни ташкил этади. Уларнинг расмий ваколатлари чекланган бўлишига қарамай, бундай учрашувлар ҳудудлар ўртасида ғоялар ва самарали амалиётлар алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Яхши ғояларнинг ёйилиши шунга олиб келдики, юрисдикциялар бир-биридан ўргана бошлади.

Германияда Конституция федерал ҳукуматнинг таълим соҳасида тадқиқотлар олиб боришни қўллаб-қувватлашдан ортиқ иш қилишини тақиқлайди. Бироқ сўнгги ўн йил ичида ҳукумат муҳим ислохотларни амалга ошириш учун стимул ва ғоялар излаб топишни уддалади. Маса-

лан, федерал ҳукумат компетенцияга асосланган мактаб стандартлари концепциясини ишлаб чиқди. Ҳатто штатлар Вазирлар кенгаши орқали ишласа ҳам, миллий стандартлар ва ҳисобдорлик тизимини жорий қилди ва назорат ўрнатди.

Изчил концепция баёноти

Бугун таълим тизимларидаги трендлар, кам деганда, бир-бирига зид. Бир томондан, одамларни жамиятнинг орзу-умидлари билан битирувчиларнинг натижалари ўртасидаги катталашиб бораётан тафовут ташвишга сояпти. Иккинчи томондан, уларнинг бажарилишига чуқур ўйлаб муносабат билдиришга имкон бермайдиган ислохотларни жорий қилиш суръатининг тезлашиб кетаётгани сабабли педагоглар орасида норозилик кучаймоқда. Ислохотлар баъзиларга жуда секин бораётгандай, бошқаларга жуда тезлашиб кетаётгандай туюлиши билан бирга, қабул қилинаётган қарорлар ва ислох қилинаётган соҳалар ўртасида ҳам мутаносиблик етишмайди. Директорлар ва ўқитувчиларни ислохотларга тайёргарлик кўришга камдан-кам жалб қилишади, улар баъзан ислохотлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар топишади. Ўқитувчилар тўлиқ манзарадан беҳабар бўлганлари сабабли, мўлжалдаги ниятлар билан ташаббусларни жорий этиш ўртасида боғлаб турувчи бўғин бўла олишмайди, бу эса – ислохот муваффақиятининг асосидир.

Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар, ўз навбатида, қонун билан мустаҳкамланишга арзийдиган ажойиб ташаббуслар етишмаслигидан қийналадилар, шунингдек, ўзларидан олдинги вазифадошларининг қарорлари қай даражада самарали бўлганлигини ёки натижага эришиш учун ўзларигача амалга оширилган ишларни қайта ўзгартиришга ҳожат йўқлигини тушунмаслик иллатидан азоб чекадилар. Одатда, улар ўз ғояларини илгари суришга ҳаракат қиладилар, натижада бу ғоялар олдин мавжуд бўлган йўл-йўриқлар уюмига ағдарилди. Буларнинг бари узоқни кўра олмасликка ва ташкилий ишларнинг ёмонлашувига олиб келади, ҳар маъмурият ўзгарганида иш олиб бориш усулининг алмашишига эргашишга мажбур бўлган ўқитувчиларни чалғитади.

Таълим тизимини ривожлантириш учун изчиллик ва анъанавий-

лик талаб қилинади. Бу таълим дастуридаги ўзгаришлар бўладими ёки ўқитувчиларни молиялаштириш ёки қўллаб-қувватлаш қоидаларидаги ўзгаришлар бўладими – бу ўзгаришларнинг ҳаммаси умумий тасаввур ва тушунчалар билан мувофиқлаштирилиши ва ягона йўналишни белгилаб бериши лозим.

Ислохотлар силлиқ кечади, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда улар қийинчиликлар, сиёсий зиддиятлар билан боғлиқ бўлади, ҳатто улар четдан қараган кишига мантиқсиз туюлиши ҳам мумкин. Сиёсий ва иқтисодий қаршиликлардан ташқари, марказлашган маъмурий назоратдан профессионал автономия томон ҳаракат, агар педагогик ҳам-жамият таклиф этилган сиёсатни амалга ошириш учун етарлича компетенцияларга эга бўлмаса, тескари натижаларга олиб келиши мумкин.

Агар жараённинг барча иштирокчилари томонидан ўрганиб чиқилган ва маъқулланган таълим стандарти бўлмаса, анча паст даражадаги қарорларни қабул қилишга кўп мустақиллик бериш муаммолар туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Педагог кадрларни тайёрлашнинг номувофиқ тизими ҳам салоҳиятли номзодларнинг ҳафсаласини пир қилиши, ёки ҳаддан ортиқ расмиятчилик профессионалларнинг касбини ташлаб кетишга мажбурлаши мумкин.

Сингапурликлар ҳар жабҳада ҳамфикрдирлар

Сингапур Миллий таълим институтининг таклиф этилган профессори сифатида менда мамлакатнинг таълимни ислоҳ қилишга муносабати билан яқиндан танишиш имкони бор эди. Ислохотларни жорий қилишдаги масъулият таълим вазирлиги, институт ва мактаблар ўртасида тақсимланган. Институт профессорларини вазирлик қарорларини муҳокама қилиш ва қабул қилишга мунтазам равишда жалб қилишади, шу сабабли институт учун ўз тадқиқотларини вазирлик сиёсати билан мувофиқлаштириш қийинчилик туғдирмайди. Мактаб директорлари муҳим қарорларни Сингапур миллий таълим институтидан эмас, бевосита вазирликдан билиб оладилар. Ҳаётга татбиқ этиладиган бирортаям режа олдиндан кўриб чиқилмай туриб тақдим этилмайди. Вазирлик нима ишляпти-ю, нима ишламаётганини мунтазам кузатиб, ўз қарорларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун бошқа мамлакатларнинг маълумотлари ва илғор тажрибасидан фойдаланиб, доимий тақомиллашув тартибида ишлайди. Ўқитувчиларни тайёрлаш дастурла-

ри ўқув муассасасининг эмас, ўқитувчи манфаатларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Одатда, ўқитувчилар бакалавр даражасини олгандан сўнг дарс бера бошлайдилар, амалий тажриба орттиргандан сўнг ўқитувчининг назарий тайёргарлигини энди касбий фаолиятнинг кейинги босқичида магистрлик дастури тўлдиради.

Сингапурда мени ҳаммадан ҳам лол қолдирган нарсаси – бу ҳар бир даражада таълим натижаларини аниқ-равшан тушунишлари бўлди: таълим вазирликлари, миллий ва маҳаллий ҳамжамиятлар, университетлар, техника коллежлари ва мактабларда. Таълим ўз ҳолича шу маънода ўзгарувчанки, мутахассис унинг ичида бутун иш фаолияти давомида кўп маротаба ўз жойини илмий-текшириш ишларидан то сиёсатни ишлаб чиқиш, бошқарув ёки дарс беришгача ўзгартириши мумкин. Таълим сиёсатининг тадқиқотлар ва амалий иш билан мустаҳкам алоқаси тасаввурни ҳаракатчан ва келажакни кўзлаб иш тутадиган ҳиссиётга айлантиради. Таълим ўтмишда қолиб кетмасдан, шароитлар билан биргаликда ўзгариши керак, дея ҳисобланади.

Миллий таълим мақсадлари ҳақида умумий нуқтаи назарни шакллантириш учун барча расмий таълим ташкилотлари йиғиладиган кенгашлар маълум даражада муҳим бир босқичдир. Ҳукумат ўйлаб қўйилган мақсадни янада самарали татбиқ этишга эътибор қаратади. “Орзу қил, мақсад қўй, амалга ошир” – Сингапурнинг давлат бошқарувига муносабатини таърифлайдиган муносиб шиор.

Сингапур ҳукумати компетенцияларнинг шаклланганлик даражаси иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига жиддий таъсир кўрсатишини тушунади, шу сабабли таълимда нима иш қилиш кераклигини аниқ-равшан ҳис қилади. Вазирлик бу тасаввурни амалга ошириш чораларини ишлаб чиқаётган бир пайтда ўқитувчилар, ўз навбатида, кўпинча вазирлик билан бирга ислохотларни ишлаб чиқишда иштирок этаётган Миллий таълим институтида малака оширишга бир йилда юз соат сарфлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўп сарфлаш керакми ёки ақл биланми?

PISA тадқиқотининг мақсадларига мувофиқ илғор мамлакатларни ўрганар эканман, биринчи билган нарсам шу бўлдики, бу мамлакатларнинг раҳбарлари ўз фуқароларини таълим ҳамма нарсадан муҳимлигига ишонтира олишган экан. Бу мамлакатларда янги, яхши

жиҳозланган мактаб ярқираб турган савдо марказидан кўра кўпроқ эътиборни тортади. Хитойлик ота-оналар сўнгги юанларини болаларининг билим олишига сарфлаб, уларнинг ва мамлакат келажагига пул тикадилар. Бугун Ёрбда кўп мамлакатларнинг ҳукуматлари бугунги кун эҳтиёжларини молиялаштириш учун келажак авлодлардан қарзга пул ола бошлади. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳадемай улар қазган қарз чоҳига қулайди.

2013 йили Хитойда мен Чэндунинг вице-мэри билан тушлик қилдим. Жаноб Фу Юнлинь кейинги ўн йил давомида муниципалитетида таълимда шиддатли ўзгаришларни бошлаган муҳим қарорларнинг ортида турган. Ҳаммадан кўпроқ мени унинг келажакда Хитойнинг дунёга таъсирини қандай кўраётгани лол қолдирди: асосий ролни ишлаб чиқарилган жаҳон истеъмол молларининг миқдори эмас, таълим воситасида дунё маданиятига мамлакат қўшадиган билимлар миқдори ўйнайди. Ўртача битирувчи Хитойнинг энг катта шаҳарларидан биридаги уй хизматчисидан сал кўпроқ пул топадиган мамлакатда пул асло таълим олиш учун ягона сабаб бўлолмайди. Хитойнинг сиёсий ва ижтимоий лидерлари аҳолини таълимни, яъни ўз келажакларини ҳозирги эҳтиёжларидан кўра кўпроқ қадрлашга ишонтиришнинг уддасидан чиқяптилар.

Чэнду вице-мэрининг ўтмишнинг баланд-пастига қараб, изчил ривожланиш томон қандай ҳаракат қилаётгани ҳам қизиқарли. Ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди, ҳамма нарсанинг тарихи ва келиб чиқиш манбалари бор, дейди у. У жаҳонда юз бераётган глобллашув жараёнида сезиларли роль ўйнаш учун хитойликлар тўплаши лозим бўлган тажрибани яхши тасаввур қиларди, шунингдек, бошқа маданиятлар ва билим соҳалари дунёсига кириш портали сифатида таълимнинг аҳамиятини тушунарди. У яна таълимнинг табиатини ўзгартириш кераклигини биларди. Мен ундан нега у ва бошқа шаҳар раҳбарлари ўша пайтларда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ўтказётган келажак таълими тадқиқотларига бу қадар қизиқиб қолишгани ҳақида сўрадим. Ўша пайтда бошқа мамлакатлар бу тадқиқотларга шубҳа билан қарашарди. У менга қараб, бугунги кунда Ченду гаджетлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон марказига айланганини ва 14 миллион кишини иш билан таъминлаётганини айтди. Ўн йилдан сўнг ҳар бир ишчи ходим ўрнини роботлар эгаллайди. Бизнинг вазифамиз, давом этди у, шунчаки янги ишчи ўринлари яратиш эмас, балки одамлар роботлар-

дан яхшироқ бажарадиган янги фаолият турларини яратиш ва одамларни ўйлашга, роботларга ўхшаб ишламасликка ўргатишдир.

2-бўлимда айтилганидек, таълим тизимлари уларга тўғридан-тўғри инвестиция киритиш билан яхшиланиб қолмайди. Сарф-харажат даражаси бир хил бўлган икки мамлакат мутлақо ҳар хил натижаларни кўрсатиши мумкин. Бошқача айтганда, маълум чегарага эришгандан сўнг мамлакатлар қанча пул сарфлагани эмас, қандай сарфлагани муҳим. Агар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таркибидаги ўртача натижаларни кўрсатган мамлакат рейтингда кўтарилишни истаса, у ўз таълим тизимининг самарадорлигини тубдан яхшилаши ёки таълимга ажратилган бюджетни биратўла ошириши лозим бўлади.

Кўп мамлакатларда жиддий молиявий чеклашлар жорий қилинган ва яқин ўртада вазият ўзгарадиганга ўхшамайди. Шу боис яқин келажакда таълимга йўналтирилган сарф-харажатларни жиддий равишда ошириш кутилмайди. Вазифа ҳар бир сарфланган доллардан кўпроқ фойда олишдан иборатдир. Таълим рейтинглари лидерларининг тажрибаси мумкин бўлган бир неча вариантларни таклиф қилади.

Масалан, Япония кўпчилик Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларга қараганда ғайриодатий мактаб бинолари, қўшимча хизматлар, ялтироқ дарсликлар ва қимматбаҳо спорт дастурларига хийла кам пул сарфлаб, ўз ресурсларининг кўп қисмини таянч таълимга сарфлайди⁵³. Иқтисод қилинган пулларнинг бир қисми ўқитувчиларнинг нисбатан яхши иш ҳақига ажратилади. Қолгани солиқ тўловчиларга қайтарилади. [2014 йилда Японияда мактаб таълимига қилинган (бюджет ва хусусий) йиллик сарф-харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил этди, бу Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Чехия, Словения ва Венгриядан кейинги 4-ўрин демакдир].

Катта харажат қилмасдан яхши натижаларга эришишнинг бошқа бир йўли – бу таълим тизимини таянч даражада ташкил қилишни ўзгартиришдир. Японияда мактаб ёшидаги болалар сони қисқаргунга қадар Япония ва АҚШда бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони бир хил эди. Бироқ японлар ўқувчи сони кўп бўлган синфларни сақлаб қолишга қарор қилишди. Синфлардаги болалар сони баъзан АҚШдагидан икки баробар кўп бўлади. Бу қарор япон ўқитувчиларига дарсларга тайёргарлик кўришга, ўзлаштириши паст ўқувчилар хусусида ҳамкасблари

билан маслаҳатлашишга ва ёмон ўзлаштирувчи ўқувчилар билан қўшимча иш олиб боришга анча кўп вақт ажратиш имконини берди. Ҳар икки давлатнинг сарф-харажатлари бир хил (“ўқитувчи – ўқувчи” нисбатининг тенглиги нуқтаи назаридан), бироқ америкалик ҳамкасблари ўқитувчиларнинг режалаштириш ва ўқувчиларнинг кичик гуруҳлари билан ишлашга вақти кам қоладиган ўқувчи сони кам синфлар фойдасига қарор қабул қилган бир пайтда, японлар ўқитувчиларга режалаштириш ва кичик гуруҳлар билан ишлашга вақт бериш учун ўқувчи сони кўп синфлар фойдасига қарор қабул қилдилар.

Япония ҳам бундай қарор қабул қилишда ёлғиз эмас. Айтилганидек, қачонки юқори натижали таълим тизимларига ўқувчи сони кам синфлар ва энг яхши ўқитувчилардан бирини танлашга тўғри келса, улар кейингисини танлашади.

2006 йилдан 2015 йилгача Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда бошланғич, ўрта ва юқори таълимга сарфланадиган харажатлар ўртача 20 фоизга ўсди⁵⁴. Аммо шу давр мобайнида бу мамлакатларда кам комплектли синфларни яхши ўқитувчилардан, ўқув соатларининг кўплигидан, ўқувчиларга жонли ёрдам кўрсатишдан ва тенг таълим имкониятларидан афзал кўришди. Жамоатчилик босими ва демографик ўзгаришлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматларини ўрта мактабда синфларнинг тўлиқлик даражасини 6 фоизга камайтиришга мажбур қилди. Бошқача айтганда, таълимга йўналтирилган харажатларга ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида оммалашган, истиқболда ўқувчилар натижаларини кўтаришга ёрдам бермайдиган чора-тадбирлар таъсир кўрсатди.

Тўлиқлик даражаси катта бўлган (ўқувчи сони кўп) синфларни танлаган мамлакатлар ўқитувчиларга анча юқори маош тўлай олади. Бу ҳолда ишга жойлаштиришда рақобат кучаяди ва даъвогарлар нуфузли олий ўқув юртларининг битирувчилари бўлиши мумкин. Бундай ўқитувчилар ўз касблари соҳасида узоқроқ ишлайдилар, камдан-кам ҳолларда уларни алмаштиришга тўғри келади, синфда уларга ихтисослашган ёрдам камроқ керак бўлади. Бу ўқитувчи тайёрлайдиган институт камроқ керак, борларига эса кўпроқ маблағ сарф қилиш мумкин, дегани. Паст бюджетга эга олий ўқув юртларини битирган паст малакали ўқитувчиларни ишга олиш ҳамма харажатларни ҳисобга олганда истиқболда катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Паст малакали мутахассислар қанча кўп ишга олинса, мактабларга бу одамларни назорат қилиш ва мослаштириш учун шунча кўп мутахассис ҳамда бошқарма ходимларини жалб этиш керак бўлади. Илғор етакчи тизимларда, ўқитувчилар нисбатан юқори маош олишларига қарамай, назорат ўрнатиш учун мутахассислар ва бошқарма ходимлари камроқ талаб қилинади. Шундай қилиб, маошга ажратилган умумий харажат юқори бўлмайди. Мана нима учун харажатларга бор эътиборни қаратиш ўрнига бутун тизимнинг тузилиши ва ялпи харажатлари ҳақида ўйлаш керак.

Натижада компетенциялар ва пул ўртасида сезиларли номутаносиблик мавжуд бўлади. Ривожланган компетенциялар ҳар бир шахс ва мамлакат учун изчил тарзда катта даромад келтиради, аммо молиялаштиришни ошириш автоматик тарзда таълимни яхшилашга олиб келмайди.

PISA маълумотлари баъзи мамлакатлар тизимли ислохотлар жараёни ва миллий таълимга сармоя киритиш орқали ўзларини тўлиқ тубдан ўзгартирганларини, шу сабабли мамлакатларнинг нисбий ҳолати жиддий ўзгарганини кўрсатади. Бу яна дунё энди яхши таълимга эга бой мамлакатлар ёмон таълимга эга камбағал мамлакатларга бўлинмаслигини кўрсатади. Мамлакатлар машҳур таълим тизимларини танлаши, агар омад ёр бўлса, улар ошиғи билан мукофотланишлари мумкин. Бу – аҳоли учун фаровон ҳаёт ва яхши иш томонга йўлдир ва у жамият ривожига ҳамроҳлик қилади.

Аммо таълим натижаларини кўтариш учун пулдан кўра кўпроқ нарсга талаб қилинади. Осиё мамлакатларида муваффақият, ғарб мамлакатларининг болалари айтганидай, туғма талантнинг эмас, астойдил қилинган меҳнатнинг оқибати эканига ўқувчиларнинг ишончи комил. Бу таълим ва унинг ижтимоий контексти таълимда муваффақиятга олиб борадиган қадриятларни сингдиришга ёрдам беришидан далолат беради.

Ва ҳеч қаерда таълим тизимининг сифати унда ишлаётган ўқитувчилар сифатидан ортиқ бўлмайди. Энг самарадор тизимлар ўқитувчи ва директорларни қандай танлаш ва тайёрлашга кўп эътибор қаратади. Сармоялар ҳақида қарор қабул қилаётганда улар синф қамровини эмас, ўқитувчиларнинг сифатини танлашади, ўқитувчиларга касбий ўсиш имконини таклиф қилишади.

Шу билан бирга, улар расмийликка асосланган назорат ва ҳисобдорликдан меҳнатни ташкил қилишнинг профессионал услублари томон тадрижий ривожланади ва бу билан ўқитувчиларни педагогика соҳасидаги инновацияларга, ўзи ва ҳамкасбларининг касбий ривожланишига туртки беради, буни шундай қиладиларки, малаканинг ошиши чиндан ҳам дарс бериш амалиётининг яхшиланишига олиб келади.

Бешта етакчи таълим тизимлари

Илғор таълим тизимларининг бундай даражага эришуви географик ҳолат, бойлик ёки маданият билан белгиланмаслиги энди тушунарли бўлган бўлиши керак. Улар ўз таълим тизимларидаги қолоқлик ва номувофиқликлардан хабардорлик даражаси ва аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун ресурсларни йўналтириш қобилияти билан ажралиб туради. Қуйида бундай тизимларнинг бир нечтасига қисқача таъриф келтирилган.

Сингапур

Сингапур PISA – 2015 тадқиқотида энг юқори натижаларни намойиш қилди. Бу зафар бошқаларда катта қизиқиш уйғотди ва Осиёдаги беш миллион аҳолига эга бу шаҳар-давлат таълим тизимининг бундай ривожланиш даражасига қандай эриша олди, деган савол туғилди. Бошқа мамлакатлар Сингапурдан нималарни ўрганиш мумкинлигини тушунишни истардилар.

Бу ютуқнинг энг эътиборга молик жиҳатларидан бири шуки, Сингапур муваффақиятга олиб борадиган йўлни жуда қуйидан бошлади. 1965 йилда мустақилликни қўлга киритган, қазилма бойлиги деярли йўқ, аҳолиси қарийб саводсиз бўлган Сингапур ўта қашшоқ мамлакат эди. Мактаб ва коллежлари кам, иқтисодиёти ривожланмаган, ишчи кучи эса малакасиз эди. Аҳолиси турли тилларда гаплашадиган турли этник гуруҳлардан иборат эди.

Аммо 50 йилдан кейин Сингапур етакчи Европа мамлакатлари, Шимолий Америка ва Осиёдаги рақибларини қувиб ўтиб, халқаро рей-

тинглар чўққисини эгаллади ва бир инсон умридан кам муддат ичида “учинчи” дунёдан “биринчи” дунёга улкан сакрашни амалга оширди.

Хўш, муваффақият калити қаерда?

Эҳтимол, ҳамма нарсa ниятдан бошланар. Сингапурнинг муваффақияти тасодикий ёки ноёб ҳодиса эмас, у жадаллаштирилган иқтисодиётни қуришнинг асоси сифатида таълимдан онгли равишда фойдаланиш истагидан келиб чиқиб эришилган муваффақиятдир. Таълим иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Катта ҳудудларни эгаллаган, анча-мунча обрўли қўшнилари олдида ҳеч қандай табиий ресурслари бўлмаган Сингапур, билимли аҳоли – бу энг қимматли устунликдир, деган қарорга келди. Таълим ёш мамлакатнинг асоси бўлди. У тенглик туйғусини ҳосил қилиш ва турли этник ва диний гуруҳларни бирлаштириш имконини берди. Мустақилликни қўлга киритганида Сингапур оғир кунларни бошидан кечирарди. У пайтларда таълим чет эллик ишлаб чиқарувчиларни мамлакатга жалб этиш учун ишчилар тайёрлашга мўлжалланганди.

Ягона таълим тизими ўрнатилган, кўплаб ўқитувчи ёллаш, мактаблар қуриш ва дарсликлар чоп этиш бошланганди. Ўн йилдан сўнг ҳамма болалар бошланғич таълимга эга бўлдилар. 1970 йилга келиб ўқишни истаган ҳар бир бола ўрта мактабда ўқиш имконига эга эди.

Таълим стандартлари у қадар юқори эмас ва бу ҳолат 1970 йиллар охирида Сингапур омон қолиш ёқасидан самарадорликка юз тутган индустриал ривожланишнинг кейинги босқичига ўтган даврда кўриб чиқилганди. Паст малака ва паст иш ҳақидан жаҳон технология лидерларини жалб қилиши керак бўлган юқори малакали ишчи кучига ўтишга киришилган эди. Иқтисодиётдаги бу ютуққа бутун таълим тизимини қайта кўриб чиқиш ва касбий таълимга янги таълим дастури ва янги таълим йўналишларини киритиш билан эришилди. 1990 йилларнинг бошларида касбий тайёргарлик мақомини ошириш ва олий таълимдан қолишмайдиган таълим бериш учун техник таълим инсти-тути очилди.

1990 йилларнинг охирида халқаро миқёсда рақобатга киришиш учун мамлакатни юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган билимлар иқтисодиётига ўтишга тайёрлаш мақсадида тизим қайтадан яхшиланди. Янада чуқурроқ ва самаралироқ билим бериш ғояси “Камроқ дарс бериш, кўпроқ ўргатиш” кампанияси тимсолида мужассамлашган ва “Фикрлайдиган мактаб – ўрганувчи аҳоли” кам-

панияси сингари мамлакат бош вазири Ли Сяньлунга тегишли эди. Бу ўзгаришлар негизда таълимни ривожлантириш ниҳоятда муҳим эканига ишонч бор эди. Бу ўн йиллаб давом этган, жамият томонидан қўллаб-қувватланган, тегишлича молиялаштирилган тизимли жараён эди. 2010 йилда бутун давлат харажатларининг 20 фоизини таълимга ажратилган сарф-харажатлар ташкил этарди, бундан кўпроқ улуш мудофаага ажратилган эди. Миллий ғурур призмаси орқали қабул қилинган таълим харажатлари иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг таркибий қисми эди.

Таълимнинг иқтисодиёт ва иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқлиги ягона иқтисодий сиёсат билан ўзаро боғлиқ ҳолда юқори даражада ривожланаётган тизимнинг ўзига хос хусусиятидир. Мактаб ва ўқувчилар эришиши лозим бўлган аниқ мақсадлар, ўта жиддий имтиҳон олиш маданияти ва юксак таълим стандартлари мавжуд. Таълим тараққиёти онгли равишда ижтимоий ҳаракатчанликни қўллаб-қувватлайдиган меритократик тараққиёт ҳисобланади, бу эса ўқувчиларга мумкин бўлган натижаларга максимал даражада эришиш имконини беради.

Ҳатто бу қадар соз тизим ҳам инсон иштирокига муҳтождир. Ўқитувчилар ҳамиша Сингапур муваффақиятининг омили ҳисобланган. Сингапур ўқитувчиларнинг юқори малакаси ва иштиёқини қўллаб-қувватлаб, уларни энг яхши битирувчилар орасидан ишга олишни амалда синаб кўра бошлади.

Сингапур энг яхши ўқитувчиларни қандай жалб этиш, тайёрлаш ва синфларга йўллашни кўрсатиб берди. Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини бир маромда сақлаб туришга катта эътибор берилди, улар ўз компетенцияларини мунтазам актуаллаштириб боришлари зарур. Бу кўзга кўринган ва олий мақсадли ўқитувчилар касбий юксалишга интилишларини назарда тутиб, малака ошириш учун уларга ҳар йили юз соат ажратилади. Бу назорат остига олинган марказлашган тизим мантиқийлиги туфайли гуллаб-яшнамоқда. Барча педагогларни битта ташкилот тайёрлайди, айтиш мумкинки, ҳамма ўқитувчилар айнан битта конвейердан чиққан ва стандартларга мос келади дейиш мумкин. Ўқитувчиларни шундай тайинлашадики, ҳар бир мактаб тенг миқдорда яхши ўқитувчига эга бўлади, бу ўқитувчилар улардан нима ни кутишаётганини англаган ҳолда синфга кирадилар ва, ўз навбатида, юқори мақомга ва жамият эътирофига сазовор бўладилар.

Сингапур тарихи бахтли келажакка умид боғлаётган кичкина оч мамлакат ҳақидаги тарих сифатида бошланади. Таълим тизими бу орзу-умидлар рўёбга чиқиши учун иқтисодий ўзгаришларнинг ҳар қайси босқичида такомиллаша бориши керак эди. Сингапур нисбатан қисқа муддат ичида таълимда нақадар кўп нарсани ўзгартириш мумкинлигини кўрсатди. Таълим стандартларини кўтариш йўли билан мамлакат глобаллашувдан яхшироқ фойдаланиш ва унинг қўрбонига айланмасликнинг уддасидан чиқди. Сингапур учун навбатдаги синов чўққида тура олиш бўлади.

Эстония

Эстония PISA – 2015 тадқиқотида математика, ўқиш ва табиий фанлар саводхонлиги бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган ўнта мамлакатнинг бири эди.

Бу муваффақият сабабли кичкина Болтиқбўйи давлатини “Янги Финляндия” деб атай бошладилар. Чунончи, 2015 йилда Эстония математика ва табиий фанлар бўйича Финляндиядан ўзиб кетди. Финляндиялик экспертлар 1990 йиллардаги таълим ислохотлари масалалари бўйича эстониялик ҳамкасбларига маслаҳатлар бердилар. Дарҳақиқат, бу мамлакатлар муваффақиятида қандайдир умумийлик бор: ҳар икки мамлакатда ҳам бу онгли равишда қилинган ният бўладими ёки маданий хусусиятми, таълимдаги тенглик катта қадрият сифатида тан олинади. Бу яхши таъминланган ёки кам таъминланган оилалардан чиққан болаларнинг натижаларидаги минимал тафовутлар билан тасдиқланади.

Эстонияда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири бошқа мамлакатларга қараганда анча паст. Бу жиҳатдан Эстония ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми ва уларнинг натижалари орасидаги боғлиқлик анча очик бўлган Австрия, Франция ва Германия каби мамлакатларга қараганда Канада, Гонконг ва Норвегияга яқинроқдир.

PISA – 2015 натижаларига доир алоҳида эътиборга молик омил – бу максимал даражага эришган ўқувчилар сони эмас, балки уч муҳим соҳанинг ҳар бирида паст кўрсаткичларга эга ўқувчилар сонининг камлигидир.

Тенглик эрта таълимга кириш ҳуқуқида ҳам намоён бўлади. Мажбурий таълим 7 ёшдан бошланади, 3–4 ёшли болаларнинг катта қисми

давлат боғчаларига борадилар. Битта тарбиячига тўғри келадиган тарбияланувчилар сонининг нисбати Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар бўйича ўртачаининг ярмини ташкил этади.

Ёш шкаласининг иккинчи учиди – ўрта мактабни муваффақиятли тугатган кўп сонли ўқувчилар туради (саноати ривожланган мамлакатлар ичида энг юқори кўрсаткичлардан бири), бунинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир ўқувчига қўйилаётган юқори даражадаги талаблар тасдиқлайди. Мустақилликка эришганидан сўнг Эстония марказлашмаган таълим тизимига ўтди ва мактабларга маълум даражада автономия, таълим дастури ва бюджет бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи, ўқитувчиларни ишга олиш ва бўшатиш имконини берди. Оилалар мактабни танлаши мумкин, пировардида мактаблар ўқувчиларни жалб этиш учун рақобатлашади.

Мактаб ёшидаги болалар сонининг қисқариши эстон таълим тизими етарли даражада контингент яшайдиган жойларда мактаблар бўлишини, шу билан бирга мактаб учун зарур бўлган контингент сонини назорат қилиши шартлигини талаб қилади. Бу нарса ўрта мактаб доирасида ўқувчилар касб танлашни бошлаганларида алоҳида аҳамият касб этади.

Хўш, нимани танлаш керак? Катта ҳудудларга хизмат кўрсатадиган катта мактаблар қуришга инвестиция киритиш керакми ёки кичик маҳаллий мактабларни сақлаб қолиш керакми? Бу китоб ёзилаётган пайтда ривожланган мамлакатлар ичида Эстониядаги ўрта мактаб синфларининг тўлиқлилик даражаси энг паст эди.

Демографик таназзул эстон университетлари учун ҳам катта муаммага айланди. Энди улар сони камайиб бораётган абитуриентларнинг ҳар бири учун нафақат миллий олий ўқув юртлари, балки бошқа мамлакатларнинг университетлари билан ҳам рақобатлашишларига тўғри келарди. Эстония компаниялари катта миқдорда битирувчилар етишмаслигидан хавотирга тушишганди.

Бундан ташқари, Эстониянинг педагог кадрлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар билан қиёслаганда катта ёшли кадрлардир. Мактабга ёш мутахассисларни жалб этиш зарурати ўқитувчи иш ҳақининг бир мунча ошишига олиб келди, бироқ дарс бериш ҳалиям мартаба ошишининг рақобатбардош варианты эмас.

Эстония, Шимолий Европа ва Болтиқбўйи давлатларида таълим давлат томонидан молиялаштирилади, таълимга хусусий инвестиция киритиш нисбатан кам. Шунга қарамасдан Эстония таълимга, масалан, Норвегиядек пул сарфламайди, мактабгача таълимда бир мунча кўп педагог банд бўлса-да, уларнинг маоши нисбатан кам. Эстониянинг ички ялпи маҳсулоти Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар бўйича ўртачадан анча паст, шунинг учун ҳам унинг таълимдаги муваффақиятлари молиялаштиришга боғлиқ эмас.

Эстониянинг юқори натижаларга эришгани сабабларини тушуниш учун паст натижали ўқувчилар фоизини ўрганиб чиқиш лозим. PISA текшираётган уч фаннинг ҳар бири соҳасидаги юқори натижалар ҳақида гап борар экан, Эстония кўрсатган натижалар яхши, лекин уларни зўр деб бўлмайдди. Шу жиҳатдан, гарчи бу кўрсаткич бўйича Эстониядан қолишмаса ёки ундан ўзиб кетса ҳам, рейтингда паст натижа кўрсатган мамлакатлар бор. Рейтингда 1-ўринни эгаллаган Сингапурда 39,1 фоиз ўқувчилар максимал натижаларни кўрсатдилар, Эстонияда эса атиги 20,4 фоиз.

Бироқ Эстония паст натижага эга ўқувчилар сонининг жуда камлиги билан лидерлик қилмоқда. Эстониялик 15 ёшли ўқувчиларнинг атиги 4,7 фоизи учта фан бўйича таянч даражадан паст кўрсаткични намойиш қиладилар. Бу рейтинг лидерлари – Финляндия, Гонконг, Сингапур ва Жанубий Корея орасидаги энг яхши натижа ва бу Германия ва АҚШдагига қараганда икки марта кам.

Канада

PISA кўрсаткичлари бўйича ўқишдан 3-ўринни эгаллаган, математика ва табиий фанлар бўйича ўнталикка кирган Канада энг самарадор мамлакатлардан бири бўлди.

Канада таълим тизимининг ўзига хос хусусияти – бу ижтимоий-иқтисодий омилларга қарамай тенг таълим имкониятларини тақдим этишга кучли эътибор қаратиш ва ҳар бир ўқувчини, шу жумладан, иммигрантларнинг болаларини ҳам, юксак натижаларга эриштиришга интилишдир. Бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда таъминланган ва кам таъминланган оилалардан чиққан болаларнинг натижалари ўрта-сидаги фарқ катта эмас, бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш ва оилавий фаровонликнинг муҳим миллий устунлигини акс эттиради.

Канада мактабларида иммигрант оилалардан чиққан болалар жуда кўп ва уларнинг натижалари шу ерлик болаларнинг натижаларидан у қадар фарқ қилмайди. Аслини олганда, мигрантлар инглиз ва француз тилларида сўзлашадиган аҳоли, шунингдек, туб аҳоли – Канада ҳиндулари яшайдиган мамлакатга кўчиб келаётганини ҳисобга олиб, Канада таълим тизимини интеграция намунаси, дейиш мумкин. Канада тутган йўлни бошқаларникидан нима ажратиб туради? Бу шуки, таълим дастури мундарижасига турли маданиятларнинг элементлари киритилади ва ўқувчилар ўқишнинг биринчи куниданоқ оламга турли нуқтаи назардан қарашга ўрганадилар. Ўқитувчилар ўқувчиларда хилма-хилликка ижобий қарашнинг ривожланишига имкон яратадилар ва ўз дарсларини шундай ташкил қиладиларки, турли ижтимоий ва этник гуруҳларнинг болалари муваффақият қозониши мумкин бўлади. Канаданинг PISA'даги натижалари – бу бутун мамлакатнинг натижасидир, бироқ унинг тизими ўз таълим тизимига эга бўлган провинция ва ҳудудларнинг оралиқ тизимларидан ташкил топган. PISA натижалари боис савол туғилади: таҳлил қилиш мумкин бўлган ягона федерал таълим тизими бўлмаса, Канаданинг муваффақияти нима билан изоҳланади? Юксак марказлашиш ва назорат даражасига эга илғор таълим тизимлари бор, Канада таълим тизимида эса жавобгарлик тақсимланади, бироқ бундай ёндашув ҳам ўз мевасини беради, дея тахмин қилишга асос бор.

Канада мактабларининг PISA рейтингда эришган муваффақиятидан ташқари мамлакатда олий маълумотга эга катта ёшли кишиларнинг улуши ҳам жуда юқори. Ўқимишли миллатнинг яна бир билвосита исботи шуки, канадалик ёшлар кўнгил ёзиш учун бошқа мамлакатлардаги тенгдошларига қараганда кўпроқ китоб ўқийдилар.

Хўш, Канада таълим тизими муваффақиятининг сабаби нимада?

Юқори натижага эга кўпчилик мамлакатларда бўлгани каби педагогика олий ўқув юртига кириш осон эмас – кириш имтиҳонларининг ўтиш чизиги баланд, бир мунча катта маошга эга юқори малакали педагогларгина яхши натижаларга эришадилар.

Аммо анча қизиқиш уйғотадиган Канада тизимининг ўзига хос хусусияти – бу унинг ўз мактабларига иммигрант оилаларнинг кўп сонли болаларини интеграциялаш қобилятидир. Натижалар таҳлил қилинганда, иммигрант оилаларнинг болалари синфдаги бошқа болалардан сўзсиз паст натижа кўрсатмаслиги маълум бўлди. Жаҳоннинг илғор

таълим тизимларидан бири тизимнинг иш сифатини йўқотмасдан туриб катта миқдорда иммигрантларни қабул қилиш мумкинлигини намойиш қилмоқда.

Иммигрантлар оқими Канадага асосан Осиёдан кириб келади: Хитой, Ҳиндистон, Филиппин ва Покистондан. Иммигрантларнинг катта қисми Монреаль, Торонто ёки Ванкувер сингари катта шаҳарларга йўл олади. Бироқ PISA натижалари янги келганларнинг болалари кўчиб келгандан кейин уч йил ўтибоқ шу ерлик синфдошлари даражасида туришини кўрсатади. Нега шундай бўлишининг қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, Канада – аҳоли сони кам бўлган катта мамлакат, шундай экан иқтисодиёт ривожини тезлаштириш учун унинг ўзи иммигрантларни жалб қилган. Янги келганлар орасида ўқимишли кишилар кўп, улар касб-корига кўра ишга жойлашиш йўлини излайдилар. Ҳатто иккинчи тилни ўрганишга тўғри келса ҳам, уларнинг болалари синфдошларига етиб олишади. Бошқача айтганда, бу болалар аллақачон ўқишга тайёр ва ўқий оладилар.

Иммигрант оилаларнинг билим даражаси юқори ёки паст бўлишдан қатъи назар уларнинг болалари ҳам янги келганларнинг жамиятга муваффақиятли интеграцияланиши учун махсус ишлаб чиқилган тизимдан фойда оладилар. Бу тизимда тил курслари ишлаши ва таълимга алоҳида эҳтиёжманд болаларга кўмаклашиш кўзда тутилган. Шундай қилиб, таълим тизими турли маданиятларни сақлаб қолиш ва умумканада фуқаровий тенглигининг ривожланиши ўртасидаги мувоzanатни топа олади.

Афтидан, ушбу омилларни бирлаштириш ижобий натижа беради. Юқори самарадорликка эга тизим кўплаб иммигрантларни қабул қилади ва уларни жамият билан интеграциялашни ўта аниқлик билан амалга оширади. Улар аъло натижаларга тез эришадилар. Айтиш мумкинки, иммиграция даражасининг юқорилиги тизимга салбий таъсир кўрсатмайди.

Ҳар ҳолда Канада ягона миллий стратегиясиз, аммо жойларда турли хусусиятларга эга бўлгани ҳолда аниқ мақсадлар ва бир йўналишда ҳаракат қилиш билан нималарга эришиш мумкинлигини мисоллар билан тасдиқлаб, ажойиб намуна кўрсатмоқда.

Канада мисоли таълим даражасини оширишга ягона ёндашув мавжуд эмаслигини ва ҳатто мактабларда иммигрант-болалар сони бошқа ривожланган мамлакатлардагига қараганда анча кўп бўлишига

қарамай, кўпчилик мамлакатлар ҳавасини келтириб, таълимда юқори натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Финляндия

Финляндия юқори натижаларга эришиш масаласида энг барқарор мамлакатлар сирасига киради. У қойилмақом таълимнинг синонимига айланди. Ҳақиқатан ҳам кўплаб мамлакатлар Финляндияга ўз экспертларини илғор тажриба, қонун чиқариш асослари ва яхши амалиётларни ўрганиб, ўз мактабларида қўллашни ўзлаштириш учун юборадилар.

PISA – 2015 натижаларига кўра, Финляндия ўқиш саводхонлиги бўйича 4, табиий фанлардан 5 ва математикадан 13-ўринни эгаллади. Эҳтимол, бу натижалар унинг олдинги тадқиқотлардаги юқори кўрсаткичларидан пастроқдир (уч йўналиш бўйича энг заиф ўқувчилар улуши рейтинг чўққисидаги мамлакатлар – Канада, Эстония, Гонконг, Сингапур ва Вьетнамга нисбатан юқори эди), аммо айти пайтда Финляндия юқори натижаларга эришган энг ишончли тизимлардан бири бўлиб қолади.

Финляндия тажрибаси муваффақият қозонишнинг кўп усуллари мавжудлигини кўрсатади. Бу тизимда ўқувчилар самарадор Осиё мамлакатларидагига қараганда ўқишга кам вақт сарфлайдилар, уйга берилган топшириқлар кам, мактаб текширувлари эса бекор қилинган.

Аммо, кўпчилик муваффақиятли таълим тизимлари каби, фин таълим тизими шароити оғир ўқувчилар ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин ва ҳар қандай мактаб, қаерда жойлашганидан қатъи назар, юқори сифатли таълим бериши керак, деган фикрга асосланади. Шимолий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларида бўлгани каби бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таълим натижаларига таъсири пастлиги кўринади.

Юқори натижаларни кўрсатаётган мамлакатлар билан Финляндияни яна бир жиҳат – педагог кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор боғлаб туради. Финляндия ўқитиш ишини жамиятда эътирофга сазовор бўлган ва педагогика олий ўқув юртига жуда катта танлов – бир ўринга 10 киши тўғри келиши билан ажралиб турадиган зарурий касбга айлантирди. Ўқитувчилик касбига нафақат бакалаврият, балки магистратура битирувчилари ичидан энг яхшилари жалб қилинади. Ўқитув-

чи мактабда иш бошлаганидан кейин унинг мажбурий малака ошириш курсларида ўқишни давом эттириши кўзда тутилади. Бу касбга у қадар катта ҳақ тўланмагани ҳолда (ўқитувчининг жон бошига бюджети ва маоши Европанинг ўртача даражасида туради), ўқитувчилик муҳим ва ҳурматга лойиқ ишдек қабул қилинади, ўқитувчиларга ишонишади ва уларга мустақиллик беришади.

Финляндия мисоли таълим тизими сифати унинг ўқитувчилари сифатидан юқори бўлмаслигини тасдиқлайди. Аммо у, шунингдек, муваффақиятга эришишга ўн йиллаб вақт кетишини ҳам кўрсатади. Жаҳоннинг таълимдаги етакчи мамлакати сифатида Финляндиянинг мақоми ўзгараётган иқтисодий талаблар сабабли мамлакат олиб бораётган қатор таълим ислохотлари натижасида шакллана борди. 1960 йилларнинг охирида юқори сифатли таълимни гимназия ва лицейларда таълим олаётган камчилик учун эмас, ҳар бир ўқувчи учун умумий ва очик қилиб, умумтаълим мактабларини ривожлантиришга қарор қилинди. Бу тизимни жорий этиш 1970 йилларнинг охиригача давом этди. Янги тизимга ўтишни муваффақиятли амалга ошириш ва киритилаётган янгиликлар хусусидаги ҳар қандай келишмовчиликларни бартараф қилиш учун ўқитиш сифатини жиддий яхшилашга ҳаракат қилинди. Бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлаш иши университетларга ўтказилди ва анча жиддийлашди.

Таълим ислохотлари ўтказишнинг иқтисодий контексти доим ҳам мақбул бўлмаган. 1990 йилларнинг бошларида Финляндияда ишсизлик 20 фоизга етди, ички ялпи маҳсулот тушиб кетди, давлат қарзлари кўпайди. Таълим технология сектори ва ўсиб бораётган телекоммуникациялар бозорига инвестиция киритиш томон ўзгариб бораётган фин иқтисодиётини ислоҳ қилиш усулига айланди. Илмий-тадқиқот ва конструкторлик марказларида ишлайдиган финлар сони кескин ошди. XIX аср қоғоз фабрикасидан XXI аср бошидаги мобил телефонлар ишлаб чиқариш соҳасида энг йирик компаниялардан бирига айланган Nokia сингари компаниялар ривожланиб кетди.

Омилларнинг бундай бирикуви Финляндияда яхши тайёрланган ишчи кучига ва бу эҳтиёжни амалга ошира оладиган ҳамда дарс беришнинг юқори сифатига эга бўлган очик таълим тизимига талаб борлигини англатарди.

Ва, албатта, фин тизимининг яна бир хусусияти – бу такомиллашиш тамойилидир. Финляндияда бошқа турдаги мактаблардан кўра

умумтаълим мактаблари кўпроқ. Бу ҳар бир ўқувчи бепул иссиқ овқат, тиббий ёрдам, жумладан, стоматолог ёки психолог ёрдамини оладиган жойлардир. Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болаларга ғамхўрлик қилиш ҳар қандай мактаб ишининг ажралмас қисмидир. Болалар яна индивидуал ёрдам оладилар ва эътиборда бўладилар.

Шанхай

Хитойнинг Шанхай шаҳри ўқувчилари биринчи марта PISA – 2009 тадқиқотида иштирок этганларида, улар дарҳол барча уч йўналиш – ўқиш, математика ва табиий фанлар саводхонлиги бўйича рейтинг чўққисини эгалладилар. Кейинги тадқиқот даврида улар бу ютуқни такрорладилар ва бундай муваффақият манбаларига янада кўпроқ эътибор қаратдилар.

2015 йилда Пекин, Цзянсу ва Гуандун ҳам Шанхай билан бирга тадқиқотда иштирок этишга қарор қилишди, уларнинг аҳолиси биргаликда 232 миллиондан ошиб кетди. Бу шаҳарларнинг ҳаммаси математика ва табиий фанлар саводхонлиги бўйича топ 10 таликка кирди.

Фақат 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, Шанхай мактаб тизими таянч олти йиллик бошланғич таълим ва барча ўқувчилар учун уч йиллик ўрта мактабни тақдим эта олди. Бунгача 1966–1976 йилларда рўй берган маданий инқилоб даврида буткул издан чиққан таълим тизими қайта тиклана бошлади.

Ҳақиқатан, кўп миллатли шаҳар Шанхай Хитой таълим ислохотларининг бошида турди ва ўзининг таълимга бўлган бевосита муносабатини ривожлантириш имконига эга бўлди. “Энг яхши шаҳарга – энг яхши таълим” шиори билан Шанхай таълим сифатини оширишни ўз иқтисодий орзу-ниятларига эришишнинг муҳим йўналиши сифатида белгилади.

PISA – 2009 тадқиқотида шу қадар кам ўқувчи паст натижа кўрсатгани ҳайратланарли. Юқори натижа кўрсатган ўқувчилар ниҳоятда кўп эди, бироқ таянч даража чизигидан ўтолмаган ўқувчи эса умуман йўқ эди. Тўғри, Шанхайда юқори синфларда ўқиш ҳуқуқига эга бўлмаган 15 ёшли ўсмирлар, жумладан, иммигрантлар ҳам ҳали жуда кўп. Аммо таълим олаётган болалар, жумладан, оғир шароитларда яшаётган болалар ҳам юқори натижаларни кўрсатишмоқда.

Бу тизим ҳам ҳар бир ўқувчи муваффақият қозониши ёки ҳеч бўлмаганда стандартларга мос келиши мумкин, деган ақидага асосланган

тизимдир. Тизимда у туфайли фақат имтиёзга эга кишиларгина энг яхшисини оладиган ҳеч қанақа саралаш йўқ. Тизим шундай режалаштирилганки, амалда ҳар бир ўқувчи бутун курсни тўлиқ ўтайди. Бу нарса оиласининг ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъи назар барча ўқувчиларга тегишлидир. Гарчи тизим бу омилнинг ўқувчилар натижаларига таъсирини тўлиқ йўқ қилолмаган бўлса-да, у ўқувчилар шароитининг оғирлиги уларнинг паст натижа кўрсатишига сабаб бўлмаслиги учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Пировардида Шанхайнинг энг қашшоқ оилаларидан чиққан ўқувчилар АҚШнинг ўртаҳол оилалари болаларига қараганда анча юқори натижаларни кўрсатдилар.

Шанхай мактаб тизими шундай ташкил этилганки, бунда ана шундай яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади. Энг яхши ўқитувчиларни бундай ўқитувчиларга муҳтож мактабларга жўнатишади. Кучли мактаблар кучсиз мактабларга ёрдам беради. Бу жараённинг мақсади – стандартни биргаликда кўтаришдир. Бу ўқувчилардан мумкин бўлган максимум даражани олишнинг меритократик тамойилга асосланган тизимли ёндашувдир.

Шанхайдаги таълим – ўта рақобатга асосланган муҳитдир. Ўқувчилар кўп ҳолларда ўз тайёргарлигини уйда ёки репетитор машғулотларида тўлдиришади. Уларнинг келажакдан умидлари катта: 80 фоиз ўқувчи олий ўқув юртига кириш ниятида. Шанхайлик ўқувчилар мақсадга эришиш учун ўз қобилиятларини йўналтира олишларига ишонадилар. Улар математикани ўзлаштириш туғма мойилликка боғлиқ, деб ҳисобламайдилар, уларга ўзлаштириш ўзларининг астойдил қилган меҳнати ва ўқитувчиларнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ, деб ўргатишган. Ота-оналар ҳам таълим оиланинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканини кўрсатиш билан ўз болаларига кўмак беришга тайёрдирлар.

Шанхай мактаб тизимининг яна бир муҳим жиҳати – таълимдаги лидер мамлакатларда кузатилаётган педагоглар тайёрлаш сифатининг юқорилигидир. Таълим тизими яхши ўқитувчиларни саралаш, тайёрлаш ва ишга жойлаштириш ишлаб чиқилган сиёсатларни қай даражада ҳаётга татбиқ эта олаётганини кўрсатади. Шанхайда бутун ўқитувчилик фаолияти мобайнида касбий ривожланиш давом этади, таълимдаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилади.



4. НИМА САБАБДАН ТАЪЛИМ ИМКОНиятлари ТЕНГЛИГИГА ЭРИШИШ БУ ҚАДАР ҚИЙИН?

Жаҳон миқёсидаги таълим тизимларининг ютуғи уларнинг бутун тизим бўйича юқори натижаларга эришишга имкон ярата олишларида бўлса керак, бунда ҳар бир ўқувчи юқори даражали таълимдан фойдалана олади. Тенг таълим имкониятларини тақдим этиш – бу нафақат жамият талаби, балки сарф-харажатларни мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий бирдамликни қўллаб-қувватлаш учун билим ва компетенцияларни ўзлаштириш жараёнини йўлга қўйиш усули ҳамдир.

2015 йилнинг бошида биз Стенфорд университетидан Эрик Ханушек ва Иқтисодий тадқиқотлар институтидан (Германия) Людгер Вуссман билан ЮНЕСКОнинг Жаҳон таълим форуми учун маъруза устида ишлаётгандик. Форумда барқарор ривожланиш мақсадларини муҳокама қилиш доирасида таълимни ривожлантиришнинг глобал мақсадлари ҳақида музокара олиб борилаётган эди¹.

Ханушек ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда таълим сифатини оширишдан узоқ муддатли иқтисодий фойда олиш ҳисоби методологиясини ишлаб чиқди. PISA маълумотлари дунё бўйича таълим сифатини баҳолаш инструментини тақдим этди. Шу сабабли PISA маълумотлари ва Ханушек тадқиқотини бирлаштириш таълим сифатини оширишдан келадиган иқтисодий самарани ўрганиш имконини берди.

Бу олимларнинг иш натижалари дастлаб шунини кўрсатдики, мактаб таълимининг сифати мамлакатнинг келгусидаги фаровонлигини белгиловчи ишончли омил бўла олар экан.

Мактаб ёшидаги ҳар бир боланинг энг содда даражада таълим олишини таъминлаш, агар унинг сифати ҳисобга олинмаса, бир қадар иқтисодий ўсишга олиб келади, айниқса, кўпчилик болалар ҳалиям мактабга бормаётган анча қашшоқ мамлакатларда.

Шу билан бирга, таълим сифатини оширишнинг самараси яққолроқ кўринади. Агар ҳар бир ўқувчи таянч компетенцияларни намойиш қила олса, маълум миқдорда узоқ муддатли иқтисодий ўсиш пайдо бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар 15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаммаси PISA бўйича ҳеч бўлмаганда 2-даражага эришса, бундан иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш учун фойда жуда катта бўлар экан (4.1 диаграммага қаранг).

Ханушек ва Вуссман ўрганган мамлакатлардан Ғарбий Африкадаги Ганада ўрта мактабга кириб ўқиётган болалар фоизи энг кам фойизга (46%), шунингдек, мактабда ўқиётган 15 ёшли болалар ўртасида ҳам таълимдаги ютуқлар энг паст кўрсаткичга эга эди.

Агар Гана барча ўқувчиларнинг ўқиш ва математик саводхонлигини таянч даражага етказганида эди, ҳозирги мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 38 мартага ошганига пропорционал иқтисодий самарани кузатиш мумкин бўларди (2015 йилда туғилган болаларнинг ҳаёти давомида).

Ўртача ва паст даражали даромадга эга мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш жорий ялпи ички маҳсулотнинг 13 баробарини ташкил этади ва 80 йил давомида ўрта ҳисобда 28 фойизга ошади.

Ўқувчилари юқори натижаларни кўрсатаётган юқори даражага эга мамлакатлар учун ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўрта ҳисобда 16 фойизгачани ташкил этади.

Тадқиқотлардан шу нарсани аниқ бўладигани, таълим сифатини ошириш нафақат камбағал, балки бой мамлакатларга ҳам фойда келтиради.

Бунга нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар яхши намуна бўла олади. 2010 йилнинг мартида мен Мисрда араб мамлакатлари таълим вазирлари ҳузурида нутқ сўзладим ва нима сабабдан улар табиий бойликларнинг харид қобилиятини юқори даражага кўтара олишгани, бироқ ўз бойликларини яхши таълим олган ёш авлодга конверсия қила олишмаганига (ҳолбуки ёшлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ҳақида кўп йиллар олдиндан ғамхўрлик қилишлари мумкин эди) қизиқдим.

Исроил бош вазири марҳума Голда Меир, Мусо алайҳиссалом одамларни Яқин Шарқда нефть бўлмаган ягона жойга олиб келиш

учун саҳрода қирқ йил етаклаб юрган, дея ҳазиллашди. Аммо Исроил аҳолиси мамлакатда “қора олтин” йўқлигининг ўрнини қоплаяпти: бугун Исроил инновацион иқтисодиётга, аҳолиси эса қўшни нефтга бой мамлакатлар аҳолиси эриша олмайдиган турмуш даражасига эга. Агар маълумотларни умумлаштирсак, табиий бойликларни сотишдан катта даромад оладиган мамлакатларда, одатда, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлади, чунки ресурсларни экспорт қилиш импортга йўл очадиган миллий валютани мустаҳкамлайди, хусусий ишлаб чиқариш базасининг ривожланишини эса оғирлаштиради. Чунки табиий ресурсларга бой мамлакатлар ҳукуматлари аҳолига кам миқдорда солиқ солади, шунингдек, улар аҳоли олдида ҳисоб беришга у қадар мажбур эмас.

Тадқиқотларимиз натижалари табиий ресурсларга бой мамлакатлар учун муҳим хабарни маълум қилади: компетенцияларнинг ривожланиш потенциали мамлакатнинг бор табиий ресурсларидан кўра анча катта иқтисодий самара бериши мумкин. Табиий қазилма бойликлар тугаши мумкин: қанча кўп ишлатсангиз, шунча кам қолади; билим эса бошқача тузилган: уни қанча кўп ишлатсангиз, шунча кўпайиб бораверади.

Таълим жаҳолатни енгиш воситаси эканининг кашф этилиши инсоният тараққиётига энг катта ҳисса қўшди.


PISA мамлакатлар табиий ресурсларни сотишдан оладиган даромадлар ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ўртасидаги тескари алоқани кўрсатади. «New York Times» колумнисти Томас Фридман айтганидек, PISA ва нефть яхши келишмайди². Фақат Исроил давлатигина ўқувчиларининг билим даражаси бўйича ўзининг нефтга бой қўшниларидан ўзиб кетгани йўқ: юқори натижага эришган кўп мамлакатлар – табиий ресурсларга бой бўлмаган мамлакатлардир.

Табиий ресурсларга бой бўлган Австралия, Канада ва Норвегия бундан мустасно, айни пайтда бу мамлакатларнинг ўқувчилари PISA тадқиқотида юқори натижаларни кўрсатмоқдалар. Бу мамлакатларда ресурсларни шунчаки истеъмол қилишдан эмас, уларни сотишдан олинадиган даромадларни қайта инвестиция қилиш сиёсати ишлаб чиқилган.

Бундай ҳодисанинг мумкин бўлган изоҳларидан бири табиий ресурслар захираси кам мамлакатлар, масалан, Финляндия, Япония ва Сингапурда фуқаролар ўз ақли билан яшаш кераклигини ва мамлакат


4.1. ДИАГРАММА

АГАР ҲАР БИР БОЛА ТАЯНЧ КЎНИКМАЛАРГА ЭГА БЎЛСА, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ.



Изоҳ. Ислоҳотлар барча ўқувчилар ўрта мактабга боришига ва PISA тадқиқотида камида 420 балл тўплашига олиб келган тақдирда 2095 йилгача келгусидаги ялпи ички маҳсулот ўсишининг баҳоловчи дисконт ҳажми (жорий ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоизларда).

4. Нима сабабдан таълим имкониятлари тенглигига эришиш бу қадар қийин?



¹ Латвия ИХТТга 2016 йил 1 июлда аъзо бўлди.

Изоҳ. ЯИМ ҳажми Гана учун 3 887 фоизни, Гондурас учун 2016 фоизни, Жанубий Африка Республикаси учун 2 624 фоизни, Оман учун 1 427 фоизни ва Қатар учун 1 029 фоизни ташкил этади.

Манба: Hanushek & Woessmann, 2015b

эга бўлган билим ва компетенциялар тақдим этилган таълим сифатига боғлиқ эканини тушунадилар. Шундай экан, мамлакатнинг таълимни кадрлаш даражаси, қисман бўлса-да, фуқароларнинг фикрича, мамлакат бюджетини тузишда билим ва компетенциялар қандай роль ўйнашига боғлиққа ўхшайди. Таълимнинг юқори даражада кадрланиши аъло даражадаги таълим тизимини қуришда ҳам, гуллаб-яшнаётган иқтисодий қуришда ҳам замин бўла олади.

Умуман олганда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирмайдиган юқори даромадга эга мамлакатлар, агар ҳамма мактаб ўқувчилари ҳеч бўлмаганда таянч компетенцияларга эга бўлишга эришганларида, ҳозирги ялпи ички маҳсулотлардан беш баробар ортиқ иқтисодий самара олган бўларди. Гап яна фақат иқтисодий самара ҳақида бормоқда. Ҳозирги пайтда таянч билим ва кўникмаларга эга бўлмаган аҳолининг катта қисмини ўқитишдан келадиган ижтимоий самарани тасаввур қилинг.

Араб мамлакатлари фақат яқиндагина чора кўра бошлади. БАА PISA асосидаги мезонлардан фойдаланиб, таълим натижаларидаги ўсишни расмий равишда ўлчай бошлаган биринчи мамлакат бўлди. 2015 йилнинг августи, Рамазон ойида Абу-Дабида ўтказилган анъанавий мажлисда нутқ сўзлаганимда, валиаҳд шаҳзода ва бутун маҳкама таълим тизимини тез ва жиддий равишда яхшилашга чуқур қатъият ва истак билдирдилар. Бугун мамлакат таълим сифатини ошириш йўлидан боришяпти. Улар олган сабоқ шундан иборат эдики, катта даромадлар таълимдаги камчиликларни бартараф қилолмас экан.

Балки кимдир Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо энг бой мамлакатларгина таълимдаги паст натижаларга барҳам бериш учун барча воситаларга эга, деб ўйлаётгандир. Аммо ундай эмас. Масалан, АҚШнинг ҳар тўртинчи 15 ёшли ўқувчиси PISA топшириқларининг ҳатто таянч даражасини ҳам бажара олмайди.

Агар АҚШнинг бугунги ҳар бир ўқувчиси таянч компетенцияларни эгаллаганида эди, иқтисодий уларнинг улғайгандан кейинги бутун ҳаёти давомида қўшимча 27 триллион АҚШ долларига эга бўларди. Шундай экан, ҳатто Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо юқори даромадга эга мамлакатлар ҳам, агар ҳамма ўқувчиларни ҳеч бўлмаганда таянч билим ва кўникмалар билан таъминлаганларида эди, катта иқтисодий самара олган бўларди. Бундай мамлакатлар учун ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, агар бу ғояни ҳаётга татбиқ этилса, 3,5 фоизни ташкил этган бўларди.

Бошқача айтганда, юқори даромадга эга Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда фақат қолоқликнинг энг оғир шаклини бартараф қилишдан келадиган иқтисодий фойда 2030 йилга бориб бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларини ўқитишга кетган барча сарф-харажатларни қоплайди.

Бундай яхшиланишлар эса тамоман реалдир. Масалан, Польша сал кам 10 йил ичида ўзлаштириши паст ўқувчилар сонини 22 фоиздан 14 фоизгача қисқартира олди. 2009 йилдан 2012 йилгача Шанхай ўзлаштириши паст ўқувчилар сонини 4,9 фоиздан 3,8 фоизга камайтирди.

Шубҳасиз, режалаштирилган яхшиланишлар қанчалик кенг кўламли бўлса, потенциал фойда ҳам шунчалик катта бўлади. Ўқувчиларнинг таянч компетенцияларни эгаллашидан келадиган иқтисодий самаранинг ҳисоб-китоблари тахминийдир, чунки улар яхшиланишлар анча юқори билим ва кўникмаларга эга бўлган шахсларга дахлдор эмаслигини кўзда тутати. Аммо PISA натижалари, одатда, ўзлаштириши паст ўқувчиларнинг натижаларини яхшилашга олиб келадиган мактаб ислохотлари юқори натижаларни кўрсатган ўқувчиларнинг натижаларига ҳам албатта таъсир қилишини кўрсатади.

Ханушекнинг ҳисоб-китоблари бўйича таянч компетенцияларга эга ўқувчилардан келадиган иқтисодий самарадорлик ривожланишнинг барча даражаларида сақланиб қолади. Улар, шунингдек, юқори натижали ўқувчилар улушининг ортишидан келадиган самара ривожланган мамлакатлардан анча орқада бўлган мамлакатларда анча кучли эканини кўрсатади. Юқори натижаларни намоиш этаётган ўқувчилари сони кўп бўлган мамлакатларда иқтисодий конвергенция тезлашганга ўхшайди. Бу таълимни такомиллаштиришга, айниқса, ўртача даромад даражасига эга мамлакатлар учун сармоя киритиш муҳимлигини таъкидлайди.

Юқори натижали ўқувчилар сони кўп бўлган мамлакатлар катта эҳтимол билан барча ўқувчиларга тенг таълим имкониятларини тақдим этадилар. Таълим тизимини такомиллаштиришга инвестиция киритиш ва тенгликка эришиш, афтидан, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Агар мамлакат яхши таянч билимларга эга ўқувчиларни тайёрлашни уддалаётган экан, унда кўп миқдорда аълочи ўқувчиларни тайёрлай олиши ҳам тайин.

Шубҳасиз, бундай келажакка чизгилар бор-йўғи башорат, башорат эса ўзи асосланган фаразлар қанчалик тўғри бўлса, шунчалик

тўғридир. Бироқ Ханушекнинг таҳлили бор-йўғи иккита фаразга суянади. Биринчидан, яхши таълим берилган ишчи кучи янги ғояларнинг кучли оқимини юзага келтиради, бу эса, ўз навбатида, техника тараққиётини тезлаштиради. Эҳтимол, дунё борган сари чуқур билимни талаб қилаётгани ва мислсиз компетенцияларга эга бўлган кишиларни сахийлик билан мукофотлашини эътиборга олсак, бундай ишонч кимгадир мутаассиблик бўлиб туюлар.

Ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган кишилар учун Ханушек муқобил сценарийни таклиф қилади, бунда меҳнат унумдорлиги ўзгармайди, ҳар бир янги ходим худди шундай кўникмаларга эга ходимлар штатини шунчаки тўлдиради ва умрининг охиригача ўзгармас меҳнат унумдорлиги билан ишлашда давом этади. Одамлар ўзлари қилиб юрган ишларини давом эттирадиган бундай пессимистик сценарий мактаб таълимини такомиллаштириш шароитида оз бўлса-да, ҳалиям анча-мунча таъсир кўрсатади.

Иккинчи тахмин ривожланган компетенциялар иқтисодда барибир қўлланишига асосланади. Бу хусусда катта ёшли аҳоли компетенцияларини тадқиқ этиш PIAAC натижалари турли мамлакатларда инсон капиталидан қандай фойда олишлари ўртасида катта тафовут мавжудлигини кўрсатади³. Мактаб тизимини такомиллаштириш иқтисодий ривожланишнинг зарурий шarti бўлган бир пайтда мамлакатлар юқори малака ва меҳнатга ҳақ тўлашни талаб қиладиган ишчи ўринлари яратишни таъминлаши керак. Мамлакатда янги малака ва кўникмалар ўтмишда шунга ўхшаш ўзгаришларни бошидан кечирган мамлакатларда қандай бўлса, худди шундай самара билан ўзлаштирилишини фараз қилган прогнозлар бу фактлар текширилганини эътиборга олади.

Оммавий ижтимоий тараққиёт сари

Даромадларнинг нотенглиги ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик аллақачон ўрганилган. Агар даромадлар нотенглиги жуда катта бўлса, кўп одамлар иқтисодий жараёнларда тўлақонли иштирок этолмайдилар, шу билан бирга, улар ижтимоий пиллапоялардан кўтарилиш учун ўз компетенцияларини инвестициялашга қодир бўлолмайдилар. Агар нотенглик умуман бўлмаса, ривожланиш ҳам, тараққиётга рағбатлантирувчи омил ҳам бўлмайди.

Бу муаммони ечишнинг кенг тарқалган воситаси – даромадни қайта тақсимлашдир, масалан, солиқ орқали. Бироқ даромаднинг нотенглигидан келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этишни бойликларни тақсимлаш йўли билан эмас, балки муаммо манбаидан бошлаш анчайин мақсадга мувофиқдир. У ҳолда бу энди шунчаки нул суммали ўйин эмас ва кўп кишилар бундан фақат ютадилар.

Даромадларнинг нотенглигига таъсир қилувчи муҳим омил – бу компетенциялардаги нотенглиқдир. У, ўз навбатида, жамиятдаги тенгсизликка олиб келади. Ота-оналар доим: “Астойдил ўқи, арзигулик маошга эга яхши иш топ”, дейишади. Бу маслаҳат ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб бўлмаган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг йиллик нашри “Таълимга назар” (Education at a glance)да яхши маълумотга эга одамлар ҳали ҳеч қачон бугунги кундагидек яхши яшаш учун бундай имкониятларга эга бўлишмаган, ваҳоланки, маълумоти етарли бўлмаган кишилар эса ҳали ҳеч қачон ижтимоий ва иқтисодий яққаланишнинг бундай катта хатарларига дуч келишмаган”, дейилади⁴. Малакаси паст кишиларга борган сари кам ҳақ тўланяпти, айти пайтда юқори малакали мутахассислар кўпайиб, уларнинг иш ҳақи ҳам ошиб бормоқда.

Тайёргарликдаги тенгсизлик оқибатлари давлатларнинг чегаралари ва иқтисодий-ижтимоий муаммолар доирасидан анча четга чиқади. 2008 йилнинг феввалида мен билан таълим ва компетенцияларни ривожлантириш масалалари бўйича НАТО вакиллари ўртасида ўзаро фикр алмашинув бўлиб ўтди. Бу масалалар кун тартибига киритилганининг сабаби шуки, улар геосиёсий барқарорликка бу тенгсизлик кўрсатиши мумкин бўлган узоқ муддатли таъсирдан ташвишда эдилар. Амалдорлар таълимдаги тенгсизлик радикализм ривожланиши учун унумдор ер бўлишини тушуна бошладилар. Ҳозирги ўзаро боғланган дунёда мамлакат келажаги бевосита унинг ичкарасидаги эмас, балки унинг чегараларидан ташқаридаги таълим сифатига кўпроқ боғлиқдир.

Ҳамкасбим Марко Паканелла таълим ва даромадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурроқ ўрганиш учун катта ёшли аҳоли компетенциялари тадқиқоти маълумотларидан фойдаланди⁵. У, агар ҳамма катта ёшли кишилар бир йил муддатга қўшимча тайёргаликдан ўтишса (бу, ҳеч шубҳасиз, уларнинг ўзига ҳам, иқтисодиётга ҳам кўп-кўп фойда келтиради), олдин ҳам кўп пул топган кишилар маоши кам бўлган кишилардан кўра кўпроқ ижобий натижага эришишини аниқла-

ди. Шундай қилиб, даромадлардаги тенгсизлик фақат ошиб кетади. Маълумотларнинг кўрсатишича, одамлар қанча кўп пул ишлаб топса, малаканинг ошиши уларнинг даромадларини шунчалик кўп оширади. Университет таълими натижасида олинадиган молиявий даромадлар ортиб боради, айти пайтда умумий таълим натижасида олинадиган потенциал даромадлар эса пасая бошлайди.

Эҳтимол, олий маълумот меҳнат бозорида юқори баҳоланадиган компетенцияларни ривожлантиргани учун шундай бўлаётгандир. Бунинг устига, афтидан, технология ютуқлари малакали кадрлар даромадини анча- мунча ошириб, уларга купроқ фойда келтирса керак.

Қисқаси, барча даражаларда таълим сифатининг ошиши даромадлар ўртасидаги тафовутни фақат ошириши мумкин, лекин қисқартирмайди. Бу, айниқса, Европа ва Шимолий Америкада сезилади. Билимлар иқтисодиётига ўтиш шунга олиб келдики, одамлар кўпроқ ўқий бошладилар, таълим ижтимоий тараққиётда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Аммо гап имкониятлар ва ижтимоий ҳаракатчанликнинг миқдорини ошириш ҳақида бораётгани йўқ. Аксинча, янги имкониятлар фақат аввал бошдан ҳаёти таъминланган ва таълим олиш имкони бўлган кишиларда пайдо бўлади. Мактаб ва университетлар жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини акс эттиради. Ва кўпинча ижтимоий тенгсизликни йўқотиш ўрнига уни чуқурлаштиради.

Бироқ Паканелланинг тадқиқотлари одамларнинг энг таянч кўникмаларга эга бўлиш имкониятини таъминлаш даромадлар бир меъёردа ортиб бориши учун самарали восита бўлиши мумкинлигини исботлайди. Натижаларга кўра, таълим сифати ва таълим олиш имкониятини яхшилаш орқали таянч компетенцияларга инвестиция кириштишни ошириш катта ёшли аҳоли ўртасида нафақат унумдорликнинг ошиши ва бандлик улушининг ортишига, балки аҳоли ўртасида иқтисодий ўсиш имтиёзларининг тенг тақсимланишига олиб келади.

Шу маънода таълим сифатини ошириш даромадларни тақсимлаш ва солиқни жорий қилиш схемаларидан фарқ қилади, эҳтимол, бу схемалар даромадлар жамиятда қандай тақсимланишини ўзгартириши мумкин, аммо уларнинг ошишига таъсир кўрсатмайди. Оммавий ривожланишга аҳолини иқтисодий ривожланишдан келадиган фойда билан бир меъёрдa таъминлашда катта имкониятга эга бўлган таянч кўникмаларнинг ҳамма учун очиклиги орқали эришиш мумкин.

Одамлар ёппасига ўқимишли бўлган мамлакатларда профессионал ривожланиш даражаси ҳам аҳоли ўртасида бир мунча текис тақсимланади. Бироқ таҳлил яна шуни кўрсатадики, ўқувчилар компетенцияларидаги тафовут катта бўлган мамлакатлар – бу айнан ота-оналарнинг билим даражаси болаларнинг таълим олишига катта таъсир кўрсатадиган мамлакатлардир. Бошқача айтганда, аҳолининг тайёргарлик даражасида катта тафовут мавжуд бўлган жойда ёшлар кам эҳтимол билан ота-оналарнинг билимидан юқори бўлган компетенцияларни эгаллайдилар ва бу билан даромад ва кўникмаларнинг тенгсизлиги янада чуқурроқ илдиз отади.

Биз қилишимиз мумкин бўлган бир қанча иш бор. Аҳоли даромади ва компетенцияларида катта тафовут мавжуд бўлган мамлакатларда билимларни ўзлаштириш, таълим олиш ва албатта даромад олишда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсирига мойиллик бор. Юқори сифатли таянч таълимга ҳамда таянч кўникмалар етишмайдиган катта ёшли кишиларнинг билим олишига инвестиция киритиш инсон капитали сифатини ошириш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга кўпроқ жалб этилган шахсни шакллантиришга эришишнинг яхши усулидир. Шу билан бир қаторда, кучайиб бораётган даромадлар тенгсизлиги билан кураш таълим сифатини ошириш ва малака оширишнинг меҳнат ва солиқ соҳасидаги ўзгаришларга тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Тафовутларни қисқартиришга уриниб

Ақлли ота-оналар ўз болалари учун хоҳлаган нарсани давлат барча болалар учун хоҳлаши зарур. Таъминланган оилаларнинг болалари кам таъминланган оилаларнинг болаларидан фарқли ўлароқ ҳаётда бир мунча кўпроқ имкониятларга эга бўладилар. Кейингиларига ҳаётда фақат битта имконият берилади – бу яхши мактабда ўқиш имкониятидир. Бу болаларга ўз салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай мактабда ўқишга кимнинг омади чопмаса, бой берилган имконнинг ўрнини тўлдириш унинг учун осон бўлмайди, чунки кейинги таълим илгари олинган билимлар устига қурилади⁶.

Оилалар, мактаблар ва мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий хусусиятларининг PISA тадқиқотида ўқувчилар натижаларига таъсир даражаси хусусида кўп муҳокама-мунозаралар бўлди. Аслида яхши ша-

роитларга эга ўқувчиларда яхши натижаларни кўрсатиш учун ҳамма нарса бордек туюлади. Гап фақат моддий ресурсларнинг бор ёки йўқлигидагина эмас, интилиш ва умиднинг етишмаслиги ҳам муҳимдир. Мактаб кўпинча болаларнинг ижтимоий шароитини акс эттиради, PISA натижалари ҳам шуни кўрсатади. Айниқса, кўп мамлакатларда барча болаларга тенг таълим имкониятлари бериш учун кам иш қилинаётгани кишини ранжитади.

Бироқ ижтимоий-иқтисодий мақомнинг таълим натижаларига таъсирининг мамлакатлар бўйича маълум даражада ўзгариши камбағал оилалардан чиққан ўқувчилар шароити яхши ўқувчилардан ёмон ўқимаслигини кўрсатади. Юқорида айтилаётганидек, Эстония, Гонконг, Шанхай ва Вьетнам сингари таълим тизими мутлақо турлича бўлган давлатлар ўқувчиларининг натижалари бир мамлакатдаги анча камбағал оилалардан чиққан ўқувчиларнинг натижалари бошқа мамлакатдаги анча таъминланган оилалардан чиққан ўқувчиларнинг натижаларидан яхшироқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

2015 йилда Цинхуа университетининг истеъдодли талабаси Юань Юань Пань PISA тадқиқотлари бўйича бизнинг жамоа билан стажёр бўлиб ишлади⁷. 2015 йилнинг ёзида Хитойнинг Сичуань провинциясидаги Дуцзяньянь шахрига ташриф буюрганимда, унинг маслаҳатига кўра бир неча мактабни бориб кўрдим. Маълум бўлдики, Юань Юань Пань шу провинциядаги кичик бир шаҳарчада камбағаллар оиласида туғилган экан. Аммо ўқитувчилар унинг истеъдодини пайқадилар ва унинг ривожланишига кўмаклашиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилдилар. У мураккаб имтиҳонларни топширди ва Хитойнинг энг нуфузли университетларидан бирига суҳбатдан ўтди. Бу университет муҳандислик касблари ва ахборот технологиялари бўйича жаҳон рейтинглари топ университетлари қаторига киради ва ҳар йили 10 миллион абитуриентни ўзига жалб қилади.


Юань Юань Пань эса истисно эмас. Яқинда ҳукумат камбағал туманлардан чиққан ўта истеъдодли ўқувчиларнинг Хитойнинг энг яхши университетига кириш имкониятини ошириш ҳақида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилди. Мамлакатнинг камбағал ва узоқ ўлкаларидан келиб имтиҳон топширган ўқувчилар уларнинг ўқишга кириш имконини оширадиган қўшимча балл олдилар. Етакчи олий таълим муассасалари энг яхши ўқувчиларнинг ўқиш ҳақини тўлиқ тўлайди. Сифатли эрта таълим ва тарбияга имкон яратиб бериш кўпинча таълим

4.2. ДИАГРАММА

МАКТАБДА ЎҚИЁТГАН ШАРОИТИ ЯХШИ ЎН БЕШ ЁШЛИ ЎСМИРЛАР КАТТА ЭЪТИМОЛ БИЛАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА БОРИШГАН.

Ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан яхши ёки ёмон мактабларда ўқий-
диган ўқувчилар мактабгача таълим тизимларида ўтказган йиллар.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАТНАШ ДАВОМИЙЛИГИ, ЙИЛЛАР



Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table II.6.51

ва ҳаётдаги тафовутни қисқартиришнинг амалий усули сифатида тан олинади. Бироқ 4.2 диаграммадан кўриниб турибдики, бу амалиётдан узоқ бўлган назария, холос. Бугунги ўсмирлар мактабгача таълимни жуда эрта олаётгани кутилмаган ҳодиса эмаслиги шубҳасиз: масалан, Туркияда бир йил, Эстония ва Швецияда 4 йил. Афсуски, кўпчилик мамлакатларда имтиёзли мактабларда ўқиётган болалар шароити йўқ мактабларда ўқиётган болаларга нисбатан кўпроқ мактабгача таълим оладилар. Эрта ёшдаги таълим ва тарбия зарурий режа асосида олиб борилмаса, улар ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш ўрнига уни кучайтириш мумкинлигидан далолат беради.

Мен юқори таълим сифати ва таълим имкониятларининг тенглиги бир-бирини инкор этувчи тушунчалар эмаслигини кўп бора такрорлаганман. Масалан, Франция ва Голландиянинг бадавлат оилаларидан чиққан болалар PISA тадқиқотида ўхшаш натижаларни кўрсатишади, шу билан бирга, Голландиянинг энг кам таъминланган оилаларидан чиққан ўқувчилари Франциянинг ўртаҳол оилаларининг болалари кўрсатган натижаларни кўрсатишади⁸. Мана нимаси ҳайратланарли: фақат қашшоқлик даражаси эмас, уни қандай қабул қилиш ҳам худди шундай таъсир кўрсатади.


Мактаб директорлари, одатда, ўқувчилар оиласининг фаровонлик даражасини баҳолай оладилар. Бразилия, Чили, Малайзия, Мексика ва Португалия мактаб директорлари уларда ҳаққоний равишда кам таъминланган оилалардан чиққан жуда кўп болалар ўқишини таъкидлайдилар. Айни пайтда Чехия, Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Жанубий Корея мактаб директорлари бундай болалар сони кам бўлган муассасаларда ишлаётганларини билдилар.

Аммо ҳақиқатан ҳам оғир шароитлар ва директорларнинг ўз ўқувчиларининг яшаш шароитини оғир деб қабул қилишлари ҳар доим ҳам мос келмайди⁹. PISA – 2012 тадқиқотида АҚШ мактаб директорларининг 65 фоизи уларнинг 30 фоизидан ортиқ ўқувчиси ноқулай шароитларда яшашини айтишди – бу бошқа барча мамлакатларга қараганда жуда катта миқдор. Шу билан бирга, бу ўқувчиларнинг ҳақиқий улуши, PISA тадқиқотида қайд қилинганидек, фақат 13 фоизни ташкил этди, бу Япония ва Жанубий Кореяга қараганда бир оз кўпроқ. Аммо у ерда, АҚШдаги директорлар сингари, фақат 6 ва 9 фоиз директорларгина мос равишда шароити оғир оилалардан чиққан ўқувчиларнинг сони худди шундайлиги ҳақида гапирдилар (4.3 диаграммага қаранг).

4.3. ДИАГРАММА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАҚИҚАТАН ОҒИР ШАРОИТИДАГИ ТАФОВУТЛАР ВА МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ОҒИР ШАРОИТНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ БЎЛГАН ИШТИРОКЧИЛАР ФОИЗИ



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ 30 ФОИЗИДАН ОРТИҒИ ШАРОИТИ ОҒИР ОИЛАЛАРДА ЯШАЙДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИГАН ДИРЕКТОРЛАР ФОИЗИ

Изоҳ. Тўғарақларнинг ҳажми ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми ва PISA тадқиқотида математика бўйича ўзлаштириши ўртасидаги ўзаро алоқа даражасига мос келади.

Манба: <http://oecdeducationtoday.blogspot.fr/2014/07/poverty-and-perception-of-powerty-how.html>

Бошқача айтганда, бу мамлакатлардаги шароити оғир болаларнинг ҳақиқий сони бир-бирига мос келади, бироқ штатларнинг директорлари ўз мактабларида 30 фоиз шундай болалар ўқишини 6 марта кўпроқ таъкидлайдилар. Аксинча, Хорватия, Сербия ва Сингапурда, гарчи 7 фоиздан камроқ директорлар бундай ўқувчиларнинг кўплигидан шикоят қилсалар-да, 20 фоиздан ортиқ ўқувчилар кам таъминланган оилаларнинг болаларидир.

Эҳтимол, бошқа мамлакатларда таъминланган деб ҳисобланадиган ўқувчиларни АҚШда камбағал деб ҳисоблашлари ҳам ўз ҳолича камбағалликни идрок этишга, албатта, таъсир қилса керак, шундай бўлса-да, АҚШда ўқувчиларнинг ҳақиқий ҳаёт даражасига нисбатан ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни идрок этиш даражаси анча юқори. Францияда ҳам ўхшаш манзара кузатилади.

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик ўқувчиларнинг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади, сезиларли, аммо муқаррар эмас. Аслида бу таъсир тизим тенг умумтаълим имкониятларини таъминлай оладиган чегарани акс эттиради. Финляндия, Исландия ва Норвегияда бу таъсир кутилган даражадан кам, чунки бу мамлакатларда ноқулай шароитларда яшайдиган ўқувчилар сони нисбатан кам. Жамият бойликлари тенг тақсимланганида тенг таълим имкониятларини тақдим этиш осон бўлади. Шу боис ўқувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовут катта, бироқ бу натижаларга мўътадил таъсир кўрсатадиган PISA рейтингда биринчи ўринни эгаллаган Сингапур сингари мамлакатларнинг натижалари алоҳида таассурот қолдиради.

Бу мамлакатларда ҳар бирининг ривожланиши учун шароит яратиб, оддий ўқувчиларнинг истеъдодини тарбиялаб вояга етказиш устида анча моҳирлик билан иш олиб борадилар. Аксинча, кам таъминланган оилалардан чиққан болалар нисбатан кам бўлган Францияда директорлар уларнинг сони аслидагига қараганда кўп деб ҳисоблашади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг натижалари уларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми билан, Чили ва Словакиядан бошқа ҳар қандай мамлакатга қараганда, анча кучли боғлангандир. Бу ҳайратланарли ҳол, аммо тадқиқот директорларнинг ўз ўқувчиларини ўта қашшоқ деб қабул қилишининг ўзи уларнинг натижаларига ҳақиқий ноқулай яшаш шароитларига қараганда кўпроқ таъсир қилишини кўрсатади.

Шу билан бирга, Гонконг, Макао ва Вьетнамда 60 фоиздан ортиқ ўқувчи ижтимоий-иқтисодий шкаланинг пастки чорагида туради,

PISA – 2015 бўйича эса уларнинг натижалари барча иштирокчи-мамлакатлар рўйхатининг биринчи чорагида туради, Эстония, Япония ва Сингапурда энг камбағал оиладан чиққан ҳар иккинчи ўқувчи шу натижани такрорлади. Қиёслаш учун: Чили, Греция, Исландия, Испания ва Мексикада шароити оғир ўқувчиларнинг ҳар бешинчиси энг яхшилар чорагига тушишга эришди¹⁰.

Хўш, бу нимани англатади? Ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг таъсири – бутун дунё бўйича таълим соҳаси мутахассислари учун чақириқдир, бироқ айрим мамлакатларда бу тенгсизликни ҳис қилиш унинг таъсиридан кўра юқориқдир ва ана шу ҳис қилиш болаларнинг натижаларига таъсир кўрсатадиганга ўхшайди. Бошқа мамлакатларда ўқувчиларнинг ноқулай яшаш шароити мактаб директорлари уни ҳис қилганидан кўра анча сезиларлидир, бироқ мактаблар, эҳтимол, жамият ҳам қандайдир йўл билан ўқувчиларга унинг таъсирини енгишда ёрдам бера олади.

Кўп мамлакатлар учун адолатли бўлган нарса PISA маълумотлари билан тасдиқланади: паст ўзлаштириш муаммоси фақат ноқулай шароитли ҳудудларнинг болаларига эмас, ҳаммага тегишлидир. Алалоқибат, ўқувчиларнинг таълим натижаларига на ижтимоий келиб чиқиш ва на оила, балки у мактабга борадиган мамлакат катта таъсир кўрсатади.

Ресурсларнинг эҳтиёжлар билан ўзаро нисбатини аниқлаш

Синфдаги ижтимоий хилма-хиллик муҳокама қилинаётган пайтда мен тез-тез эшитадиган мулоҳазалардан бири бу – мактаб жамият муаммоларини ҳал қилолмайди, деган фикрдир. Ўшанда ўзимга ўзим савол берман: жамият олдида турган яна қандай муаммоларни ҳал қилишни мактабдан кутамиз?

Оғир шароитларда ишлаётган ўқитувчилар ва мактабларни қўллаб-қувватлаш ҳамда катта талаб ва эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларга кўмаклашишдан муҳимроқ яна нимаям бўлиши мумкин? Орзу-умидлари катталашиб бораётган жамият мактабга илгари бошқа кишилар томонидан ҳал қилинган барча ижтимоий муаммоларга қарши дори воситаси сифатида қараши аниққа ўхшайди. Давлатнинг вазифаси – бу саволларга жавоб топишда мактабларга ёрдам беришдир.

Биринчидан, кўпчилик таълим тизимлари эҳтиёжлардан келиб чиқиб ресурсларни тақсимлаш тизимини такомиллаштиришлари мум-

кин. Моддий ресурслар ҳақида гап борганида улар билан энг истеъдодли ўқитувчиларни энг мураккаб синфларга жалб қилиш талаб қилинган пайтдагидан кўра камроқ муаммо юзага келади. Бу шунчаки ноқулай шароитларда ишлаётган ўқитувчилар иш ҳақини ошириш дегани эмас. Ўқитувчилар қийин ишни бошлаётганларида касбий ва ҳаётий масалаларда мададни ҳис қилишлари учун яхлит ёндашув талаб қилинади. Улар барча саъй-ҳаракатлари кадр топиши ва тан олинишига ишонишлари лозим.

Ўқитувчилар эҳтиёжманд ўқувчилар билан ишлашга қўшимча вақт ва ресурс топишлари қийин. Синфдаги турли-туманликнинг қиммати ҳақида гапирадиган кишилар кўпинча бегона болалар ўқийдиган синфлар ҳақида гапиришади. Умуман, болалари бошқа бадавлат болалар билан мактабга борадиган бой ота-оналарни ижтимоий жиҳатдан хилма-хил гуруҳларнинг болалари билан ўқиса, бундан фақат ҳамма ютишига ишонириш анча қийин. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар ҳам ресурсларни тақсимлашда қийинчиликларга дуч келадилар, айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларининг манфаатларини ҳеч ким ҳимоя қилмаслигини ҳисобга олсак, улар ресурсларни керакли жойга қийинчилик билан йўналтиришлари мумкин.

Кўп мамлакатларда болалар қандай таълим олаётганини тушуниш учун почта индексига назар ташлаш кифоя. Агар мактаблар машҳур бўлса, мактаб атрофидаги тураржойларнинг нархи оша бошлайди ва бу билан аҳолининг янада кўпроқ камситилишига имкон яратилади. Кун кечиришга маблағи, даромади ва маълумоти кам бўлган кишилар пировардида таълим ва ижтимоий имкониятлари ёмон бўлган жойга кўчиб борадилар. Натижада кўпчилик мамлакатларда ижтимоий тенгсизликка олиб келадиган билим даражасидаги фарқ ўзгармай қолади ва кўплаб истеъдодлар очилмай қолиб кетади.

Аммо тенг таълим имкониятларини тақдим этиш ижтимоий-иқтисодий мақом билан фақат қисман боғлиқ ва шароити оғир оилаларнинг болаларига қилинадиган сарф-харажатларни ошириш ҳисобига ҳал қилинади. Ҳар хил ўқувчилар турлича ўқишлари ва турли хил эҳтиёжга эга бўлишларини тушуниш ҳам жуда муҳим. XX асрдаги кураш тенглик ҳуқуқи учун кураш эди. XXI асрда биз ўзгача бўлиш ҳуқуқи учун курашамиз.

Ўқувчилар фикрига қулоқ тутиб

2017 йилда жаноб Ричард Бренсоннинг Некер оролидаги уйида уч кун бўлдим. Жаноб Ричард мактаб унинг ижодкорлик қобилияти ва тадбиркорлик истеъдодини ривожлантиришга ёрдам берадиган бирор нарса қила олишидан умидини узиб, 16 ёшида мактабни ташлаган (бунинг устига мактаб ундаги дислексияга ташхис қўя олмаган). Унинг мактабда ўтган охирги кунда директор Ричард умрини ё турмада ўтказди, ёки миллионер бўлади, деган. Кейин нима бўлганини ҳаммамиз биламиз: жаноб Ричард энг омадли тадбиркор ва миллиардерлардан бирига айланди ва Лондондаги мусиқа дўконидан соғлиқни сақлаш, мусиқа, медиа ва туризм соҳасидаги (жумладан, космик соҳада ҳам) бизнесни ўз ичига олган глобал империя – Virigen Group'ни яратди. Дунё уни академик билимлари учун эмас, балки ақл-заковати ва уддабуронлиги учун тақдирлади.

Мен жаноб Ричарддан бошқалар касодга учраётган бир пайтда нега унинг авиакомпанияси Virigen Atlantik гуллаб-яшнаётгани ҳақида сўрадим. Унинг жавоби оддий эди: у воқеа-ҳодисаларга бошқача қараркан. Ҳамма даромадни максимал даражага кўтариш назариясига амал қилиш йўлидан бориб, ишни шу тамойилга асосланиб ташкиллаштирган бир пайтда у ўз ходимларини биринчи ўринга қўйди ва етукликка эришиш учун уларга нима кераклигини сўради. У ходимларни мижозлар яхши сервисга эга бўлишлари учун қулай муҳит яратишга қизиқтирди.

У шунингдек, таълим асосини инсон ва унинг қадриятлари ташкил этиши керак, деб ҳисоблайди. Жамият жуда тарқоқлашган ва унда тенгсизлик ҳукм сураётган ҳамда одамларга нима тўғри-ю, нима нотўғри эканини тушуниш учун мўлжал, бошқа кишиларнинг фикрини эшитиш қобилияти, шахс ва жамият имкониятлари чегарасини англаш талаб қилинаётган бир пайтда бу нарса жуда муҳим кўринади.

Жаноб Ричард бу фикрда ёлғиз эмас, Томас Эдисон, Альберт Эйнштейн, Билл Гейтс, Стив Жобс ва Марк Цукерберг каби мактабни ташлаб кетган ўқувчилар ўзлари ишлаган ёки ишлаётган соҳаларни тубдан ўзгартириб юбордилар. Шундай бўлса ҳам меҳнат фаолияти давомида ривожланган қобилиятларга эга эканлигига қараб эмас, балки иш фаолиятини бошламасдан олдин асосан дипломга қараб иш тутадиган мамлакатларда мактабда омади чопмаган ва жаноб Ричардга ўхшаган

кишилар кўп топилмайди, таълимни модернизация қилишда уларнинг фикри ҳисобга олинишини айтмаса ҳам бўлади.

Жаноб Ричардникида меҳмонда бўлган уч кун мобайнида мен таълим тизимини ривожлантириш хусусида қарор қабул қиладиган кишилар бу тизим билан курашишга мажбур бўлганлар эмас, кўпинча бу тизимдан энг яхшисига сазовор бўлган кишилар эканини тушундим. Гарчи айнан шундай кишилар тизимнинг заиф томонларини аниқлаш ва тезкор чоралар кўриш зарурлиги ҳақида айтишлари мумкин бўлса-да. Улар туфайли мактаб ишини яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш учун яхши ўзлаштирадиган ва ўзлаштириши паст ўқувчилар тажрибасидан фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча усуллар бор. 2016 йилда Португалия таълим вазири Тиаго Брандао Родригес менга унинг илк ташаббусларидан бири, бу – ҳар бир қабул қилинган ўқувчи учун мактабларга қўшимча бир евро бериш, ўқувчиларга эса пулни қандай сарфлашни ўзлари ҳал қилишлари учун имкон бериш эканини айтди.

Аввалига ҳамма пул ҳам самарали ишлатилмади. Айтишларича, битта мактабда ҳаммага музқаймоқ сотиб олишга овоз беришибди. Аммо вақти келиб аксар мамлакатларнинг ўқувчилари уларга ажратилган бюджетдан кўра каттароқ мактаб ресурсларини тақсимлаш жавобгарлигини ўз бўйниларига олишибди. Бу кўпчилик ўқувчиларнинг ҳаёти ва таълим жараёнини асосли равишда ўзгартиришларига ёрдам берди. Америкалик ўқув дарсликлари муаллифи Марк Гренски ва тадқиқотчи Рассел Куаглия ўқувчилар фикрининг таъсири ва уларга эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини тақдим этишнинг таъсирини ўрганиб, катта ишларни амалга оширишди. Уларнинг топилмалари таълимни кўпчилик ўқувчилар учун қандай яхшилашни ойдинлаштирган бўларди^{11, 12}.

Таълим сиёсати ва тенг таълим имкониятлари

Бизнинг ижтимоий ҳимояланмаган фуқаролар, жумладан, ўқувчилар билан ҳам, қандай муносабатда бўлишимиз бизни жамият сифатида бошқалардан ажратиб туради. Тенг таълим имкониятларини тақдим этишга эришиш техник жиҳатдан у қадар қийин эмас. PISA маълумотлари аксар мамлакатларнинг баъзи бир мактабларида ҳатто энг қашшоқ ўқувчилар ҳам яхши ўқувчи бўла олишини кўрсатади. Қийинчиликлар тенг таълим имкониятини кўпинча болалар манфаат-

ларидан чалғитадиган, турли йўналишдаги манфаатлардан иборат таълим сиёсатига киритмоқчи бўлишганида бошланади.

PISA маълумотлари ўқувчиларнинг ўзлаштиришига таъсир этувчи энг муҳим омил – синфдошларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми эканини кўрсатади. Ўз-ўзидан маълумки, мактабнинг асосий ресурси – бу ўқувчиларнинг ўзи. Германия бошқа Шимолий Европа миллатларига қўшилиш ва урушдан кейинги ижтимоий-синфий тизимга асосланган ўрта мактабни уч хилда ташкил қилишдан қочишнинг уддасидан чиқолмади, бу эса кам таъминланган фуқаролар, айниқса, яхши яшаш имкониятларига эга бўлмаган иммигрантлар муҳотида таълим олишни қийинлаштиради.

Германия баъзи ҳудудларининг икки йўналиш фойдасига уч йўналишдан воз кечиш ҳақидаги кейинги қарори сўнгги бир неча йил ичида таълимдаги тенгсизлик билан боғлиқ вазиятни тўғрилашга имкон беради. Худди шу йўсинда Польша ҳам турли ижтимоий синфларга мос равишда ташкил этилган ўрта мактабни ягона умумтаълим мактабига айлантириш ҳисобига қолоқ ўқувчилар сонини маълум даражада қисқартирди.

Япониянинг ҳали XIX асрдаёқ қабул қилинган мактабда ижтимоий-синфий тузилмани тугатиш ҳақидаги қарори мамлакатга шундай мактаблар барпо қилиш имконини бердики, бунда ҳамма болаларда жаҳон миқёсидаги таълимга эришиш имкони бўлади. Мейдзи ҳукумати ислоҳоти юксак умумий натижаларни юксак объектив натижалар билан бирга қўшишга шароит яратади.

Швеция мактабларни молиялаштиришнинг ҳисоб-китоб формуласини қўллайди. Бу формуланинг вазифаси – талабчан таълим дастурини жорий қилишда барча мактаблар ҳамма зарурий нарсаларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилишдир. Бу формулага кўра, Қутб доираси ортида ажралиб қолган ҳамжамиятлар Стокгольмдаги мактабларга қараганда ҳар бир ўқувчи ҳисобига кўпроқ маблағ олади, чунки шаҳар мактабларига қараганда қишлоқ мактабларининг кам сонли ўқувчилари маълум бир фанни, масалан, физикани танлайди. Мос равишда синфлар сони кам бўлади, аммо барча ўқувчилар, яшаш жойидан қатъи назар, физикани ўрганиш ҳуқуқига эга, чунки бу фан дастурга мувофиқ мажбурий ҳисобланади. Шу тамойилга асосан иммигрантлар сони кўп бўлган швед мактаблари иммигрантлар сони кам бўлган мактабларга қараганда кўпроқ маблағ олади.

2016 йилда мен мукофот қўмитаси Pupil Premium Awards 2016 (Англия ташаббуси)ни бошқариш бахтига муяссар бўлдим, у кам таъминланган оилалардан чиққан ҳар бир ўқувчи учун мактабларга қўшимча маблағ тақдим этади. Бир томондан, бундай мукофот янгилик эмас. Швеция бошлаб берган молиялаштиришга формулавий ёндашув бугун аксар мамлакатларда одатдаги амалиётга айланган¹³. Иккинчи томондан, айрим инглиз мактабларида рағбатлантириш тизими ўқувчиларни янги ғояларга қандай қизиқтиргани ҳайратланарлидир. Англия мактабларга ўқувчиларни рағбатлантириш тизимидан қандай фойдаланиш бўйича тўлиқ ҳаракат эркинлигини тақдим этади, бу эркинликдан фойдаланиш ҳақидаги ҳисобдорликка қўйилган талаблар намуналидир. Агар мактаблар харажатлар мақсадга мувофиқлигини тушунтира олса ва ўз қарорлари учун жамоатчилик олдида ҳисоб бера олса, ўз-ўзидан маълумки, улар маблағларни ўзлари истагандай сарфлашга ҳақлидир. Улар ўқитишга маблағ киритиши ёки ўқувчиларга ҳар хил хизмат кўрсатишни таклиф қилиши мумкин, бу эса кам таъминланган оилаларнинг болаларига кўмак беришда аҳамиятлидир.

Бошқа мамлакатларда мактабларда ресурсларни тақсимлаш норматив ва тартибга солинадиган жараён ҳисобланади. Таълим муносабатларининг иштирокчилари инновациялар учун жавобгарликни зиммаларига олганларида, шароит яратиб бериш – улар имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим таркибий қисмидир. Мени Англия мактаблари қўллайдиган ёндашувлар миқдори ҳайрон қолдирди ва мен ҳукумат ҳам худди шундай оригинал бўла олиш-олмаслигига қизиқдим. Аксар мактаблар ўқувчиларга яратилган қулайликни ўзлари учун муҳим ҳисоблаб, имтиҳон стандартлари ва талабларидан четга чиқади. Баъзи мактабларда ота-оналар учун семинарлар ўтказилади, уларда фойдаланилаётган усул ва услублар тушунтириладиган маҳорат дарслари ташкил этилади ёки ота-оналардан мактабга келиб ўз ишлари ҳақида гапириб беришларини сўрашади. Балки шунинг учун ҳам, PISA – 2015 тадқиқотида Буюк Британия ресурслар етишмаслиги ҳақида илғор мактабларга қараганда кам гапирадиган озчилик ғарб мамлакатларининг бири бўлди. Бошқача айтганда, Буюк Британия маблағларни зарур бўлган жойга йўналтира олди (диаграмма 4.4)¹⁴.

Бироқ ҳатто мамлакатлар ноқулай ижтимоий ва иқтисодий шароитга эга мактабларга зарур бўлган ресурсларни ажратишни уддала-

ган тақдирда ҳам, ҳамма ҳолатларда зарур даражада сифатли ресурсларни тақдим этишнинг иложи бўлмаяпти (диаграмма 4.4). Бошқача айтганда, эҳтиёжманд мактаблар баъзан кўпроқ ресурслар оладилар, аммо бу ресурсларнинг сифати доим ҳам яхши ва фойдали бўлмайди.

Лекин мамлакатлар бу тенденцияни ўзгартира бошлади. Сингапурда энг яхши ўқитувчилар тарбияси оғир ўқувчилар билан ишляшди. Японияда префектураларнинг раҳбарлари ҳамма ўқувчилар юқори сифатли билим олиш имконига эга бўлиши учун кучли ўқитувчиларни кадрлар муаммоси кузатилаётган жойларга ўтказди.


Баъзан ҳатто соф рамзий ҳаракат ҳам тубдан ўзгартирувчи таъсирга эга бўлиши мумкин. 2006 йилда Сесилия Мария Велес, Колумбиянинг ўша пайтдаги таълим вазири, менга илгари Боготанинг энг қашшоқ туманларини ифлослантирган чиқиндиларни қайта ишлаш заводини кўрсатди. Заводни ёпишган, вазир эса уни ҳозирда El Tintal деб аталадиган мактаб ва кутубхонага айлантирган. Мен у ерда кўплаб ўқувчилар ва ота-оналари ўқитувчилар, устоз-мураббийлар ва ижтимоий ходимлар ёрдамида ўқишни ўрганаётганини кўрдим. Шундай қилиб, собиқ ифлосланиш манбаи янги Колумбия рамзига айланди, қачонлардир ўзаро низо ва тўқнашувлар натижасида тилка-пора қилинган мамлакат сокин инқилобни бошидан кечирди ва илгари фақат бойларгагина мумкин бўлган таълим, ниҳоят, жамият мулкига айланди.

Шанхай PISA тадқиқотида юқори натижаларга ҳам эришяпти, бутун провинция бўйлаб ўқувчилар натижаларида тарқоқлик пастлигини ҳам кўрсата олаяпти. Ва бу тасодиф эмас, балки қолоқ мактабларни бир мунча самарали мактабларга айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан белгиланадиган воқеадир. Марк Такер айтганидек¹⁵, бу саъй-ҳаракатлар бир хил даражага етгунча барча мактаблар инфратузилмасининг мунтазам янгиланиб туришини, эҳтиёжманд ўқувчилари бор мактабларни молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва яхши ўқитувчиларни оғир мактабларда ишлашга қизиқтириш мақсадида улар учун мартабанинг ошиб бориш тизимини тайёрлашни тақозо этади. Бундан ташқари, сиёсат раҳбарият ўз мактабларининг ривожланиш режаларини биргаликда муҳокама қила олиши учун тумандаги илғор ва қолоқ мактабларнинг жуфт-жуфт бўлиб бирлашишларини, ўқитувчилар малака ошириши, тажриба, материаллар ва энг яхши амалиётлар билан алмашилиши мумкин бўлган институтларни ўз ичига олади. Ҳукумат кучли давлат мактабларига қолоқ мактабларни бошқариш ва-

4.4. ДИАГРАММА


КЎПИНЧА ШАРОИТИ ЯХШИ МАКТАБЛАРГА ҚАРАГАНДА ШАРОИТИ ЁМОН МАКТАБЛАРГА КАМ РЕСУРС АЖРАТИЛАДИ.

ШАРОИТИ ЯХШИ ВА ШАРОИТИ ЁМОН МАКТАБЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР КОЭФФИЦИЕНТИ



Изоҳ. Ўқув материаллари етишмаслигининг кўрсаткичи мактаб директорларининг ўқув материаллари, шунингдек, инфратузилманинг етишмаслиги ва/ёки камлиги мактабнинг сифатли таълим хизмати кўрсатишига салбий таъсир кўрсатадими, деган тўртта даъвога қўшилиши асосида аниқланадиган индекс билан ўлчанади. Педагог кадрлар етишмаслигининг кўрсаткичи мактаб директорларининг педагогик жамоа малакасининг йўқлиги ва/ёки етарлича малакага эга эмаслиги мактабнинг сифатли таълим хизмати кўрсатишига қай даражада тўсқинлик қилади, деган тўртта даъвога қўшилиши асосида аниқланадиган индекс билан ўлчанади.

4. Нима сабабдан таълим имкониятлари тенглигига эришиш бу қадар қийин?



Салбий оғишлар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ноқулай шароитда турган мактаб директорлари ўз мактабларидаги ресурсларнинг ҳажми ва/ёки сифатини имтиёзга эга мактабларнинг директорларига қараганда юқори даражада ўқитиш учун тўсиқ сифатида қабул қилишларини билдиради.

Ижобий оғишлар ресурслар етишмаслиги ҳақидаги фикр кўпроқ имтиёзли қатламлардан чиққан ўқувчиларга эга мактабларнинг директорлари орасида сақланишини билдиради.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table I.6.13

зифасини топширади, кучли мактаблар ўзининг бирор кучли раҳбарини, масалан, директор ўринбосарини қолоқ мактабга директор қилиб тайинлаши ва бир гуруҳ тажрибали педагогларни таълим жараёнини ташкил этишга ёрдам бериш учун жўнатиши мумкин. Кучли мактабнинг асослари, бошқарув услуби ва педагогик амалиётлари қолоқ мактабга сингишиб кетиши кутилади.

Эскирган бошқарув усули ва тасаввур етишмаслигидан бўлак ҳеч нарса ўзга таълим тизимларига бундай нарсани татбиқ этишга ҳалақит бермайди. Бундай мисоллар ҳамма ерда учрайди. Бразилиянинг Сеара штатида етакчи мактаблар юқори компетентли ўқитувчи ва экспертларни ёллаш учун қўшимча маблағ билан таъминланади. Бироқ мактаблар бу қўшимча ресурсларни ўз манфаатлари учун ишлатишмади, аслида уларни самарадорлиги паст мактабларга тақсимлашлари керак эди. Натижада ҳамма ютарди. Кучли мактабларнинг обрўси ошар ва жамоасини кенгайтирар, қолоқ мактаблар лидерларнинг тажрибасига эга бўларди, бу, эҳтимол, қўшимча маблағдан кўра анча қимматлидир.

Аксинча, АҚШда мактабларни молиялаштириш тизими узоқ вақт мобайнида бой туманларнинг таъминланган кишиларига ўз болаларини бошқа бадавлат оилаларнинг болалари даврасига қўшиб, штатнинг энг яхши ўқитувчиларини ёллаш, улар учун беҳад зўр таълим устунликларига эга бўлиш имконини берди. Спектрнинг нариги учиди таълимга ажратилган бюджетга юқори солиқ тушумларига эга бўлмаган туманларда яшайдиган кам таъминланган оилалар туради. XX асрнинг 80–90 йилларида судда кўрилган масалалар мактабларни молиялаштириш тизимини бир қадар тенглаштирган бир пайтда PISA маълумотлари бой туман ва мактаблардан фарқли ўлароқ ноқулай шароитдаги туман мактабларига ҳалиям инсон ресурслари етишмаётганини кўрсатади¹⁶.

Бунинг устига, молиялаштиришда улкан тафовутнинг мавжудлиги маҳаллий ҳокимлар чекловларни четлаб ўтиб, бадавлат туманлардаги мактаблар тузилишини янада яхшилаш, ободонлаштириш ишларига инвестиция киритишни давом эттиришни уддалашаётганини исботламоқда. Масалан, энг яхши туманларнинг мактабларида жиҳозланган илмий лабораториялар, такомиллашган техник асбоб-ускуналар билан таъминланган театрлар, олимпия стандартларига мос бассейнлар, компьютер синфлари мавжуд, мамлакатнинг элита

коллежларида тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Шу билан бирга, қашшоқ туманларда мактаблар эски, кўпинча авария ҳолатидаги биноларда жойлашади. Икки бир-бирига зид томонлар ўртасида аҳолининг бўлинишини акс эттирувчи сифат градациялари ҳали кўп.

Аҳолининг турли қатламлари учун ўрта мактаб тузилишининг турличалиги сабабли Германияда билвосита юз берган нарсага АҚШда мактабни молиялаштиришнинг маҳаллий бошқарув тизими орқали тўғридан-тўғри эришилди. Тизим ижтимоий-иқтисодий мақом бўйича мактаблар ўртасида бўлиниш мавжуд бўлган бошқа мамлакатлардагига ўхшаш натижаларни кўрсатади. Бойлар учун, ўртаҳоллар учун, ишчилар учун ва камбағаллар учун алоҳида мактаблар бор. Фарқи шундаки, бундай тақсимланиш ҳали тажрибада синаб кўриляётган бир неча ривожланаётган мамлакатларда фақат ўрта мактабдан бошланади, айти пайтда АҚШда у мактабгача таълим давридаёқ кўринади ва бошланғич ҳамда катта синфларда давом этади. Буни ҳисобга олсак, таълим имкониятларини тақдим этишда Штатларнинг тенгликни Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти бўйича ўртача даражагача кўтаришни уддалагани ҳайратланарли.

Канадада мактабларни молиялаштиришнинг Американикига ўхшаш тизими бор эди, бироқ мамлакат уни тўлиқ қайта кўриб чиқди ва мактабларни молиялаштириш ваколатини тўлиқ маҳаллий ҳокимиятларга топширди. Эндиликда мактаблар жон бошига маблағ билан таъминланади. Шу билан бирга, алоҳида заруратларни қоплайдиган қўшимча грантлар ҳам бор, масалан, алоҳида эҳтиёжманд ўқувчилар таълими, узоқ туманлардан қатнайдиган ўқувчиларни мактабга етказиб келиш муаммосини ҳал қилиш каби. Яна “ижтимоий (компенсацион) фондлар” ҳам бор, улардан ўта қашшоқ туманларга кўмаклашиш учун маблағларнинг бир қисмини ажрата олган туманларда фойдаланилади.

Албатта, иқтисодий тикланишнинг бошланишида мамлакатнинг ўқимишли кишиларга эҳтиёжи, унга ажратиладиган ресурслар каби, чекланган бўлади. Бу эҳтиёжни тўлдириш учун мавжуд маблағлар замонанинг зайли билан ота-онаси ўқимишли, яхши таъминланган оилаларнинг, яъни жамиятнинг бир қадар имтиёзли қатламларидан чиққан болалар таълимига сарфланади. Мана нима учун ижтимоий синфлар бўйича тақсимлаш ва кучларнинг ўқувчилар кичик гуруҳи атрофида

тўпланиши саноатлаштиришнинг илк босқичларида таълим беришнинг самарали стратегияси бўлган эди. Лекин ҳозир, жаҳон иқтисодиётларига кўплаб олий маълумотли кишилар талаб қилинаётган бир пайтда, таълимни бу йўл билан ташкил этишни давом эттириш нафақат инсофсизлик, балки бениҳоя фойдасиздир.

Франциядан рақсга таклиф

Ҳатто катта ижтимоий тенгсизлик ҳукм сурган таълим тизимида ҳам бу тенгсизлик билан курашадиган кўплаб ижтимоий ташаббуслар мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотларига кўра, Францияда бой ва камбағал оилалардан чиққан болалар натижалари ўртасидаги тафовут жуда катта. Тўғрисини айтганда, Франция – PISA натижаларидаги тафовут, таълим имкониятларидаги тенгсизлик сингари ўсиб бораётган озчилик мамлакатлардан биридир.

Бироқ Лиондаги Maison de la Danse театрида мен кўрган спектакль вазиятни тўғрилашга умид уйғотади. Барча артистлар шаҳарнинг энг қашшоқ туманидан чиққан ҳаваскорлар эди. Уларнинг ёши 4 дан 92 гача, кўпчилиги илгари бундай жойларда бўлишмаганди. Энди эса ҳаммалари бирга Моцарт мусиқаси остида рақсга тушишарди.

Одатда, бу туманнинг одамлари таълимий, маданий тадбирларда истар-истамас қатнашишларини билиб, ташкилотчилар ҳеч бўлмаса 100 киши келар, деган умидда 200 нафар кўнгилли-артистларни ёллашди. Ҳеч ким иштирок этишдан бош тормагани етмагандай, лойиҳа ҳақидаги янгилик бутун шаҳарга тарқалганидан сўнг яна 100 киши дарҳол етиб келди. Баъзи бир ёш иштирокчилар мактабда нафақат яхши баҳо олишмаган, ҳатто ўз ўқитувчиларидан тасалли берадиган сўз ҳам эшитишмаганди, аммо ўша оқшомда минглаб томошабинларнинг олқишларидан баҳра олдилар.

Бу ғоянинг сеҳри – ҳар қандай жойда таълимий ташаббусларга руҳлантира оладиган оддий рецептдадир. Уни амалга ошириш учун инсонларни ажратадиган бир қолипдаги қарашлар чегарасини енгиб ўтиш учун бадий ифодадан фойдаланиш керак. Юқорида таърифланган лойиҳада одамлар, агар сизда кўникма бўлса-ю, ишонч бўлмаса, ҳамма билан тенг ҳолда иштирок этишингиз мумкин, деган ғоя остида

бирлашган эдилар. Лойиҳа мажбурий амалиётни талаб этар ва ҳамма иштирокчилар учун юқори стандартлар ўрнатиладди. Хореографлар ўз сўзида туриб олмас, улар иштирокчиларнинг ташаббуси ва ижодий ёндашувини қўллаб-қувватлашарди. Улар ҳамма нарса тайёр бўлгунча бир йилдан ортиқ тайёргарлик кўришди. Лойиҳа бюджети эришилган натижалар билан қиёслаганда жуда кичик эди.

Иштирокчилар – раққослар, хореографлар, ижтимоий ходимлар, ўқитувчилар ва мактаб директорлари билан суҳбатлашганимда, менга бу лойиҳа маҳаллий ҳамжамиятда қандай таассурот қолдиргани таъсир қилди. Ким билан гаплашган бўлсам, ҳамма қилинган иш уларнинг ривожланишига қандай ёрдам берганини айтарди. Ҳаммадан кўп эшитган сўзларим: “толерантлик”, “бир хиллик”, “ҳурмат”, “ҳалоллик”, “ижтимоий жавобгарлик (бурч)”, “қўшилиб кетиш” ва “ўз-ўзини баҳолаш” деган сўзлар бўлди – бугун мактаб ўқувчиларда айнан ана шу сифатларни ривожлантиришга йўл излаяпти.

Аввалига қизлари бу ижтимоий экспериментда қатнашишини ис-тамаган ота-оналар кейинчалик бу синов унинг ривожланишига катта ёрдам берганини айтиб беришди. Бошқалари эса репетициялар бо-лаларнинг кўп вақтини олиб қўяди, деб ташвишланишгани, бироқ бу йилги ўзлаштириш фақат яхшилангани ҳақида гапиришарди. Битта бошланғич синф муаллимаси бу тажриба унинг болаларини нақадар руҳлантиргани ва ўзи ҳам бошқа профессионаллар билан ишлаб, жуда кўп нарса ўрганганини айтиб берди.

Парижга қайтаётиб тезюарар поезд деразасидан муаммоларга тўла дунёга назар ташлар эканман, француз таълим тизими олдида турган чақириқларга қандай жавоб беради, бундай инновациялар таж-рибасини жорий қилишнинг уддасидан чиқадими йўқми, дея ўйлар-дим. Фундаментал билим ва кўникмалар ҳар доим ҳаётда муваффақи-ят гарови бўлиши аниқ, аммо уларнинг ўзи кифоя бўлмайди. Франция мактаблари ўқувчиларда мустақилликни ривожлантира оладими ва турли-туман фикрлар, ғоялар ва қадриятларни муносиб баҳолаб, хил-ма-хил маданиятлар орасида уларни яшаш ва ишлашга тайёрлай ола-дими-йўқми, буни келажак кўрсатади.

Янги Зеландияда маданий хилма-хиллик ва ҳамкорликни рағбатлантириш

2013 йилда дунёнинг нариги томонида, маори жамоасининг Янги Зеландиядаги дастлабки ўрта мактабида мени дарғазаб ҳарбийлар гуруҳи кутиб олди. Улар танлашни таклиф қилиб, секин яқинлашишди: жангми ёки сулҳ? Танлов қилинди ва бизни мактабнинг махсус тагае деб аталадиган қабулхонасида анъанавий rowhiri маросимида илиқ қабул қилишди. Маори маданиятида – бу эҳтиром кўрсатиш ва бутун кейинги муносабатларни бошлаб бериш имкониятидир.

Бир соатлик олқишлаш давомида шеърлар айтилди, қўшиқлар куйланди – уларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчилари эди. Маори тилини асраш ташкилотининг собиқ раҳбари, мактаб директори Равири Райт мендан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларнинг қиёсий рейтингларида бундай ижодий ва ижтимоий кўникмалар қандай баҳоланиши хусусида сўради. У, шунингдек, унинг ўқувчилари имтиёзли туманлардан келган болалардан ўзиб кетган тадқиқотларнинг сўнгги натижаларига ҳам тўхталди. У бу натижалар унинг маори мактабидаги таълимга ҳар томонлама ёндашиш юқори академик ютуқларни эгаллашга олиб келиши ҳақидаги қарашларининг тасдиғидир, деб ҳисоблайди.

Райт мактабда ижтимоий ва бошқарув муаммолари етарлича, деган фикрга дарров қўшилди, аммо маориларнинг бошқа этник озчилик вакиллари каби кўпинча одатдаги мактабларда ўзлаштиролмайдиган ўқувчилар учун хусусий мактабларга эга эканлиги уларда нафақат сифатли таълим олиш имкони борлигини, балки анъанавий маданиятнинг фаол иштирокчиси ва ҳимоячиси бўлиш имкони ҳам борлигини билдиради. У ўқувчиларга маданий меросни тушунишга ёрдам бериш жудаям муҳим, ўқувчи-маорилар учун жуда зарур бўлган ўзига ишонч ва ўз қадрини билиш туйғусини тарбиялашда бу маданий мероснинг аҳамияти катта, деб ҳисоблайди.

Улардан 700 та аждодини эслаб қолишни талаб этиш эрамиздан аввалги топшириқдай кўриниши мумкин, бироқ буни билиш тез ўзгараётган оламдаги чақириқлар қаршисида улар ёлғиз эмаслигига ишонч туйғусини қўллаб-қувватлайди. Озчиликка таълим бериш масалалари бўйича таълим вазири ўринбосари Пита Шарплс ҳамжамият олдидаги бурчини чуқур ҳис қилган ҳолда, барча қийинчиликларга қа-

рамай, бу мактабни қуришга қандай эришгани тўғрисидаги таъсирчан хотиралари билан ўртоқлашди. Яна бу 100 йил давомида маори тили ва маданиятидан дарс бериш ман қилинганидан сўнг.

Мутлақо бошқа йўл билан, бироқ ижтимоий ўзаро ҳаракат ва маҳаллий ҳамжамиятни қўшиш тамойилларига амал қилиб, Оклендда бошқа мактаб – Silvia Park ташкил этилди. Кўпчилигимиз мактабдаги ота-оналар мажлиси нима эканлигини биламиз. Одатда, у мактаб жадвали бўйича ўтади ва кўпинча кимлар келиши, кимлар келолмаслигини олдиндан айтиш мумкин. Silvia Park мактабининг “Mutukaroa мактабда ва уйда ўқитиш таълим ҳамдўстлиги”да ҳаммаси аксинча бўлиб ўтади.

Шу мактабнинг сериштиёқ муаллимаси ва консультанти Арина ота-оналар ўз фарзандининг ривожланишига жавобгар эканини тушунтириш ва уларнинг ўзлаштиришини шахсан муҳокама қилиш мақсадида ҳар бир ота-она билан уларнинг уйи ёки иш жойида учрашиш учун иложи борича ҳамма ишни қилаётганини тушунтирди. Вазирликнинг фикрича, икки йил ичида мактаб таълим сифатини оширган ва натижаларни мамлакат бўйича “ўртачадан паст” даражадан “ўртачадан юқори” даражагача кўтарган. Вазирлик ижтимоий шериклик бошқа жойларда ҳам ишлаши учун унинг асосий элементлари ададини белгилашга ҳаракат қилиб, аллақачон мактаб тажрибасини ёйиш имкониятларини ўрганмоқда.

Окленддаги Newton Central мактабида мен мактаб директори Хоана Пирсон билан учрашдим. У дунёни одамларнинг муносабатлари орқали ҳис қилади. Унинг учун таълим жараёнининг қўл етмас иштирокчилари йўқ, консультация, диалог ёки ҳамкорлик воситасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар йўқ. Унинг иссиқ қучоғидан ҳеч ким қочиб кетолмайди. Битта яхши жиҳозланган синфдан иккинчисига ўтиб борар эканмиз, у бизга учраётган ўқувчиларнинг исмини айтиб саломлашар, идеал тозаликка риоя қилиб, ерда ётган чиқиндиларни саватга соларди. Newton Central ўзида таълимни ва бикультурализм (қўшмаданиятчилик) ва Вайтанга Шартномаси – маори вакиллари ҳамда британлар ўртасида XIX асрда имзоланган келишувга чуқур ҳурматни ифода этади.

Newton Central’да таълим жараёнига на ижтимоий-иқтисодий, на маданий чекловлар қўйилган. Бунинг ўрнига мактаб ўз ўқувчиларининг хилма-хиллигидан яхши фойдаланади. Директор Пирсон ўқитувчиларни ҳамкорликка ва инновацияларга ундайди. У одамлар боши-

дан кечираётган муаммо ва қийинчиликларни аниқлаш учун ҳар бир киши билан алоҳида ишлайди. Яна шунчаки танишиш учун эмас, балки бу қийинчиликларнинг сабаблари билан ишлаш учун. У унинг ўқитувчилари ўз олдига юқори мақсадларни қўйишини, бир мақсад йўлида биргалашиб ҳаракат қилишини ҳамда биргаликда ҳар битта боланинг ҳаётини ўзгартириш мумкинлигига ишонишини истайди.

Хоана Пирсон бу жараёни бошлаб юборди, Янги Зеландиянинг либерал ва инновациялар учун очиқ таълим тизими эса унга буни амалга оширишга имкон яратиб берди. Унинг таълим муассасаси мактаб автономияси ишининг яхши намунаси ҳисобланади ва Янги Зеландиянинг жуда кўп мактаблари нима сабабдан PISA топ ўринларига киришини изоҳлаб беради.

Янги Зеландиянинг вазифаси – ҳамма мактабларни шу даражага кўтариш, юқори натижаларни ҳамма жойга тегишли амалиётга айлантиришдир. Мен баъзи директорлардан яхши ўқитувчиларни жалб этиш, ривожлантириш ва ушлаб қолиш осон эмаслигини, ресурсларни бошқариш ва бошқа мактаблар билан ҳамкорлик қилишда муаммолар борлигини эшитдим. Янги Зеландиянинг имтиёзли мактабларида вассийлик кенгаши катта ёрдам кўрсатади. У истеъдодли директорларни танлайди, четдан мутахассислар, юристлар, ҳисобчилар ва мактабда ўз-ўзини бошқаришни ташкил қилиш учун раҳбарларни жалб қилади. Аммо ноқулай шароитга эга туманларда жойлашган мактаблар учун вассий топиш мушкул. Ҳатто уларни топган тақдирда ҳам, бу вассийлар сифатли бошқарув, назорат ва зурурий ресурслар билан таъминлашлари амримаҳол. Бундан ташқари, улар мактабни етарли даражада самарали бошқармайдиган директорни жавобгарликка тортмайдилар.

Янги Зеландия тизими бу вазиятни маъмурий йўл билан ҳал қилиши керакмас. Яхшиланиш шунчаки бошқа мактабларда содир бўлаётган ишларни тушуниш орқали амалга ошиши мумкин. Шу маънода профессионал ҳаракат эркинлиги ҳамкорлик қилиш маданияти билан мустаҳкамланиши лозим. Ўқитувчилар мустақиллик олишлари мумкин, бироқ уларни тақдир ҳукмига топшириб қўйиш мумкин эмас. Улар профессионаллар жамоасида ишлаши, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий ходимлардан ёрдам олиши керак. Янги Зеландия бошқа педагоглар ўқув дастуридаги ўзгаришлардан ёки ўқитиш ишининг янги усулларида максимум фойда олишларига ёрдам бериш учун ўзининг

яхши ўқитувчиларига, барча мактаблар самарали стратегияларни жорий қилишлари учун ўзининг яхши директорларига эга бўлиши лозим.

Маълум нуқтаи назардан бу мамлакатда биринчи бор таълим стандартларининг боғловчи тизимини жорий қилган Янги Зеландия ҳукумати бу стандартларни татбиқ этиш учун ўқитувчилар ва мактабларга ўқувчилардаги ўсишни кузатиш инструментларини тақдим этди. Бироқ барча қарорлар уларни амалга ошириш учун энг кўп имкониятга эга бўлган жойдагидек қабул қилинмас экан, таълим тизимининг барча даражаларида ҳар бир мактаб миллий таълим стандарти айнан унинг учун қандай аҳамиятга эга эканини тушунадиган стратегик фикрлаш ва режалаштириш жараёни пайдо бўлиши учун жуда кўп вақт керак бўлади.

Ўқитувчилар касаба уюшмалари ўзларига қўшимча ташқи ҳисобдорлик ҳамда ўқитувчилар ва директорларнинг ижодкорлиги, шунингдек, профессионаллигига ўрин қолдирмайдиган меҳнатни ташкил қилишнинг фабрикага хос типини юклашидан хавотирланиб, янги стандартларни жорий қилишни ва улар шаффофлигини инкор қилади. Агар таклиф қилинган баҳолаш инструментларининг хусусияти ўрганилса ва уларнинг профессионал баҳолашга ўта боғлиқлиги ҳисобга олинса, бу хавотирлар асоссизга ўхшайди, бироқ улар муҳокамаларда кўп бор жаранглади. Эҳтимол, мустақилликни қадрлайдиган, бироқ ўз мактабини миллий тизимнинг бир бўлаги деб ҳисоблайдиган ва стандартлардан ҳамкасбларининг ривожланиши ва узлуксиз камолоти учун фойдаланадиган ҳамда уларга риоя қиладиган Хоана Пирсон каби директорлар ҳали жуда оз бўлса керак.

Ота-оналарни жалб этиб

Жамиятнинг мактаб ҳаётида янада кенгроқ иштирок этишини таъминлашга қаратилган сиёсат мактаб ҳудуди билан чегараланиб қолмаслиги керак. Ота-оналар ва маҳаллий ижтимоий гуруҳлар билан ўзаро алоқа муҳитини яратиш – бундай интеграция жараёнининг асосидир. Агар ўқитувчи ва ота-оналар ўртасида ишончли муносабатлар ўрнатилса, мактаблар ўқувчиларнинг когнитив ва ижтимоий-эмоционал компетенцияларини ривожлантиришда ота-оналарга худди қимматли сафдошларга ишонгандек ишонса бўлади. PISA маълумотлари кўрсатганидек, агар директорлар ота-оналар болаларига ўқишда мун-

тазам ёрдам кўрсатишини қайд қилаётган бўлса, мактабда қолоқ ўқувчилар сони камаяди¹⁷.

Чэндудаги қишлоқ мактаби директори баъзи ота-оналарнинг ўзларида ҳеч қандай маълумот йўқлигини ҳисобга олган ҳолда қандай қилиб уларни болаларининг таълим олишига жалб қилишни уддалаганини айтиб берди. У мактабидаги бошқа ўқитувчилар каби, болалардаги ўсишни муҳокама қилиш учун ота-оналарга ҳафтасига икки марта қўнғироқ қилишини айтди. Муаллима ота-оналар билан нафақат болаларнинг мактабдаги ютуқлари ҳақида, балки анча-мунча умумий нарсалар ва ота-оналарнинг бурчлари ҳақида гаплашар экан. Бунга қандай қилиб вақт топишига қизиққананда, у менга ҳайрон бўлиб қаради ва ҳеч қачон буни ортиқча юк деб ҳисобламаганини, аксинча, ота-оналарнинг ёрдамисиз у ҳеч қачон ўзининг ўқитувчилик ишини уддалай олмаслигини айтди. Мактаб тизими ҳам аввало ҳафтасига ўн беш соат дарс бериб, ўқитувчининг синфдаги иш вақтини чеклаш билан унинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Танлаш эркинлиги ва тенглик ўртасидаги мувозанат

Кўпчилик мамлакатлар ўз боласи учун мактаб танлаш масаласида ота-оналарга кўпроқ эркинлик ва имконият беришга интилиб, мактабларнинг юқори сифатлилиги ва ҳаммабоплигига кўмаклашиш зарурияти ўртасидаги мувозанатни топишга уринишади.

Гарчи юқори даражадаги автономия юқори самарага эга таълим тизимларининг таянч хусусиятига ўхшаб кўринса-да, тизимларнинг ўзи бу автономияни қандай бошқараётганлиги билан қаттиқ фарқ қилади. Иш автономияни танлаш эркинлиги ва танлашни тенглик билан қўшиб олиб боришгача етса, улар кўп ҳолларда турли ёндашувларга амал қилади. Масалан, Англия ва Шанхай бозор механизмларидан фойдаланади, аммо айни пайтда инглиз тизими ота-оналарнинг истак-хоҳишига мос келишга ҳаракат қилади ва асосан талабга қараб иш тутади. Шанхай модели кам таъминланган туманлардаги мактабларга энг яхши ресурсларни тақдим этиш тамойилига асосланади. Финляндия ва Гонконг мактаб автономиясига эътибор қаратади, бироқ Финляндияда бу мустақиллик давлат мактабларининг ишлаб чиқилган тизими доирасида амалга оширилади, Гонконгда эса мактаблар бир

мунча кенг ваколатларга эга мустақил мактаб кенгашлари томонидан бошқарилади. Айрим мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ҳам танлаш имкониятини, ҳам тенглаштирувчи механизмларни кучайтиришди. Масалан, Англияда маҳаллий миқёсда мустақил бўлган ва бевосита Таълим вазирлиги томонидан молиялаштириладиган академиялар¹⁸ сонини кўпайтиришди. Айни пайтда Англияда молиявий грантлар жорий қилинди, улар ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятидан¹⁹ келиб чиқиб, мактабларга қўшимча ресурсларни тақдим этади. Айрим мамлакатларда хусусий мактабларни давлат қарамоғидаги мактаб ёки бюджет маблағларидан бир қисмини оладиган мустақил мактаб сифатида миллий таълим тизимига киритишган.

Мактабни эркин танлаш тарафдорлари таълим хизмати сифати, педагогик услублар, диний қарашлар, мактабларнинг транспорт ёки молиявий жиҳатдан енгилликларга эга эканлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқий чеклашлар, молиявий ва жуғрофий тўсиқларга қарамай ота-оналарнинг болаларни ўзлари истаган мактабга бериш ҳуқуқини ҳимоя қиладилар. Қуйидаги ғоя ана шунга асосланган: бутун мактаб тизими доирасида ўқувчиларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун кўпроқ имкон яратиб, муваффақиятсизликка учраш хавфини пасайтириш ва тизимнинг қадрини жиддий ошириш мумкин. Имконият кўп бўлса, демак, мусобақалашув ҳам кўп бўлади, шундай экан, мактаблар енгилликларни жорий қилиш, экспериментлар ўтказишни бошлайди, янада самаралироқ ишлаб, таълим сифатини ошира боради. Бундай ёндашув тарафдорлари жамиятнинг ижтимоий ва маданий хилма-хиллигини ошириш таълим маконини кўпроқ диверсификациялашни, эҳтимолки, ҳатто таълим жараёнига таълим хизмати кўрсатишнинг ноанъанавий таъминотчилари ва савдо компанияларини тортишни талаб этади, деб ҳисоблайди.

Мактаб танлашга қаршилар, имкон топилди дегунча, яхши таъминланган оилалардан чиққан ўқувчилар оддий умумтаълим мактабларини тарк этадилар ва бу нарса ижтимоий ва маданий сегрегациянинг (ирқий камситилишнинг) кучайишига олиб келади, деб таъкидлайдилар. Улар яна унинг асосида ресурслар тақсимланадиган қиймат мусобақасининг назарий моделига ўта боғлиқликни ҳам нотўғри, деб ҳисоблайдилар. Юқори даражадаги бу сегрегация болаларни ҳар хил ижтимоий қатлам ва бошқа маданиятлардан чиққан болалар билан ўқиш ва мулоқот қилиш имкониятидан маҳрум қилиши мумкин, бу,

Ўз навбатида, жамият тузилишига таҳдид солади. Мактаб танлашни танқид қилувчилар бундай тизим давлат маблағларини хусусий ва тижорат компанияларига буриб юборади, давлат мактабларини шароити оғир ўқувчиларнинг хийла катта гуруҳларига зарурий таълим сифатини тақдим этиш учун етарли даражада маблағ ажратилишидан маҳрум қилади ва бу ўзлаштириши паст ўқувчилар сонининг ортишига олиб келиши мумкин, дейишади.

Далиллар яқиндан кўриб чиқилса, ҳаммаси бир хил эмаслиги аён бўлади. Масалан, Гонконгда таълим тизими бозор қонунлари асосида қурилган, шундай бўлса ҳам у ўқувчиларнинг юқори натижаларини юқори даражали тенг таълим имкониятлари билан мослаштиришнинг уддасидан чиқди.

Гонконгдаги таълим ислоҳоти

Гонгконгда мактаб таълими илгари хайрия ишлари ҳисобидан молиялаштириларди. Фақат XX асрнинг 60-йилларида, иқтисодиёт мустақамлана бошлагачгина, давлат таълимга маблағ ажрата бошлади. Кўпчилик мактаблар хусусий компаниялар томонидан бошқарилгани боис, давлат камдан-кам ҳоллардагина таълимга бевосита аралашарди. Ота-оналар таълим ташкилотларига нафақат ўз болалари учун мактабни эркин танлаш йўли билан, балки маҳаллий бошқарув органлари орқали ҳам катта таъсир ўтказдилар. Ота-оналар мактаб кенгашларида, ўқитувчилар бирлашмаларида ва мактаб билан ҳамкорлик қўмиталарида иштирок этадилар. 2012 йили Гонконгда бўлганимда ўша пайтдаги таълим бюроси раиси Черри Цзэ мактабларда юз бераётган воқеаларга ота-оналар унинг ташкилотидан кўра кўпроқ таъсир этишини айтди. Мактабларга ўтказилаётган босим устига юқори натижаларни талаб қиладиган интернет-ҳамжамятнинг таъсири ҳам қўшилди.

Деярли барча етакчи газеталар мактаблар атрофида бўлаётган қайноқ баҳс-мунозаралар ҳақида хабар беришади. Ying Wa қизлар мактаби директори Рут Ли (Гонконгнинг мен кўрган энг сара мактабларидан бири) директорлар ва ўқитувчиларга асосий эътиборни ҳар томонлама ривожланган болалар тарбиясига қаратиш ва уларнинг ота-оналарига университетга киришдан кўра узоқроққа қарашга ёрдам бериш билан ҳар куни маъмурият, ота-оналар ва ҳамкасблар ол-

дидаги ҳисобдорлик ўртасида нечоғлик мувозанат сақлашга тўғри келаётгани ҳақида гапириб берди.

Лекин бу нарса таълим давлатнинг устувор жиҳати эмаслигини билдирмайдими? Аксинча, Гонконг таълимга бюджет маблағларининг 23 фоизини сарфлайди. Бу Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ҳар қандай мамлакати сарфлайдиган маблағдан кўра кўпроқдир. Яна шуниси қизиқки, Таълим бюроси – таълимни ривожлантиришдан манфаатдор ягона орган эмас. У ҳар бир давлат ташкилотининг кун тартибида бор. Масалан, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш марказий бўлими бошлиғи ўринбосари Робин Ип, педагог-кадрларни тайёрлаш – энг муҳим институтлараро иш эканини тушунтирди. Унинг бўлими ҳукуматга қандай қилиб Гонконг молия соҳаси, савдо ва денгизда юк ташиниш бўйича устунликни сақлаб қолиши, янги йўналишларни (жумладан, таълимни) ва материкдаги Хитой билан иқтисодий ҳамкорликни қандай ривожлантириши мумкинлиги хусусида маслаҳатлар беради.

Коррупцияга қарши курашиш Мустақил комиссияси директори ўринбосари Ху Вай Чи унга қарашли ходимларнинг бешдан бир қисми таълимий ва ижтимоий институтларга йўналтирилгани ҳақида гапириб берди. Бу тадбирдан мақсад – коррупция билан курашиш эмас, балки қонунга ва уни ҳимоя қилувчи муассасаларга ишонч муҳитини яратиш йўли билан унинг олдини олишдир. Шу билан бирга, у қонунга бўлган ишончни мустаҳкамлайдиган, муомала маданиятига хос ахлоқий муаммоларни ҳал қиладиган ва одамларни қамоққа жўнатиш эмас, балки ҳуқуқий тартибни сақлаб турадиган орган сифатида комиссия ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга кўмаклашадиган ўқув дастурини ишлаб чиқишни назарда тутди.

2012 йил Гонконг таълим тизими учун алоҳида йил бўлди, чунки бу янги стандартлар бўйича ўқишни тугатган биринчи битирувчилар йили эди. Ўтказилган ислоҳот ўқувчиларга каттагина таълим имкониятларини берди, шунингдек, таълим мақсадлари ўрнини далилларни эслаб қолишдан компетенцияларни ривожлантиришга алмаштириб, иқтисодиёт талабларига хизмат қилишдан шахс имкониятларини ишга солишга ўтди ва диққат-этиборни ўқитувчидан ўқувчига қаратди.

Таълим дастурининг кенг қамровлиги ва мослашувчанлиги интеллектуал, ижтимоий, ахлоқий, жисмоний, эстетик жабҳалар, таянч кўникмалар, мушоҳада қилиш кўникмалари, коммуникация малакалари, иш фаолиятида муваффақиятли амалга ошириш учун зарур

бўлган компетенциялар ва кўп маданиятли оламда ўқувчиларнинг муваффақиятига ёрдам берадиган қадриятлар ва ҳаётга муносабатни ривожлантириш ўртасидаги энг мақбул мувозанатни топишга бўлган эҳтиёжни англатади. Ислохотлар, шунингдек, мактабларнинг ўз маблағларини идора қилишда тадбиркорроқ бўлишини кўзда тутди.

PISA маълумотлари Гонконг тўғри йўлда эканини тасдиқлайди: натижалар юқори даражада, бир мунча юқори йўсиндаги кўникма ва ўқувчиларнинг ўз кучига ишончи бобида сезиларли яхшиланишлар бор.

Шунингдек, Гонконг таълим тизимида қатор зиддиятлар мавжудлиги ҳам аниқ. Узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларга эришиш учун нима кераклиги ва ҳозир нимани қилиш маъқуллиги ўртасидаги, глобал ва муайян вазифалар ўртасидаги, таълим дастуридаги ўқув, шахсий, ижтимоий ва иқтисодий мақсадлар ўртасидаги, мусобақа ва ҳамкорлик ўртасидаги, ихтисослаштириш ва индивид талабларини ҳисобга олиш ўртасидаги, билим бериш ва уни яратиш ўртасидаги, ўқитишнинг инновацион мазмуни ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришнинг тор доираси ўртасидаги, эътиборнинг бир хиллик ва ҳар хиллик таъсири ўртасидаги, тақсимот учун баҳолаш ва ривожланиш учун баҳолаш ўртасидаги зиддиятлар каби.

Ҳозирча таълим, маълум даражада сиёсий ва иқтисодий муносабатлар субъектидир. Энди технократлар таълим сиёсатининг мундарижасини белгиламайди. Мазмун келажакда қайта сайланишни мақсад қилган бошқа амалдорлар томонидан шакллантирилади. Чунки ўқитувчилар ва мактаб директорлари — электоратнинг катта ва кўзга кўринган бўлагидир, имтиҳон олиш жараёнини юқори сифат даражасида ушлаб туриш энди оддий вазифа эмас.

Бельгия Фламандлар ҳамжамияти ва Нидерландия ҳам танловга асосланган муваффақиятли таълим тизимларига мисол бўлади²⁰.

Бельгия Фламандлар ҳамжамиятида мактаб танлаш тамойили

Бельгия Фламандлар ҳамжамияти табиий фанлар, ўқиш ва математик саводхонлик бўйича PISA – 2015 лидерлари қаторига кирди, шу билан бирга, ўқувчиларнинг 12 фоизи табиий фанлардан энг юқори натижаларни кўрсатди. Шунингдек, 75 фоиз ўрта мактаб ва 62 фоиз

бошланғич мактаб ўқувчилари давлатга қарашли хусусий мактабларда таҳсил олишади. Бу мактаблар ягона ҳудудий таълим мақсадларига эришишга интилади ва давлат инспекторлари томонидан текшириб турилади. Камдан-кам хусусий мактаб ўзини давлат тизимидан ташқари қўяди, фойда олишга мўлжалланган мактаб умуман йўқ.

Ҳамжамиятда ҳар қандай одамга мактаб очиш, агар Фламандлар ҳамжамиятининг ҳукумат талабларига мос келса, унинг муҳим томонларини эълон қилиш имконини берувчи таълим эркинлиги тамойили амал қилади. Мактаблар кириш тестлари натижаси, ўзлаштириши, эътиқоди ёки жинсига қараб ўқувчи танлаши мумкин эмас. Ота-оналар боласи учун мактаб танлаши мумкин, давлат эса мактабни жон бошига маблағ билан таъминлаш тизими билан ўқувчиларни уйдан транспортда ташиш имконини беришни кафолатлайди. Бироқ мактаблар амалда етарлича сиғимга эга бўлмагани боис, ота-оналар ҳар доим ҳам мактаб танлай олмайди.

Ҳамма мактаблар давлат ҳокимиятлари томонидан бошқарилгани боис улар ғоявий жиҳатдан нейтрал бўлиши, диний дарслар ва дунёвий этикадан бирини танлаш ихтиёрини бериши керак, бу талаб моддий ёрдам кўрсатиладиган хусусий мактабларга тегишли эмас. Бундай мактабларнинг катта қисми диний ташкилотлар, асосан, католик ташкилотлар томонидан бошқарилади, бироқ улар орасида бошқа мактаблар, масалан, ўз методикасига асосан шуғулланадиган вальдорф мактаблари ҳам бор.

Бельгия Фламандлар ҳамжамияти маълум даражада католик мактаб секторига ва бошқа хусусий таъсисчиларга суянса-да, мактаблар ўқувчилар танловини очиқ ўтказолмайдилар, улар диний мансубликка қарамай ҳаммани қабул қилишга мажбурдир. Мактабгача, бошланғич ва ўрта мактабда ўқиш бепул. Бошланғич ва ўрта мактабда пул йиғиш бор, бироқ у қаттиқ тартибга солинади.

Фламанд мактаб тизими – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ичида энг кам марказлашган тизимлардан биридир. Хусусий мактаблар ҳам, давлат мактаблари ҳам етарли даражада мустақил. Уларнинг ўзи ўқитувчиларни ишга олади, ресурсларни бошқаради, педагогик жамоанинг меҳнатга ҳақ тўлаш нормаларини белгилайди. Шунингдек, улар давлат стандартлари минимал талаблари доирасида таълим мазмунини белгилай олади. Мактаблар

турли педагогик ёндашувлардан фойдаланиши мумкин. Натижада мактаблар ўртасида юқори даражадаги рақобат пайдо бўлган.

Кейинги йилларда шаҳар мактабларидаги ижтимоий-иқтисодий хилма-хилликнинг салбий таъсирини пасайтириш учун мактаб танлаш эркинлигини тартибга солишга уринишлар тезлашгани кузатиляпти. Тенг таълим имкониятларини тақдим этишга уринишлар ҳали 2003 йилдаёқ бошланиб, кейинги йилларда ҳам давом этди. Ўтган йиллар тажрибасини ҳисобга олиб, 2011 йилда тайёрланган буйруққа асосан ўз имкониятидан кўра кўпроқ ариза келиб тушган мактаблар туманнинг ижтимоий-иқтисодий таркибига пропорционал равишда ўқувчиларни қабул қилиши керак. Қонун бажарилиши устидан назорат қилиш барча манфаатдор томонларнинг бу амалиётни қўллаб-қувватлаш даражасини оширишга имкон берадиган музокаралар платформасидан фойдаланувчи маҳаллий ҳокимиятларга юклатилган.

Бельгия Фламандлар ҳамжамияти мактаб танлаш имконияти туфайли кўплаб устунликларга эга бўлади: масалан, қўлланаётган педагогик услубларнинг кенг кўлами мактаблар ўртасидаги рақобатни кучайтириш орқали таълим сифатига бўлган иштиёкни қўллаб-қувватлайди. Бироқ мактаблар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий бўлинишнинг нисбатан юқори даражаси ва оила мақомининг таълим натижаларига кучли таъсири сабабли улар ютқазади. Шунга қарамай, тизим ҳамма жойда баъзи бошқарув элементлари ва мажбурий ҳисобдорликни жорий этиш билан ижтимоий тақсимот даражасини пасайтиришда муваффақиятга эришди. Мақсадли натижалар мутлақо миллий мажбурий таълим дастури эмас, балки таълим сифатига кўмаклашиш ишида мактаблар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Мактаблар самарадорлигини текшириш ва мониторинг қилиш мунтазам олиб борилади. Ягона имтиҳон тизими йўқ, лекин таълим тизими ва мактаб даражасида фанлар бўйича текшириш ишлари бор, улар таълимнинг умумий сифатини баҳолаш имконини беради. Хусусий ва давлат мактаблари ҳар қандай текширув олдида тенгдир.

Нидерландия мактаблари натижаларидаги фарқлар (мактаблар ўртасида ҳамда ҳар бир мактаб ичида)

Бельгия Фламандлар ҳамжамияти сингари Нидерландия ҳам юқори натижаларни кўрсатмоқда, 15 ёшли ўқувчиларнинг ҳар учтадан иккитаси давлат томонидан молиялаштириладиган хусусий мактабларга қатнайди. Шунингдек, тизим педагогик ёндашувларнинг ранг-баранглигини рағбатлантиради, бунда турли диний конфессиялар (черковлар), ижтимоий-иқтисодий тузилмалар томонидан бошқариладиган мактаблар кўп. Бироқ натижалардаги тарқоқлик ҳам катта – 2015 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ичида бу тарқоқлик табиий фанлар бўйича энг катта эди (натижалардаги 65 фоиздан ортиқ тарқоқлик мактаблар ўртасидаги натижаларда мавжуд бўлган фарқлар билан изоҳланади).

Нидерландияда жуда паст даражада марказлашган таълим тизими мавжуд. Мактаб автономияси 1917 йилда қабул қилинган Конституция билан кафолатланган эркин таълим тамойилига асосан қурилади. У ҳар қандай кишига мактаб очиш, билим беришда ўзининг таълимий, диний ва ғоявий тамойилларини аниқлаган ҳолда ўқитиш имконини беради. Одатда, ота-оналар ўз болалари учун мактаб танлай оладилар (гарчи бола бошланғич мактабни тугатганида бу танлов таълим соҳаси экспертларининг фикри билан чекланса-да). Ўқувчилар ижтимоий таркибидаги номувофиқликдан қочиш учун маҳаллий ҳокимият ўқишга қабул қилишни маълум даражада назорат қилади.

2011 йилда ҳар учинчи ўқувчи давлат ёки католик мактабига ўқишга кирди, ҳар тўртинчи бола протестантлар мактабида, қолганлари эса давлат олдида ҳисобдор бўлган бошқа турдаги хусусий мактабларда таҳсил олди. Давлат мактаби ҳаммани қабул қилаётган бир пайтда, давлатга ҳисобдор хусусий мактаблар мактаб ихтисослашувига тўғри келмайдиган ёки унинг тамойилларига қўшилмайдиган ота-оналарга рад жавобини бериши мумкин.

Голланд таълим тизимининг ўзига хос хусусияти – бу мактаб кенгашларининг борлигидир. Ушбу бошқарув органлари ўзлари бошқараётган мактаблардан кўра кўпроқ ваколатга эга. Улар кўрсатмаларнинг мактаб томонидан бажарилишини назорат қилади, ўқитувчи ва бошқа ходимларни ишга олади. Авваллари давлат мактаблари, асосан, маҳаллий ҳокимият томонидан бошқариларди, аммо кейинги пайтларда ва-

колатлар кўпроқ мустақил мактаблар кенгашларига бериляпти. Кенгаш таркибига кўнгилли сифатида гонорар олувчи номутахассислар ҳамда маош олувчи мутахассислар кириши мумкин.

Мактаб кенгашларининг роли Нидерландияда муҳокама учун мавзудир. Ижтимоий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг яқинда берган ҳисоботи²¹ бошқарув шаффофлигини кучайтириш ва кенгашлар фаолиятига ҳисобдорликни жорий этиш, кенгаш ва директор ҳуқуқи ҳамда ролини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатиб берди.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳукумат мактабларга қўшимча ваколатлар берди. Хусусий ташкилотлар маҳаллий давлат мактаблари устидан назорат қилишни ўз қўлларига олди (шу билан бирга улар давлат мактаби мақомини сақлаб қолди). Бир марталик субсидия асосида молиялаштириш киритилди, бу мактаб кенгашларига молиявий қарорларни мустақил қабул қилиш имконини берди. Ва аксинча, миллий таълим стандартлари қабул қилиниши ва давлат имтиҳонлари киритилиши натижасида бир қадар марказлашиш юзага келди. Мактаб кенгашларининг бир-бирига қўшилиб кетиши юз берди, чунки йирик кенгаш нисбатан профессионал ва молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади.

Марказлаштирилмаган голланд таълим тизимида диний ташкилот ва бирлашмалар, агар уларга қарашли мактаблар давлат қарорларини бажарса, давлат маблағларини олади. Хусусий ва давлат мактаблари қабул қилинган ўқувчилар сонига пропорционал бир марталик тўлов кўринишида тенг миқдордаги маблағга эга бўлади. XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб мактаблар эҳтиёжманд болалар учун қўшимча маблағ оляпти, чунки уларни ўқитишга кетадиган сарф-харажатлар миқдори юқори, деб тахмин қилинади. 2006 йилдан бери бундай тўловга ота-оналарнинг маълумотга эгалиги асос бўлди, унгача иммигрантлик мақоми асос қилиб олинарди.

Давлат томонидан молиялаштириладиган мактабларга ўқитгани учун тўлов ундириш ёки фойда олиш ман қилинганига қарамай, улар бизнесдан ёки ота-оналардан эҳсон олиши мумкин. Бундай эҳсонларни хусусий мактаблар давлат мактабларидан кўра кўпроқ олади. Давлат томонидан молиялаштириладиган хусусий мактабларга танлов ўтказиш тақиқланади, аммо қабул вақтида номзодларнинг ота-оналаридан мактаб устави ва қоидалар мажмуи остига имзо чекишни сўраши мумкин.

Бельгия Фламандлар ҳамжамиятида бўлгани каби, Нидерландияда ҳам ота-оналарга кенг танловни таклиф қилишади ва умуман олганда ҳаққоний деб ҳисобланадиган моделларга асосан мактаб ташкил қилган хусусий корхоналарни молиялаштиришади. Тизимнинг юқори натижаларга эришаётганини қисман унинг ранг-баранглиги, мактаблар ўртасидаги катта рақобат ва мактаб кенгашлари, директорлар ва ўқитувчиларнинг юқори даражада мустақиллиги билан изоҳлаш мумкин. PISA натижалари кўрсатган мактаблар ўртасидаги тарқоқлик жуда катта бўлишига қарамай, таълим имкониятларининг тенглиги барибир Фламандлар ҳамжамиятидагига қараганда юқоридир. Ҳисобдорлик тизими муваффақиятли ишлайди, ўқитувчилар профессионал ҳисобланади, мактаб таълими сифатининг нисбатан бир хиллиги миллий имтиҳонларни ўтказишга имкон беради.

Мактабларни танлаш

Мактаб танлаш тизими Бельгия, Гонконг ва Нидерландияда муваффақият билан ишлаётган бир пайтда, бундай механизмларни Чили ва Швецияда жорий қилишда яхшиланишлар кўзга кўринмагани ҳолда, таълим имкониятлари тенгсизлигининг кучайишига олиб келганга ўхшайди. 2015 йилнинг май ойида биз таълим вазири Густав Фридолин ва ўша пайтдаги юқори синфлар мактаби ва узлуксиз таълим вазири Аида Хадзиалик²² билан буни тасдиқлайдиган ҳисоботни тақдим этаётгандик. Бундан беш йил илгари, 2010 йилда мен Стокгольмдаги Европа мэрлари саммитида нутқ сўзладим ва Швеция аралашишнинг аниқ структураси ва имкониятини назарда тутмайдиган танлаш эркинлиги ва мустақилликка эътибор қаратаётгани ва бу, ўз навбатида, швед таълим тизимининг узоқ муддатли ривожланиши ва сифатига хавф солиши тўғрисида гапирдим. Саммитда иштирок этаётган шведлар мени лол қолдириб, улар учун танловни тақдим этиш аҳолининг барча талабларига муҳим жавоб бўлишини айтишди.

Ҳар доим маълумотларни ва қарор қабул қилишнинг сиёсий контекстини муфассалроқ ўрганса арзийди. Ота-оналар танловининг эркинлик даражаси, худди мактаблар ўртасидаги рақобат даражаси каби, мамлакатлар ва ижтимоий гуруҳлар бўйича қаттиқ ўзгаради.

PISA – 2015 тадқиқотида ота-оналар сўровномаси маълумотлари қайд қилинган 18 та мамлакат ўқувчилари ота-оналарининг 64 фоизи

уларда бошқа мактаб танловининг камида яна битта варианти бўлганини айтишди. Бироқ бу фоиз мамлакатлар бўйича тубдан фарқ қилади²³. Қишлоқ мактаблари ва шароити оғир туманлардаги мактаб ўқувчиларининг ота-оналари шаҳар ёки устунликка эга туманларнинг аҳолисидан кўра танлов имкониятининг камлиги ҳақида хабар беришди.

Шунингдек, PISA тадқиқоти мактаб танлашда қайси параметр муҳимроқлиги масаласини қўйди. Жавоб вариантлари ичида мактаб берадиган таълим сифати, ота-оналарнинг у ёки бу мактабда ўқитиш хусусидаги маблағга боғлиқ фикр мулоҳазалари, мактаб фалсафаси ва вазифаси, мактабдан уйгача бўлган масофа бор эди. 18 та мамлакатнинг ҳаммасида ота-оналар ўқувчиларнинг академик ютуқларини эмас, балки мактаб муҳитининг хавфсизлиги, мактаб нуфузи ва мактабдаги ижобий эмоционал иқлимни биринчи ўринга қўйишди²⁴.

Шу билан бирга, шароити ёмон туманларда, қишлоқ ва/ёки давлат мактабларида ўқийдиган болаларнинг ота-оналари мактабгача бўлган масофани шароити яхши шаҳар ва/ёки хусусий мактабларда ўқийдиган болаларнинг ота-оналарига қараганда энг муҳим мезон, деб ҳисоблайдилар. Мактабгача бўлган масофани муҳим, деб ҳисоблайдиган ота-оналарнинг болалари бундай ўйламайдиган ота-оналарнинг болаларига нисбатан анча паст натижаларни намойиш қилдилар. Кам харажатларни муҳим ёки жуда муҳим, деб ҳисоблайдиган ота-оналарнинг болалари ўртасида ҳам худди шу нарса кузатилди. Бундай ўқувчилар табиий фанлардан ўртача 30 балл кам тўплашди (деярли бир ўқув йилига мувофиқ келади). Шароити ёмон туманлардаги давлат мактаблари ўқувчиларининг ота-оналари мактаб танлашда шароити қулай туманлардаги хусусий мактабларда ўқийдиган болаларнинг ота-оналаридан кўра кўпроқ харажатларнинг камлиги муҳим, деб ҳисоблашади. Шароити оғир туманларда яшовчи болаларнинг ота-оналари, ҳатто уларда бундай маълумотларни олиш имкони бўлса ҳам, натижадорлик кўрсаткичларига асосланадиган мактаб танловида қийинчиликка дуч келишади, дейишга асос бор. Эҳтимол, уларда турли мактабларни кўриб чиқишга вақт йўқдир. Ёки танлаган мактаблари транспорт борасида қулай эмасдир, ёки болаларини узоқроқ мактабга олиб бориб келишнинг имкони йўқдир.

Таълим тизимидаги рақобат даражаси ва хусусий мактаблардаги ўқувчилар сонининг ўзаро нисбати мувофиқ келиши мумкин, бироқ тўғридан-тўғри боғлиқ бўлолмайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича 15 ёшли ўқувчиларнинг

ўртача 84 фоизи давлат мактабларида, 12 фоизи давлатга қарашли хусусий мактабларда, 4 фоизи мустақил хусусий мактабларда ўқийди. Давлат-хусусий мактабларига қабул қилинган 12 фоиз ўқувчиларнинг 38 фоизи черков ёки диний ташкилотлар томонидан бошқариладиган мактабларда, 58 фоизи бошқа нотижорат ташкилотлар томонидан бошқариладиган мактабларда ва 8 фоизи тижорат ташкилотлари томонидан бошқариладиган мактабларда ўқийдилар. Ирландияда 15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаммаси черков бошқарадиган хусусий мактабларга боради, Австрияда бошқа нотижорат ташкилотлар томонидан бошқариладиган мактабларда, Швецияда эса ўқувчиларнинг ярмидан кўпроғи тижорат ташкилотлари бошқарадиган мактабларда ўқийдилар²⁵.

Давлат, хусусий ва давлат-хусусий мактаблар

Хусусий мактабларда ўқувчилар сонининг ортиб бориши кўпинча таълимни хусусийлаштириш сифатида кўрилади ва таълимни жамият бойлиги сифатида тушунишдан бош тортиш ҳисобланади. Аммо биз бундай боғлиқликни ўрнатишда жудаям шошқалоқмиз. Таълим тизимининг катта қисми хусусий мактаблардан иборат бўлган мамлакатларда мактаблар юридик жиҳатдан хусусий бўлса-да, уларга давлат мактаблари сифатида қаралади. Бу, хусусий бўлишига қарамай, улар ижтимоий вазифани бажаришга ёрдам беради ва ўзини давлат таълимининг бир бўлаги ҳисоблайди, деганидир. Масалан, улар қисман ёки тўлиқ миллий таълим дастурига амал қилиши ва таълим сифатини таъминлаб, унинг ижтимоий вазифасини бажариши мумкин. Хусусий мактаблар шароити оғир оилаларнинг болалари учун таълим имкониятлари тенглигини қандай кўтараётганига мисоллар кўп.

Давлат таълим сиёсатининг бошқа жабҳаларида хусусий ва давлат мактаблари ўртасидаги чегара кўпинча ювиб юборилади. Кўп соҳаларда давлат-хусусий шериклиги мавжуд, шундай экан, нима сабабдан таълим истисно бўлиши кераклиги сабабини топиш мушкул иш. Бошқа бир масала ундан-да қизик: давлат таълим сиёсатининг мақсадларига, масалан, барча ўқувчиларга юқори сифатли таълимни тақдим этишга, ҳамма жойда қандай эришиш мумкин?

Мактабни эркин танлаш танқидчилари хусусий мактабларнинг кўпчилиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади, дейишади. Би-


роқ PISA маълумотлари мамлакатдаги хусусий мактаблар билан тизимнинг самарадорлиги ўртасида ўзаро алоқа мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олгандан кейин кўп мамлакатларнинг хусусий ва давлат мактаблари натижаларида жиддий фарқлар кузатилмайди, бундай фарқлар мавжуд бўлган жойларда улар кўпинча давлат мактаблари фойдасига бўлади. Шунингдек, тизим даражасида натижалар тенглиги хусусий мактаблардаги ўқувчилар сонига боғлиқ эмас. Давлатга қарашли хусусий мактаблардаги ўқувчилар сони ва уларнинг юқори натижалари орасидаги боғлиқлик, асосан, бу мактаблар мустақиллик даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу муҳим, чунки мактабни эркин танлашга қарши кишилар кўпинча кўп сонли хусусий мактаблар тизимини мактаблар бўйича кучли рақобат ва сегрегация (камситилиш) кучаядиган квазитаълим “бозорига” айлантиради, деган далилни келтиришади. Улар яна хусусий мактаблар учун давлат маблағларини олиш имкониятини кўпайтириш мактаблар ўртасида катта тенгсизликка ва таълим натижаларидаги тафовутнинг ошиб кетишига олиб келади, дея даъво қилишади. Бироқ шундай бўлса-да, мамлакат миқёсида хусусий мактаблар сони ва улар сонига қўшимча қилиш мумкин бўлган PISA натижаларининг тарқоқлик даражаси ўртасида боғлиқлик йўқ.

Эҳтимол, хусусий мактабларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши шубҳа-гумон ва баҳсларга кўпроқ сабаб бўлса керак. Финляндия, Гонконг, Нидерландия, Словакия ва Швецияда хусусий мактабларнинг директорлари 90 фоизгача маблағни давлатдан олишларини айтишган. Бельгия, Германия, Венгрия, Ирландия, Люксембург ва Словенияда бу улуш 80 фоиздан 90 фоизгачани ташкил этади. Қиёслаш учун: Греция, Мексика, Буюк Британия ва АҚШда хусусий мактабларни молиялаштиришнинг 1 фоизга яқини давлатга тегишли. Янги Зеландияда давлат маблағлари улуши 1 фоиздан 10 фоизгача ўзгаради²⁶. Хусусий мактаблар кўпроқ давлат маблағини оладиган мамлакатларда мактабларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ўртасидаги фарқлар даражаси кам эканлиги эътиборга лойиқдир (диаграмма 4.5). Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида ушбу параметр бўйича 45 фоиз оғишлар хусусий мактабларни давлат томонидан молиялаштириш даражаси билан изоҳланиши мумкин. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг барча иштирокчи-давлатлари бўйича бу улуш 35 фоизни ташкил этади.

4.5. ДИАГРАММА

ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛСА,
БАРЧА ЎҚУВЧИЛАР УНДАН ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН.

ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАДИГАН
МАКТАБЛАРДА ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ УЛУШИ, %



ДАВЛАТ МАКТАБЛАРИ ВА ХУСУСИЙ МАКТАБЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ СОҲАСИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ (ХУСУСИЙ – ДАВЛАТ)

Мақтаб танлаш эркинлиги ва хусусий мактабларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши натижасида юзага келадиган салбий таъсирни, айниқса, ўқувчиларнинг сегрегация ва стратификация даражасини пасайтириш учун ҳар хил мамлакатларда молиявий компенсация механизмини қўллашади. Масалан, Чили, Бельгия Фламандлар ҳамжамияти ва Нидерландияда ўқувчининг ижтимоий-иқтисодий ва унинг таълимий эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда жон бошига қўшимча молиялаштириш схемаси мавжуд. Бундай схемалар кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчиларни, уларга таълим-тарбия беришни мактаблар учун янада жозибали қилиш мақсадида, қўллаб-қувватлашга қаратилган. Энг муҳим таълим зоналари сингари, аниқ ҳудудларни қўллаб-қувватлаш схемаси Франция ва Грецияда аниқланган ва ўзлаштиришда катта тафовутларга эга айрим жойлардаги кам самара берадиган мактаблар тўпланиб қолган мактаб тизимларида кузатилади. Бельгияда давлатга қарашли хусусий мактаблар – мамлакатда бундай мактаблар кўп – давлат мактаблари қандай ҳажмда маблағ олса, худди ўшанча маблағ олади. Уларга ўқитганлик учун тўлов ундириш тақиқланган.

Таълим ваучерлари хусусида келиб чиқадиган муаммолар

Шунингдек, хусусий мактабларга давлат маблағларининг келиб тушиш механизмига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Механизмлардан бири – ота-оналарга топшириладиган таълим ваучеридир. 2009 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 22 та мамлакатидан 9 таси давлатга қарашли хусусий бошланғич мактабларда ўқувчилар сонини кўпайтириш учун ваучерлардан фойдаланаётгани ҳақида хабар берди. Бу мамлакатларнинг бештасида ваучерни фақат кам таъминланган оилаларнинг болаларига беришди. 24 та мамлакатнинг 11 тасида ваучерлар механизмидан ўрта мактабда фойдаланишади, 7 тасида фақат ўта қашшоқ болаларга ваучер беришади. Юқори синфларда 11 та дастурнинг бештасида ваучерларни муҳтож оилаларга йўналтиришади. Сўровнома ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг 7 тасида умумий таълимнинг барча даражаларида ваучердан фойдаланишади²⁷. Болаларнинг ўқишига сарфланган сумма миқдорида ота-оналарга солиқни камайтириш имконини берадиган солиқ чегирмасидан ваучерга нисбатан камроқ

фойдаланилади. 2009 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 26 та мамлакатидан фақат учтаси давлатга қарашли хусусий мактабларга қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун солиқ чегирмаси тизимидан фойдаланишларини айтди²⁸.

Барча ўқувчилар учун фойдаланилганида умумий ваучерлар тизими ва муҳтожларга мўлжалланган мақсадли ваучерлар ўртасидаги фарқ мактабни эркин танлашдан келиб чиқадиган салбий оқибатларни бу ваучерлар қандай юмшатишида кузатилади. Ваучерлар ҳамма учун бирдай мактаб танлаш доирасини кенгайтириб, мактаблар ўртасидаги рақобатни рағбатлантиради. Муҳтож оилаларга мўлжалланган мақсадли ваучерлар мактабларда ўқий олиш учун тенгликни ошириши мумкин. PISA маълумотлари таҳлили хусусий мактабларнинг давлат томонидан молиялаштирилиш даражаси бир хил бўлган тизимларни солиштирганда, давлат ва хусусий мактабларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари барча ўқувчилар учун ваучерлар орқали молиялаштириш дастуридан фойдаланадиган тизимларда мақсадли ваучерлардан фойдаланадиган тизимларга қараганда икки баробарга фарқ қилади.

Ваучер тизимининг иш механизми унинг муваффақиятини белгилаб беради. Масалан, хусусий мактабда ўқиш учун тўловни назорат қилиш ва қабул мезонлари ваучерлар ёрдамида молиялаштириш механизмлари томонидан юзага келадиган номутаносибликни чеклаш имконини беради²⁹.

Бундан ташқари, халқаро маълумотлар қабул имтиҳонлари мавжуд мактаблар қандай таълим сифатини кўрсатишидан қатъи назар юқори ижтимоий-иқтисодий мақомга эга қобилиятли ўқувчиларни қабул қилишга мойил эканликларини тасдиқлайди. Қобилиятли ўқувчиларга таълим бериш камхаражат эканлиги боис ўқувчиларни саралашни назорат қила оладиган мактаблар ота-оналарни бундай ўқувчилар қамровининг катталиги билан ўзига жалб қилиб, ундан рақобатдаги устунлик сифатида фойдаланади. Хусусий мактабларга ўқувчи танлашга рухсат бериш мактабларни тақдим этилаётган таълим сифатига асосланган рақобат ўрнига эксклюзивликка асосланган рақобатга қизиқтиради. Бу, ўз навбатида, рақобатнинг ижобий таъсирини силлиқлаб юбориши мумкин.

Маълумотлар яна шуни кўрсатадики, танлаб олиш бутун тизимда анча катта тенгсизлик ва стратификацияни юзага келтириши мумкин. Бироқ танлаб олиш қайси мезонга асосланиб ўтказилаётганига кўра

танлов кўрсатадиган натижалардаги фарқларга бағишланган бир неча тадқиқотлар бор: масалан, ўқувчилар қобилиятини тестдан ўтказиш натижаларига қиёсан ота-оналар билан суҳбат ўтказиш. Ўқувчиларни нафақат ўқишга киришнинг аниқ мезонлари асосида, балки ота-оналарнинг мустақил танлови, мактабдан танлов асосида рўйхатдан чиқариш ва кириш учун бир қадар пардаланган тўсиқлар асосида ҳам танлашларини тушуниш керак. Мактабда сегрегацияни камайтиришга қаратилган таълим сиёсати маълумот етишмаслиги масаласини, мураккаб мактабга қабул қилиш ва мактаб ҳисобидан чиқариш ишлари, ўқувчилар ва ота-оналарга мактаб танлашга ҳалақит берадиган бошқа омиллар масаласини ҳал қилиши керак.

Танқидчилар, шунингдек, давлат томонидан молиялаштирилдиган хусусий мактабларга ўқиш учун тўлов ундиришга рухсат бериш бу мактабларга давлат мактаблари олдида ноҳақ устунлик беради ва мактаб танлаш эркинлиги тамойилини бузади, дейишади. Қабул қилиш қоидалари каби бундай тўловнинг мавжудлиги яхши ўқувчиларнинг давлат мактабларидан хусусий мактабларга кетиб қолишига олиб келади ва тизимда катта номутаносибликни келтириб чиқаради. Кам таъминланган оилалар учун таълим олишга ҳақ тўлашни қисқартиришга қаратилган таълим тизимининг баъзи меъёрлари сегрегация билан курашда самарали восита экан, бироқ мен ривожланган мамлакатларда олиб борилган бир неча эмпирик (тажрибага асосланган) тадқиқотларни кўрдим, улар ўқитиш учун пул ундиришдан келадиган фойда ўқишга қабул қилиш пайтида танлаб олиш ва бошқа нотўғри омиллардан келадиган фойдадан (самарадан) фарқ қилишини исботлади.

Паст даромадга эга оилалар хусусий мактабларни танламай қўядиган чегара ҳақида кам нарса маълум. Бироқ моделлаштириш ва кузатув маълумотлари давлат маблағларини киритиш ўқиш учун тўловни чекламай туриб, хусусий мактабларга кириш ҳуқуқини кенгайтирмаслигини тасдиқайди. Модомики, хусусий мактаб давлат маблағларидан ўқувчиларга янада эркинроқ кириш ҳуқуқини таъминлаш учун эмас, таълим сифатини ошириш учун фойдаланар экан, субсидиялар мактаблар ўртасидаги тенгсизликни чуқурлаштириши мумкин. Бу ўқиш учун тўлов ундиришни тақиқлаш ва мақсадли ваучерларнинг турли ижтимоий-иқтисодий мақомларга эга бўлган ўқувчиларнинг таълимий ютуқларидаги фарқни пасайтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган сабаблардан биридир.

Бу айтилганлардан мактабни эркин танлаш ўз ҳолича мактаб таълимини яхшиламайди ҳам, ёмонлаштирамайди ҳам, деган хулосага келиш мумкин. Унга танлашнинг устун жиҳатларини максималлаштириш, таълим жараёнининг барча иштирокчиларига бутун тизимни ривожлантириш бўйича тенг имкониятларни тақдим этиши мумкин бўлган, пухта ўйланган бошқарув қарорлари таъсир кўрсатади. Яхши тартибга солинган мактаб танлаш қоидалари ижтимоий камситилиш хавфини пасайтириб, мактабларга ўқувчиларнинг турли-туман эҳтиёжларига жавоб берадиган таълимни тақдим этишга ёрдам беради. Мактаб тизимида бозор механизмлари жорий қилинганида, давлатнинг роли мактаблар сифати ва самарадорлигини назорат қилиш эмас, балки барча ўқувчилар юқори малакали таълим олиш ҳуқуқининг ҳаққоний ва тенг шартлари устидан назорат қилишдан иборат бўлади.

Агар танлаш пухта ўйланган, ўринли ва аҳамиятли бўлиб, ота-оналарга боласи оладиган таълимнинг муҳим жиҳатини танлаш имконини берадиган бўлса, мактаб танлаш имконияти фойда келтириши аниқ. Агар танлаш мактабларга ўқувчиларнинг хилма-хил эҳтиёжларига жавоб бериш ва бир-биридан ажралиб туриш имконини бермаса, у фойдасиздир.

Ўз навбатида, хусусий мактаблар, эҳтимол, молиялаштириш эвазига уларнинг давлат сиёсати мақсадларига содиқлигини тасдиқлайдиган давлат бошқаруви ва ҳисобдорлик механизмларини қабул қилиши керакдир. Ҳамма ота-оналарда ўз хоҳишига кўра мактаб танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имкони бўлиши керак. Бу ҳукумат ва мактаблар ота-оналар ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан шундай муносабат ўрнатиши керакки, ота-оналар қабул қилган қарорлар тарозига тортилган ва пухта ўйлаб кўрилган бўлсин, деганидир. Мактабни эркин танлашнинг муваффақиятли тизими таълим имкониятлари тенглиги ва сегрегациядан (камситилишдан) ҳимоялашни таъминлайдиган тўхта-тиб туриш ва қарши туриш механизмларига эга бўлиши керак.

Сўнги, жуда муҳим гап: мактаб тизимида мослашувчанлик қанча кўп бўлса, таълим сиёсати шунчалик талабчан бўлиши керак. Кўпроқ мустақиллик, марказлашмаслик ва ота-оналарнинг расмий талаб ва сўроқларига жавоб бериш билан биргаликда таълим тизими бевосита уни бажараётган шахсларга кўпроқ ваколат беради, шу билан бирга, давлат стратегик ҳисни (узоқни кўра билиш қобилиятини) қўллаб-қувватлаши ва аниқ кўрсатмалар бериши, мактаб ва маҳаллий мактаб

ҳамжамиятларига мазмундор қайта боғланишни тақдим этиши зарур. Бошқача айтганда, фақат давлат ва маҳаллий таълим органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати бўлсагина, мактабни эркин танлаш барча ўқувчиларга фойда келтиради.

Катта шаҳар – катта таълим имкониятлари

Бугун дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи шаҳарларда яшайди ва бу нисбат 2050 йилга бориб аҳолининг ўн нафаридан 7 нафари шаҳарларда яшайди, деб ҳисоблашади. Шаҳар инфратузилмаси қишлоқлар ва бошқа мамлакатлардан одамларни пул топишга яхши имкониятлар борлиги, таълим ва тиббиёт, турли маданий ташкилотлар каби давлат хизматларига киришга йўл очқлиги билан ўзига жалб қилади. Катта шаҳарларнинг аҳолиси баъзи давлатларнинг аҳолисига тенглашди, ҳатто ундан ошиб ҳам кетди. Масалан, Мехико шаҳрининг аҳолиси 20 миллиондан ортиқ, бу Дания, Венгрия, Нидерландия аҳолисидан кўпдир.

Инсон капитали концентрацияси катта шаҳарларни иқтисодий ўсиш ва инновацияларнинг ҳудудий марказига айлантириб, тадқиқотлар ва ривожланишга имкон яратади. Ресурсларнинг шаҳарларда тўпланиши бизнес юритишни осонлаштиради. Шаҳарларда компаниялар мижозлар ва харидорларга яқин бўлади, логистика соддалашади, юқори малакали ишчи кучига эга бўлиш имкони мавжуд. Кўп ҳолларда шаҳарларни мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлар бор. Шу боис Нью-Йорк ва Шанхай сингари турли мамлакатлардан бўлган икки шаҳар ўз мамлакатларидаги қишлоқ ҳудудларидан кўра кўпроқ ўзаро умумий хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, ресурслар ва имкониятларнинг юқори концентрацияси билан бирга шаҳарларда камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлиши мумкин. Бундай шарт-шароитлар ижтимоий боғлиқлик ва оилавий қадриятларга путур етказиши мумкин, бу, ўз навбатида, ижтимоий яққалланиш, ишончсизлик ва зўравонликнинг кучайиш хавфини туғдиради. Бу муаммоларнинг кўпчилиги аллақачон мактаб миқёсида ҳам кузатиляпти.

Шундай бўлса ҳам шаҳарлар мактабларга салмоқли устунликлар беради: бу мазмунга бой маданий муҳит, ўқитувчиларнинг ишлаши

учун жозибатор шароитлар, кўп сонли мактаблар ичидан танлаш имконияти, ўқувчилар мотивациясини оширишга кўмак берадиган яхши ишга жойлашиш истиқболлари. Катта шаҳарлар чиндан ҳам юқори таълим натижаларини кўрсатади. Масалан, сон-саноқсиз мансабдор ва тадқиқотчилар PISA рейтингида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келаётган Гонконг, Шанхай ва Сингапурни бориб кўрадилар³⁰. Бу таълим тизимлари қандай қилиб ўқувчилар рейтингида катта шаҳарларга хос бўлган ижтимоий хилма-хилликни сақлашнинг уддасидан чиққани билан таассурот қолдиради. Бошқа тизимлар ҳали бунга эришолгани йўқ.

PISA маълумотлари баъзи мамлакатларда (шаҳар сифатида қайд қилинган, миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган) шаҳарлик ўқувчилар, ҳатто турли мамлакатларда шаҳар муҳити ҳам рағбатлантирувчи, ҳам тўхтатиб турувчи таъсир кўрсатишига қарамай, етакчи шаҳар-давлатлар даражасидаги натижаларни намоиш қилаётганини кўрсатмоқда³¹.

Масалан, Япониянинг шаҳар марказларидан бўлган ўқувчилар табиий фанлардан PISA тадқиқотида лидерлик қилаётган Сингапур кўрсаткичлари билан қиёс қилса бўладиган натижаларни кўрсатмоқдалар. Натижалари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти бўйича ўртача даражага тенг бўлган Португалиянинг кўпчилик шаҳар ўқувчилари ўз натижаларини Финляндиянинг ўртача ўқувчиси билан қиёслаши мумкин. Польша шаҳарлари ўқувчиларининг натижалари эса Жанубий Корея ўртача ўқувчиларининг натижалари билан ўзаро мосдир. Агар умумлаштирилса, катта шаҳарларнинг ўқувчилари қишлоқ ўқувчилари натижаларидан эквивалентда бир ўқув йилидан ортиқ бўлган натижаларни кўрсатади.

Натижалардаги бу номутаносибликни шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий мақомидаги тафовут билан изоҳлаш мумкин. Бироқ PISA маълумотлари бу мумкин бўлган изоҳнинг фақат бир қисми эканини кўрсатади, чунки бу омилни ҳисобга олгандан кейин ҳам жиддий тафовут сақланиб қолаверади. Демак, катта шаҳарлардаги таълимда алоҳида нимадир бўлиши керак.

Хайрон қиладиган нарса – бу шаҳарларнинг маданият ва тил борасидаги тўсиқлар орқали ўзларининг кучли ва заиф томонлари билан бўлишиш истагидир. Мамлакатлардан кўра шаҳарлар глобаллашув таклиф қиладиган имкониятлардан бажонидил фойдаланади. Ҳар доим мэрлар билан учрашганимда, улар шаҳарлар қаерда жой-

лашганидан қатъи назар бошқа шаҳарлардан ўрганиш имкониятига астойдил қизиқишларини намойиш қилади. Улар, таълимдаги миллий бошқарувчилар ва мансабдорлардан фарқли ўлароқ, бошқа шаҳар ва маданиятлар тажрибасини ўрганиш бизга нима учун керак, деб сўрамайди.

Бироқ катта шаҳарларнинг ўқувчилари доим ҳам таълимда яхши натижаларни кўрсатавермайдилар. Баъзи мамлакатларда натижалар ортиб бораётган бир пайтда, бошқаларида акс натижа кузатилади. Масалан, Бельгия ва АҚШда шаҳар контингенти натижалари мамлакат кўсаткичларини пасайтиради. Эҳтимол, катта шаҳар устунликларидан ҳамма ўқувчилар фойдалана олмаётгани боис шундай бўлаётгандир. Улар кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчилар бўлиши, уйда мактабда таълим олаётган тилдан бошқа тилда гаплашиши, уларни қўллаб-қувватлайдиган ва ёрдам берадиган ота-оналарнинг фақат биттаси бор бўлиши мумкин.

Натижалардаги сезиларли тарқоқлик, масалан, Польшада шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасидаги катта тафовутни акс эттиради. Бу фарқлар таълим ресурслари ҳамда маданий ва таълимий базаларни туманнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасига пропорционал равишда тақсимлашда кўринади, бу нарсa ўқувчиларнинг натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин.

PISA тадқиқотидаги Исроил, Польша ва Португалия каби ўртамиёна мамлакатлар рейтинг лидерлари кўрсаткичлари билан қиёслана оладиган катта шаҳарлардан келган ўқувчиларнинг натижалари билан фахрланса бўлади, бироқ улар ресурсларнинг нотекис тақсимланишини, таълим имкониятлари ва ўқувчилар ижтимоий мақомининг уларнинг натижаларига таъсирини пасайтириш чораларини кўришлари зарур.

Қисман бу мамлакатлардаги ажралиб чиққан ҳамжамиятларга аниқ мақсадга йўналтирилган кўмак ва бу туманларда мактабга бораётган ўқувчиларга ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиш имконини берадиган сиёсий қарорлар талаб қилинади. Катта шаҳарларнинг ўқувчилари паст натижа кўрсатадиган мамлакатларда эса шаҳар инфратузилмасининг маданий ва ижтимоий устунликларидан фойдаланишга кўмаклашадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур, акс ҳолда бу мамлакатлар таълим сифатини ошира олмайди.

Иммигрантлар оиласидан бўлган ўқувчиларга мақсадли кўмаклашиш

2004 йилнинг мартада биз иммигрантларни интеграция қилиш бўйича немислар комиссияси президенти Рита Зюсмут билан келиб чиқиши иммигрант бўлган ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқлари ҳақида маъруза қилдик³². Бу пайтга келиб комиссия аллақачон ўқувчиларга ўзлари учун янги бўлган ҳамжамиятга интеграциялашишга ёрдам бериш учун мактаблар кўрсатаётган кўмак даражаси хусусида ташвишланаётганини билдирганди, бироқ аниқ чора-тадбирларни муҳокама қилиш кечроқ бошланди. Ўша йилларда Германия, бошқа кўпчилик мамлакатлар сингари, мактаб тизимини янада хилма-хил ўқувчилар контингентига тайёрлашга сарфлаш мумкин бўлган қимматбаҳо вақтини бекор кетказди.

Ўн йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 2016 йилнинг январиди, БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича бош комиссари Филиппо Гранди билан учрашганимда миграция масаласи бутунлай янги босқичга ўтди. Ўн минглаб мигрант ва қочқинлар, жумладан, сон-саноксиз болалар ҳам бошпана, хавфсизлик ва яхшироқ яшаш илинжида Европага оқиб келди.

Ҳали бу оқим бошланмасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлардаги 15 ёшли мактаб ўқувчилари ичида иммигрант-ўқувчилар миқдори 9,4 фоиздан (2006 йил) 12,5 фоизга (2015 йил) кўтарилди. Бироқ бу ўсиш қабул қилувчи мамлакатларнинг таълим натижалари пасайишига таъсир кўрсатмади³³. Бир қарашда бу қизиқ кўриниши мумкин. Ҳақиқатан ҳам мигрантлар кўпинча молиявий муаммоларга дуч келадилар ва оғир шароитларда кун кечирадилар, аммо ўзлари билан қимматбаҳо билим ва кўникмаларни олиб келадилар. Ўрта ҳисобда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича кўпчилик биринчи авлод иммигрант-ўқувчиларнинг ота-оналаридан ҳеч бўлмаганда биттаси қабул қилувчи мамлакат болаларининг ота-онаси неча йиллик мактаб таълимига эга бўлса, ўшанча маълумотга эгадир.

Ўқувчи-иммигрантлар ва турли мамлакатлардаги маҳаллий ўқувчиларнинг натижаларини қиёслагандаги фарқлар ҳам анча-мунча ажабланарли, улар ҳатто ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олгандан сўнг ҳам аҳамиятлилигича қолади (4.6 ва 4.7 диаграммага қаранг). Ҳатто маданият ва таълим миграция факти ўқувчиларнинг на-

4.6. ДИАГРАММА

ИММИГРАНТ-ЎҚУВЧИЛАР ҲАМ НОИММИГРАНТ СИНФОДЛАРИ КАБИ
НАТИЖА КЎРСАТИШЛАРИ МУМКИН.

ТАБИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎРТАЧА БАЛЛАР



Изоҳ. Фақат ўқувчи-иммигрантлар улуши 6,25 фоиздан ортиқ бўлган мамлакатларгина кўрсатилган.

Мамлакатлар ва иқтисодиётлар биринчи авлод иммигрантлари ичидан чиққан ўқувчиларда табиий фанлар бўйича ўртача балнинг ўсиб бориши тартибида жойлаштирилган.


Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table 1.7.4a.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432903>

4.7. ДИАГРАММА

КЕЛИБ ЧИҚИШИ ИММИГРАНТ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ЁМОН ЎЗЛАШТИРИШГА МАҲКУМ ЭМАС.

ТАБИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ИММИГРАНТ-ЎҚУВЧИЛАР ВА ИММИГРАНТ БЎЛМАГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ



Изоҳ. Фақат ўқувчи-иммигрантлар улуши 6,25 фоиздан юқори ва PISA тадқиқотининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми кўрсаткичлари бўйича маълумотларга эга бўлган мамлакатларгина кўрсатилган.

Статистик аҳамиятга молик маълумотлар тўқроқ рангда ажратиб кўрсатилган. Мамлакатлар ва иқтисодиётлар ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини ҳисобга олгандан сўнг, иммигрантлигини ҳисобга олиб, тадқиқотнинг табиий фанлар бўйича саводхонлик йўналиши натижаларидаги фарқнинг камайиб бориши тартибида жойлаштирилган.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table 1.7.4a.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432915>

тижаларига таъсир кўрсатгунга қадар ўзлаштирилади, ҳам дейлик, лекин кўчиб борилган мамлакат анча катта таъсир кўрсатади.

Мигрант-ўқувчилар учун таълим сиёсатини ишлаб чиқиш оддий вазифа эмас, айниқса, тил ўрганиш масаласида. Бироқ қонуний чора-тадбирлар ўз ҳолича самарасиздир. Масалан, PISA тадқиқотида ўқувчи-иммигрантларнинг ўзлаштириши мактабда шу тилда сўзлашмайдиганлар сони кўпайиб кетгани сабабли эмас, балки шароити оғир, кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчилар сонининг кўпчилиги сабабли пастдир³⁴. Мактабларда шароити оғир ўқувчилар сонини қисқартириш мактабларда ўқувчиларнинг ижтимоий таркиби мувозанатини сақлаб туриш учун тураржой тақдим этиш ва турмуш тарзини таъминлаш каби ижтимоий чора-тадбирларни қайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.

Мана бу нарсга устида ўйлаб кўринг-чи! 1970-йилларда Европага паст малакали мигрантлар оқими тез суръатлар билан ошиб бораётганида, Нидерландияда улар учун махсус қурилган туманларга жойлаштиришга қарор қилинган эди. Мактаблар голландларникига ўхшаш тамойиллар асосида ташкил этилган қўшни Бельгия Фламандлар ҳамжамиятида мигрантларга ўз хоҳишига кўра ишлатиши мумкин бўлган ваучерлар кўринишида маблағ тарқатишга қарор қилинди, акс ҳолда улар бу маблағларни тураржойга сарфлашларига тўғри келарди. Натижада оз сонли фламанд мактабларида ўқувчилар контингенти тўлалигича фақат ишчи-иммигрантларнинг болаларидан ташкил топди.

Йиллар ўтиб, Нидерландия иммигрантлар яшайдиган туманлардан чиққан ўқувчиларга таълим беришда улкан муаммога дуч келди, уларни ўз таълим тизимига интеграциялашнинг иложини тополмади, улар эса паст натижа кўрсатишда давом этишарди. Ўз навбатида, Бельгиянинг мигрант оилалар кам тўпланган, фламандлар яшайдиган қисмида иммигрантлардан чиққан ўқувчилар яшаш шароити сегрегацияси мактаб сегрегациясига олиб келган Нидерландиядаги ўқувчиларга нисбатан анча юқори натижаларни кўрсатди.

Келиб чиқиши иммигрант бўлган кўпчилик болалар жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Улар турли фанлар бўйича режалаштирилган натижалар талабларига тезда мослашиши, янги тилни ўрганишлари, уларнинг келиб чиқиши ва келиб жойлашган мамлакат маданиятини ўз ичига олган ижтимоий тенгликни шакллантириши, оила ва синфдошлари томонидан бўлаётган босимга бардош бериши

керак. Агар ўқувчи-иммигрантлар қашшоқ туманлар ва шароити оғир болалар сони кўп бўлган мактабларга жўнатилса, бу қийинчиликлар чуқурлашади. Шу боис PISA тадқиқотининг тизимли равишда иммигрант-ўқувчилар ва маҳаллий болалар натижаларидаги тафовутни қайд қилиб боришига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бироқ кўпчилик иммигрантлар бу қийинчиликларни енгишнинг ва юқори академик натижаларни кўрсатишнинг уддасидан чиқаётганини тасдиқлайдиган натижалар ҳам бор. Дуч келаётган жиддий синовларга қарамай, улар мактабда муваффақиятга эришяптилар, бу мотивация даражасининг юқорилиги ва мақсад – яхши натижага эришиш эканидан далолат беради.

1954 йилда АҚШ суриялик иммигрантга ўз чегараларини очди. Унинг ўғли Стив Жобс тарихдаги энг муваффақиятли тадбиркорлардан бири бўлди, унинг ғоялари олти соҳа: шахсий компьютер, кино, мусиқа, телефончилик, планшет-компьютер ва рақамли нашриёт фаолияти ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юборди. Жобснинг ҳаёт йўли кўп-ларга эртақдек туюлар, бироқ у аини ҳақиқатдир. Гарчи PISA тадқиқотида паст натижаларни кўрсатган ўқувчилар ўртасида иммигрантлар улуши анча катта бўлса ҳам, улар юқори таълим натижаларига эришган ўқувчилар қаторида кам кўрсатилган, деб бўлмайти, айниқса, ижтимоий-иқтисодий мақом ҳисобга олинса. Кўп мамлакатларда юқори натижаларни кўрсатаётган иммигрантлар улуши шундай натижаларга эришаётган ночор оилалардан чиққан маҳаллий ўқувчилар улушига тенг. Асл моҳият шундаки, баъзи мамлакатларда энг юқори натижаларни кўрсатган қашшоқ ўқувчилар ичида ноиммигрантлардан кўра иммигрантлар кўпроқ бўлади³⁵.

Иммиграция ва қашшоқликнинг азоб-уқубатларини енгиб ўтган юксак мотивацияга эга бу ўқувчилар ўзларини қабул қилган мамлакат ривожига катта ҳисса қўшишлари мумкин. Кўпчилик иммигрант-ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари айрим ҳолларда маҳаллий оилаларнинг шунга ўхшаш интилишларидан устунлик қиладиган муваффақиятга эришиш иштиёқига эгадирлар³⁶. Масалан, баъзи мамлакатларда иммигрант ўқувчиларнинг ота-оналари маҳаллий болаларнинг ота-оналарига қараганда кўпроқ болаларининг университет даражасини олишидан умид қиладилар. Бу мамлакатлардаги иммигрантлар маҳаллий аҳолига нисбатан кўпроқ муҳтожликни бошдан кечириши, ноиммигрант ўқувчиларга нисбатан ёмон ўзлаштириши эътиборга олинса,

бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Бир хил ижтимоий-иқтисодий мақомга эга иммигрант ота-оналар ва ноиммигрант ота-оналарнинг болалари келгусида оладиган таълим ҳақидаги орзу-умидларини қиёслаганда, биринчиларининг орзу-истаклари кўпроқ эканлиги маълум бўлади. Бу жуда муҳим, чунки келажакка дахлдор улкан, бироқ реал орзу-истакларга эга ўқувчилар катта эҳтимол билан қунт билан ўқийдилар ва мақсадга эришиш учун мумкин бўлган барча имкониятлардан фойдаланадилар.

Ўхшаш тарзда иммигрант ўқувчилар табиий фанлардан худди шундай натижаларга эришган маҳаллий синфдошларига нисбатан 50 фоизга кўпроқ фан соҳасида муваффақият қозонишга тайёргарлик кўрадилар (диаграмма 4.8).


Мамлакатлар бўйича иммигрант ўқувчилар ва ноиммигрантларнинг натижалар тарқоқлигидаги катта фарқ қонуний чора-тадбирлар бундай номувофиқликларни тенглаштиришда катта роль ўйнаши мумкин, дея тахмин қилишга имкон беради. Ечим – иммигрантларга юқори даражада ўзлаштиришга ҳалақит берадиган тўсиқларни бартараф қилиш, иммигрантлар учун ишлаб чиқилган кўмаклашиш дастурларини жорий этишдадир.

Тил билиш даражаси паст ўқувчиларга тил ўрганишга кўмаклашиш дастурини тақдим этиш самарали ечим бўла олади. Бундай дастурнинг таянч хусусиятларига мунтазам тил ўрганиш, ягона таълим дастури, иккинчи тилни ўргатиш бўйича тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар, ўқув мақсадлари учун тил ўрганишни кўзда тутиш киради. Ўқув фанлари қаторига тил ўрганишнинг қўшилиши ҳам ўз самарадорлигини исботлади³⁷.

Тил ўрганиш ва интеллектуал ривожланиш ўзаро боғлиқ бўлгани сабабли, ўқувчилар янги тилни тўлиқ ўзлаштирамагунларича асосий дастур бўйича таълим беришни пайсалга солмасликлари керак. Тил ўқитувчиси ва фан ўқитувчилари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш зарур – бу Австралия, Канада ва Швеция каби иммигрантларга таълим беришда муваффақиятга эришган мамлакатларда қўлланиладиган ёндашувдир. Бошқа бир мумкин бўлган жавоб чораси – бу тил ўрганишга мослаштирилган юқори сифатли эрта таълимни таклиф этиш бўлиши мумкин. Эрта ривожланиш дастурларида иштирок этиш маҳаллий аҳоли болаларининг тайёргарлиги даражасида мактаб таълимини бошлаш иммигрант-болаларнинг имкониятларини тенглаштириши мум-

4.8. ДИАГРАММА

ИММИГРАНТ ЎҚУВЧИЛАР ИЛМ-ФАН БИЛАН БОҒЛИҚ ИШГА ЭГА БЎЛИШГА КЎПРОҚ МОЙИЛДИРЛАР.



Изоҳ. Диаграммда табиий фанлардан ўзлаштириш натижалари ҳисоблаб чиқилганидан кейин, иммигрант-ўқувчиларнинг ноиммигрант ўқувчилар билан қиёслаганда илм-фан соҳасидаги касбни танлашни кўзда тутишлари эҳтимоли кўрсатилган. Фақат ўқувчи-иммигрантлар улуши 6,25 фоиздан юқори бўлган мамлакат/ҳудудлар кўрсатилган.

Мамлакатлар ва алоҳида ҳудудлар табиий фанлардан ўзлаштириш натижалари ҳисоблаб чиқилгандан кейин, ўқувчи-иммигрантлар илм-фан соҳасида касбий ютуқни орзу қилишлари эҳтимолининг пасайиб бориши тартибида жойлаштирилган.

Манба: OECD PISA 2015 database, Table 1.7.7.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432964>

кин. Аниқ бир мақсадни кўзлаб оилаларни уйига бориб кўриш уларнинг эрта таълимга қўшилишига имкон яратади ва уй шароитида иммигрант-болаларнинг таълим олишига кўмаклашиш имконини беради.

Тадқиқот эрта ёшдан таълимга қилинадиган сарф-харажатларнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатади³⁸. Муваффақиятнинг энг муҳим таркибий қисми – бу оғир аҳволда яшаётган болаларга улар уйда ололмасликлари мумкин бўлган когнитив, ижтимоий ва эмоционал кўникмаларни ривожлантиришда ёрдам беришдир.

Бошқарув чора-тадбирларининг учинчи варианты иммигрантларни қабул қиладиган мактабларда ўқитувчиларнинг профессионал компетенцияларини ошириш бўла олади. Ўқитувчиларни синфдаги ўқувчиларнинг турли-туман контингентига ёндашув ва услубларга махсус ўқитиш талаб қилиниши мумкин. Кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш ва иммигрантлар ва қашшоқ аҳоли гуруҳларига таълим берадиган мактаблар тажрибали ўқитувчиларни жалб қилиши ҳам фойдадан холи бўлмайди. Келиб чиқиши иммигрант бўлган ёки этник жиҳатдан камчилиқни ташкил қиладиган қатламлардан ўқитувчиларни ишга олиш ҳам ўқувчилар ичида кенгайиб бораётган хилма-хиллик ва асосан этник жиҳатдан бир хил бўлган ўқитувчилар таркиби ўртасидаги тенгсизликнинг ортиб боришини камайтиришга, айниқса иммиграция нисбатан фавқулодда ҳодиса бўлган мамлакатларда, ёрдам бериши мумкин.

Иммигрант ўқувчиларнинг фақат қолоқ мактаблардагина тўпланишидан қочиш анча мушкул иш. Шусиз ҳам маҳаллий ўқувчиларни зўрға эплайётган мактаблар, агар уларнинг контингентига ўқиш олиб борилаётган тилни билмайдиган болалар қўшилса, ўз кўрсаткичларини кўтара олмайдилар. Мамлакатлар иммигрант ва шароити оғир маҳаллий оилаларнинг болалари айнан битта мактабда тўпланиб қолишидан қочиш учун турли воситалардан фойдаланадилар. Бундай ечимлардан бири – бу мактабларга кўплаб ўзлаштириши яхши ўқувчиларни жалб қилишдир. Ечимнинг иккинчи варианты – ота-оналарни уларнинг боласига қайси мактаб тўғри келиши ҳақида хабардор қилишдир. Шунингдек, етакчи мактабларнинг ўқувчиларни танлаб олиш имкониятини чеклаш ҳам мумкин. Шу билан бирга, қобилиятларга қараб гуруҳларга ажратиш, таълим йўналишини эрта белгилаш, болаларни иккинчи йилга қолдириш амалиётини ҳам чеклаш лозим. Ўқувчиларни профессионал ва академик таълим каби таълим траекториялари бўйича жуда эрта тақсимлаш, айниқса, иммигрант ўқувчиларга

салбий таъсир кўрсатади. Эрта тақсимлаш уларнинг мактабда етарли даражада зарур маданий ва лингвистик маҳоратларини ривожлантиришга имкон бермаслиги мумкин.

Иммигрант ота-оналарга қўшимча кўмак бериш ҳам фойда бериши мумкин. Бунда ота-оналар ўз болаларидан кўп нарсани кутишлари мумкин, шу билан бирга, айниқса, агар уларнинг тил кўникмалари яхши ривожланмаган бўлса ёки мактаб тизимини яхши тушунишмаса, уларни қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлмайдилар. Ўқувчи-иммигрантларнинг ота-оналарига кўмаклашиш дастурлари оилаларни таълимий тадбирларга қўшиш учун оилаларни уйига бориб кўришни, ота-оналар ва мактаб ўртасида алоқа ўрнатишга кўмаклашадиган коммуникация соҳаси мутахассисларини ишга қабул қилишни ўз ичига олиши мумкин.

Таълимда ўзгармас гендер тенгсизлик


Техник жиҳатдан ривожланган мамлакатлар 1960 йилларда гендер тенгсизликни енгиб чиқди. Ўлчашлар мактаб таълими йилларининг ўртача миқдорига асосланган. Бу ҳодиса улкан самара берди ва юксак таълимий тайёргарлик, айниқса, аёллар орасидаги таълимий тайёргарлик туфайли, сўнгги 50 йил ичида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда ялпи иқтисодий ўсишнинг ярмини таъминлади. Аммо аёллар ҳали ҳам эркакларга нисбатан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар бўйича ўртача 15 фоизга кам ва энг кўп ҳақ тўланадиган ходимлар муҳитида 20 фоизга кам иш ҳақи оладилар. Бир хил ишни бажарувчи эркак ва аёллар бу иш учун ҳар хил иш ҳақи оладилар. Аммо энг муҳими – эркак ва аёллар ҳар хил касбни эгаллайдилар, бироқ касб танлашга одатдагидан анча илгари тамал тоши қўйилади³⁹.

PISA тадқиқотида табиий фанлар бўйича ўғил ва қиз болалар ўхшаш натижаларни кўрсатишганига қарамай, биз Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар бўйича 15 ёшли қизларнинг ўртача 5 фоизига яқини табиий фанлар ёки муҳандислик бўйича касб танлашини, айти пайтда ўғил болалар ичида бундай касбни танлайдиганлар 12 фоизини ташкил этишини аниқладик (диаграмма 4.9).

Бундай номутаносиблик манбаини тушуниш учун, эҳтимол, янаям эрта ёшни ўрганиш керакдир. Буюк Британиядаги “Таълим ва иш бе-

4.9. ДИАГРАММА

КАСБ ТАНЛАШДАГИ ГЕНДЕР ТАФОВУТГА ЭРТА ЁШДА ШАКЛЛАНДИГАН МУНОСАБАТЛАР ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.



Изоҳ. ИХТТ мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table I.3.11a-d

рувчилар” фонди 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган 20 минг бола ўртасида ўз келажаги ҳақидаги тасаввури мавзусида сўровнома ўтказганида, қиз болаларга қараганда тўрт барабар кўп ўғил болалар муҳандис бўлишни ва икки барабар кўп болалар табиий фанлар соҳасида мутахассис бўлишни исташган⁴⁰.

Таълим имкониятларини тенглаштириш учун мамлакатлар кўп иш қилишганини тан олиш керак, PISA – 2015 эса табиий-илмий саводхонлик бўйича ўғил ва қиз болаларнинг натижалари аслида тенглигини кўрсатади. Бироқ биз бу билан ўғил ва қиз болаларнинг когнитив қобилиятлари ривожланишида гендер тенгсизлик масаласи ёпиқ деб ҳисоблаб, эҳтимол, болалар улғайганида ўзининг ким бўлишини кўришига кўпроқ таъсир қиладиган бошқа ижтимоий ва эмоционал омилларни кўздан қочирганга ўхшаймиз.

Гап табиий фанларни ўқитишга ажратиладиган қўшимча соатлар миқдорида эмас. Масала бу фанларни ўқитишни ўқувчилар учун энг муҳим ишга айлантиришдир. Мумкин бўлган ечим турли-туман мутахассисликлар ҳақида уларнинг тасаввурини бойитишдир.

Кўп мамлакатларда ўқитувчи ва мактаблар қиз болаларнинг табиий фанлар ва математика ортида мартабага эришиш имкониятлари туришини, булар шунчаки ўқув фанлари эмаслигини кўришлари учун кўпроқ куч сарфлашлари лозим бўлади. Бу аёллар нафақат фан, технология, муҳандислик ва математика соҳасида кадр топмагани учун, балки бу мутахассисликлар бўйича битириб чиққанлар меҳнат бозорида юқори баҳолангани ва юқори иш ҳақи олганлари учун ҳам жуда муҳимдир.

Юқори синфларда касбга йўналтириш жуда кеч бошланади. Бу нарсасини, этник мансублик ва ижтимоий синф хусусидаги андазалар билан ўзаро муносабатларнинг кундалик тажрибасига асосланиб шаклланган қарашлар билан мактабга келадиган 7 – 11 ёшли болаларнинг чизган суратларида очиқ-ойдин кўриниб туради. Мабодо сизда бу борада ҳалиям шубҳа бўлса, болалар чизган ўт ўчирувчилар, хирурглар ва учувчи-қирувчилар акс эттирилган 66 та суратдан 61 тасида эркак киши, фақат бештасида аёл киши тасвирланган икки дақиқалик Redraw the Balance ролигини кўринг⁴¹.

Бироқ танганинг тескари томони ҳам бор. Умуман олганда, барча йўналишлар бўйича гендер тенгсизлик арзимас бўлиб турганида, ҳар уч йўналиш – ўқиш, математика ва табиий фанлар саводхонлиги

бўйича 10 та паст натижанинг 6 таси ўғил болаларга тегишли экани эътиборга моликдир. Паст натижалар билан бир қаторда уларнинг жалб қилиниш ва ўқишга қизиқиш даражаси ҳам паст бўлади. Шу билан бирга, математика ва табиий фанлардан энг юқори натижаларни ҳам ўғил болалар кўрсатади.

PISA маълумотларидан биламизки, юқори натижаларни намойиш қиладиган қиз болалар ўғил болаларга нисбатан математика ва табиий фанлар соҳасида ўз билим ва маҳоратларига у қадар ишонмайдилар. Бундан ташқари, улар ота-оналаридан зарур ёрдамни ололмайдилар. Бундай сўровнома ўтказилган барча мамлакатларда ота-оналар қизларидан кўра ўғиллари STEM соҳаларда ишлашини орзу қилишган, ҳатто қизлар математика ва табиий фанлар бўйича олинган натижаларда ўғил болалардан қолишмаган бўлсалар-да. 2012 йилда Чили, Венгрия ва Португалиядаги ота-оналарнинг 50 фоизи ўз ўғиллари фан, технологиялар, муҳандислик ва математика соҳасида касб эгаллайди, дея тахмин қилишаётганини айтишди, фақат 20 фоиз ота-она буни қизларидан кутади.

Бунинг ижобий жиҳати шундаки, гендер тенгсизликни қисқартириш қимматга тушадиган ислохотларни талаб қилмайди. Бироқ ўғил ва қиз болаларнинг мактаб ва ундан ташқарида муваффақият қозонишга бўлган имкониятларини тенглаштириш учун ота-оналар, ўқитувчилар ва иш берувчилар томонидан бўладиган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш талаб этилади.

Масалан, PISA ўғил ва қиз болалар китобхонликни турлича яхши кўришини очиқ-ойдин кўрсатади. Қизлар завқланиш учун кўпроқ роман ва журнал ўқишга мойил, ўғил болалар эса комикс ва газета ўқишни афзал кўрадилар. Агар ота-оналар ва ўқитувчилар ўғил болаларга кўпроқ улар ўқий оладиган нарсаларни танлаш имконини берганларида эди, эҳтимол бу ўқиш натижаларидаги гендер тафовутни қисқартиришга ёрдам берган бўларди.

PISA маълумотлари ўғил болалар кўпроқ вақтини видеоўйинларга, камроғини эса уй вазифасини бажаришга сарфлашини тасдиқлайди. Видеоўйинларга кетган вақт ҳажмининг катталиги ўзлаштиришни пасайтиргани ҳолда ўртача ҳажмдаги вақт ўғил болаларга (гарчи ўғил болалар аввалгидек ҳар икки ўқиш турида ҳам қизлардан орқада қолса ҳам) электрон матнларни яхшироқ уддалашга имкон беради. Ўсмир ёшдаги болалари бор кишилар уларга бўш вақтларида нима

билан шуғулланишларини айтиб туриш нечоғлик қийин эканини биладилар, айти пайтда ота-оналар болаларини дарслар видеоўйинлардан муҳимроқ эканига ишонтира олсалар, у ҳолда бу нарсаларнинг ҳаётда муваффақият қозониш имкониятини анча-мунча оширишини билишлари керак.

PISA топилмаларидан яна бири шуки, ўқитувчилар математикадан ўғил болаларга нисбатан қиз болаларга юқорироқ баҳо қўйишар экан, ҳатто PISA тадқиқотида уларнинг натижалари тенг бўлса ҳам. Эҳтимол, буни қизларнинг тиришқоқ, зийрак ва ҳурмат-иззатни биладиган ўқувчилиги, ўғил болаларнинг эса бундай эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Гарчи мактабдаги юқори баҳолар муваффақият ҳақида гувоҳлик берса-да, узоқ истиқболда улар қизларга устунликни кафолатламайди, айниқса, улар тиришқоқликнинг пасайишига олиб келса. Меҳнат бозори одамларни мактабда олган юқори баҳолари учун эмас, ниманинг уддасидан чиқиши ва нимани билишига қараб мукофотлайди.

Қачонки иш меҳнат бозорига чиқишгача бориб етса, PISA қизлар катта эҳтимол билан келгусидаги таълим ҳақида ёки имкон даражасида мумкин бўлган касб-кор ҳақида ахборот топиш учун Интернетдан фойдаланишларини, айти пайтда ўғил болалар катта эҳтимол билан стажёр ишини бажариб, ишлаб чиқаришни ўрганиб, бандлик марказига қатнаб, мактабдан ташқари нуфузли маслаҳатчи билан мулоқотда бўлиб, шахсий тажриба орттиришга ҳаракат қилишларини кўрсатади. Бинобарин, қиз болаларни касб-корнинг мумкин бўлган вариантларини ўрганишга жалб қилиш учун иш берувчилар ва маслаҳатчилар кўпроқ иш қилишлари керак.

Эҳтимол, бу қизиқ туюлар, бироқ 15 ёшлилар ўртасида ўқиш кўникмаларидаги гендер тенгсизлик 16–29 ёшлар оралиғида ювилиб кетади⁴². Нима учун? Катта ёшли аҳоли компетенциялари тадқиқотининг маълумотлари шуни кўрсатадики, ёш йигитлар қизларга нисбатан ишда ҳам, уйда ҳам ўқишларига тўғри келади. Бу таълим ва компетенциялардаги гендер тафовутни қисқартириш ёки бартараф этишнинг кўплаб усуллари борлигини тасдиқлайди, ота-оналар, ўқитувчилар ва иш берувчилар йигит ва қизларга тенг имкониятлар бериши ва уларни ўқишга ундаши керак, холос.

Таълим – экстремизмга қарши

Агар қўлингизда болға бўлса, ҳар қандай муаммо мих бўлиб кўринади. Бизнесда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ишлайдиганлар терроризм ва радикализмни қуролланиш йўли билан бостириш мумкин, деб ҳисоблайди, молиявий соҳа вакиллари эса иқтисодий механизмларни таклиф этишади. Фақатгина таълим соҳаси вакиллари экстремизм билан бўладиган жангни юраклар ва онг учун кураш сифатида баҳолайдилар. Шу сабабдан 2016 йилда Лондонда бўлган жаҳон таълими форумида 90 нафар таълим вазири тўхтовсиз шу мавзуга қайтганига ҳайрон қолмасам ҳам бўлар эди.

Айни пайтда террористик ҳужумлар, қисман Европада рўй берган ҳужумлар, экстремистлар ва террористларни қашшоқлик ҳамда ёмон таълимнинг қурбонлари сифатида қабул қилиш мумкин эмаслигини яққол кўрсатди. Террористлар биографиясини таҳлил қилиш учун кўпроқ тадқиқот ўтказиш керак, аммо ҳозир ҳам равшанки, бу одамлар ҳар доим ҳам аҳолининг энг қашшоқ қисмини ташкил этмайди. Радикаллар ўртаҳол оилалардан чиққан умумий ўрта маълумотга эга ёшлар ўртасида ҳам учрайди. Ҳалати томони шундаки, бу террорчилар тадбиркорлик кўникмалари, ижодий кўникмалар ва ҳамжиҳатликда ишлаш малакасига эга, яъни XXI аср таълимига асос бўлган ҳамма нарсадан фойдалана оладиганга ўхшайди.

Бироқ бу таълимни янада ҳаққоний, халқпарвар ва инклюзив дунёни қуришнинг асосий инструменти, деб ҳисобламасликка баҳона бўлолмайди. Маълумки, экстремизм парчаланган жамиятларда гуллаб-яшнайдди. Қачонки ёшларнинг ўзи ҳақидаги тасаввури, ўзига ва бошқаларга бўлган ишончи қарама-қарши дунёқарашлар оқибатида шубҳа остида қолса, ёшлар экстремистик қарашларга бериладиган бўлади.

Баъзи мамлакатлар нафақат шароити оғир оилалар ва иммигрантларнинг болаларини академик компетенцияларга ўргатишни, балки уларни жамиятга қўшишни ҳам бошқаларга нисбатан яхшироқ уддалайди. PISA – 2012 тадқиқотида 10 нафар норвегиялик ўқувчи-иммигрантларнинг 9 нафари ўзини мактабга алоқадор деб ҳисобласа, Францияда бундай ўқувчилар фақат 10 тадан 4 тани ташкил этади. Иммигрантларнинг хотиржам яшашига нафақат қабул қилаётган

мамлакатнинг маданий хусусиятлари, балки қабул қилаётган мамлакатдаги мактаблар ва ҳамжамиятлар иммигрантларга ўқиш ва ижтимоий-маиший шароитлардаги кундалик муаммоларни ҳал қилишда қандай ёрдам бераётгани ҳам таъсир кўрсатади.

Шундай бўлса ҳам, яхши билим ва кўникмаларнинг борлиги – улар жамиятга зарар келтириш учун ишлатилмайди, дегани эмас. Унда таълим қандай қилиб экстремизмга қарши тура олади? Ҳамма нарсa таълимнинг ўзаги деб аталадиган нарсага, доимий равишда мураккаблашиб, борган сари ноаниқ бўлиб, тасодифларга тўлиб бораётган дунёда ўқувчилар учун ишончли компас бўлиб хизмат қиладиган кадриятларни тарбиялашга бориб тақалади.

Бу, албатта, таълимнинг анча-мунча ноаниқ соҳаси. Ҳамкасбим Дирк Ван Дамм айтганидек, агар унга аниқлик киритмоқчи бўлсангиз, ўзаро келишувларга ўрин қолдирмайдиган ҳурмат ва толерантлик каби умумий кадриятларни мустаҳкамлаш ва ўзга жамиятларга хос турли-туманлик ҳамда кадриятлар ранг-баранглигини ҳурмат қилиш ўртасида мувозанат ўрнатиш керак бўлади. У ёки бу томонга оғиш хатарли: бир хилдаги кадриятларни сунъий жорий қилиш одамларнинг воқеа-ҳодисаларга турли томонлардан қараш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади, хилма-хилликка ҳаддан ташқари эътибор бериш эса ҳар қандай таянч кадриятларни рад этадиган маданий релятивизм (объектив билишни инкор этувчи методологик тамойил)га олиб келиши мумкин. Бироқ ўқув дастурини муҳокама қилишда бу муаммони ҳал қилишдан бош тортиш ўқитувчи елкасига ҳеч қандай ўхшаш қўллаб-қувватлашларсиз юклатиладиган қўшимча вазифани англатади.

Бу мувозанатга эришиш қийинлиги сабабли педагоглар ўқувчиларни ишлашга ва кўп маданиятли жамиятларда яшашга тайёрлашлари керак. XXI асрда таълим тизими фуқаролар тенглигининг бир мунча кенг концепциясини қай даражада яхши етказишини баҳолашни бошлаш муҳим. 2013 йилда мамлакатлар бу масалани халқаро миқёсда ўрганиш ўлчовларини PISA тадқиқотида жорий қилишни ўрганиб чиқишни сўрашди. Улар бу ўлчовларни “глобал компетенциялар” деб аташди. Бу – одамларга дунёга турли нуқтаи назардан қараш, ўзга ғоя, қараш ва кадриятларни ҳурмат қилиш имконини берадиган кўникмалар тўпламидир⁴³.

“Глобал компетенциялар” деганда, биз нималарни кўзда тутамиз?

PISA глобал компетенцияларни⁴⁴ “тафовутлар идрок қилиш, фикр юритиш, бизнинг ва ўзгаларнинг ғояларига қандай таъсир кўрсатишини тушуниш учун глобал ва маданиятлараро муаммоларни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва турли ижтимоий қатлам ва насл-насабларнинг бошқа вакиллари билан ўзаро ҳурмат ва инсоний қадр-қиммат туйғуси асосида очик, ўринли ва самарали муносабатга киришиш қобилияти” сифатида таърифлайди. PISA тадқиқотиға мувофиқ глобал компетенциялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ***Маҳаллий, глобал ва маданий аҳамиятга молик муаммоларни ўрганиш.** Бунда дунё ҳақидаги билимларни қайсидир глобал муаммо ҳақидаги тасаввурни шакллантириш жараёнида турлича фикрларни танқидий баҳолаш қобилияти билан бирлаштириш қобилияти назарда тутилади. Глобал компетенцияларга эга ўқувчилар мактабда ўзлаштирилган фанларга оид билимлар ва фикрлаш моделига суянишлари ва саволларга жавоб бериш, маълумот ва далилларни таҳлил қилиш, воқеа-ҳодисаларни тушунтириш, маҳаллий, глобал ёки маданий хусусиятга эга муаммоларга нисбатан ўз нуқтаи назарини шакллантириш учун уларни бирлаштиришлари мумкин. Шу билан бирга, улар медиаресурслардаги хабарларни танқидий баҳолаши ва ўз шахсий медиаконтентини яратиши мумкин.
- ***Турли дунёқарашларни ҳурмат қилиш ва англаш.** Бунда глобал муаммоларга турли нуқтаи назардан қараш истаги ва ёндашиш қобилияти кўзда тутилади. Ўқувчи ўзга маданиятлар, қадриятлар, ахборот турлари, эътиқоди ва урф-одатлари тарихини қандай англашига қараб, у ёки бу қарашлар асосида нима ётишини ва бошқа кишилар унинг шахсий қарашларидан маълум даражада фарқ қиладиган қарашга эга эканини тушуна бошлайди. Турли дунёқарашларни қабул қилиш уларнинг манбаини ва бундай қарашларнинг сабабларини ўрганишни тақозо этади. Одамларни бошқаларидан ажратиб кўрсатадиган сифатларни қадрлайдиган кишилар кичик эҳтимол билан

Ўз кундалик фаолиятларида ноҳақликларга дуч келадилар. Ва аксинча, бундай компетенцияларни ривожлантирмаган кишилар бир қолипдаги фикрлаш, нотўғри тушунча ва ўзлари “бошқача” деб ҳисоблайдиган кишилар ҳақида ёлғон тасаввурга амал қиладилар.

- ***Турли маданиятлар билан очик, ўринли ва самарали ўзаро муносабатларга киришиш.** Глобал компетенцияларга эга инсон ўз хулқи ва муомаласини ўзга маданият вакили бўлган суҳбатдошига мослаштира олади. У иззат-ҳурмат билан суҳбат олиб боради, суҳбатдошини тушунишга ҳаракат қилади. Бу параметр индивиднинг ўзгалар билан очик, ўринли ва самарали алоқа ўрнатиш қобилиятини баҳолайди. “Очик” сўзи барча ўзаро алоқа иштирокчилари зийраклик, қизиқувчанлик ва биргаликда ҳаракат қилиш истагини намоён қилишларини англатади. “Ўринли” сўзи томонлар муносабатида иштирокчиларнинг маданий мезонларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни билдиради. “Самарали” деганда, барча иштирокчилар бир-бирини тушунадиган ва бошқалар учун тушунарли тарзда сўзлашадиган алоқалар тушунилади.
- ***Умумий фаровонлик ва барқарор ривожланиш учун ҳаракат қилиш.** Бу параметр ёшларнинг жамиятнинг фаол ва бурчли аъзолари сифатидаги ролига эътибор қаратади ва маҳаллий, глобал ёки маданиятлараро муаммоларни ҳал қилишга индивидуал тайёрликка тегишлидир. Бунда кишиларнинг индивидуал ёки маҳаллий муаммоларга таъсир кўрсатиши кўзда тутилади. Компетентли кишилар чуқур ўйланган, асосли қарорлар қабул қилиш учун шароит яратадилар ва ҳамма фикрларни ҳисобга оладилар. “Чора кўриш” ибораси инсоний қадр-қиммати хавф остида қолган синфдошини ҳимоя қилиш кераклигини, мактабда халқаро медиакомпанияни ишга солиш, қочқинларнинг муаммолари ҳақида ўз шахсий фикрини ижтимоий тармоқларда тарқатиш кераклигини билдиради.

Глобал компетенцияларнинг шаклланганлиги ҳақидаги PISA маълумотлари мамлакатларга таълим ёрдамида янада барқарор жамият қуришда ёрдам берадиган ахборотларни тақдим этади. Улар ёшлар-

да бир-бири ва атрофдаги оламни ушбу муҳитдан ташқарида тушунишини шакллантириши мумкин бўлган таълим муҳитини яратишга уринишга ва жипслашган, барқарор ҳамжамиятларни яратиш учун кўриладиган чора-тадбирлар кўришга бўлган яхлит қарашларни ифодалайди. Улар кўплаб ўқитувчиларга жанжал-низолар, камситиш ва зўравонликка асосланган жаҳолат, сохта фикр ва нафратни енгиласан ёрдам бериши мумкин.

Глобал компетенциялар турли хил контекстларда шаклланиши мумкин, бироқ мактаблар бунда муҳим роль ўйнай олади. Мактаблар ёшларга дунё учун ҳам аҳамиятли бўлган тенденцияларни танқидий баҳолаш имконини тақдим этиши; уларни рақамли ахборот ва ижтимоий медиаплатформалардан танқидий ва масъулият билан фойдаланишга ўргатиши; маданиятларни ўзаро қабул қила олиш ва ҳурмат қилишни халқлар, тиллар ва маданиятларни қадрлайдиган муносабатларни шакллантириш орқали тарбиялаши мумкин.

Мактаб – конструктив мулоқот олиб бориладиган жой сифатида

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин либерал ҳамжамиятлар турли ғояларнинг кучли таъсирига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Аммо ХХI асрда либерал ва демократик ғоялар ва қадриятлар янги ҳужумга дуч келаётганга ўхшайди ва биз яна бир бор уларни ҳимоя қилишимиз керак.

Бу эса таълим жавоб бериши мумкин бўлган масалалардир. Университет ва мактаблар ҳамда уларнинг масофавий дастурлари – ғоя ва қадриятларни ўртоқлашадиган ҳамда муҳокама қиладиган майдончалардир. Глобал тарзда ғоялар билан алмашилиш воситаси сифатида таълимнинг ролини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш муҳим.

Ҳар йили имкони бўлган энг яхши таълимга эга бўлиш учун чегараларни кесиб ўтаётган беш миллион ўқувчи ҳам маданиятлараро мулоқот ва глобал тушуниш тарафдоридирлар. Агар биз ёшларнинг юраги ва онгини забт этиш учун ғоявий кураш тобора кучайиб бораётган, бу курашга тикилган дов тобора кўтарилиб бораётган мамлакатларда иқтидорли кишилар учун жозибали имкониятлар яратиш мақсадида таълимга инвестиция киритганимизда, улар сони анча-мунча кўп бўларди.



5. ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Нима учун таълимни ислоҳ қилиш у қадар осон иш эмас?

Аввалги бўлимларда айтилганидек, туб ўзгаришларсиз таълим тизими таъминлайдиган натижалар ва жамият талаблари ўртасидаги тафовут янада ортиб бораверади. Таълим пўлат қуйиш саноати қисматига дучор бўлиши, мактаблар эса эскилик сарқитига айланиши хавфи бор. Мактаб таълимини модернизация қилиш учун нафақат имкониятларни фундаментал ва муқобил тарзда ҳис қилиш, балки таълимда ўзгаришларга эришишга кўмаклашадиган пухта ўйланган стратегиялар ҳам зарур бўлади.

Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар муқобил вариантларни баҳолашдек қийин вазифага дуч келадилар: улар потенциал ўзгаришларни иқтисодий ва сиёсий сарф-харажатлар даражаси билан қиёслашлари зарур. Улар техник нуқтаи назардан амалга ошириш мумкин бўлган нарсани танлашлари керакми? Ёки сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назардан амалга ошириш мумкин бўлган нарсаними? Ё бўлмаса, узоқ вақт мобайнида барқарорлигини сақлаб қоладиган нарсаними?

Яхши янгилик: бизнинг таълимда нима самарали эканлиги ҳақидаги билимларимиз анча кенгайди (3-бўлимга қаранг). Рақамлаштириш популистик кайфиятнинг ўсишига ва оқилона сиёсат олиб боришга тўсқинлик қиладиган “ҳақиқатдан кейинги” жамиятларнинг пайдо бўлишига имкон яратиши – бу ҳақиқат. Лекин рақамлаштириш катта далиллар базасини яратиш ва унинг асосида таълим сиёсатини ишлаб

чиқиш учун ижтимоий тадқиқотлар доираси ва имкониятларини кенгайтириб, катта ҳажмда маълумотлар тўпланишига ва янги статистик ва таҳлилий инструментларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. PISA тадқиқотлари бунга ёрқин мисолдир. 2000 йилда ўтказилган тадқиқотларнинг биринчи даври маълумотлари иштирокчи-мамлакатлар мактабларининг натижаларида 30 фоизга яқин фарқларни изоҳлашга имкон берди; 2015 йилга келиб бу рақам 85 фоизга етди. Бу мактаблар ўртасида бўлган ўзлаштиришдаги фарқларнинг катта қисмини энди ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, мактаб директорларидан PISA тадқиқоти доирасида йиғилган маълумотлар асосида статистик жиҳатдан изоҳлаш мумкин.

Билимлар биз уларга таянган ҳолда ҳаракат қила оладиган даражадагина қимматга эгадир. Воқелик шундайки, кўплаб янги ғоялар таълим сиёсатини амалга ошириш жараёнида йўқолиб кетади. Ҳукуматлар таълим натижаларига қўйилган талаблар босими остида қолади, улар фуқаролардан олинган солиқлар оқилона ва самарали сарфланаётганини исботлаши керак. Улар улуғвор ислохотлар дастурини ишлаб чиқади ва уларга эришиш бўйича стратегик режаларни шакллантиради. Аммо менинг бутун дунё таълим вазирлари билан олиб борган суҳбатларимда, кўпинча мен ислохотларни ишлаб чиқишдаги қийинчиликлар ҳақида эмас, балки уларни тажрибада қўллашда дуч келадиган қийинчиликлар ҳақида эшитаман.

Шундай экан, таълимдаги ўзгаришларга нима тўсқинлик қилади ва нима учун яхши ғоялар ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетади?

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидаги ҳамкасбларим Грегори Вюрцбург, Пауло Сантьяго ва Беатрис Понт кўп йиллар давомида таълимда ислохотларни амалга ошириш жараёнларини ўрганишди ва режаларни амалга оширишни таъминлайдиган муҳим омилларни аниқлашди¹.

Таълимни ислоҳ қилишдаги қийинчиликлар сабабларидан бири мазкур соҳанинг кўламлари ва қамровидир. Мактаб, коллеж, университет ва бошқа таълим ташкилотлари катта давлат ресурслари сарфланадиган йўналишлардан биридир. Ва ҳар бир киши, қачондир ўзи ҳам ўқувчи бўлгани боис, таълим соҳаси хусусида ўз фикрига эгадир. Ўзининг фарзандига дахл қиладиган ҳолатларни истисно қилганда ҳамма таълим ислохотини қўллаб-қувватлайди. Ҳатто ўзгаришлар ва ислохотларни олиб борадиган кишилар ҳам аслида ўзгаришлар ни-

мага олиб келишини эслатишганида, кўпинча ўз қарашларини қайта кўриб чиқишади.

Одатда, таълим сиёсатини белгиловчи шахслар таълимни ислоҳ қилишда ўз эътиборини қаратадиган қонунлар, норматив ҳужжатлар, тузилма ва ташкилотлар – бу айсбергнинг чўққиси, холос. Таълим тизимини ўзгартириш бунчалик қийинлигининг сабаби шуки, сув остида муз тоғининг кўзга кўринмайдиган анчагина катта қисми туради. Бу кўзга кўринмайдиган қисм жалб этилган кишиларнинг қизиқишлари, эътиқодлари, мотивлари ва қўрқувларидан ташкил топади. Айнан шу ерда кутилмаган зиддиятлар пайдо бўлади, чунки ушбу қисм давлат сиёсатининг кўриш майдонидан қочишга мойил бўлади. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар, агар одамларга ўзгаришлар зарурлигини англашга ёрдам беришмаса, ўзгаришлар учун жамоавий жавобгарлик ва оммавий тушунишни шакллантиришмаса, ресурсларни жамлашмаса, потенциални оширишмаса, шунчаки норматив талабларга риоя қилиш эмас, балки инновация ҳамда ривожланишни рағбатлантирадиган назорат кўрсаткичларига эга тўғри сиёсий иқлимни яратишмаса, агар жуда кўп ҳолларда ўқувчиларнинг эмас, ўқитувчи ва раҳбарларнинг манфаат ва одатлари асосига қурилган институционал тузилмалар билан шуғулланишмаса, камдан-кам ҳолларда таълимни ислоҳ қилишда муваффақиятга эришадилар.

Мавжуд устунликлар ёки шахсий позицияни йўқотишнинг потенциал хавфи таълимни ислоҳ қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки одатдагича, таълим хизматларини таъминловчи давлат муассасаларининг кенг кўламли барқарор тизими шахсий манфаатларнинг кенг миқёсда жараёнга жалб қилинишини ҳам билдиради. Натижада кво-мақомини сақлаб қолишни истайдиган кишиларнинг кўпчилиги – ўзгаришлар рўй берганида ўз ҳукмронлиги ёки таъсирини йўқотиши мумкин бўлган манфаатдор томонлардир. Одамларнинг шахсий манфаатига дахлдор бўлса, уларни ниманидир ўзгартиришга ишонтириш қийин. Ҳатто кичик ислоҳотлар ҳам ресурсларни катта ҳажмда қайта тақсимлашга олиб келиши миллионлаб кишиларнинг ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Бу нарса ислоҳотларни “яширин” ўтказишни истисно қилади ва ҳар қандай таклиф этилган ўзгаришларни сиёсий жиҳатдан кенг кўламда қўллаб-қувватлашни заруратга айлантиради. Моҳиятан, агар таълим соҳаси ходимларининг ўзи ўзгаришларни амалга оширмаса ва уни жорий қилиш учун жавобгарликка шерик бўлмаса, таълимни ислоҳ қилишнинг иложи йўқ.

Таълим вазирликлари ўқитувчиларнинг мақоми ва дарс бериш сифатини ошириш, ҳисобдорлик шакллари тақомиллаштириш, мактабларда етарлича ўринни таъминлаш, олий таълимни назорат қилиш ва молиялаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича давлат таълим сиёсатини сезиларли даражада ислоҳ қилишнинг бошида туришади. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар, хоҳ у давлат харажатларининг бошқа манбаларидан олиб молиялаштиришни қайта тақсимлаш орқали бўлсин, хоҳ ўқишга ҳақ тўлашни киритиш орқали бўлсин, олий таълимни ривожлантириш учун барқарор молиялаштиришни таъминлашнинг қийинчиликлари ҳақида яхши биладилар. Ўқувчиларни кўпроқ назорат қилиш ва баҳолашни кўзда тутадиган ислохотлар кўпинча ўқитувчилар томонидан қаршиликка учрайди. Профессional таълим ислохотларига ваъда қилинган афзалликларга шубҳа билан қарайдиган ота-оналар қарши чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, ислохотлардан ким ва қай даражада ютиши хусусида кўп ҳолларда ноаниқлик мавжуд бўлади. Таълим соҳасидаги бу ноаниқлик мафаатдор шахсларнинг кенг доираси, жумладан, ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, иш берувчилар ва касб-ҳунар бирлашмаларининг кенг доираси туфайли кескинлашади. Сарф-харажатлар борасидаги ноаниқлик муаммо ҳисобланади, чунки таълим соҳаси кенг кўламли ва ҳар бири кўпинча ислохотга кетадиган харажатларни минималлаштириш ёки қайта тақсимлашга уринадиган бир неча бошқарув даражасини ўз ичига олади. Нисбий харажатлар ва таълим соҳасидаги ислохотлар натижасини баҳолаш ҳар қандай яхшиланишнинг хусусияти, кўлами ва тарқалишига таъсир кўрсатувчи кўплаб йўлдош омиллар сабабли ҳам қийинлашади. Инвестициялар узоқ истиқболда қимматлашиши мумкин, айтиш пайтда яқин келажакда янги сиёсатнинг аниқ ва қайд қилса бўладиган натижаларини камдан-кам ҳолларда олдиндан айтиш мумкин, айниқса, ислохотни амалга ошириш билан натижалар олиш ўртасидаги катта узилиш ҳисобга олинса.

Ҳатто таълим тизимидан оммавий қоникмаслик мавжуд бўлганда ҳам, жамиятда ўқитувчиларга бўлган муносабат умуман олганда ижобийдир. Шу билан бирга, ўқитувчилар сиёсатчиларга нисбатан жамоатчиликнинг юқори ишончига сазовордирлар, шу боис ўқитувчиларнинг ислохотларга қарши чиқиши самара бериши аниқ. Ҳатто ота-оналар умуман таълим тизимига ёмон муносабатда бўлсалар ҳам, улар, одат-

да, болалари ўқийдиган мактаб ва шу мактаб ўқитувчиларига ижобий муносабатда бўладилар.

Шунинг учун ислоҳотларни амалга ошириш таълим тизими ходимларининг ёрдамисиз кўпинча иложсиздир. Улар таълим сиёсатини белгиловчи шахсларни нотўғри ислоҳот олиб боришга уринишда айблаб, ислоҳотни амалга оширишни осонгина бузиши мумкин. Ўқитувчилар ҳам кўп мамлакатларда яхши уюшгандир. Аммо адолат юзасидан тан олиш керакки, кўп ўқитувчилар бир-бирига боғлиқ бўлмаган узоқ муддатли ислоҳотлар натижасида азоб чекадилар. Бу ислоҳотлар таълим амалиётини яхшиламайди, аксинча, издан чиқаради. Чунки улар ўқувчилар ва педагогларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб эмас, вақтинчалик сиёсий манфаатлар фойдасига ўтказилади. Кўриладиган кўплаб чора-тадбирларда ўқитувчиларнинг тажриба ва билимларига суянилмайди. Шу сабабли ўқитувчилар улар учун энг оддий чора бу – ислоҳотлар ўтишини кутиб туриш эканлигини биладилар.

Вақт ва муддат масаласи ҳам таълим ислоҳотига алоқадордир. Ислоҳотнинг бошланғич қийматини аниқлаш вақти билан кўзланган натижаларга эришиш мумкин-мумкин эмаслиги аниқ бўлгандан кейинги вақт орасида катта тафовут мавжуд бўлади. Вақт чегаралари кўп соҳалардаги ислоҳотларни мураккаблаштираётган бир пайтда, улар айнан ушбу тафовут кўпинча бир неча йўлни ташкил этадиган таълимга энг кўп таъсир ўтказадиганга ўхшайди. Ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш учун узоқ йўл босиш керак, муваффақиятсизликка эса кўпинча бор-йўғи бир қадам кифоя қилади. Натижада сиёсий манфаатлар таълим ислоҳотининг муддати, кўлами ва мазмунига бевосита таъсир қилиши мумкин. Агар сиёсий сайловлар ислоҳот натижаларига эришгунга қадар ўтказилса, ислоҳот ўтказиш қийин бўлади. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар таълимдаги муаммолар сабабли сайловда ютқазилари мумкин, бироқ улар камдан-кам ҳолларда таълимни ислоҳ қилиш туфайли сайловда ютиб чиқадиладар. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда ўтказилган ислоҳотларнинг тахминан ўнтадан биттасининг самарадорлигини баҳолашга уринишаётгандир².

Энг қийин масала – бу таълим ташкилотлари томонидан бошқарув механизмларини ислоҳ қилишдир. Давлат таълим тизими саноатлашган даврда шаклланган эди. Бунда стандартлашиш ва мувофиқлик меъёрлари устувор эди ва гуруҳларга бўлиб ўқитиш, худди иш фао-

лиятининг бошида ўқитувчилар бир марта тайёргарлик кўргани каби самарадор ва натижали эди. Бошқарувда ўқув синфидан бир неча даража юқори турган шахслар ўқув дастурлари мазмунини белгилаб беришарди. Шу дастурларга мувофиқ тарзда ўқув материаллари ишлаб чиқилар, ўқитувчиларни тайёрлаш ташкил этилар, таълим муҳити шаклланарди.

Мактаб ишининг саноатлашган моделидан мерос бўлиб қолган бу тузилма ислоҳ қилишни жиддий равишда секинлаштиради. Ҳатто таълим соҳасида энг тадбиркор сиёсатга эга мамлакатлар ҳам ўқув дастурларини 6–7 йилда фақат бир марта кўриб чиқадилад. Бироқ бошқа кўпчилик соҳаларда юз бераётган тезкор ўзгаришлар суръати атроф-муҳитнинг ўзгаришига бўлган бу таъсирни ҳаддан ташқари секинлаштиради. Ҳаётимизнинг деярли ҳар бир жабҳасини революцион суръатлар билан ўзгартираётган рақамли технологиялар мактабда жуда секин пайдо бўлмоқда. Янги технологиялардан фойдаланишга уриниш бошланган тақдирда эса бу ўқув дастури талабларига мос келмайдиганга ўхшайди.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар кўп нарсада таълим тизимининг ўзгариш суръатларидан ўзиб кетади. Ўзгаришлар тезлигининг ортиб бориши шароитларида таълим тизимининг аста-секинлик билан мослашуви уни реал ҳаётдан борган сари кучлироқ узилиб қолишига олиб келади. Маъмурий тузилмаларнинг беҳисоб даражалари орқали “юқоридан қуйига” бошқаруви энди ишламайди. Вазифа юз минглаб ўқитувчилар ва ўн минглаб мактаб раҳбарлари тажрибасига суяниш, уларни янада самаралироқ таълим сиёсати ва амалиётини ишлаб чиқишга қўшишдан иборатдир. Агар биз уларни ислохотлар режасини ишлаб чиқишга жалб қилмас эканмиз, улар бу режаларни амалга оширишга ёрдам беришлари амримаҳол.

Ислохотни муваффақиятли амалга ошириш учун нималар зарур?

Ислохотни муваффақиятли амалга ошириш ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари – ўқув синфларида бўлаётган ишлар ва ташқи оламдаги ўзгаришлар ўртасида ўзаро реал алоқа ўрнатадиган кишиларнинг биллими ва тажрибасини сафарбар қилишни тақозо этади. Бугун таълим

сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифаси ана шундан иборатдир.

Расмий тартиб-қоидаларни кескин ўзгартиришни талаб қилиб қаршилик кўрсатаётган кучлар бор. Якка тартибда таълим олиш алоҳида бир кишининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини белгилашда тобора катта роль ўйнамоқда, макродаражадаги таълим ижтимоий жалб қилинганлик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва касбий мавқенинг ошиш даражаси билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Билимга асосланган жамиятнинг шаклланиши ва компетенцияларга бўлган талабларнинг ортиб бориши таълимнинг аҳамиятини оширади, холос. Самарадорликнинг етишмаслиги ва таълимга ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги билан боғлиқ харажатлар ҳам ўсиб бормоқда.

Натижада, таълим натижалари ўзларига бевосита таъсир қилади, деб ҳисоблайдиган кишилар доираси ота-оналар ва ўқитувчилардан то иш берувчилар ҳамда жамият ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий фаровонлигидан манфаатдор бўлган барча шахсларгача кенгайди. Пировардида манфаатдор шахсларнинг таълимга бўлган талаби ортиб бормоқда.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларга бўлган қаршиликларни барта-раф этиш стратегияси маълум даражада бошқа соҳаларда қабул қилинган стратегияларга ўхшашдир. Гарчи таълимдаги инқироз ҳақидаги тушунча ҳар хил бўлса-да, ислоҳотларни “инқироз” шароитларида амалга ошириш осонроқдир. Ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган шок, тўғриси, таълим тизимини идрок қилишни ўзгартирадиган бир нарсадир, аммо зинҳор тизимга тўсатдан ишлаш қобилиятини тухфа қилдиган ҳодиса эмас.

Таълимдаги инқироз аста-секин, лекин демографик ўзгаришлар босими остида муқаррар пишиб етиладиган ҳодисадир. Масалан, мактаб ёшидаги аҳоли сонининг жадал қисқариши Эстония ва Португалия ҳукуматларини қишлоқ мактабларини бирлаштиришдек янги оғир масалани ҳал қилиш зарурати билан юзлаштирди. Бу ислоҳ қилишда дуч келадиган энг оғир муаммолардан биридир, чунки қишлоқ мактабини ёпиш аҳоли учун улкан оқибатларни келтириб чиқаради. Бироқ бундай қадам янги имкониятларни очиши мумкин, масалан, ўқувчилар учун кенг кўламли ўқув курсларини яратиш, ўқитувчилар ҳамкорлиги ва улар касбий ривожланишини мустаҳкамлаш ёки шунчаки таълимга бошқа сармояларни киритиш учун ресурсларни бўшатиш сингари.

Баъзи кузатувчилар Португалия қишлоқ ҳудудларидаги таълим натижаларининг тез яхшиланаётганини ислоҳотлар натижасида юз бераётган ўзгаришлар динамикаси билан боғлайдилар. Мен Японияда туғилиш камайгани сабабли зарур ресурслардан маҳрум бўлган ярим бўш бошланғич мактабларни кўрдим. Мактабларда ўқувчи ва ўқитувчилар қанча кам қолса, бирорта реал ўзгаришларга эришиш шунчалик қийин бўлади.

Германияда мактаб ёшидаги ўқувчилар сонининг камлиги айрим ҳудудларни ҳар хил турдаги ўрта мактабларни бирлаштиришга мажбур қилди: Realschule (реал мактаблар – касбга ҳам, умумий дастурларга ҳам мўлжалланган ўрта мактаблар) ва Hauptschule (махсус мактаблар – асосан, таянч касб-ҳунар дастурларига мўлжалланган ўрта мактаблар). Бу ўзгаришлардан келган энг муҳим фойда мактаблар ўртасидаги тенгсизликнинг пасайиши ва бунинг натижаси ўлароқ, ўқувчилар оиласи ижтимоий аҳволининг таълим натижаларига таъсирининг пасайиши бўлди.

Шунга ўхшаш вазият Финляндияда ҳам юзага келди ва ўрта мактаб юқори синф битирувчилари сонининг кутилган қисқаруви ҳукуматни политехника сектори ташкил этилганидан сўнг бор-йўғи бир неча йил ўтгач, олий ўқув юртлари сонини қисқартириш, уларни бошқариш тартибини ўзгартириш ва уларни молиялаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар ўтказишни бошлашга мажбур қилди.

Тажириба шуни кўрсатадики, инсон фаолиятининг бошқа жабҳаларида бўлгани каби, таълим тизимининг турли бўлимларида олиб борилган ўзаро мувофиқлаштирилган ислоҳотлар бир-бирини тўлдиради. Баъзан мавжуд имкониятлар ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар тусини олади. Ўқув дастури, имтиҳон тизими ва бошқарув тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишни бошламоқчи бўлган ҳукумат педагогик таълимни, меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқишдан бошлаган Шотландияда шундай бўлган эди. Таълим дастури ва имтиҳон тизимини ислоҳ қилишнинг муваффақияти ўзгаришлар комплекси сифатида қаралади, шу билан бирга, ким ўқитувчи бўлиб ишлаётгани ва у қандай тайёргарлик даражасига эга экани билан белгиланади.

Бироқ таълим тизими бир неча бошқарув даражасини ўз ичига олишини ҳисобга олсак, “кенг қамровли” амалга оширишни мувофиқлаштириш кўп ҳолларда қийин бўлади. Миллий имтиҳон тизимини

кучайтиришга қаратилган ислоҳотларни муниципалитетлар томонидан ишга олинган ўқитувчиларнинг бошланғич педагогик тайёргарлиги ва малакасини ошириш билан ўзаро мувофиқлаштириш қийинлиги маълум бўлгач, Дания шунга ўхшаш муаммога дуч келди. Маҳаллий ва ҳудудий органлар кўпинча миллий сиёсатни амалга ошириш учун етарлича ресурсга эга бўлмайди.

Масалан, Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Канада, Буюк Британия, Германия, АҚШ ва Швейцариядаги сингари федерал таълим тизимлари бошқа муаммога дуч келади. Гарчи АҚШда федерал ҳукумат, масалан, штатлардан федерал маблағ олишларининг шарти сифатида сифат стандартларини ўрнатишни талаб қилиши мумкин бўлса-да, бироқ ўзи бу стандартларни ўрнатолмайди. 2009 йилда АҚШда давлат мактабларининг раҳбарлари ва ҳукумат вакиллари асосий фанлар³ бўйича умуммиллий стандартларни ўрнатиш тамойиллари ҳақида келишиб олдилар, бироқ 2015 йилда бу стандартлар ҳалиям ўқитиш амалиётига тубдан таъсир ўтказиш учун етарли даражада жорий қилинмаганди.

Гарчи Германия ҳам федератив бошқарув тузилмасига эга бўлса-да, у миллий стандартларни⁴ амалга оширишда катта муваффақиятга эришди. PISA – 2000 тадқиқотининг қониқарсиз натижалари таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга катта босим ўтказди ва уларни пухта ўйланган ва пухта ишланган мактаб стандартларини барча жойларда жорий қилиш ва мазмунга асосланган анъанавий ўқув дастурларидан компетенцияларга асосланган ўқитишга ўтишга мажбур қилди. Федерал ҳукумат ва жамоатчилик томонидан ўтказилаётган босим таъсирида герман ерлари мазкур стандартларни аста-секин мувофиқлаштириб борди.

Нима сабабдан бу саъй-ҳаракатлар АҚШ билан солиштирганда Германияда бир мунча муваффақиятли натижаларга олиб келди? Биринчидан, Германия стандартларни ишлаб чиқиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва жорий этишга манфаатдор томонларнинг кенг доирасини жалб этишга эътибор қаратди. Иккинчидан, герман ерлари синфхоналарда амалга ошириш учун стандартлар билан бир қаторда, ресурслар, шунингдек, ўқитишни лойиҳалаштиришнинг етакчи тамойиллари, дарс режалари ва ўқитиш услубларини ишлаб чиқди. Стандартларни жорий қилиш потенциали таълим тизимининг барча даражаларида олдиндан эътиборга олинган эди.

АҚШдан фарқли ўлароқ Германияда расмий ҳисобдорликка эмас, стандартларнинг ишлашини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилади. Миллий баҳолаш тизими киритилганида мазкур тизим мактабларни танлаб олиш механизмига таянарди, бу алоҳида мактабларни қиёслашдан қочишга имкон яратди. Шундай қилиб, янги стандартларни жорий қилишда ўқитувчиларнинг жавобгарлиги атайлаб пасайтирилди, айти пайтда таълим сиёсатини белгилайдиган ва ҳудудлар миқёсида ислохотларни амалга оширувчи шахслар учун жавобгарлик, аксинча, юқори бўлди. Бундан ташқари, ўқитувчилар, мактаблар ва маҳаллий ҳамжамиятларга қатор инструментлар тақдим этилдики, бу инструментлар ёрдамида улар мактаб миқёсида жорий этиш ривожини кузатишлари мумкин бўлди.

Давлат бошқарувининг барча даражаларида таълим сиёсатини ишлаб чиқишни нафақат мувофиқлаштириш, балки турли нуқтаи назарларни унга мослаштириш ҳам қийин. Масалан, инсон умри давомида билим олиши учун нафақат таълим соҳасини, балки оила институти, ижтимоий муҳофаза ва аҳоли бандлиги институти каби барча соҳаларни ишга солиш, саноат ва иқтисодий тараққиёт, миграция ва интеграция, ижтимоий таъминот ва давлат томонидан молиялаштириш масалаларини кўриб чиқиш зарур бўлади. Мувофиқлаштирилган ёндашув таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга сиёсий келишувга эришишга, масалан, меҳнат бозорида иммиграция ва интеграция ўртасидаги ёки эрта таълимга қилинадиган сарф-харажатлар ёки анча кечки босқичда ижтимоий таъминот дастурларига инвестиция киришиш ўртасидаги келишувга имкон яратади.

Давлат бошқарувининг турли жабҳалари ўртасида алоқа ўрнатиш ҳам самарадорликни таъминлаш ва ҳаракатларни такрорлашнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Бироқ таълимга давлат миқёсида ёндашувни шакллантириш осон эмас. Таълим вазирликлари, табиийки, бор кучни таълим олиш йўли билан реал ҳаёт учун мустаҳкам асосни шакллантиришга йўналтиради ва бунда билим, кўникма, малака ва қадриятларни авлодларга етказишга эътибор қаратади. Меҳнат ва бандлик вазирликлари, аксинча, асосан қисқа муддатли касбий тайёргарлик дастури орқали ишсизларни ишга жойлаштириш муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланади. Иқтисодиёт вазирликлари узоқ истиқболда рақобатбардошлиликни таъминлаш учун зарур бўлган кўникмалардан манфаатдордир. Манфаатларнинг бундай фарқлани-

ши ҳукумат касбий таълим ва касбий тайёргарликнинг икки параллел тизимини бирлаштириш учун курашаётган Португалияда аниқ намоён бўлди: биринчиси Таълим вазирлиги раҳбарлиги остидаги мактаблар негизида таянч кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган, иккинчиси Меҳнат ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги ишлаш жойида ўқитишга мўлжалланган. Биздан Португалияга компетенцияларни ривожлантиришнинг мослаштирилган миллий стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беришни сўрашди⁵. Биз вазирликларда биргаликда ишлашнинг улкан истагини кўрдик, бироқ ўзаро тил топишиш, бу таълимни қандай ва ким ташкил этиши кераклигини эмас, ёш авлодни нимага ўргатиш зарурлигини кўзда тутадиган иш тизимини шакллантириш учун жуда кўп вақт керак бўлди.

Ислоҳотни амалга ошириш учун жуда муҳим бўлган бир неча нуқтаи назар мавжуд.

- Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар ислоҳотни **кенг миқёсда қўллаб-қувватлашни** таъминлашлари ва манфаатдор томонни, айниқса, ўқитувчиларни ўзгаришларни шакллантириш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилишлари зарур. Ўзгаришлар зарур бўлган вазиятни яратиш учун ташқи босимдан фойдаланиш мумкин. Раҳбарлар ва манфаатдор томонлар ислоҳотларни жорий қилиш суръатлари ва ислоҳотлар мазмунини хусусида реал мақсадларни шакллантиришлари лозим.
- **Потенциални ошириш.** Агар таълим соҳаси раҳбарлари энг замонавий билимлар, профессионал «ноу-хау» ва ислоҳотлардан кўзда тутилган янги вазифаларни ҳал қилиш ва талабларни бажариш учун зарур институционал механизмларга эга бўлмасалар, ислоҳотларга бўлган қаршиликларни бартараф этиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар зое кетади. Муваффақиятли ислоҳот ходимлар малакасини ошириш ёки тизимнинг мос таркибий қисмларида потенциални ошириш учун ислоҳотларни бирлаштиришга анча-мунча катта маблағларни талаб қилиши мумкин. Бошқача айтганда, ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш учун барқарор молиялаштириш зарур бўлади.

- **Жойларда саводли бошқарув.** Таълим тизимлари маҳаллий мактаблар ва миллий вазирликларни қамраб олади. Турли мамлакатлардаги алоҳида институтлар ва бошқариш савиясининг вазифалари худди нисбий аҳамият ва хусусий хизмат кўрсатувчиларнинг мустақиллик даражаси каби бир-биридан фарқ қилади. Ислоҳотлар турли хил иштирокчиларнинг масъулият доирасини ҳисобга олиши керак. Масъулият доиралари яхши тақсимланган ёки қайта тақсимланган бўлса, баъзи ислоҳотларни ўтказиш имкони бўлади. Худудий бошқарув даражасида алоҳида эҳтиёжларни аниқлаш масалалари муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин, бироқ бу, эҳтимол, бутун мамлакат учун умумий бўлган мақсадларга эришишдаги ўсишни мониторинг қилишда яхши нуқта эмасдир. Худудлар миқёсида ҳам миллий мақсад ва вазифаларга мос келадиган таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун илмий-техник ва инфратузилма имкониятлари етарли бўлмаслиги мумкин.
- **Таълим натижалари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш.** Ахборот тўплаш, уни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш осон ва арзон бўлгани сари таълим тизимлари маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда индивидуал ва институционал таълим натижаларидан хабардор бўлиб туриш мақсадида анча сифатли ва актуал маълумотларни олиши мумкин. Миллий тадқиқотлар ва таълим сифатини назорат қилиш ишларининг натижалари, шунингдек, қиёсий маълумотлар ва баҳолаш ўзгаришларни тезлаштириш ва таълим сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнига тузатиш киритиш учун фойдаланилиши мумкин. Тадқиқот натижалари ташкилотларга натижаларни таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган инструментлар билан бирга тақдим этилса фойдалироқдир.
- **Энг яхши натижаларга эришиш учун бошланғич ислоҳот-ташаббуслардан ўзгаришларнинг назорат кўрсаткичлари ва жорий қилиш инструментларига, барча даражалардаги қайта алоқа тизимига эга ўз-ўзини бошқариш тизимларини яратишга ўтиш зарур.** Ўзгаришларни бошқариш кўникмаларини ша-

клантириш учун инвестициялар зарур. Ўқитувчилар ислоҳотларни амалиётга татбиқ этиш учун инструментлар тақдим этилишига ишонишлари зарур. Шунингдек, ўқувчиларнинг таълим натижалари яхшиланишига ўқитувчиларнинг рағбатини ҳисобга олиш керак.

- **“Умумдавлат”** ёндашуви таълим соҳасини комплекс ислоҳотларга жалб қилиши мумкин.

Ушбу жабҳаларни батафсилроқ кўриб чиқса бўлади.

Тўғри ёндашувнинг турлича вариантлари

Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар кўпинча манфаатдор шахсларнинг бирор гуруҳи вакили эканини (давлат ҳокимияти органи эканини) ҳисобга олсак, таълимни ислоҳ қилишга турлича қарашлар таълим сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнини бир мунча мураккаб-лаштиради. Масалан, ўқитувчиларни баҳолаш усуллари танлаш ҳусусида баҳолашга сумматив (натижаларни баҳолаш) ва форматив (яхшилаш мақсадида қайта алоқани таъминлаш) ёндашув афзалликларини муҳокама қилишлар бор нарса. Бир томондан, таълим сиёсатини белгиловчи шахслар ва ота-оналар сифатни баҳолаш ва ҳисобдорликни қадрлайдилар. Улар мактаблар солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган давлат муассасаларидир ва жамоатчилик қонуний асосларда ўқитиш сифатидан манфаатдор, дея таъкидлайдилар. Ўқитувчиларни сумматив баҳолаш мактаб директорларига катта ютуқларга эришган ва ўз ишини севадиган ўқитувчиларни рағбатлантириш, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, бошқарув органлари ва раҳбарларига эса ўқитиш сифатини назорат қилиш ва таъминлаш имконини беради. Аммо ўқитувчилар ва уларнинг бирлашмалари кўпинча сумматив баҳолашни назорат инструменти сифатида қабул қилмайдилар, улар баҳолашга форматив ёндашувларни афзал биладилар.

Бироқ турли нуқтаи назарларни муваффақиятли мослаштиришга кўплаб мисоллар мавжуд. Масалан, Чехия 1997 йилда битириш имтиҳонининг стандартлаштирилган қисмини ишлаб чиқишга киришди, лекин у фақат 14 йилдан кейин, 2011 йилда амалга оширилди. Ўт-

ган вақт ичида бир неча моделлар ишлаб чиқилди, тажриба-синовлар ўтказилди, фундаментал тавсифлар бир неча марта ўзгартирилди. Ислохотлар имтиҳонларни ишлаб чиқишга бўлган ёндашувга нисбатан келишувга эришолмаган мамлакат сиёсий партиялари вакиллари ўртасида айниқса қизғин муҳокама қилинди⁶.

Йўналишни аниқлаш

Ўқувчилар қандай таълим натижаларига эришиши лозимлиги ҳақида узоқни кўра олиш қобилиятини аниқ шакллантириш ҳам яна бир аҳамиятли жиҳатдир. Алоҳида шахс ва гуруҳлар катта эҳтимол билан, агар уларнинг ўзи ёки умуман, жамият бу ўзгаришларнинг сабабини тушунса ва кенг стратегия доирасида улар ўйнайдиган ролни кўра олса, уларнинг шахсий манфаатларига жавоб бермаса-да, бу ўзгаришларга қўшиладилар. Бу мақсадга эришиш учун унинг асосида таълим сиёсати шаклланган ишончли базани, сиёсатнинг муқобил вариантларига тегишли тадқиқотлар натижалари ва уларнинг эҳтимолий натижаларини, шунингдек, ислохотдан воз кечгандаги сарф-харажатлар ҳақидаги маълумотлар билан қиёслаганда ислохотга кетадиган сарф-харажатлар ҳақидаги маълумотларни ёритишни таъминлаш зарур.

Масалан, стандартлаштирилган назоратни ва ўқувчиларни баҳолашни ислоҳ қилиш зарурлигига ўқитувчиларни ишонтириш учун ўқитувчилар баҳолашнинг кенг миқёсли мақсадларини, шунингдек, баҳолаш асосида ётган стандартлар ва тизимни тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари жуда муҳим. Аниқ мақсад ва стандартлар ўрнатиш ва улардан ўқитувчиларни хабардор қилиш “ортидан юриб тестга тайёрлаш” тенденциясини камайтиради, чунки ўқитувчилар ўқувчилар эришиши лозим бўлган таълим натижалари ҳақида аниқ тасаввурга эгадирлар.

Ислохотларга қаршилик кўрсатиш таклиф қилинган ўзгаришларнинг хусусияти ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, уларнинг таъсири ёки жалб қилинган томонларнинг – шу билан бирга, кенг жамоатчиликнинг – аҳволи яхшиланиш ёки яхшиланмаслиги оқибатида юзага келади. Шу билан бирга, ўзгаришларга қарши туриш жамоатчилик етарлича хабардор қилинмагани ёки ўзгаришларга тайёр эмас-

лигидан далолат беради, бу яна таълим сиёсатида инновацияларга жамият ишончининг етишмаслигидан далолат беради. Юқорида баён қилинган ҳамма нарсa педагоглар ва бутун жамиятни ишонтириш учун ислоҳот ҳақида ахборот беришнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бу энг мақбул оптимал қарорни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда муҳокамани авж олдириш ва таълим сиёсати муқобил стратегияларининг мумкин бўлган натижалари ҳақида хабардорликни оширишни кўзда тутати. Бу ислоҳотлар хусусида келишувга эришиш йўлидир.

Келишувга эришиш

Сиёсий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун келишувга эришишнинг муҳимлигини исботловчи кўплаб далиллар мавжуд. Айтиш пайтда, таълим соҳасида жалб қилинган томонларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олсак, келишувга эришиш энг кам қаршилиқ кўрсатиш йўлини танлаш билан чекланиши мумкин ва бу маълум даражада яхшиланишлар учун камлик қилади. Демак, таълимни муваффақиятли ислоҳ қилиш асосида стратегик бошқарув ётади (6-бўлимга қаранг).

Келишув муҳокамалар ҳамда хавотирларга жавобан қайта алоқа-ни тақдим этиш йўли билан мустаҳкамланиши мумкин, бу билан айрим манфаатдор томонларнинг қатъий қаршилиқ кўрсатиш эҳтимоли пасаяди. Манфаатдор томонларнинг таълим сиёсатини ишлаб чиқишда мунтазам иштирок этиши ўз вақтида потенциални ошириш ва ғояларни шакллантиришга ёрдам беради. Барча манфаатдор томонларни таълим сиёсатини ишлаб чиқишга жалб этиш ислоҳотларни ўтказиш зарурати учун муштарак жавобгарлик ҳисси ва ислоҳотларнинг ўхшаш мазмунини шакллантиришга ёрдам беради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, мунтазам институционал консултациялар ва тушунишга эришмоқликка интилиш сиёсатни белгиловчи шахслар ва турли манфаатдор гуруҳлар ўртасидаги ишончли муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Масалан, 1991 йилда Чилида чиқарилган ўқитувчилар ҳақидаги қонун бошланғич ва ўрта мактабларда ўқитувчиларни баҳолаш тизимини жорий қилишни кўзда тутар ва иш берувчиларга кетма-кет паст

баҳо олган ўқитувчиларни ишдан бўшатиш имконини берарди. Бироқ бу баҳолаш тизими Баҳолаш комиссияларининг таркиби масалалари бўйича ўқитувчилар ассоциациясининг эътирозлари ва тизимни яхшилашга эмас, жазолашга мўлжаллангани туфайли жорий қилинмаганди.

Шунга қарамай, 1990 йиллар мобайнида ўқитувчилар ишини баҳолаш масалалари аввалгидек ижтимоий ва сиёсий хавотирлар мавзуси бўлиб қолди. Шу боис Чили Таълим вазирлиги вазирликлар, муниципалитетлар ва Ўқитувчилар ассоциацияси вакилларидаан иборат техник қўмитани таъсис қилди. Бир неча ойдан сўнг қўмита ўқитувчиларни баҳолаш модели хусусида келишувга эришди. Айни пайтда қўмита аъзолари ўқитувчиларнинг касбий фаолияти самарадорлиги стандартлари ҳақида етакчи тамойилларни тайёрлаш ва келажакда улардан фойдаланиш мақсадида қилинадиган ишлар ва инструментларни баҳолаш ва тузатишлар киритиш учун мамлакатнинг бир неча туманларида экспериментал лойиҳани жорий қилишга келишиб олишди.

Бутун мамлакат бўйлаб кенг муҳокама-мунозаралар ўтказилиб, ўқитувчилар ҳамжамияти вакиллари билан келишиб олинганидан кейин, ўқитувчилар самарадорлигини баҳолаш тизими ишлаб чиқилди ва расман тасдиқланди. Ўқитувчилар ишини баҳолаш бўйича тўрт ҳудудда тажриба-синов лойиҳаси жорий қилинди. 2003 йилнинг июнида вазирлик, муниципалитетлар ва Ўқитувчилар ассоциацияси баҳолашнинг янги тизимини босқичма-босқич жорий қилишни кўзда тутадиган келишувни имзолашди⁷.

Қатор мамлакатларда ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор гуруҳларга синов майдончаси тақдим этадиган кенгашлар ташкил этилди. Масалан, Ирландиядаги ўқитиш масалалари бўйича Кенгаш (2006 йилда таъсис этилган) ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини ва педагогик таълим соҳасидаги энг яхши амалиётларни рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди⁸. Расмий орган сифатида Кенгаш ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини тартибга солади, педагогик таълим дастурлари устидан назорат ўрнатади ва ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига кўмаклашади. Фаолиятнинг ушбу йўналишларини жорий қилиш билан Кенгаш ўқитувчиларга маълум даражада касбий автономия беради ва шу билан ўқитувчилар руҳини кўтаради. Кенгашнинг асосий вазифаларидан баъзилари профессионал ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, нашр этириш ва такомиллаштириш, ўқитувчилар рўйхатини тузиш ва

олиб бориш, ўқитувчилар учун таълимга бўлган талабларни қарор топтириш, узлуксиз таълим ва ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига кўмаклашиш, ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини баҳолаш ва ўз вазифаларини тегишли даражада бажармайдиган ўқитувчиларга нисбатан жарима солишни киритишдан иборат.

Кенгаш таркибига таълим соҳасига жалб қилинган турли гуруҳларнинг вакиллари, жумладан, ўқитувчилар, педагогика ўқув юртлари, мактаб бошқаруви ташкилотлари, ота-оналар миллий ассоциацияси, саноат ва савдо ҳамда вазирликлар вакиллари киради.

Шуни қайд қилиш муҳимки, бундай кенгашлар ҳам стандартларни ўрнатиш ва ўқитувчилар тайёрлаш сифати, ўқитувчиларни вазифага тайинлаш, малакасини ошириш ва касбий ривожланишини таъминлаш механизмларини таклиф этади. Ушбу ташкилотлар автономия ҳамда педагогларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик шаклларини ўрнатишга жалб қилинади, бу нарса эса аллақачон бошқа касблар, масалан, тиббиёт, муҳандислик иши ва юриспруденция соҳаси учун меъёр ҳисобланади.

Бизнинг баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш тизими ҳақидаги маълумотларимиз тўғри ташкил қилинган алоқалар ислоҳотларни муваффақиятли жорий қилишга қандай ёрдам бергани тўғрисида кўплаб мисолларни кўрсатиб берди⁹.

Данияда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 2004 йилдаги баҳолаш маданиятини шакллантириш зарурати ҳақидаги тавсияларига мувофиқ, таълим соҳасига алоқадор бўлган барча манфаатдор томонлар бу йўналишда биргаликда ишлашнинг муҳимлигига қўшилди¹⁰. Бу мамлакатда бошланғич ва ўрта мактаблар учун таълим сиёсатини ишлаб чиқишга барча манфаатдор томонларни жалб қилиш анъанаси мавжуд (Folkeskole). Асосий манфаатдор томонлар қаторига миллий даражада таълимни бошқариш органлари, муниципалитетлар (маҳаллий ҳокимият органлари), ўқитувчилар (Дания ўқитувчилар иттифоқи), ота-оналар (Ота-оналар миллий ассоциацияси), ўқувчилар, муниципал мактаб бошқаруви ассоциацияси, Дания мустақил (хусусий) бошланғич мактаблар манфаатларини ифодаловчи ассоциациялар ва тадқиқотчилар киради.

Бошланғич ва ўрта таълим сифатини ошириш ва баҳолаш Кенгаши баҳолаш ишлари соҳаси сиёсатини муҳокама қилиш учун жуда муҳим платформа ҳисобланади. Бироқ музокарага кўмаклашадиган

бошқа ташаббуслар ҳам бор. Миллий имтиҳонларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ биринчи ташаббус доирасида ҳар ой аъло натижаларга эришган мактабни танлашади ва рўйхатга олишади, иккинчиси, мактабларни яхшилаш ишида муниципалитетларнинг ҳамжиҳатлигини рағбатлантиришга қаратилган¹¹.

Янги Зеландия таълим тизими асосида ходимларнинг касбий маҳоратига ишонч ва муҳокама-мунозара маданияти ётади. Мамлакатда баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини ривожлантириш айнан биргаликдаги меҳнат орқали амалга оширилади, юқоридаги раҳбариятнинг кўрсатмаси орқали эмас. Тан олишим керакки, мен Янги Зеландия ўқитувчилар томонидан бошқариладиган юқори ставкали баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда муваффақиятга эришаётганига шубҳа билан қарардим. Бироқ бу нарсага мамлакатда ўқитувчиларни ўқитишга ва касбдошлар ўртасида ҳамкорлик маданиятини ривожлантиришга сарфланган вақт ва куч сабабли эришилди. Жараён охирида ўқитувчилар нафақат ўқувчиларнинг таълим натижалари ҳақида валид маълумотлар олдилар, балки баҳолаш ишининг хусусияти, назорат ишлари ва имтиҳонларнинг турли хил саволларига ўқувчиларнинг жавоблари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилдилар. Эҳтимол, ўқитувчилар ҳамкасблари бошқа синф ва бошқа мактабларда ўқувчиларнинг шунга ўхшаш ишларини қандай баҳолаганларини тушуниш қобилиятини ҳосил қилганлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳамманинг иштирок этишига мўлжалланган бундай ёндашув натижасида ҳозирги кунда мактаблар баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш стратегиясига тарафдор эканликлари ва уни қўллаб-қувватлашларини кўрсатмоқда. Тўғри, ёндашувлар бир-биридан фарқ қилиши мумкин, аммо шу билан бирга, баҳолаш мақсадлари ва манфаатдор томонларнинг миллий стратегияни шакллантиришда ўз шахсий иштирокига бўлган ишончига нисбатан жуда муҳим келишув мавжуд.

Норвегия таълим сиёсати маҳаллий миқёсдаги мулкка нисбатан юқори даражадаги ҳурмати билан ажралиб туради. Бу баҳолаш ва аттестация миллий тизимини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Мактаблар мактаб сиёсати, ўқув режаларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ва аттестация қилиш масалаларида юқори автономияга эга. Демократик йўл билан қарор қабул қилиш ва баҳолаш сиёсати таъсир қиладиган кишилар томонидан қўллаб-қувватланиш бу сиёсатни муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида умумий нуқтаи

назар мавжуд. Бундан ташқари, ҳукумат маҳаллий миқёсда потенциални ошириш ва мустаҳкамлаш, алоҳида ҳамжамиятларни тажриба алмашиш мақсадида бирлаштириш учун кўп иш қилмоқда.

Финляндияда таълимни баҳолаш мақсадлари ва моҳияти Таълим ва маданият вазирлиги томонидан Таълимни баҳолаш кенгаши, Олий таълимни баҳолаш кенгаши, Таълим масалалари бўйича миллий кенгаш ва бошқа муҳим ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган Таълимни баҳолаш режаси томонидан белгиланади. Таълимни баҳолаш кенгашининг аъзолари таълим соҳаси раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, иш берувчилар ва тадқиқотчилар томонидан тавсия этилади.

Бельгия Французлар ҳамжамиятида таълим тизимини мониторинг қилишда Мониторинг комиссияси муҳим аҳамият касб этади. Комиссия иккита асосий вазифани бажаради: таълим тизимида мувофиқликни координациялаш ва таҳлил қилиш ҳамда педагогик ислохотларни амалга оширишни назорат қилиш. Унинг таркибига таълим соҳасининг барча иштирокчилари киради: мактаб инспекторлари, мактаб ташкилотчилари, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва оналар бирлашмаларининг вакиллари. Янги таълим сиёсатини ишлаб чиқишда “юқоридан қуйига” ва “қуйидан юқорига” ёндашувларининг бирлашиши келишувга эришиш имконини яратади. Таълим амалиётчилари – ўқитувчилар, бошқа таълим ходимлари ва уларнинг бирлашмаларини далилий тадқиқот базасини яратиш, талқин қилиш ва таълим сиёсатига кўчиришга жалб этиш бу одамларда кучли дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнига бўлган ишончини мустаҳкамлаши мумкин.

Ўқитувчиларни ислохотларни ишлаб чиқишга жалб этиш

Таълим сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни катта эҳтимол билан, агар энг дастлаб унда барча манфаатдор томонлар иштирок этса, ўзгаришлар қабул қилинишига олиб келади. Мунтазам равишда ўзаро ҳамкорлик қилиш ишончини мустаҳкамлашга ва келишув имконига эга муҳитни яратиш, ўзгалар фикрини билишга ёрдам беради. Қачонки сиёсат ишончсизлик асосига қурилар экан ва қачонки ўз ўрнини

сақлаб қолиш истаги соғлом ақлдан юқори турар экан, биз ўзгара олиш қобилияти ва ўзаро ҳамкорликка асосланган ғояларни ривожлантириш қобилиятини йўқотамиз. Агар ўқитувчилар ислохотларни ишлаб чиқишга жалб қилинмаса, улар ислохотларни жорий қилишга ёрдам беришлари даргумон. Ва бу нарса фақат тилда бўлмаслиги керак. Таълим сиёсатини белгиловчи шахсларнинг бир қадар такаббурлик билан педагоглар потенциалининг етишмаслиги ва аксарият ўқув дастурларини ўқитувчилар учун кенгайтириш орқали бу муаммони ҳал қилиш ниятлари ҳақидаги гапларини эшитишимга тўғри келарди. Аммо бундан-да каттароқ муаммо шундаки, сиёсатчилар кўпинча ўз ўқитувчиларининг имкониятлари ва экспертга хос билимлари ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслар, чунки уларнинг саъй-ҳаракатлари энг яхши амалиётларни бутун таълим тизимига ёйишга эмас, балки ҳукумат кўрсатмаларини мактабга жорий қилишга қаратилган.

Кузатишларимиз давомида биз ўқувчилар ютуқларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими, педагоглар ва мактаблар иши ҳақида кўпгина янги нарсаларни билиб олдик. Таълимни баҳолаш соҳасидаги сиёсат амалда ҳаммага бир хил нуқтаи назарни тиқиштиришдан эмас, балки турли нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, келишувга эришишдан кўп нарсани ютиши мумкин. Масалан, агар ўқитувчиларнинг фикрлари баҳолаш ишларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган бўлса, улар ушбу ишларни бажонидил амалга оширадilar. Бу, шунингдек, уларнинг касбий маҳорати, малака ва тажрибаси муҳимлигини, жавобгарлик даражасини тан олишнинг яхши усулидир. Агар ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ишлари фақат “юқоридан” ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган бўлса, раҳбарлар ва ўқитувчилар ўртасидаги алоқа заиф бўлади. Бу, ўз навбатида, ўқитувчиларнинг жараёнга кам жалб қилинганини ва баҳолаш ишларида потенциал хавф-хатар зонасини аниқлашга интилишнинг йўқлигини англатади.

Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларини шахсан ўзларини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш ишига, масалан, мақсад қўйиш, ўз ўзига ҳисоб бериш ва индивидуал портфолио тайёрлашдан фойдаланиш орқали, жалб қилиш уларда чуқур жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга ва бинобарин, бутун жараёни муваффақиятли амалга оширишни таъминлашга имкон беради. Агар таълимни бошқариш органлари тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатларига қулоқ тутса, катта фойда олиши мумкин. Бу ўқитувчилар ўқитишнинг таъсирчан

услуглари ва ҳамкасблари ишини баҳолашнинг энг яхши усулларини аниқлай оладилар. Баҳолаш тизими, агар у профессионал ҳамжамият томонидан қабул қилинса ва мақсадга мувофиқ, холис ва ҳаққоний тизим сифатида қабул қилинса, катта эҳтимол билан муваффақиятли бўлади.

Ўқитувчиларни жалб қилиш зарурати таълим сиёсати ва прагматик мулоҳазалар доирасидан ташқарига чиқади. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар олдида турган энг катта қийинчиликлардан бири билимга асосланган ҳозирги замон жамиятида ўқитиш сифатини таъминлаш ва ўқитувчилар малакасини оширишдир. Самарали касбий ривожланишнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш ўқитувчиларни ўзларининг шахсий иш фаолияти таҳлиliga касбий стандартларга мос келиш нуқтаи назаридан, шунингдек, ўқувчиларнинг натижалари таҳлиliga таълим стандартлари позициясидан туриб жалб қилиш зарурати ҳақида далолат беради.

Пилот лойиҳаларини жорий қилиш ва узлуксиз баҳолаш

Таълим сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида пилот лойиҳасини амалга ошириш келишувга эришиш, хавотир даражасини пасайтириш ва таклиф қилинган ислоҳотларни улар жорий қилингунига қадар баҳолаш орқали қаршиликларни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Ислоҳотларни амалга оширгандан кейин уларни вақти-вақти билан таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари катта эҳтимол билан, агар уларда ўз фикрини баён қилиш ва ўзгартишлар киритиш имкони борлигини билсалар, янги таълим сиёсатига қўшиладилар.

Янги Зеландия Таълим вазирлиги миллий сиёсатни мустақил баҳолашни ўтказишни ташкил қилади. Масалан, дарслар инглиз тилида олиб бориладиган мактабларда ўқув дастурларини амалга оширишни назорат қилиш Таълимни назорат қилиш бошқармаси томонидан шартнома асосида ишга олинган баҳолаш бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа доирасида мактабларни танлаб олиш орқали назорат қилинади. Ушбу мониторинглар натижасида олинган маълумот сўровнома маълумотлари, Бошқарма

ҳисоботлари, миллий ва халқаро таълим тадқиқотлари натижалари билан тўлдирилади.

Қатор мамлакатларда ташқи баҳолаш мутахассислари, одатда баҳолаш ишларини мониторинг қилиш мақсадида мактаблар ва бошқа жалб этилган гуруҳлардан ўтказилган баҳолаш ҳақида қайта маълумот йиғадилар.

Тизим потенциалини ошириш

Ислоҳотларни амалга оширишда учрайдиган энг жиддий тўсиқлардан бири бу – тизимнинг ўзгаришлар учун етарли даражада потенциалга эга эмаслиги ҳамда ҳажм, мазмун ва муддат нуқтаи назаридан кўпинча зарур бўлган ресурсларга етарлича баҳо бермаслик билан изоҳланадиган ресурслар етишмаслигидир. Кўп ҳолларда асосий тўсиқ маблағ етишмаслиги эмас, балки тизимнинг барча даражаларида зарур бўлган инсон капиталининг йўқлигидир.

Канаданинг Альберта провинциясида мактаб таълимини яхшилаш ташаббуси айнан шу муаммони ҳал қилиш учун 1999 йилда ишлаб чиқилган эди. Бу ташаббус алоҳида масалаларни ҳал қилиш учун инновацион лойиҳаларни жорий қилиш бўйича ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчиликни биргаликда ишлашга рағбатлантирарди. Ушбу майдонча мактаб ва мактаб округларида муаммоларни биргаликда ҳал қилиш жараёни орқали ўқув режалари ва педагогик услубларни ишлаб чиқиш соҳасида ўқитувчиларнинг касбий потенциалини ошириш имконини беради.

Бу ташаббус Альберта ўқитувчилари ассоциацияси, Альберта ҳукумати ва бошқа Альберта мактаб кенгашлари ассоциацияси каби профессионал шериклар ўртасидаги яқин шерикчилик натижаси бўлди. Альберта ўқитувчилар ассоциацияси касбий ривожланиш, таълим соҳасидаги тадқиқотлар ва ўқитувчи касбини оммалаштиришга ўз бюджетининг ярмига яқинини сарфлайди¹².

TALIS – 2013 халқаро тадқиқоти Альберта провинциясида ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига катта эътибор қаратилаётганини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Альберта провинцияси ўқитувчилари TALIS тадқиқотида иштирок этган бошқа мамлакатларнинг ўқитувчиларига қараганда касбий таълим бўйича ўтказиладиган тадбирларда

кўпроқ иштирок этишларини айтишади: педагогларнинг 85 фоизи курслар ва семинарларда ўқишганини айтишди (иштирокчи-мамлакатлар бўйича ўртача 71 %); деярли 80 фоизи таълимий конференцияларда қатнашган (иштирокчи-мамлакатлар бўйича ўртача 44 %); ўқитувчиларнинг учдан иккиси касбий бирлашмалар аъзоси (иштирокчи-мамлакатлар бўйича ўртача учтадан битта) ва деярли 50 фоиз ўқитувчилар яқка ёки биргаликда олиб бориладиган тадқиқотларга жалб қилинган (иштирокчи-мамлакатлар бўйича ўртача кўрсаткич 31 фоизни ташкил этади). Альберта ўқитувчиларининг фақат 4 фоизи қўшимча касбий ўқувларга ҳеч қачон қатнашмаганини билдиришди, иштирокчи-мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичи эса 16 фоизни ташкил этади¹³.

Ўқитувчилар нафақат ўз амалий фаолияти ҳақида ўйлаб кўриш учун, балки уларга таклиф қилинган касбий ривожланиш имкониятларидан фойдаланиш учун ҳам вақт топишлари керак. Бундан ташқари, ислохотларни амалга ошириш учун ўқитувчиларни ўқитиш кўпинча барча манфаатдор томонларнинг зарур бўлган янги вазифалар ва мажбуриятларни ўз зиммасига олиш имкони ва тайёригини таъминлашнинг зарурий шартини ҳисобланади.

Вақтни тақсимлаш ҳамма нарсани ҳал қилади

Ҳафта – сиёсий етакчи учун узоқ муддат, бироқ муваффақиятли ислохот учун эса кўпинча йиллар керак бўлади. Биринчидан, кўп ҳолларда ислохотларни молиялаштиришни бошлаш билан илк кутилган натижаларнинг пайдо бўлиши ўртасида вақтда анча узилиш мавжуд. Мен тез-тез ўзимга ўзим савол бераман: бу маблағлар катта ижтимоий фойда бериши ва мактабдаги кейинги ўқиш давомида таълим натижаларига катта таъсир кўрсатишига далилларнинг кўплигига қарамай, нима учун бошланғич таълим ва болаларни парвариш қилишга маблағ етишмаслиги кузатилади? Германияда ота-оналар ўз боласини мактабгача таълим дастурларига ёздириб қўйиши учун ҳақ тўлаши керак, айти пайтда Германия университетларида, бунинг учун анча салмоқли асослар бўлса ҳам, талабалар учун ҳатто кичик миқдорда тўлов ундириш ҳам йўқ. Бунинг сабаби ҳеч ким болалар манфаатини илгари сурмаслигида, балки эрта таълимга киритилган инвестицияларнинг натижалари узоқ вақт ўзини кўрсатмаслигидадир (ўзини кўрсатиш учун кўп

вақт керак бўлишида ҳам). Мана нима учун биз ўзимизга энг қиммат даволанишга имкон бериш йўлини топишга интиляпмиз, чунки бунинг акси бизнинг соғлигимизни хавф остига қўяди, айти пайтда биз кўпинча таълим хизматларидаги жиддий камчиликларга чидашга тайёرمىз, чунки уларнинг оқибатлари кўп йиллар давомида кўзга кўринмайди.

Бундан ташқари, ислоҳ қилиш чора-тадбирларини маълум бир изчилликда амалга оширган маъқул. Масалан, ўқув дастурларини ислоҳ қилишни самарали амалга оширишни таъминлаш учун педагогларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг дастлабки ислохотини ўтказиш талаб қилиниши мумкин. Даставвал режалаштирилган, ўтказилаётган ва амалга ошириладиган ислохотларнинг ўтказилиш муддатини аниқ англаш ниҳоятда муҳим. Ислохотларнинг мазмунини ўрганиш ва тушуниш учун ҳам, ишончни шакллантириш ва кейинги босқичга ўтишда зарурий потенциални ошириш учун ҳам вақт зарур. Жаноб Майкл Барбер ўз китобида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари, ислохотларни амалга оширишда ҳаракатлар изчиллиги ва натижадорликни бошқаришнинг энг яхши тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида сўз юритади¹⁴. Бироқ қоғозда чиройли сўзлар билан баён қилинган нарсалар амалда камдан-кам рўёбга чиқади.

Ўқитувчилар ҳамжамиятларини таълим ислохотига жалб қилиш

Ўқитувчилик фаолиятини таълим ислохоти марказига қўйиш учун ҳукумат органлари вакиллари ва педагогик ҳамжамият ўртасида самарали муҳокама-мунозараларни йўлга қўйиш зарур. 2013 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Касаба уюшмалари маслаҳат қўмитаси¹⁵ томонидан 19 та мамлакатда 24 та касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган тадқиқот ушбу музокара кўп мамлакатларда аллақачон олиб борилаётганини кўрсатади.

Бу тадқиқот иштирокчиларининг кўпчилиги таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ҳукумат органлари билан ҳеч бўлмаганда қисман биргаликда ҳаракат қилаётганликларини айтишди. Гарчи кўпчилик касаба уюшмалари ҳукуматлар муҳокама олиб бориш механизмларини ишлаб чиқишгани ҳақида

айтишган бўлса ҳам, респондентларнинг ярми ўзини бу тузилмалар ишига қисман жалб қилингандек ҳис қиларди. Бундан ташқари, касаб уюшмалари сиёсатни амалга оширишга эмас, уни ишлаб чиқишга қаттиқ жалб қилинганликларини таъкидлашади.

Бу расмий тузилмаларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан ҳақиқий иштирокни кафолатламаслигидан дарак беради. Айнан бир мамлакатдаги касаб уюшмаларининг қарашлари баъзан фарқ қилади, бу эса ҳукуматлар меҳнат бозорининг турли секторларини ифодалайдиган касаб уюшмалари билан турлича муносабатда бўлиши мумкинлигини билдиради.

Шунингдек, касаб уюшмалари вакилларига муҳокама босқичида бўлган таълим сиёсати соҳаларини аниқлаш таклиф қилинганди. Деярли барча респондентлар ортидан меҳнат шароитлари ва тенглик масалалари келаётган ўқитувчиларнинг касбий ривожига ҳақида эслатдилар. Кўпчилик касаб уюшмалари вакиллари яна ўқув дастурларига, меҳнатга ҳақ тўлаш, алоҳида эҳтиёжи бор ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларни баҳолаш, ўқувчиларни баҳолаш ва институционал баҳолашга доир масалаларни тилга олдилар. Ҳар учинчи респондент ўқувчилар ҳулқини конструктив муҳокама қилиш ҳақида гапирди. Шу билан бирга, таълим соҳасидаги тадқиқотлар, мактабларни ривожлантириш ва ўқитувчилар кенгашининг фаолияти камдан-кам ҳолларда муҳокама мавзусига айланди.

Муҳокама қилинаётган масалалар касбий тайёргарлик соҳасидаги таълим сиёсатига ҳам дахлдор бўлди. Касаб уюшмалари вакилларининг ярмидан кўпроғи ҳамма босқичларда иштирок этиш ҳақида гапирганлар билан қиёслаганда касбий тайёргарлик соҳасидаги сиёсатни амалга оширишни муҳокама қилишда қатнашмасликларини айтишди. Вакилларнинг камчилиги буни зарур деб ҳисоблаганларида ҳокимиятларини жалб этиш имконига эга эканликларини билдиришди. Касаб уюшмалари вакилларида сермахсул баҳс-мунозаралар олиб борилган касбий тайёргарлик соҳасидаги сиёсат йўналишларига мисол келтиришни сўрашганида, кўпчилик ўқув режалари ва улар ортидан келадиган касбий ривожланиш, тенглик масалалари, ҳақ тўлаш, катта ёшлиларни ўқитиш ва иш шароити масалаларини кўрсатди. Ёшларнинг касбий тайёргарлиги стратегияси ва касбий тайёргарликни молиялаштиришни муҳокама қилиш ҳақида жуда кам маълумот берилди.

Умуман олганда касаба уюшмалари сўровномаси кўпчилик Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакаларини ривожлантириш муаммоларига жалб қилинганликнинг далда берувчи манзарасини кўрсатиб берилади. Бироқ вазият яхшиланиши мумкин бўлган соҳалар бор, шулардан бири касаба уюшмалари билан ҳукумат ташкилотлари ўртасида барча йўналишлар бўйича музокаралар олиб боришни ривожлантиришдир. Ҳукуматлар бундай ташаббусларни тан олиш ва қўллаб-қувватлаш орқали касаба уюшмалари билан олиб бориладиган музокараларни рағбатлантиришда фаол иштирок этиши керак.

Бундай қилиш осонмас, чунки ўқитувчилар ва таълим сиёсатини белгиловчи шахсларни бир-биридан ажратиб қўядиган кўплаб зиддиятлар мавжуд. Муваффақиятга эришиш учун ўқувчиларга ҳақиқатан ҳам зарур бўлган нарсани эмас, балки энг муҳим вазифаларни ҳал қилишни афзал ҳисоблаб, мактаб ислохотининг истиқболли дастурларини жорий қилишда касаба уюшмаларини тўсиқ деб биладиган ўқитувчилар касаба уюшмаларининг рақиблари бор. Бироқ энг юқори таълим натижаларига эга кўп мамлакатларда ўқитувчиларнинг кучли касаба уюшмалари ҳам мавжуд. Мамлакатда касаба уюшмаларининг борлиги ва ўқувчиларнинг юқори таълим натижалари ўртасида боғлиқлик йўқга ўхшайди. Аммо ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси ва ўқувчиларнинг натижалари ўртасида боғлиқлик бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, PISA тадқиқоти натижалари рейтингда мамлакат қанча юқори ўринни эгалласа, бу мамлакатда ўқитувчилар бирлашмалари билан амалий иш яхши йўлга қўйилгани ва ўқитувчиларни ишончли профессионал шерик сифатида кўриш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Канаданинг Онтарио провинциясида 2014 йилда ҳукумат ўқитувчиларнинг тўртта асосий касаба уюшмаси билан жамоавий келишувга имзо чекди. Консенсусга эришиш жараёнида вазирлик вазирликнинг таълим стратегиялари каби касбий бирлашмаларнинг манфаатлари билан ҳам мувофиқлаштириладиган масалаларни муҳокама қилиш имконига эга бўлди ва бу билан таълим сифатини ривожлантириш учун асос яратди.

Менинг кузатишларим бўйича ҳукумат органлари ва ўқитувчиларнинг касбий бирлашмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти кўпинча таълим соҳасидаги ишнинг ташкил қилинишини акс эттиради. Ҳукумат йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш ва уларни асослашга

этибор қаратадиган ҳамда ўқитувчилардан ўн йиллар илгари ҳам-касблари бажарган ишни бажаришларини кутадиган, юқори даражада саноатлашган меҳнатни ташкил этиш худди шундай маош учун касаба уюшмаларини ҳақ тўлаш ва меҳнат шароити масалаларига диққатни қаратишга рағбатлантиради. Бу, ўз навбатида, жалб қилинган томонлар ўртасида қаршилик кўрсатиш хусусиятига эга бўлган “юқоридан қуйига” муносабатларининг шаклланишига олиб келади.

Ва аксинча, меҳнат юксак профессионал даражада ташкил қилинганида ҳукумат ўқитувчиларни рағбатлантиради, ўзини намоён қилиши учун имкон яратади ва бунда ўқитувчилик касби иш йўналишларининг турли-туманлиги, автономия, ўқитишда новаторлик услубларидан фойдаланиш билан ажралиб туради, ҳукумат ва касаба уюшмалари ўртасида яқин, стратегик касбий иш муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу маънода ҳар бир таълим тизими ўқитувчиларнинг ўзлари муносиб бўлган касбий бирлашмасига эга бўлади.

Шундай қилиб, PISA – 2009 тадқиқоти натижалари эълон қилинганидан кейин, АҚШ таълим вазири Арне Дункан, Ўқитувчилар касаба уюшмалари халқаро федерацияси Education International‘дан Фред Ван Леувен ва мен педагогик касбига бағишланган биринчи Халқаро саммит (International Summit on the Teaching Profession)ни ташкил қилдик. Вазир Арне Дункан PISA тадқиқотининг ва умуман, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг улкан тарафдори эди, шунингдек, жойларда ўзгаришлар қилиш доим ўқитувчиларни бирлаштирувчи ташкилотларни жалб қилишга боғлиқ эканини биларди. Саммитнинг ғояси бутун дунёдан таълим вазирлари ва ўқитувчилар касаба уюшмалари вакиллари кўп ҳолларда манфаатдор томонларнинг чуқур илдиз отган манфаатлари сабабли миллий миқёсда ҳал қилиш қийин бўлган муаммоларни муҳокама қилиш учун тўплашдан иборат эди. Биз ҳукуматлар, ўқитувчилар касаба уюшмалари ва профессионал ташкилотлар учун ўқитувчиларнинг ролини қайта кўриб чиқиш ва ўқитувчиларга касбий ривожланишда ва XXI аср ўқувчиларининг таълимий эҳтиёжларига жавоб беришда ёрдам бера оладиган ташкилот қуриш вақти келганини сезиб турардик. Ўшандан бери биз ҳар йили ўқитувчи касби мақомини ошириш бўйича ноёб глобал лойиҳа доирасида таълим вазирлари ва энг самарадор ҳамда тез ривожланаётган таълим тизимларидан ўқитувчилар касаба уюшмалари раҳбарларини таклиф этамиз.

Албатта, вазирлар ҳамда касаба уюшмалари етакчилари илгарлари ҳам халқаро учрашувлар ўтказиб туришган, бироқ педагогик касбига бағишланган Халқаро саммитнинг барча иштирокчилари бир стол атрофига ўтириб, эҳтимол, кўпчилик саммит иштирокчилари ўз мамлакатларида дуч келадиган ўхшаш вазиятларни муваффақиятли бартараф этган мамлакатларнинг вазирлари ва касаба уюшмалари етакчиларини эшитиш имконига эга бўлгани ноёб ҳодисадир. Биз ҳатто шундай қоида ўрнатдикки, унга кўра, агар саммитга ҳам вазир, ҳам миллий касаба иттифоқи етакчиси тавсия қилинмаса, мамлакат саммитга қўшила олмайди. Эҳтимол, келишувга эришиш саммит учун ҳаддан ташқари ҳаволаниш бўлиши мумкин, бироқ жонли, айтиш жоиз бўлса, юқумли ва серзавқ баҳс-мунозара барча иштирокчилар учун жуда қимматлидир.



6. ЭНДИ НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ўзгарувчан дунёда таълим

XXI аср таълим тизими бизнинг дунёмизга таҳдид солаётган муаммолар муҳотида барпо этилади. Аҳолининг ўсиши, ресурсларнинг камайиб кетиши ва иқлим ўзгариши ҳаммамизни келажак авлодларнинг эҳтиёжлари ва фаровонлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Техника тараққиёти ва глобаллашув жараёнлари янги даъватларни ўртага ташлайди, бироқ улар янги имкониятларни ҳам беради. Рақамлаштириш одамлар, шаҳарлар, мамлакатлар ва қитъаларни бирлаштиради, бу маълум даражада бизнинг индивидуал ва жамоавий потенциалимизни оширади. Бироқ, айнан шу сабабларга кўра, дунё беқарор, мураккаб ва ноаниқ бўлиб қолди.

Рақамлаштириш – эркинлик инструменти: биз исталган киши билан боғланишимиз ва биргаликда ҳаракат қилишимиз мумкин. Бироқ рақамлаштиришда катта қудрат ҳам яширинган. Ҳар бир ходимга Google миллион доллардан ортиқ пул ажратади, бу ўртача америка компаниясидан ўн баробар ортиқдир. Бу технологиялар кўпсонли ходимларсиз ишлаб чиқариш ҳажмини қандай таъминлаш мумкинлигини кўрсатади. Рақамлаштириш натижасида энг заиф овозни ҳам ҳамма жойда эшитиш, аммо ўзига хослик ва маданий жиҳатдан ноёбликни йўқ қилиб юбориш мумкин. Рақамлаштириш ақлга сиғмайдиган даражада имкониятларни кенгайтирувчи куч бўла олади: кейинги ўн йил ичида ташкил топган энг обрўли компаниялар асосида ғоя ётади, улар ишининг натижаси эса уни истеъмолчига етказишнинг молиявий

ва жисмоний имкониятидан илгари пайдо бўлади. Бироқ инсон ўз эркинлигини қулайликка алмаштира бошлаганида ва компьютернинг маслаҳат ва ечимларига суяниб қолганида, рақамлаштириш уни эзиб ташлаши мумкин.

Аммо, рақамли технологиялар ва глобаллашув бизнинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмамиз учун вайронкор оқибатларга эга бўлишига қарамай, бу оқибатларни олдиндан билиб бўлмайди. Том Бентли қайд қилганидек, бизнинг жавоб тариқасидаги умумий чора-тадбирларимиз, айнан технология соҳасининг маданий, ижтимоий, институционал ва иқтисодий шароитлари ҳамда уларга жавобан биз ишга соладиган воситалар билан узлуксиз ўзаро алоқада бўлишимиз таҳдидларга таъсир қилиши мумкин¹.

Шу нуқтаи назардан, Sustainable Development Goals – дунё ҳамжамияти томонидан 2030 йилгача бўлган даврга белгиланган барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар – камбағалликни тугатиш, сайёрамизни ҳимоя қилиш ва умумий тараққиётни таъминлаш бўйича ҳаракатлар йўналишини белгилаб беради. Бу мақсадлар келажагимизни умумий ҳис қилишдир, у глобаллашув бошқотирмасининг етишмаган қисми, жадаллашган даврда марказдан қочма кучларга қарши чиқадиган боғловчи элемент бўлиши мумкин². Бу мақсадларни амалга оширишнинг муваффақияти кўп даражада ҳозирги замон ўқув хоналарида бўлаётган ишларга боғлиқ. Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойилларини ҳақиқий ижтимоий шартномага айлантириш вазифаси айнан педагоглар зиммасига тушади.

2030 йилда ҳозир бошланғич мактабда ўқиётган болалар мажбурий таълимни битирадилар. Уларнинг келажаги ҳақида қайғуриб, биз бугун ўқувчилар бошланғич мактабда ўрганиши керак бўлган мазмунни аниқлаб олишимиз керак.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада кун тартиби тенглик ва интеграцияга дахлдор бўлади. Биз америкалик олим-сиёсатшунос Роберт Патнэм “боғловчи ижтимоий капитал” деб атайдиган – оиламизга ёки бизнинг тажрибамиз, маданий меъёрларимиз, мақсад ва иш фаолиятимизни бўлишадиган кишиларга дахлдорлик ҳисси билан туғиламиз³. Бироқ тажриба, ғоя ва инновациялар билан алмашилиш ва турли тажриба ва қизиқишларга эга гуруҳлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушунишни йўлга қўйиш, бу билан нотаниш кишилар ва ижтимоий институтларга нисбатан ишончни оширишга ёрдам берадиган ўзига хос “тўсиқлар-

ни бартараф этувчи ижтимоий капитални” яратиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган узлуксиз саъй-ҳаракатлар талаб қилинади. Қадриятлари қаторига плюрализм ва тўсиқларни бартараф этувчи ижтимоий капитал кирадиган жамиятлар ҳар доим ҳам топқир ва ижодкордир. Чунки улар қаерда бўлмасин энг яхши истеъдодлардан фойдалана оладилар, креативлик ва инновацияларни ҳис қила олади.

Шундай бўлса ҳам дунёда плюрализм ва хилма-хиллик каби қадриятлардан ихлоснинг қайтиши кучайиб бормоқда. Биз буни сиёсий манзаранинг ўзгариб бораётгани, шунингдек, фақат ўз манфаатлари қобиғига ўралиб қолган популистик партияларнинг кўпайиб бораётганида кўрамиз.

Эҳтимол, бу бизни ҳайрон қолдирмаслиги керакдир. Гарчи жаҳон иқтисодиёти билан яқин интеграцияга киришиш (ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланиш) умумий турмуш даражасининг ошишига олиб келган бўлса-да, у яхши билим ва кўникмаларга эга кишилар билан бу жиҳатларга эга бўлмаган кишилар ўртасида иш шароитининг сифатидаги тафовутни ошириб юборди⁴. Катта ёшли аҳоли компетенцияси тадқиқоти (PIAAC) маълумотлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда таянч кўникмаларга эга бўлган 200 миллион ишчи борлигини кўрсатади: уларнинг ўқиш кўникмаси ўн ёшли боланикидан ҳам пастроқ⁵. Айнан шунинг учун ҳам таълим соҳаси кун тартиби инклюзивлик кун тартибига қайтмоқда.

Одамларнинг ишончига путур етган, ижтимоий капитал заифлашган, гуллаб-яшнаётган фуқаролик жамияти учун шароитлар йўқ қилинган пайтда ҳамжамятлар қай даражада нотенг бўлади? Халқаро меҳнат бозори, ҳаммабоп саёхатлар ва ижтимоий тармоқлар боис очилган имкониятлар туфайли кўп кишилар ишини ўзгартириб ва қадриятлар билан алмашилиб, умрини йўлда ўтказишни афзал кўришади. Бошқалар эса уруш ва қашшоқлик дастидан ўз уйини ташлаб кетишга мажбур: мексикалик оилалар шимолга – Қўшма Штатларга, Шарқий Европа аҳолиси ғарбга йўл олади, уруш тилка-пора қилган Суриядан қочиб чиқаётганлар бор ва ҳ. к. Улар қолишадими ёки кетишадими, аммо миллионлаб кишилар ўзгача шароитларга мослашишга уринмоқда. Ҳазабланган ва ҳозирги замон ҳаёт оқими таъсирида тинка-мадори қуриган кишилар ўзларининг бошқалар билан тенг эканлиги ҳақида ўзларига савол берадилар: улар ким ва қандай мавқега эга? Биз соддалаштирилган ечимлар эмас, топқирлик ва инновациялар

ёрдамида имкониятлардаги тафовутни максимал даражада қисқартириш учун кучларни икки ҳиссага орттиришимиз керак. Ҳаммамиз учун умумий бўлган инсониятни тушуниш учун яхшироқ ишлашимиз керак.

Олдимизда турган муаммолардан яна бири турғунликдир. Брундтланд (Brundtland Comission)⁶ комиссияси – атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича комиссия – томонидан эълон қилинган мақсад 30 йил олдин эълон қилинган эди. Бу ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ва кейинги авлодларнинг ўз шахсий эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини хавф остида қолдирмайдиган ривожланишга чақириқ эди. Бугун, дунё атроф-муҳит аҳволининг ёмонлашиш хавфи остида турган, иқлим ўзгараётган, ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилинаётган ва аҳоли сони ошиб бораётган бир пайтда, бу чақириқ ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Кўпчилик ақл эгалари аллақачон экошаҳарлар барпо этишга, яшил технологияларни ривожлантиришга, индивидуал ҳаёт тарзини қайта англашга эътибор қаратганлар. Барқарор ривожланиш мақсадларида мужассамлашган муаммолар ёшлар учун нафақат долзарб, балки кўп ҳолларда шахсий хусусиятга эга ва руҳланиш учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Барқарорликнинг мақсади бутунжаҳон мувозанатини сақлаш бўлиб турган бир пайтда, собитқадам кишилар доим дунёни мувозанатсизлик ҳолатига олиб келадиган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излайдилар. Когнитив, эмоционал ва ижтимоий барқарорлик ва мослашувчанликни мустаҳкамлаш ҳозирги замон таълимининг энг муҳим вазифаси бўлса эҳтимол, чунки у амалда тизимнинг барча халқаларига тўхталади. Масаланинг ечими, собитқадамлик – бу шахсга тегишли хусусият эмас, балки ўрганиш ва ривожлантириш мумкин бўлган жараён эканини англашдан бошланади. XXI асрда таълим одамларга, ҳамжамиятларга ва ташкилотларга эришилган даражада қолишга, эҳтимол, кутилмаган узилишлар шароитида гуллаб-яшнашга ёрдам бериши мумкин.

Яна бир жиҳат борки, уни мазкур контекстда кўриб чиқишса бўлади. 1-бўлимда кўрсатилганидек, катта ёшли аҳоли компетенциясини тадқиқ қилиш (PIAAC) таълим даражасини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши, балки ижтимоий ва фуқаровий жалб этилганлик ва ишончнинг яхшиланиши билан ҳам боғлиқ эканини кўрсатади (1.2 диаграммага қаранг). Гарчи таълим, ўз-ўзини идентификациялаш ва ишонч ўртасидаги ўзаро алоқа асослари мурак-

каб бўлса-да, бу алоқалар катта аҳамиятга эга, чунки айнан ишонч ҳозирги замон жамиятларини боғловчи воситадир. Одамларга, ҳукуматларга, давлат ташкилотларига ҳамда ишончли назорат остидаги бозорларга ишонч бўлмаса, инновацион сиёсатнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини ишга солиш қийин – айниқса, узоқ муддатли фойдалар аниқ бўлмай, қисқа муддатли йўқотишлар ҳақида гап борганида. Ишончнинг етишмаслиги қоида ва низомларга риоя қилишга нисбатан паст кўрсаткичларга, бинобарин, янада қаттиқ ва бюрократик меъёрларга олиб келиши ҳам мумкин. Фуқаролар ва тадбиркорлар инвестициялар, инновациялар ҳамда тез ўсиш ва ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган ишчи кучини сафарбар қилиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишни чўзиш билан хатардан қочишлари мумкин.

Таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳаққонийлик ва ҳалолликни таъминлаш, унга янада инклюзив хусусият бериш ва фуқаролар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш – буларнинг ҳаммаси билим, кўникма ва жараёнда иштирок этишга имкон берадиган хос хусусиятларга эга инсонлар зиммасидадир. Таълим алоҳида инсонлар, ҳамжамиятлар ва мамлакатларнинг эҳтиёж ва манфаатларини очик чегаралар ва барқарор келажакка асосланган адолатли тuzилмалар доирасида мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, биз янада адолатли асосда инсон потенциалини ривожлантиришимиз шарт. Бу маънавий ҳамда ижтимоий бурчимиздир, бироқ унинг ортида улкан имкониятлар ҳам яширин. Инсон потенциалига асосланган ривожланиш модели анча-мунча инклюзив жамиятда ҳаракатчан иқтисодиётни яратиши мумкин, чунки имкониятлар ва молиявий капиталга қараганда истейдод анча текис тақсимланади. 4-бобда айтилганидек, билим ва кўникмаларни адолатли тақсимлаш даромадлардаги фарқни қисқартиришга қўшимча ёрдам бериш билан бирга иқтисодиёт кўламини кенгайтиради. Шу боис энг яхши билим ва кўникмалар сабабли мумкин бўлган кенг кўламли тараққиёт фуқаролар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижасида қўлга киритилган бойликларни янада адолатлироқ тақсимлашни таъминлашда улкан потенциалга эга бўлади, бу, ўз навбатида, янада муваффақиятли умулжтимоий ва иқтисодий тараққиётга олиб боради.

Тенгсизлик муаммолари, асосан, иқтисодий жиҳатдан қайта тақсимлаш орқали ҳал қилинган пайтлар ўтиб кетди – улар иқтисодий муаммолар билан боғлиқ бўлгани учунгина эмас, ҳаёт ва меҳнат ўр-

тасидаги чегаралар ювилиб кетган мураккаб дунё барча фуқаролардан когнитив, ижтимоий ва эмоционал кўникмаларни талаб қилаётган пайтда янада муҳим ижтимоий фаоллик муаммоси қўшилди. Эҳтимол, қачондир машиналар бугун одамлар машғул бўлган ишлаб чиқариш функцияларининг кўп қисмини бажариши ва кўпчилик касбий кўникмаларга бўлган талабни камайтириши мумкиндир. Бироқ бизнинг олдимизда мураккаблашиб бораётган ижтимоий ва фуқаровий воқеликка сезиларли даражада ҳисса қўшиш вазифаси туради ва бу вазифани бажариш борган сари қийинлашади.

Ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик кўп мамлакатларда тараққиётни тўхтатиб ва жамиятларни парчалаб ўсиб борапти⁷. Имкониятлар тенглиги таълимнинг асосий мақсадларидан бирига айланди, чунки саноатлашган даврда ҳар бир киши муҳим ва жамиятда маълум бир вазифани бажарарди. Айнан шунинг учун ҳам мактаб тизимлари шундай ишлаб чиқилган эдики, ҳатто бу вазифани уддалай олмаган тақдирда ҳам, барча ўқувчиларга тенг таълим имкониятларини таъминлаши керак эди. Исроил ҳарбий тарихчиси (ўрта асрлар тарихини ўрганувчи тарихчи) Юваль Ной Харари ёзганидек, либерализм шу сабабдан муваффақият қозондики, ҳар бир кишининг қадрини ошириш замирида теран сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий маъно ётади⁸. Бироқ у давом этиб, инсон ўзининг иқтисодий қимматини хатарга қўяди, чунки биологик ва компьютер муҳандислиги инсон фаолиятининг кўп шакллари ортиқча қилиб қўяди ва интеллектни онгдан ажратади, деб тушунтиради. Шундай қилиб, агар биз таълим соҳасида имкониятлар тенглиги масаласини ҳар бир кишига ишга жойлашиш учун зарур бўлган саводхонлик ва ҳисоблаш кўникмаларини тақдим этишдан то келажакда дунёнинг гуллаб-яшнаши учун ҳамма фуқароларни когнитив, ижтимоий ва эмоционал имкониятлар ва қадриятлар билан тақдирлашгача кенгайтиришни истасак, бунда вақт масаласи муҳим роль ўйнайди.

Биз маълум даражада инсонлар қобилятини ривожлантириш ва фойдаланишга қандай ёндашувимизга боғлиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик манбаларини бартараф этишимиз керак. Ҳар бир иқтисодий давр ўзининг асосий активига эга. Қишлоқ хўжалиги даврида бу актив ер бўлган, саноат асрида – капитал, бизнинг замонамизда эса – бу билим, кўникма ва инсоний фазилатлардир. Бугун асосий актив кўп миқдорда фойдаланилмай ва етарлича баҳоланмай қоляпти. Буни ўзгартириш пайти келди.

Таълим асосий омил сифатида

Саноат инқилобига на таълим, на технологиялар кўпчилик одамлар учун муҳим аҳамиятига эга бўлмаган. Аммо технологиялар ривожланишда таълимдан ўзиб кета бошлагач, сон-саноксиз кишилар ҳаётдан четда қолдилар, бу ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви-га олиб келди⁹. Юз бераётган ўзгаришларга муносабат билдириш ва ҳар бир боланинг мактабда таълим олишини аста-секин таъминлаб бориш учун давлат сиёсатига юз йил керак бўлди. Бугун бу мақсадга кўпчилик фуқаролар эриша олади, лекин айни пайтда дунё ўзгарди, шунингдек, на таълим олиш имконияти, на маълумот ҳақидаги диплом муваффақиятни кафолатламайди. Рақамлашган даврда технологиялар одамларнинг кўникмаларидан яна ўзиб кетмоқда, кўпчилик саноати ривожланган мамлакатларда битирувчилар орасида ишсизликнинг ортиб бориши эса ташвиш туғдирмоқда.

Рақамлаштиришнинг тезлашиши кўп одамларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлади, дейишади. Баъзан технологияларнинг ишчи ўринларини яратишидан кўра, уларни тезроқ вайрон қилаётган даврни илк бор кузатаётганга ўхшаймиз. Янги иш ўринлари пайдо бўляпти, лекин одамлар ҳар доим ҳам ўз мажбуриятларини машиналардан яхшироқ бажара олмайдилар¹⁰.

Шунга қарамай, мен бунга шубҳа билан қарайман. Юқори синфда ўқиётган пайтимда, 1892 йилда немис драматурги Герхарт Гауптман томонидан ёзилган “Тўқувчилар” пьесаси бўйича эссе тайёрлашимга тўғри келди. Пьесада 1840 йилда саноат инқилобига қарши исён кўтарган бир гуруҳ Силезия тўқувчилари акс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам, саноат инқилоби азал-азалдан тўқувчилар томонидан бажариладиган ишларнинг бир қисмини қисқартирди, аммо у бутун тўқимачилик саноатидаги ишчи ўринларини йўқ қилиб юбормади. Аслида, одамлар саноатлашган даврда зарур бўлган билим, кўникма ва тафаккурга эга бўлишлари билан тикувчилик соҳасида илгари бўлмаган катта ҳақ тўланадиган кўплаб ишчи ўринлари пайдо бўлди. Ишни ташкил этишдаги ўзгаришлар кўплаб кишиларга ҳар қачонгидан яхшироқ кийиниш имконини берди. Тарих бизнинг тасаввур қилиш ва мослашиш қобилиятимиз шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда чексиз эканлигини кўрсатади.

Аммо таълим ҳозирча технологиялар билан пойгада ғолиб бўлаётганига қарамай, бунинг абадий давом этишига кафолат йўқ. Қўлида аъло даражадаги смартфонни бўлган, аммо ёмон таълим олиб ўсаётган болалар мисли кўрилмаган зиддиятлар ва муаммоларга дуч келадилар. Биз қилишимиз мумкин бўлган нарса – бу қандай билим ва кўникмалар уларга ёрдамга кела олишини олдиндан кўра билиш учун бутун кучимизни ишга солишдир.

Тезкор даврда билим, кўникма ва хос хусусиятларни ривожлантириш

Педагоглар учун дилемма шундан иборатки, ўргатиш ва тест синовидан ўтказиш осон бўлган стандарт когнитив кўникмаларни бир пайтнинг ўзида рақамлаштириш, автоматлаштириш ва аутсорсинг қилиш ҳам осон бўлади. Массачусетс технология институти профессори Дэвид Оттор шу масала бўйича ноёб маълумотларни тўплади¹¹. У ёки бу фан соҳасидаги илғор билим ва кўникмалар доим муҳимлигича қолишига ҳеч шубҳа йўқ. Новатор ва ижодкорлар, одатдагидек, ўз фаолияти соҳаси учун махсус кўникма ва билимларга эга бўладилар. Ўқиб-ўргана олиш энг муҳим кўникмадир, биз ниманидир ўрганаётиб, доим сабоқ оламиз. Аммо энди таълим олишдаги муваффақият чуқур мантиққа эга билимларни қайта тиклашдан эмас, балки билимларимизни янги вазиятларда татбиқ қилиш ва ижодий қўллашдан иборатдир. Гап яна ўрганилаётган фан чегарасидан чиқиб фикр юритиш ҳақида бормоқда. Ҳар бир киши излаши ва одатдагидек, ахборотни интернетдан топиши мумкин, энди устунлик бу билимдан қандай фойдаланишни биладиганлар томонидадир.

PISA натижалари эслаб қолишга асосланган ўқитиш стратегияси ўқувчиларга борган сари кам ёрдам беришини, чунки улар бажариши лозим бўлган топшириқлар борган сари мураккаблашиб бораётганини ва кўпинча ностандарт таҳлилий кўникмаларни талаб қилаётганини кўрсатмоқда (диаграмма 6.1.А)¹². Айнан шу босқичда рақамлаштириш бизнинг реал вазифаларимизни ҳал қилишга киришади¹³. Ўз навбатида, ўқитиш стратегиялари такомиллашув – янги маълумотнинг ўрганилган маълумот билан бирлашиш жараёни атрофида, янги қарорлар қабул қилишга нисбатан турли режалар ва ижодий ёндашув атрофида,

ёки билимлар қандай берилиши мумкинлиги атрофида қурилади, буларнинг ҳаммаси PISA тадқиқотининг эртанги дунёни акс эттирувчи янада мураккаб топшириқларини бажаришда ўқувчиларга ёрдам бериши мумкин (диаграмма 6.16)¹⁴.


Ҳеч шубҳасиз, келгусидаги иш компьютер интеллектини одамларнинг ижтимоий-эмоционал кўникмалари, қарашлари ва қадриятлари билан бирлаштиради. Айнан ўшанда бизнинг инновациялар соҳасидаги потенциалимиз, хабардорлик даражамиз ва жавобгарлик ҳисси яхшироқ дунёни яратишда сунъий интеллект кучидан фойдаланиш имконини беради. Одамлар янги ечимларни яратиш, тайёрлаш, ҳаётга татбиқ этиш ва ишлаб чиқиш кўникмаларининг мавжудлигини англатадиган янги бойликларни ишлаб чиқара оладилар ва ўзида ижобий зарядни мужассамлантирган инновацион, янги ва ноустандарт натижаларга эришадилар. Бу кенг маънодаги тадбиркорлик – омадсизликдан қўрқмай нимадир қилишга тайёрликдир. Европанинг маданий дам олиш соҳасидаги, яъни истеъдодлардан тижорат мақсадларида фойдаланишга ихтисослашган соҳасидаги бандлик кўпчилик европа иқтисодиётлари ишчи ўринларини қисқартирган ёки бандлик даражасининг стагнацияси хусусияти билан ажралиб турган 2011–2013 йилгача бўлган кескин даврда 3,6 фоизга ошганига ажабланмаса ҳам бўлади. Европанинг қатор етакчи мамлакатларида ижод соҳасидаги ишчи ўринларининг ортиши, бошқа соҳаларда, жумладан, саноат соҳасида ҳам, ишчи ўринларини яратишдан ўзиб кетди¹⁵.

Худди шунга ўхшаш, ўрганилаётган фандаги теран мазмунга эга илм қанчалик тез ривожланса, ўқувчиларнинг тез эскирадиган билимларни (know that) шунчаки эгаллаши эмас, балки фаннинг тузилиши ва концептуал асосларини (know how) тушуниши шунчалик муҳим. Масалан, математика билан шуғулланаётган ўқувчилар қандай ва нима учун уни ўрганаётганимизни (эпистемик ишончлар) билиши, математик сифатида фикрлай олиши (эпистемик англаш) ва математика билан боғлиқ амалий фаолият турларини тушуниши (методологик билимлар) керак.

Биз PISA – 2015 тадқиқотида табиий фанлар бўйича билимларни тадқиқ этишда эпистемик ишонч, билим ва англашни асосий ўринга қўйдик ва нафақат ўқувчилар билимини, балки улар ўзларини олимлар ўрнида тасаввур қила олишлари ва илмий тафаккурни қадрлашла-

6.1а. ДИАГРАММА

ТОПШИРИҚЛАР МУРАККАБЛАШИ БОРГАНИ САРИ ЭСЛАБ ҚОЛИШНИНГ САМАРАСИ КАМАЙИБ БОРАДИ.




Изоҳ. 48 та таълим тизимидан олинган маълумотлар асосидаги ўртача кўрсаткич. Тўқроқ рангдаги ромбчалар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган имкониятлар нисбатини кўрсатади. Эслаб қолиш стратегияси кўп мартаба такрорлашни, эскирган машқларни, юзаки машқларни, тажриба ва/ёки такрорлашни ўз ичига олади. Осон масала PISA – 2012 тадқиқотида математикадан энг осон масала бўлган Q1 схемасига тегишлидир. Қийин масала эса энг қийин масала бўлган “Айланувчи эшик” Q2 га тегишлидир.

Манба: OECD, PISA 2012 Database.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933414854>

6.16. ДИАГРАММА

БИЛИМЛАРНИ СИНТЕЗ ВА ЭКСТРАПОЛЯЦИЯ ҚИЛИШГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИЯ МАСАЛАЛАР МУРАККАБЛАШГАНИ САРИ ФОЙДАЛИ БЎЛАДИ.



Изоҳ. 48 та таълим тизимидан олинган маълумотлар асосидаги ўртача кўрсаткич. Тўқроқ рангдаги ромбчалар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган имкониятлар нисбатини кўрсатади. Билимларни синтез ва экстраполяция қилишга асосланган стратегиялар ўхшашликлар ва мисолларни, “ақлий ҳужумни”, концептлар хариталарини, масалаларни ечишнинг муқобил усуллари излашни ўз ичига олади. Осон масала Q1 схемасига, PISA-12 тадқиқотида математика бўйича энг содда масалага тегишлидир. Қийин масала энг қийин масала бўлган “Айланувчи эшик” Q2 га тегишлидир.

Манба: OECD, PISA 2012 Database.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933414903>

рини ҳам баҳоладик. Натижалар мамлакатлар ва ҳатто ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилди¹⁶. Масалан, Хитой Тайбэйида ўқувчиларнинг натижалари 2015 йилдаги табиий фанлар бўйича тадқиқотларда энг юқори натижалардан эди, аммо нисбатан ифодалаганда бу мамлакат ўқувчилари олимлардек фикрлашдан кўра илмий мазмунни эслаб қолишда анча кучли эдилар. Сингапур ўқувчилари теран мазмунга эга билимларни эгаллашда Хитой Тайбэйидаги тенгдошларидан кучлироқ эканликларини кўрсатдилар, бироқ эпистемик англашни талаб қиладиган топшириқларни ечишда улар ўзларини янада яхшироқ кўрсатди. Австрия ўқувчилари эса илмий концепцияларни тушунишдан кўра илмий далилларни билиш бўйича кучли эди, айти пайтда уларнинг Франциядаги тенгдошлари анча юқори концептуал билимларни намойиш қилдилар.

Ҳатто ўхшаш кўрсаткичларга эга мамлакатлар ичида ҳам бундай тафовутлар таълим соҳасидаги сиёсат ва амалиёт ўқитиш жараёнига таъсир қилишидан далолат беради. Олинган натижалар таълим сиёсати учун жавобгар шахслар ва педагогларни ўқув дастурлари ва таълим тизимларини, уларда чуқур концептуал ва эпистемик англашга кўпроқ эътибор қаратилмоғи учун, қайта кўриб чиқишга ундаши лозим.

Буларнинг ҳеч бири янгилик эмас, аслида, фикрлаш кўникмаларини кўзда тутадиган таълим минг йилдан бери мавжуд. 2016 йилнинг сентябрида Исроил таълим вазири Нафтали Беннети Хеврондаги иешивага ташриф буюрганида мен унга қўшилдим. Ортодоксал (этиқоди мустаҳкам) раввинлар гуруҳи, шунингдек, Йосеф Хеврони ва Моше Модехай Ферберштейн бошчилик қиладиган бу иешива анъанавий яҳудийча матнлар ва ҳуқуқий кодексларни ўрганиш бўйича етакчи институтлардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчи синфда ваъз ўқийдиган, ўқувчилар эса билимларни ўзлаштирадиган одатдаги дарслардан фарқли ўлароқ, иешивадаги талабалар ўқитувчи берган озгина маслаҳат ва тавсияларни диққат билан эшитиб, жуфт-жуфт бўлиб ўқишади. Битта улкан аудиторияда шуғулланадиган 1400 талабанинг орасида мен 20 тадан кам ўқитувчини кўрдим. Мантиқ – уларга материални қандай етказиб беришда эмас, улар қандай ўқишидадир. Мен гувоҳи бўлган ўқув амалиёти талабаларни бир-бирини текширишга, таҳлил қилишга ва материални биргаликда тушунишга, шеригининг мулоҳазаларидаги хатоларни кўрсатишга, саволлар беришга, ғояларни биргаликда ривожлан-

тириш ва ўрганилган матн маъносини янгидан тушунишга ундайди. Hevruta – хеврута – сўзи қадимги оромий сўзи бўлиб “жуфт” деб таржима қилинади, шундай экан, ҳамкорлик ўқитишнинг муҳим шартидир. Хеврута (жуфтлик) масалани еча олмаса ёки матнни тушуна олмаса, уларнинг жуфтлиги шунчаки ёнма-ён ўтирган икки кишига айланади. Уларга эса тўрт, олти, саккиз кишидан иборат гуруҳ ҳосил қилиб, ҳаммалари биргаликда масалани ечгунча, бошқа талабалар қўшилади. Кейин эса талабалар ўзларининг дастлабки жуфтликларига қайтишади.

Бу ерда дарс жараёни шовқинли ва жонли кечади, чунки шериклар муҳокама қилишади ва ўз нуқтаи назарларини исботлашади. Бу сукунат ҳукм сурадиган, фақат кўзлар ишлайдиган аънавий ғарб кутубхонасига тамоман тескари манзарадир. Мақсад – талабаларга ўқишга шўнғиб кетиш, фикрлаш кўникмасини чархлаш, фикрлардан мантиқий далиллар тузиш ва бошқа кишининг нуқтаи назарини тушунишга – шунчаки эслаб қолиш ўрнига – ёрдам беришдан иборатдир. Мақсад тўғри талқин ўйлаб топишдан эмас, далилларни чуқурроқ тушунишга эришишдан иборатдир. Нима учун фикрлар бир-бирига тўғри келмайди? Зиддиятларнинг эҳтимолий оқибатлари қанақа? Нуқтаи назарни нима билан асослаш мумкин? Энг яхши ўқувчилар – бу ўқитувчини жавоб устида бош қотиришга мажбур қилишга қодир савол бера оладиган ўқувчилардир. Қайсидир маънода бу тизимни ўқитишга тадқиқий ёндашув ва замонавий педагогиканинг тимсоли деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай бўлса ҳам, таълимдаги бошқа кўп янгиликлар каби ўқитишга бундай ёндашув Исроилда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам одатдаги синфларга кучли таъсир қилмайди. Иешива вақт ичида тўхтаб қолган ва диний матнлар аънавий яҳудий ҳуқуқининг мураккаб ҳуқуқий кодекслари билан чекланади. Бу таълимни ислоҳ қилишнинг асосий қийинчиликларидан бирига ўхшайди – жараёни эскича ташкил этиш бизга ғояларни мактаб ва синфларга жорий қилишга ёрдам бера олади, бироқ у ғояларни синф ва мактаблардан яхлит тизимга олиб ўтишга, истиқболли амалиётни кенг кўламда татбиқ этишга тўғри келмайди.

Нуқталарни бирлаштириб

Инновациялар ва муаммоларнинг ечими борган сари кўпроқ тарқоқ элементларни умумлаштириш, кейин эса улардан қандайдир янги ва кутилмаган нарса яратиш қобилиятига боғлиқ бўлиб бормоқда. Бунинг учун илгари қиёслаб бўлмайдигандек туюлган ғоялар ўртасида алоқа ўрнатиш, қизиқувчанлик ва очиқлик талаб этилади. Бу эса турли соҳалардаги билимларсиз имконсиздир. Агар биз бутун умримизни бир фан доирасида ўтказсак, унда нуқталарни бирлаштириш ва тақдирни ўзгартириб юборадиган кашфиётни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган новаторлик кўникмаларига эга бўлолмаймиз. PISA тадқиқоти яна мактабда ўқитиладиган фанлар чегарасидан чиқиб фикрлаш ва фанлараро боғлиқ топшириқларни бажариш ўқувчилар учун нақадар қийинлигини кўрсатади.

Шунга қарамай, баъзи мамлакатлар фанлараро потенциални ривожлантиришга уриняптилар. Мисол тариқасида япон Kosen мактаблар тармоғини келтириш мумкин. Мактаб президенти Исао Танигүти 2018 йилнинг бошида мен учун Токио кампуси бўйлаб экскурсия уюштирди. Бир қарашда мактаб касб-ҳунар билим юртига ўхшайди, чунки ўқитишнинг катта қисми амалий хусусиятга эга, ҳамкорликдаги ва лойиҳалашга оид фаолиятни ўз ичига олади. Ким ўрта касбий таълимни академик билимларнинг озлиги билан боғласа, хато қилади. Эътибор беринг: Kosen тармоғининг 50 дан ортиқ мактаби Япония ўрта ва ўрта касб-ҳунар таълимининг энг нуфузли ўқув юртлари рўйхати-га киради. Ўқув дастури эса гуманитар фанлар билан бирга, техника ва табиий фанларни ҳам қамраб олади. 40 фоизга яқин битирувчилар ўқишни университетда давом эттирадилар. Дарҳол иш бошлашга қарор қилганлар эса шу босқичнинг ўзидаёқ мамлакат учун керакли новатор ва муҳандислар бўлиб етишиб, ўртача 20 та ишга таклиф бўлишига ишонадилар.

Kosen мактабларини лекция шаклидаги ўқиш билан амалий лойиҳалаш ишининг ажойиб тарзда уйғунлашиб кетиши ажратиб туради. Бу мактабларда ўқитиш фанлараро боғлиқлик ва ҳар бир шахсни эътиборга олиш хусусиятига эга. Ўқитувчилар эса асосан тренерлик ва устозлик қиладилар. Гап бутун дунё мактабларида шуҳрат қозонган ҳафталик расмий лойиҳалар ҳақида эмас, балки ўқувчилар уларни ривожлантириш ва амалга ошириш устида бир неча йил давомида

ишлайдиган катта ғоялар ҳақида бормоқда. Электротехника йўналишида таҳсил олаётган талаба Рики Исикава менга виртуал борликда тоғ дарёси бўйлаб шишириладиган қайиқда сузишнинг ажойиб тажрибасини ҳадя қилди. Дайсукэ Сузуки, талаба-кимёгар, тупроқни оғир металллар билан ифлосланишдан тозалашнинг арзон ечими устида ишлади. Бошқа кўпчилик мактаб лойиҳаларидан фарқли ўлароқ улар ишларининг натижалари катта эҳтимол билан ахлат қутисига эмас, ғоялар инкубаторига тушади ва у ердан бошқа япон инновациялари билан бирга бозорга қараб йўл олади. Мен сўроқ қилган ўқувчиларнинг ҳеч бири бу мураккаб дастурдан кимнидир чиқариб юборишганини ёки кимдир ўз ихтиёри билан чиқиб кетганини эшитмаган. Гарчанд лойиҳалаш фаолияти асосига қурилган ўқиш яқиндагина кенг ёйилган бўлса-да, Kosen мактаблари 1960 йилларнинг бошидан бери ишлайди.

XX асрнинг 90 йиллари охирида Япония интеграциялашган тадқиқотлар курси доирасида одатдаги мактабларда ҳам таълимга фанлараро ёндашувни жорий қилишга уринди¹⁷. Бироқ бундай ёндашувнинг самараси шуниси билан чекланган эдики, курс ўқитувчиларнинг амалий ишига, айниқса, алоҳида фанлар бўйича билим имтиҳон орқали текшириладиган ўрта мактабларда етарли даражада татбиқ қилинмаган эди.

Яқиндагина Финляндия лойиҳалашга асосланган ёндашув ва фанлараро ёндашувни умумий таълим учун марказий ёндашувга айлантирди. Ўқувчилар ўзлари реал ҳаётда дуч келадиган муаммоларга ўхшаш муаммолар билан танишадилар ва уларни ҳал қилишга олимлар, тарихчилар, файласуфлар, баъзан эса бирданига барчаларининг нуқтаи назаридан ёндашадилар¹⁸. Аммо Финляндия ўқитувчиларига ҳам бу стандартга мос келиш осон эмас. Агар ўқитувчиларнинг ўзи турли фанлардан етарлича билимга эга бўлсалар ва ўзаро ҳамкорлик қила олсаларгина ўқувчилар фанлараро фикрлашга ўрганадилар. Аммо ўқув жараёни ва ўқитувчилар ишининг яхлит тизими йўқлиги бундай фанлараро таълим имкониятлари кўпинча чекланганлигини билдиради. Бундан ташқари, энди дунё маълум бир фан бўйича юқори билимга эга мутахассисларга ва ҳамма нарса ҳақида, лекин оз-оздан, биладиган универсалларга бўлинмайди. Одатда, мутахассислар касбдошлари томонидан тан олинадиган, бироқ ўз соҳаларидан ташқарида қадрланмайдиган тор доирадаги чуқур билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Универсаллар чуқур бўлмаган билимларнинг кенг қамро-

вига эгадирлар. Бугун янги кўникмаларга эга бўлиб, янги муносабатлар қуриб ва ўз зиммасига янги вазифалар олиб, теран билимларни янги вазият ва тажрибада қўллашга қодир бўлган кишилар – тез ўзгараётган дунёда ўзгарувчан контекстларда узлуксиз ўқиб ўрганишга қодир кишилар жуда муҳим. Таълимнинг самарали стратегияларини эгаллашда ва метакогнитив, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини мослаштириш каби қобилиятларни эгаллашда ўқувчиларга ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга ҳамда улар ўқув дастурлари ва ўқитувчининг амалий фаолиятида аниқ белгиланиши лозим.

Танқидий фикрлайдиган ахборот истеъмолчиси бўлишни ўрганамиз

Излаш ва кириш технологияси бизга қанчалик кўп билимни тақдим этса, мазмунни чуқур тушуниш ва теран англаш шунчалик аҳамиятли бўлиб бораверади. Тушуниш билим ва маълумот, моҳият ва ғоялар, амалий кўникма ва ички сезгини ўз ичига олади. Аммо у, моҳиятан, уларнинг бирлашуви, интеграцияси ва ҳар бир ўқувчининг хусусиятларини ҳисобга оладиган усуллардан иборатдир. Бунда яна ўтмишни, чунончи, жамият тўқнаш келган муаммолар, топилган ечимлар, узок вақт давомида ривожланган ва ҳимоя қилинган қадриятларни ҳисобга олиб, келгуси орзу-умидларимизни шакллантириш кўзда тутилади.

Бизнинг ҳозирги “ҳақиқатдан кейинги” ҳолатимизда, қачонки гап ахборот ҳақида борса, сифатдан кўра сон кўпроқ кадрланадиганга ўхшайди. Ҳис-туйғулар ва шахсий ишонч-этиқодларга дахлдор фикрлар, ҳатто улар ҳеч қандай асосга эга бўлмаса ҳам, амалда ҳақиқатга ўхшайди. Бизни ҳамфикр гуруҳларга саралаб ажратадиган ва ижтимоий тармоқларда қўллаб-қувватлаб, атрофимизни ўраб турадиган алгоритмлар шахсий ишончимизни ўзгартириши мумкин бўлган қарама-қарши фикрлардан ажратиб қўяди ва қарашларимизни чеклайди. Бу виртуал қавариқлар фикрларни бир хилликка олиб келади ва жамиятларимизни қутбларга ажратади, шунингдек, улар демократик жараёнларга катта ва айна пайтда ножўя таъсир кўрсатади. Бу алгоритмлар конструктив камчилик эмас, бу ижтимоий тармоқлар қандай ишласа, ўша нарса. Бу ерда эътибор тақчил, аммо ахборот ҳаддан ташқари кўп. Биз рақамли хилма-хиллик даврида яшайпмиз. Бунда тармоқларга хос

бўлмаган даврда яратилган ҳамма нарса унинг босими остида қарсиллаб синиб кетади.

Ахборот манбаларини чеклаб, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига ёки одамларнинг ахборотлар оқимига мослашиш қобилятини кучайтириб, кўникмаларни ошириш масаласига қанчалик чуқур кириб боришимиз керак? Биз ахборот маҳсулотларига нисбатан жисмоний маҳсулотлар истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилишда фойдаланиладиган ёндашувларга ўхшаш ёндашувларни ишлаб чиқмаганимиз қизиқ. Семириб кетган кишилар McDonald's билан судлашишди, устларига иссиқ қаҳвани тўкиб юбориб, Starbucks'ни судга беришди¹⁹. Аммо сеҳрли янгиликлар билан курашиш жуда қийинга ўхшайди. Чунки сўз эркинлиги билан ўйнашишга кўпинча демократик тамойилларга ҳужум сифатида қаралади.

Одамларни ахборотдан ҳимоя қилиш ўрнига, уларнинг олинган ахборотларни саралаш қобилятини кучайтириш самаралироқдир. Ўқувчилар ишончли ахборотлар манбаини ишончсизларидан, асосли далилларни тўқималаридан ажрата олиши керак. Бугун улар ахборотни шубҳа остига олиши ва олган билим ва тажрибаларини такомиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим. XX асрда саводхонлик илгари кодланган ахборотни топиши ва қайта ишлаши билан боғлиқ эди. XXI асрда гап билимларни шакллантириш ва текшириш устида боради. Илгари ўқитувчилар ўқувчиларга маълумотни энциклопедиялардан топиш ва унга аниқ ва ишончли маълумот сифатида таянишни маслаҳат беришарди. Бугун Google, Baidu ёки Яндекс қидириш тизимлари ҳар қандай саволга миллионлаб жавоб қайтаради, ўқувчининг вазифаси эса уни триангуляция қилишдир, яъни камида учта далил билан уни тасдиқлаш, баҳолаш ва билим тўплашдир.

Ҳозирги турмуш айрим одамлар, гуруҳлар ва жамиятлар учун қийинлашяпти, демак, бизнинг муаммоларимизни ечиш ҳам қийин бўлади. Тузилиш жиҳатидан мувозанатсиз дунёда глобал оқибатларга олиб келадиган қарорларда турли нуқтаи назарлар ва манфаатларни ҳисобга олиш зарурати ёшлардан кескинликни, иккиланишларни бартараф қилиш ва келишувга эришиш маҳоратини талаб қилади. Рақобатлашаётган эҳтиёжлар – тенглик ва эркинлик, автономия ва умумийлик, инновациялар ва анъанавийлик, самарадорлик ва демократик жараёнлар – ўртасида мувозанат ўрнатиш камдан-кам ҳолларда икки муқобилдан бирини танлаш ёки ҳатто ягона ечимга олиб келади. Ўзаро

алоқаларни ҳисобга олиб, одамлар янада яқдил бўлиб фикр юритишлари керак. Ушбу когнитив кўникмалар асосида эмпатия (ўзга нуқтаи назарни тушуниш ва ички интуицияга асосланган ёки эмоционал сезгига эга бўлиш қобилияти); мослашувчанлик (янги тажриба, ахборот ва қўшимча тасаввурлар нуқтаи назаридан ўз идроки, услублари ва қарорларини қайта ўйлаб кўриш ва ўзгартириш қобилияти) ва ишонч ётади.

Янгилик, ўзгаришлар, хилма-хиллик ва ноаниқлик билан ишлаш одамлар мустақил ўйлаши мумкинлигини кўзда тутлади. Муаммоларни ҳал қилишга ижодкорона ёндашув ўз ҳаракатларининг мумкин бўлган оқибатларини ҳисобга олиш, хавф ва фойдага баҳо бериш ва ўз иши натижаси учун жавоб беришни тақозо этади. Бу мажбурият ҳисси маънавий ва интеллектуал етукликни назарда тутадик, улар билан инсон ўз ҳаракатларини тажриба, шахсий ва ижтимоий мақсадлар нуқтаи назаридан идрок этиши ва баҳолаши мумкин. Нима тўғри ёки нотўғрилигини, нима яхши ёки ёмонлигини маълум бир вазиятда идрок этиш ва баҳолаш этика ҳақида сўз юритиш, шунингдек, меъёр, қадрият, маъно ва чекловлар билан боғлиқ: “Мен нима қилишим керак? Шу ишни тўғри қилдимми? Чегаралар қаерда? Қилган ишимнинг оқибатини била туриб шу ишни қилишим керакмиди?” каби саволларни назарда тутадиган фикр юритишга олиб келади. Марказий ўринни ўз-ўзини назорат қилиш, шахсий самарадорлик, жавобгарлик, муаммоларни ҳал қилиш ва мослашишни ўз ичига оладиган ўз-ўзини бошқариш концепцияси эгаллайди. Неврология соҳасидаги ривожланиш билан боғлиқ ютуқлар шуни кўрсатадик, мия эгилувчанлик хусусиятининг иккинчи тўлқини ўспиринлик ёшида юз беради ва ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланишида айрим юмшоқ соҳа ва тизимлар ҳаракатга келади.

Бошқалар билан биргаликда ҳаракат қилиб

Шахсий ютуқлардан ташқари биз таълимда самарали ҳамжиҳатлик ҳақида ўйлашимиз зарур. Ҳозирги замон мактабларида ўқувчилар, одатда, якка ҳолда ўқишади, ўқув йили охирида эса биз уларнинг шахсий ютуқларини текширашимиз ва баҳолаймиз. Бироқ дунё ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланар экан, бизга ҳамкорликда ишлай оладиган кишилар жуда керак. Бугун инновациялар якка ҳолдаги иш натижасида камдан-кам пайдо бўлади. Инновациялар билимларни қандай ишга

солишимиз ва бирлаштиришимиз ҳамда улардан биргаликда қандай фойдаланишимиз натижасидир.

Ўзаро ҳамкорликка ўргатиш учун педагоглар нафақат ўқувчининг шахси, балки таълимга таъсир этадиган кенг муносабатлар тўплами – ўқитувчи ва тенгдошлар, оила ва жамият билан бўладиган муносабатларга эътибор бериши лозим. Улар асосида ўзаро ёрдам – ўқувчиларнинг ривожланишига ёрдам берадиган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи интерактив муносабатлар ётади. Шу маънода биз нафақат ўқувчилар, балки ҳаммамиз – ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, ота-оналар, атрофдаги ҳамма – ўқувчи деб ҳисобланишимиз лозим.

Биз кўпинча биргаликдаги ўқиш ҳам чуқур маъноли саволлар ва атрофлича жавобларга асосланган мустақил ўқишга руҳлантиришнинг зўр усули эканини кўздан қочирамиз. Маълум муддат MOOCs (MOOK) сифатида машҳур бўлган очик онлайн курслар қиммат таълимнинг жозибадор муқобилидек туюлди, лекин MOOCs курсларини тугатган кишилар сони умид уйғотолмасди. Қисман бу аккредитациянинг ишончли услублари ҳам ишлаб чиқилмагани, шу боис ўқувчиларнинг MOOCs курсларида эгалланган тажрибани меҳнат бозорида долзарб бўлган мутахассисликка айлантириши қийинлиги билан изоҳланади.

Бироқ энг катта муаммо – бу кўпчилик онлайн курсларнинг “фақат ўқиш учун” тартибидир: улар маърузанинг ҳажмини такрорлашади, аммо ўқитувчининг далиллар билан асослайдиган устунлиги уларда бўлмайди. Германия Лейфан университети собиқ вице-президенти Хольм Келлер PISA учун махсус ҳамкорликка мўлжалланган MOOCs курсларининг қизиқарли бир кўринишини ишлаб чиқди; улар PISA4U деган ном олди²⁰. У потенциал иштирокчилар, асосан, профессионал педагоглардан курсга ёзилишни сўради, кейин эса уларни таълимга нисбатан умумий қараш ва мақсадларга қўшилиши, бироқ бошқа масалаларда фикрлари бир-биридан иложи борица кўпроқ фарқ қилиши учун алгоритм асосида гуруҳларга бўлди. Бу турли-туман гуруҳлар кейин ўзлари учун муаммоларни аниқлаб олишди ва улар устида биргаликда ишлашди. Ҳар бир иштирокчи онлайн мураббийнинг кўмагига, ҳар бир гуруҳ эса тажрибали раҳбарга эга эди. PISA4U тажриба-синов лойиҳасида 172 мамлакатдан 6 мингдан ортиқ ўқитувчи иштирок этди. Лойиҳа охирида олинган натижалар юқори эди, кўпчилик иштирокчилар эса бундай ғайрат-шижоатнинг сабаби бошқа мамлакатлар, турли қизиқиш ва тажрибага эга маданиятлар вакиллари

билан биргаликда ишлашдадир, деб айтишди. Тажриба-синов лойиҳаси шу қадар муваффақият қозондики, ҳозир унга мўлжаллаб рақамли платформа яратилмоқда.

PISA – 2015 доирасида муаммо билим, кўникма ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали ўқувчилар томонидан муаммоларни биргаликда ечиш бўйича биринчи халқаро тадқиқот ўтказилди²¹. Кутилганидек, яхши ривожланган кўникмага эга ўқувчилар ўқиш ёки математика соҳасида, одатдагича, муаммоларни биргаликда ечишнинг юқори даражасини кўрсатдилар, чунки бу жараён ахборотни бошқариш ва уни изоҳлашни, шунингдек, теран тафаккур қобилятини талаб қилади. Худди шу нарса мамлакатлар миқёсида ҳам кузатилади: Осиёда Япония, Сингапур ва Жанубий Корея, Европада Эстония ва Финляндия, Шимолий Америкада Канада сингари PISA етакчилари муаммони биргаликда ечиш бўйича анча юқори натижаларни кўрсатди.

Аммо муаммоларни биргаликда ечишда табиий фанлар, ўқиш ва математик саводхонлик йўналиши бўйича тадқиқотда ўқувчилар кўрсатган натижаларга асосланадиган бўлсак, кутилганидан анча катта муваффақиятга эришган мамлакатлар борлигини кўрамиз. Масалан, япон ўқувчилари бу йўналишларда анча яхши натижаларни кўрсатдилар, бироқ улар муаммоларни биргаликда ечишни янада яхшироқ уддаладилар. Айтиш мумкин, Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Корея ўқувчиларига ҳам тегишли. Қўшма Штатларнинг ўқувчилари, уларнинг ўрта даражадаги ўқиш ва табиий фанлар бўйича натижалари, шунингдек, математикадан кўрсатган паст натижаларидан келиб чиқсак, муаммони биргаликда ечишда кутилганидан анча юқори натижаларни кўрсатдилар. Аксинча, Хитойнинг PISA тадқиқотида қатнашган тўрт шаҳар ва провинциялари (Пекин, Шанхай, Цзянсу ва Гуандун) ўқувчилари математика ва табиий фанлардан зўр муваффақиятга эришдилар, бироқ муаммони биргаликда ечиш бўйича ўртача даражани кўрсатдилар. Литва, Черногория, Россия, Тунис, Туркия ва БААнинг ўқувчилари муаммоларни биргаликда ечиш бўйича кўзга кўринарли натижаларни кўрсатмадилар. Хулоса шуки, табиий фанлар, математика ва ўқиш кўникмаларининг йўқлиги, ўз навбатида, ривожланган академик билимларга қўшимча бўлмайдиган ижтимоий кўникмаларнинг борлиги билан доим ҳам қопланмайди.

Тадқиқот натижалари баъзи бир мамлакатлар ўқувчиларнинг муаммоларни биргаликда ечиш кўникмаларини ривожлантиришда

бошқа мамлакатларга нисбатан катта ютуқларга эришганини кўрсатади, улар ўқувчиларни келгуси ҳаётга тайёрлашда олға силжишлари керак. Ўртача фақат 8 фоиз ўқувчигина яхши йўлга қўйилган биргаликда ишлаш йўли билан топшириқларни уддалаши мумкин. Гап ўқувчилардан гуруҳнинг ўсиш суръатини кузатиш, тўсиқларни бартараф қилиш учун ташаббусни ўз қўлига олиш маҳорати, келишмовчилик ва зиддиятларни бартараф этишни талаб қиладиган масалалар устида бормоқда. Ҳатто Сингапурда, PISA иштирокчиларининг етакчисиди ҳам, фақат ҳар бешинчи ўқувчи шу даражадаги кўникмага эга экан. Шунга қарамай, тўрттадан уч ўқувчи ўртача мураккабликдаги муаммони биргаликда ечишга ўз ҳиссасини қўша олишини ва ўзаро ҳаракат жараёнида турли нуқтаи назарларни кўриб чиқишга қодир эканликларини кўрсатди. Худди шундай ҳамма мамлакатлар гендер тенгсизликни қисқартириш масаласида энг яхши натижаларга эришиши керак. PISA – 2012 тадқиқотида масалаларни индивидуал ечиш кўникмалари баҳоланганида кўп мамлакатларда ўғил болалар қиз болаларга қараганда кўп балл тўпладилар. Аксинча, 2015 йилдаги муаммоларни биргаликда ечиш бўйича тадқиқотда табиий фанлар, ўқиш ва математика бўйича қизларнинг ютуқларини ҳисобга олганда ҳам, ҳисобга олмаганда ҳам барча мамлакатларда қиз болалар ўғил болалардан ўзиб кетди. Муаммоларни биргаликда ечиш самарадорлигини баҳолашда гендер фарқнинг нисбий ўлчови ўқиш кўникмаларини баҳолашдан кўра каттароқ.

Бу натижалар ўқувчиларнинг биргаликдаги ишга бўлган муносабатида ўз аксини топади. Қиз болалар ҳамкорликка нисбатан ижобий кайфиятда эканликлари маълум бўлди, бу улар, одатдагидек, атрофдагиларнинг фикрига қизиқиши ва бошқалар ҳам муваффақият қозонишини исташидан дарак беради. Бироқ ўғил болалар биргаликдаги ишнинг афзалликларини аниқроқ кўра биладилар ва ҳамкорликнинг мумкин бўлган самараси ва натижасини баҳолай оладилар.

Ҳамкорликка ижобий муносабат PISA тадқиқотининг баҳолаш компоненти билан боғлиқ бўлгани боис, у яна бир муносабат билдириш тадбирини амалга оширишга йўл очади. Бу кўзга кўринмаса-да, аммо мактаблар ўғил болаларга атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни касб этишга ва ўзаро дўстликни ривожлантиришга кўмаклашса, улар муаммоларни биргаликда ечишда ўқувчиларнинг натижалари яхшиланганини кўра оладилар.

Мактаб муҳитида кўтарилган масалага тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган омиллар борга ўхшайди. PISA тадқиқоти давомида ўқувчиларга қизғин фикр алмашишни талаб қиладиган фаолият билан қанчалик кўп шуғулланиш ҳақида, масалан, табиий фанлардан бўладиган машғулотларда ўз ғоялари билан ўртоқлашишадими, вақтларини тажрибалар олиб бориш учун лабораторияда ўтказишадими, илмий мавзуларда баҳслашишадими, синфда бўладиган баҳс-мунозараларда иштирок этишадими, деган саволлар беришди.

Олинган натижалар бундай фаолият билан ҳамкорликдаги ишга ижобий муносабат ўртасида аниқ ўзаро боғлиқлик борлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ўртача олганда муносабатлар ва жамоа бўлиб ишлашнинг қимматини англаш бундай тадбирларда мунтазам иштирок этиши ҳақида гапирган ўқувчилар орасида кўпроқ тарқалган.

Кўп мактаблар ўқувчиларда дахлдорлик туйғусини ривожлантирадиган ва улар ҳеч нарсадан хавотирга тушмайдиган муҳитни яратишда зўр натижаларга эришишлари мумкин. Бир-бири билан ўзаро алоқага нисбатан бир мунча ижобий кайфиятда бўлган ва бошқа ўқувчилар томонидан таҳдидни ҳис қилмайдиган ўқувчилар, ҳатто мактаблар ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ихтисослигини ҳисобга олгандан кейин ҳам, муаммоларни биргаликда ечиш бўйича анча юқори балл тўпладилар.

Кўпинча кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчилар жамоа бўлиб ишлашнинг қимматини яхши таъминланган тенгдошларига қараганда аниқроқ кўрадилар. Улар, одатда, жамоа бўлиб ишлаш шахсий самарадорликни ошириши ҳақида кўпроқ гапиришади, якка-якка эмас, жамоа бўлиб ишлашни афзал кўришади ва уларнинг фикрича, жамоавий қарорлар индивидуал қарорлардан яхшироқдир. Биргаликда ўқиш-ўқитиш учун муносиб шароит яратиш орқали бундай ёндашувларни ривожлантиришда муваффақиятга эришаётган мактаблар кам таъминланган оилалардан чиққан ўқувчиларни қизиқтиришнинг янги усулларини топа олади.

Ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришда ўқувчиларга ёрдам бериш ҳақида гап борадиган бўлса, таълим мактаб остонаси билан чегараланиб қолмайди. Аввало ота-оналар жараёнга қўшилиши керак. Ҳақиқатан ҳам муаммоларни биргаликда ечиш бўйича анча юқори балл тўплаган ўқувчилар PISA тадқиқотида иштирок этишдан бир кун олдин ўз ота-оналари билан мулоқотда бўлишганини айтишди, ота-

оналар эса болаларининг мактабдаги ҳаёти билан қизиқишларини ёки уларнинг ўзига ишончини қўллаб-қувватлашларини тасдиқлашди.

Муаммоларни биргаликда ечиш кўникмалари ўқувчиларга бутун ҳаёти давомида бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлиш (биргаликда ишлаш, ҳаракат қилиш) учун керак бўлган кенг кўламли ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг жиҳатларидан биридир. 1-бўлимда айтилганидек, бу кўникмалар тиришқоқлик, ҳамдардлик, матонат, эътиборлилик, жасорат ва етакчиликка интилиш каби хусусиятлар билан боғлиқдир.

2016 йилда мен Берлинда XXI аср кўникмаларига²² бағишланган таълим технологиялари конференциясини мурожаатнома билан очдим (ОЕВ). Конференцияда таълимда технологияларнинг потенциал роли ҳақида кўплаб нуқтаи назарлар баён қилинди ва баъзан инсон ва компьютер потенциали ўртасидаги чегара ювилиб кетгандай бўлиб туюлди. Аммо Global Technology'нинг этнографи ва Constellate Data'нинг ҳамкор-таъсисчиси Триша Ванг²³ бу чегарани бошқа кишининг нуқтаи назарини қабул қила олиш қобилияти сифатида баҳолади. У бу кўникма қандай қилиб юқори технологиялар соҳасида тобора кўпроқ аҳамият касб этаётгани, одамлар компьютерлардан когнитив топшириқларнинг ортиб бораётган ҳажмига ишлов беришни талаб қилишаётгани ҳақида гапирди.

Бу қийин вазифа, аммо мактаблар ўқувчиларга мустақил фикрлаш ва ҳозирги ҳаётнинг ранг-баранглигини англаган ҳолда индивидуал ривожланишига ёрдам бериши керак. Ишда, уйда ва жамиятда одамлардан бошқа маданият ва урф-одатларнинг вакиллари қандай яшашади ва бошқа касбларнинг вакиллари – олимлар, математиклар, социологлар ва ижод кишилари қандай ўйлайдилар, деган нарсани кенг тушуниш талаб этилади. Аввало хилма-хилликни кўриш ва тушуниш қобилияти, шунингдек, жамиятларнинг сабрлилик ва ҳамдардлик каби асосий либерал қадриятларни тан олиш қобилияти экстремизмга қарши энг қудратли жавоблардан бирига айланиши мумкин. Қисқаси, энди мактаблар ўқувчиларга мустақил ўйлаш ва бошқалар билан уларнинг фойдасига биргаликда ҳаракат қилиш имконини бериши керак.

Буларнинг ҳаммаси бизни глобал компетентлилик концепциясини одамларга дунёни бошқача кўз билан кўриш ва турли ғоялар, нуқтаи назарлар ва қадриятларни тушунишга ёрдам берадиган имкониятлар тўпламини тадқиқ қилиш орқали PISA тадқиқотида инте-

грациялашга ундади. PISA тадқиқоти глобал компетентлиликни бутун умр давомида таълимнинг кўп ўлчовли мақсади сифатида баҳолайди. Глобал миқёсда компетентлиликка эга бўлган одамлар ички, халқаро ва маданиятлараро муаммоларни тадқиқ этиши, турли нуқтаи назарларни тушуниши ва қадрлаши, бошқа кишилар билан ҳурмат ва муваффақият билан биргаликда ҳаракат қилиши ҳамда барқарорлик ва умумий фаровонликни таъминлаш учун амалий чораларни қўллаи олиши мумкин (4-бўлимга қаранг).

Глобал компетентлиликни ўлчаш улкан илмий вазифадир, чунки бундай ижтимоий ва фуқаровий интеграция концепцияси кўплаб турли-туман когнитив, ижтимоий ва эмоционал таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бироқ энг ҳайратланарли томони шуки, PISA тадқиқотларида иштирок этаётган мамлакатлар ичида бу саъй-ҳаракатларга сиёсий кўмак тўплаш нақадар қийин бўлганидир. Ҳозирча жуда кам мамлакатлар баҳолашнинг бу қисмини жорий қилишга рози бўлишди.

Қадриятларнинг аҳамияти

Юқорида айтилган гап мени энг қийин масалага олиб келади: ҳозирги замон таълимига қадриятларни қандай киритиш мумкин? Қадриятлар таълимда доим марказий ўринни эгаллаган, бироқ хира ифодааланган истак-хоҳишлардан аниқ мақсад ва амалиётга ўтиш вақти келди. Ҳамжамиятларга вазиятга боғлиқ қадриятлардан (“бу вазиятда имкони бўлган ҳамма нарсани қиламан”) натижаси ишонч, ижтимоий алоқалар ва умид бўлган барқарор қадриятларга ўтишга ёрдам бериш вақти келди. «New York Times» газетаси шарҳловчиси Томас Фридман айтганидек, “муз тоғидек мустаҳкам ва қўзғалмас кўринган нуқтаи назарлар, анъаналар ва ҳаётда орттирилган донишмандлик ҳозир бир кунда чўкиб кетиши мумкин, илгари буни қилиш усуллари бутун бир авлод ҳаётига тенг вақтни талаб қиларди”. Ва у давом этиб айтадики, “агар жамият одамлар оёғи остига пойдевор қўймас экан, уларнинг кўпчилиги қилаётган иши барбод бўлишга маҳкум эканини сезмай, девор кўтаришга уринади²⁴.”

2011 йилда мен Япониянинг бир неча ой олдин цунами вайрон қилган шимоли-шарқий ҳудудларини бориб кўрдим ва бир соат ичида бутун бир шаҳарлар қандай йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ва одам-

лар ва мактаблар фавқулодда муаммолар гирдобига қандай дуч келишининг гувоҳи бўлдим. Лекин мен яна мустаҳкам жамият негизлари ва ҳаётий кучга эга ҳамжамиятлар бундай муаммоларни ҳал қилишга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳам кўрдим.

Мен Японияда 50 мартадан ортиқ бўлганман, лекин Ивате префектурасига ташриф менда унутилмас таассурот қолдирди. Қирғоқ бўйлаб узоқ юришлар вақтида мен 2011 йилнинг 11 мартида бутун бир қишлоқларни цунами йўқ қилган бепоеън ҳудудларни кузатдим, бу ерда уйларнинг фақат пойдевори қолганди, холос. Баъзи жойларда вайрон бўлган уйларга қизил доирачалар ва хочдан белги қўйилган, бу эса одамлар нафақат уйларини, балки яқинларини ҳам йўқотишганини билдирарди.

Аммо вақтинчалик уй-жойлар қурилишига ва ижтимоий инфраструктузилмани тиклашнинг зўр таассурот қолдирадиган суръатларига қарамай фуқаровий ҳаётнинг ўз изига тушиб кетиши анчайин мураккаб иш экан. Вайрон бўлган Фунакоси ва Оцути шаҳарларида Рикютю-Санрику вақтинчалик мактабини бошқарган бошланғич мактаб директорлари, агар вазият шуни тақозо этса, япон педагоглари ишга жўшқинлик ва ижодкорлик киритишлари мумкинлигини кўрсатишди. Айтишим керак, айна улар билан учрашишдан олдин мен дунёдаги ҳар қандай мактабга ўхшаш, узун қоронғи коридорлар ва синфхоналар ҳамда иккинчи қаватда жойлашган ўқитувчилар хонасига эга бўлган эски Фунакоси бошланғич мактабидан қолган-қутган нарсани бориб кўрдим.

Бироқ Рикютю-Санрику вақтинчалик мактаби бошқача эди. Катта спорт залида учта синф ташкил қилинган, дарслар очиқ ўқув майдонида ўтилар, “ўқитувчилар хонаси” тўғри “ўқув синфига” чиқарди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар бирлашиб, ўзаро ҳурмат ва масъулиятни унутмаган ҳолда оғир шароитларни енгиллатишга ижодий ёндашишган эди.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг тушунтиришига қараганда, бир синфда мусиқа дарси бўлаётганида, иккинчи синф болалари спорт билан шуғулланиш учун кўчага чиқишаркан. Мактаб кутубхонасидаги кўп китобларни сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган, лекин жамоатчилик ташаббуси билан пул, дарсликлар ва ҳамма зарур ашёларни тўплай олишган. Картондан қуришнинг иложи бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ, деган таассурот пайдо бўлибди. Баъзи бир маънода цунами ўтмишдаги мактабни келгусидаги ўқув муҳитига айлантирибди. Ҳаммадан кўпроқ ўқитувчиларнинг гаплари юракни ларзага солди.

Хатто одатдаги вақтларда ҳам Японияда ўқитувчиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида чегара йўқ, деган таассурот пайдо бўлади. Улар нафақат ўз ўқувчиларининг интеллектуал ривожланиши учун, балки уларнинг мактаб ва уйдаги ижтимоий ва эмоционал ҳаёти учун ҳам юқори даражада жавобгарликни ҳис қиладилар. Озгина моддий ва психологик кўмакка қарамай, ўқитувчилар мисли кўрилмаган қўшимча мажбуриятларни ўз зиммаларига олган бир пайтда, инқироз бу хусусиятни яққол кўрсатди, холос.

Кўп ўқитувчилар ўқувчиларни қутқариш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйишди. Бир мактаб ўқитувчиси кучли тўлқин олиб кетаётган болани қутқаришга уринганида, унинг қўлидан тутиб қолиш учун унга атиги бир неча сантиметр етмай қолганини айтиб берди. Яна бир ўқитувчи биринчи марта ер қимирлаганида мактабдаги ҳамма болаларни қутқарган ва уларни баландликка олиб чиққан. Бир қизнинг ота-онаси уни уйга олиб кетиш учун келганида, бу қарорнинг тўғрилигига ўқитувчининг ишончи комил эмасди, бироқ қаршилик кўрсатмади. Бутун оила шаҳарга кетаётиб, цунами тўлқинидан ҳалок бўлган. Цунамидан зарар кўрган туманларга кўнгилли бўлиб боришга талабгор бўлиб чиққан Япония ўқитувчилари иттифоқи (Japan Teachers' Union) 12 мингдан ортиқ аъзосининг феъл-атвори менда чуқур таассурот қолдирди. Мен учратган кишиларнинг жуда озчилиги Ивате префектурасидаги JIU вице-президенти ва унинг ҳамкасбларидек Япония болаларининг келажигига бу қадар чуқур садоқат кўрсатишга рози бўлишган.

Модомики технологиялар ривожидан ўзиб кетишни истар эканмиз, унда инсонларнинг қайси сифатлари инсоният учун ноёб эканлигини англашимиз ва уларни ривожлантиришимиз зарур, шундай қилишимиз керакки, бу сифатлар компьютерлар билан рақобатлашиш ўрнига биз уларга ўрнатган имкониятларни тўлдиришсин.

Таълимни академик билимлар билан чеклашга уриниш таълимга технологик ва ижтимоий ривожланишдан ўзиб кетиш имконини берувчи фундаментал инсоний хусусиятларга эътибор қаратиш ўрнига, одамларнинг компьютерлар билан рақобатлашишга мажбур бўлиш хавфини туғдиради. Ўзингиздан сўраб кўринг, нима учун териб-термачлаш ва овчилик билан шуғулланувчилардан кўра идора ходимларини рақамли технологиялар билан алмаштириш осонроқ? Жавоб шундан иборатки, меҳнат операцияларини рационализация қилиш ва инсонга хос кўникмаларни ихтисослаштириш билан биз ишда амалий қиммати йўқ кўпгина қобилиятларни йўқотдик.

2016 йилнинг октябрида мен маданият соҳасида истиқболли тадқиқотлар Институтидан (Виргиния, АҚШ)²⁵ Джош Йейтс билан танишдим. У ўқитиш ва инсоннинг ривожланиши учун зарур бўлган асосий истеъдодларнинг қизиқарли тузилиш схемасини ишлаб чиққан. У ҳақиқат (инсоннинг билиш ва англаш соҳаси), гўзаллик (ижод, эстетика ва дизайн соҳаси), адолат ва тартиблилик (сиёсий ва фуқаровий ҳаёт соҳаси), барқарорлик (табиий ва жисмоний соғлиқ) ҳақида сўз юритади.

Сингапур ўқув дастурида қадриятлар марказий ўринни эгаллайдиган мен кўрган биринчи мамлакат бўлди. Сингапур мактабларида ҳурмат-иззат, масъулият, барқарорлик, бир бутунлик, ғамхўрлик ва ҳамжиҳатликка урғу берилади. Бу қадриятлар ўқувчиларда ўз-ўзини англаш ва ижтимоий англаш, ўзаро муносабатларни бошқариш, жавобгарликни ҳис қилган ҳолда қарорлар қабул қилиш каби хусусиятларни шакллантиришга қаратилган. Амалда бу ўқув дастуридаги феъл-атвор сифатларига худди “ҳаракатдаги қадриятлар”га қарагандек муносабатда бўлишади²⁶.

Умуман, Сингапурнинг ўқув дастури ўзига ишонган инсонни, мустақил ўқувчини, онгли ва умум ишига тортилган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Сингапур мактаблари бу рамакалардан ўқувчиларга зарур компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқув ва йўлдош дастурларни ишлаб чиқиш учун фойдаланишади. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчи ижтимоий жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга ёрдам берадиган “ҳаракатдаги қадриятлар” дастурларида иштирок этиши кутилади. Шунга қарамай, ҳатто Сингапурда ҳам бу ғояларнинг катта қисми қоғозда қолиб кетмоқда, уларнинг билим бериш ва билим олиш жараёни аслида қандай кечаётганига таъсири чеклангандир. XXI аср ўқув дастурини яратиш ва жорий қилиш фойдасига далиллар кучли бўлиб турган бир пайтда, ўзгаришларга баъзан нуфузли кучлар тўсқинлик қилади. Боласи имтиҳондан ўтмаслигидан хавотирланадиган ота-оналар кам харажат билан кўп нарсага эришишни ваъда қиладиган ҳар қандай ёндашувга ишонмаслиги мумкин. Ўқитувчилар, уларнинг касаба уюшмалари ва бирлашмалари, агар улар ижтимоий-эмоционал кўникмаларга ўхшаш у қадар холис бўлмаган материални ўргата бошлашса, уларни нафақат нимани ўргатишаётгани учун, балки аслида ким эканликлари учун ҳам баҳолашларидан қўрқишлари мумкин. Мактаб раҳбарияти ва таълим сиёсатини

белгиловчи шахслар, агар муваффақият индикатори билимни миқдор жиҳатдан баҳолаш билан эмас, балки ўқиш тугаганидан сўнггина кўриниши мумкин бўлган маълум бир инсоний фазилатлар билан ифодаланса, улар энди мактаблар ва мактаб тизимларини бошқармасдилар. Бу хавотирли саволларга ишончли жавоблар топиш замонавий ўқув дастурлари яратиш ва баҳолашга дадил ёндашувни талаб этади. Шу сабабдан ўқувчиларнинг кейинги авлоди учун одатдаги чегаралардан чиқадиган мактаб дастурларини ишлаб чиқиш лидерларга хос мислсиз ечимларни талаб этади. Улар теран тушуниш ва кенг кўламли ўзаро алоқа ҳамда жамиятнинг ўқув жараёнига жалб қилинишини рағбатлантиришда устун бўлган ўқув дастурлари ва баҳолаш мезонларини тушунтириш ва илгари суришни ўз ичига олади.

Муваффақиятли мактаб тизимларининг ўзгариб бораётган қиёфаси

Кўп мамлакатлар ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган янги талабларга амалдаги ўқув дастурига борган сари кўпроқ мазмун-мундарижа қўшиш йўли билан муносабат билдирди, натижада ўқув дастурларининг қамрови кенгая борди, лекин чуқур билим бера олмади. Ўқитувчилар ўқувчиларга катта ҳажмда ўқув материални тақдим этади-ю, аммо бу юзаки бўлади. Янги контент қўшиш таълим тизимларининг юзага келаётган эҳтиёжларга жавоб қайтаришининг оддий усулидир, шу билан бирга, таълим мазмунидан эски материалларни олиб ташлаш жуда ҳам қийин. Баъзи мамлакатлар янги фан, мавзу ва бўлимларни анъанавий ўқув дастурига киритиш йўли билан, кўпинча фанларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш байроғи остида, билим олиш амалиётини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бошқалари эса ўқитувчиларга бор материаллар мазмунига чуқур кириб бориш имкониятини тақдим этиш учун ўқув материалларининг ҳажмини қисқартиришади (3-бўлимга қаранг).

Бу вазиятда “мослаштирилган” ва ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ўртасида пухта мувозанат ўрнатиш талаб қилинади. Бошқача айтганда, кенг миқёсда маслаҳатлашувлар ўтказиш ва мактабларда нима ни ўргатиш кераклиги ва қандай натижа олишни исташимизни танлашдан олдин келишувга эришиш зарур. Бу жамоатчилик ишончини

мустаҳкамлаш ҳамда профессионал соҳаларда ўзаро алоқани йўлга қўйиш имконини беради.

Керакли мувозанатни топиш осон эмас. Мана, масалан, дунёда технологияларнинг кўпайиб кетганлиги билан билан боғлиқ савол: болалар мактабда дастурлашни ўрганишлари керакми? Дастурлаш тилини ўргатаётган мактаблар анчагина. Бироқ биз бугунги муаммоларни бугунги услублар билан ҳал қилишга ўргатишда давом этаяпмиз, деган хавф мавжуд. Ўқувчилар мактабни битирганида бундай услублар эскириши мумкин. Савол кенгроқ маънода бир оз бошқача бўлади, рақамлаштиришнинг асосий концепцияларини тушунишни қандай кучайтирамиз ва ҳозирги замон рақамли инструментларига чалғимай, ўз фойдамизга қандай буриб юборамиз? Ҳозир ўқитилаётган нарсалар турли-туман материални қўйиш муҳим эмас, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш билан нимага эришишни истаётганимизга янада тизимли ёндашув муҳим. XXI аср ўқув дастурлари қатъий талаби (юқори даражали когнитив эҳтиёжларга жавоб берадиган ўқув материалларини шакллантириш), эътибор маркази (мазмун кенглигидан чуқур англашнинг устунлиги орқали эришилган концептуал англаш – моҳиятнинг англаш) ва когерентлик (ўқитишнинг тадрижий ривож ва кишилиқ тараққиётини илмий жиҳатдан тушунишга асосланган таълим изчиллиги) билан ажралиб туриши керак. Ўқув дастурлари ўқув фанларига мослашган ҳолда қолиши, айти пайтда фанлараро боғлиқликка асосланган таълимга ва ўқувчиларнинг турли муаммоларга турли дунёқарашлар орқали қараш қобилиятини йўлга солишга мўлжалланиши лозим.

Ўқув дастурлари фан мазмуни, асоси ва тамойиллари ўртасидаги мувозанатни сақлаши лозим. Келажакнинг ҳали номаълум муаммоларини ечишда ўқувчиларга ёрдам бериш учун ўқув дастурлари энг муҳим соҳаларга эътибор қаратиши керак. Бошқача айтганда, асосий диққат-эътибор бир контекстда ўрганилиб, иккинчисида қўлланадиган билим, кўникма ва қадриятларга қаратилиши шарт. Ўқитувчиларни шу ғояга олиб келиш учун ўқув дастурини тузувчилар қадриятларни ёйиш қандай рўй беришини аниқ тушунишлари лозим. Ўқув дастурларида таълимнинг когнитив, ижтимоий ва эмоционал жиҳатлари мувозанатлаштирилиши керак. Бу ўқитувчиларга ўқувчиларнинг жамоавий жавобгарлигини ўқув жараёнининг бир қисмига айлантиришига ёрдам беради. Ўқув дастурлари таълимнинг долзарб ва амалий чегараларини ўрнатиши, шунингдек, ўқитувчиларга ўз ҳамкасблари ва ўқувчилари билан ижодий ҳам-

корлиги атрофида тўпланган мавзуга оид, муаммоли, лойиҳалашга оид ёндашувлардан фойдаланишга ёрдам беришлари керак.

Бироқ иштиёқи баланд, ўқишни яхши кўрадиган, эртанги куннинг кутилмаган чақириқлари билан учрашишга тайёр ўқувчиларни қандай тарбияласак бўлади? Анъанавий мактаб тизимларида бошқа модель амал қилади: айнан ўша мақсадга эришишда ўз йўлини яратиш учун ўқитувчиларга инструментлар ҳамда ёрдам тақдим этилади. Бу тизимларда ўқувчилар нимани бажара олишлари кераклиги ҳақида аниқ тушунча мавжуд, бироқ бунга қандай эришиш кераклигини аниқлаш учун ўқитувчилардан касбий мустақилликдан фойдаланиш кутилади.

Кўп маротаба айтганимдек, мамлакатлар ўз нигоҳини ташқарига, ташқи дунёга қаратишлари керак. Хитой сингари мамлакатларни энди эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу китоб ёзилаётганида яхши маълумотга ва кучли истеъдодга эга кишилар сони Европа, Қўшма Штатлар ва Хитойда бир хил эди. Лекин кейинги ўн йил ичида Хитой олий маълумотли ёшлар сони бўйича жуда илгарилаб кетди. 2017 йилда саккиз миллион талаба Хитой университетларини тамомлади, яъни ўн йил ичида бу миқдор ўн баробарга ошди ҳамда АҚШ кўрсаткичларидан икки баробар юқори бўлди. Кейинги ўн йил мобайнида Хитойнинг олий маълумотли ёшлари сони Европа ва Шимолий Американинг жами маълумотли ва маълумотсиз ёшлари умумий сонидан ошиб кетиши мумкин.

Ўқувчилар, педагоглар ва таълим етакчилари учун бу воқеаларнинг оқибатларини баҳолаш пайти келди.

Ўзгача ўқувчи

Ёшларнинг кейинги авлоди ишчи ўринларини изламайди, балки яратади ва мураккаблашиб бораётган дунёда умумий тараққиёт йўлида бирлашади. Бу улардан қизиқувчанлик, тасаввур, ҳамдардлик, ташаббускорлик ва сабот-матонатни, омадсизликка амалий ёндашиш қобилияти ва хатолардан хулоса чиқариш қобилиятини талаб этади. Шубҳасиз, ўқувчилардан доимий мослашув ва ривожланишни тақозо этадиган дунёда узлуксиз таълимга потенциални ва иштиёқни ошириш зарурати пайдо бўлади. Илгари биз ишлашни ўрганардик, энди таълим олиш ишга айланди. Ва бу таълим олиш учун иштиёқ ҳамда

салоҳиятни оширадиган мураббийлик, менторлик қилиш, дарс бериш ва баҳолашнинг постиндустриаль ёндашувини талаб этади.


Концепция янги эмас. Мен Финляндиянинг собиқ таълим вазири Олли-Пекки Хейноненнинг 1996 йилдаги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар таълим вазирлари мажлисида сўзлаган узлуксиз таълим ҳақидаги ажойиб нутқини эслайман. Ўшанда узлуксиз таълим концепцияси, асосан, назарий хусусиятга эга эди ва эътиборни кам тортар, катта ёшлиларни ўқитиш ва узлуксиз таълим атрофидаги баҳсларнинг соясида қолиб кетганди. Аммо ҳозир у эрта ёшдан ўқитиш сиёсатининг марказида туриши керак.

Таълимнинг эрта босқичида ўқувчилар мактаб чегарасидан узоқларга, битиргандан кейинги ҳаётга назар ташлаб, таълим қимматини англаш имконига эга бўлишлари керак. Улар ўқиш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари ва унга ғайрат-шижоат билан ёндашишлари лозим. Узлуксиз таълим одамлардан доим нимадир янги нарсани ўрганишни шунчаки талаб қилмайди, балки янада оғирроқ вазифани, яъни илгари ўргатишганини унутиш, агар буни контекстлар ва парадигмалар талаб қиладиган бўлса, янгидан ўқишни бошлаш вазифасини қўяди. Ёшлигимда мен ўзимга ёққан ҳамма нарсани вазимни оширмаган ҳолда ея олардим. Мендаги метаболизм ўзгарганини тушунганимда эски одатлардан воз кечиш осон бўлмади.

Узлуксиз таълим ҳам самарали ўқув стратегиялари ва мақсадларига асосланади. PISA тадқиқоти академик билимлар, ўқувчиларнинг ўқув стратегиялари ва уларнинг хизмат пиллапоясига ҳақидаги орзу-умидлари ўртасидаги боғлиқликлар ёки уларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида қизиқ натижаларни аниқлади. 6.2 диаграммада 30 ёшга етганда фан ва техника билан боғлиқ соҳаларда ишлашни орзу қиладиган 15 ёшли ўқувчиларнинг фоиздаги улуши кўрсатилган. Маълумотлар қатор мамлакатлар ва ҳудудларни: Бельгия, Хитойнинг 4 та шаҳри ва провинцияси (PISA тадқиқотида қатнашган), Эстония, Финляндия, Германия, Япония, Макао, Нидерландия, Польша, Жанубий Корея, Швейцария ва Вьетнамни кўрсатади. Бу ерда ўқувчилар тадқиқотда табиий-илмий саводхонлик бўйича юқори балларни қўлга киритишди, лекин уларнинг фанни келгусидаги ҳаётининг бир бўлагига айлантириш ниятлари ўртача эди. Аслида ўқувчиларнинг табиий фанлар соҳасидаги билимлари, уларнинг илмий услубларга ишончи ва фанни хизмат пиллапоясидан кўтарилиш учун имкониятлар эшигини очадиган соҳа

6.2. ДИАГРАММА

КЎПЧИЛИК 15 Ёшли ўқувчилар илм-фан билан боғлиқ ишга қизиқмайдилар.




Изоҳ. 30 ёшга кирганда табиий фанлар ва технологиялар билан боғлиқ соҳаларда ишлашни режалаштирган ўқувчилар улуши.

PISA – 2015 тадқиқотида табиий-илмий саводхонлик бўйича юқори кўрсаткичларга эришган мамлакатлар/ҳудудлар номи тўқ кулранг билан ажратиб кўрсатилган.

Бельгия кўрсаткичи фақат француз ва немис тилида сўзлашувчи жамоаларга тегишлидир.

Манба: OECD, PISA 2015 Database, Table I.3.10a

6. Энди нима қилмоқ керак?




сифатида кўриши бир-бирига мос келадиган бир неча мамлакат бор, холос. Бу – Канада ва Сингапур. Табиий-илмий саводхонлик бўйича тадқиқотда бир оз кам балл тўплаган ўқувчилар орасида Австралия, Ирландия, Португалия, Словения ва Бирлашган Қиролликларнинг ўқувчиларини кўрсатиш мумкин. Албатта, маълумотлар медалнинг тескари томонини ҳам кўрсатади. Масалан, Исроил, Испания ва Қўшма Штатлардаги ўқувчилар илмий-тадқиқот услублари учун очиқ ва илм-фанда кўтарилишга интилишади, бироқ ўз орзуларини ҳаётга татбиқ этиш учун уларда ўзига хос билим ва кўникмалар етишмайди.

Моҳият шундаки, мактабдаги ўзлаштиришнинг ўзи етарли эмас. PISA тадқиқоти яна билимлар ва интилишлар ўртасидаги боғлиқликни ҳам кўрсатади. Ўқувчиларга табиий фанларни ўрганиш ёқмаса, бу фанлардан яхши ўзлаштириш уларнинг ўз келажигини фан билан боғлашни хоҳлаб қолиш эҳтимоли биров юқори эканинигина билдиради (диаграмма 6.3 га қаранг). Бироқ ўқувчиларга табиий фанларни ўрганиш ёқса, уларнинг юқори билим даражасини илмий соҳага дахлдор орзу-истаклар билан боғлаш мумкин. Бу нарса таълим ва педагогикага оид лойиҳаларга кўп ўлчовли ёндашувни ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлайди. Ўзлаштиришни оширишга урғу бериш исталган натижаларга олиб келишдан умид қилмаслик керак, бу чоралар аниқ ифодаланган ёндашувга айланиши лозим.

Узлуксиз таълим ресурсларни болаликдаги таълимдан катта ёшдаги таълимга кўчиришни билдиради, деган хулоса чиқариш ҳаваси пайдо бўлиши мумкин. Аммо Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотлари узлуксиз таълим мактабдаги таълим натижалари билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади²⁷. Чиндан ҳам вақти-соати келиб очиладиган ўқиш имкониятлари, одатда, таълим натижаларида илгари бўлган тенгсизликни ажратиб кўрсатади. Мактабда ёмон ўзлаштирган ёки уни ташлаб кетган ўқувчилар кейинги таълим имкониятларини излашлари амримаҳол, иш берувчилар эса заиф таянч кўникмаларига эга ўқувчиларга инвестиция киритишлари эҳтимолдан узоқ. Умуман олганда, ҳозир биз билган узлуксиз таълим таълимдаги бошланғич тафовутни юмшатмайди, балки кучайтиради. Бу пойдеворни тўғри қўйиш нақадар муҳимлиги ва биз улғайганимизда турли-туман талаб ва эҳтиёжларимизга жавоб берадиган самарали таълим имкониятларини ишлаб чиқиш устида ғайрат билан шуғулланишимиз кераклигини кўрсатади.

6.3. ДИАГРАММА

ТАБИИЙ ФАНЛАРГА ҚИЗИҚҚАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎЗЛАШТИРИШИ УЛАРНИНГ КЕЛГУСИДА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ ИСТАГИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР.



Изоҳ. ИХТТ бўйича гендер ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни ҳисобга олганда ўртача кўрсаткич. Эгри чизиқлар табиий фанлар соҳасида касб орттиришни ўйлаётган ўқувчиларнинг прогноз қилинган улушини кўрсатади. Ўқувчилар улуши прогноз омил сифатида киритилган табиий фанлар билан шуғулланишдан олинadиган завқ ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи, ўқувчининг жинси ва PISA тадқиқотидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақоми кўрсаткичига эга логистик модель асосида олинган.

Эгри чизиқлар атрофидаги қорайтирилган соҳа ушбу прогноз учун 95 фоизли ишонч интервалининг устки ва остки чегараларини кўрсатади.

Манба: ИХТТ, PISA – 2015 маълумотлар базаси, диаграмма 1.3.13b

<http://dx.doi.org/10.1787/888933432435>

Шунга қарамай, ҳукуматлар ва жамиятлар ўқувчиларнинг мослашиши учун кўп иш қилиши мумкин. Энг осони ёшлар билан уларнинг таълим олиши зарур экани, ижтимоий бозор ва меҳнат бозорининг боғлиқлиги ҳақида гаплашиб олиш, шунингдек, таълим ташкилотларини бу масалаларга кўпроқ эътибор қаратишга рағбатлантиришдир. Таълим тизимлари ўқувчиларга уларнинг қизиқишларига жавоб берадиган, муваффақият қозонишига ёрдам берадиган ҳамда жамият ҳаёти ва равнақиға ўз ҳиссасини қўшишига имкон берадиган таълим соҳасини танлашга ёрдам берса, ўшандагина улар ўқувчиларни муваффақият сари йўналтириши мумкин. Аммо бунинг ўрнига кўпчилик университетлар аввалгидек ўтказиш осон бўлган маркетинг билан боғлиқ тайёрлов йўналишлари (ўқув дастурлари)га эътибор қаратади.

Мутахассислик бўйича сертификатлаш тизимидан билим ва кўникмаларга асосланган сертификатлаш тизимиға ўтиш анча қийин, бироқ жуда муҳим. Бу илм олиш йўлларини ҳужжатлаштиришдан аслида одамлар ўз билим, кўникма ва феъл-атвор хусусиятларини қаерда ва қандай орттирганларидан қатъи назар нима қила олишлари мумкинлигини ёритишға ўтишни назарда тутди. Мен бунга яхши мисол бўла оламан. Кўп йил илгари мен физика соҳасида илмий даражаға эға бўлдим ва бу мен ҳақимда ёзилган резюмеда мутахассислигим бўлиб қолади. Агар мени бугун лабораторияға жўнатишса, мен омадсизликка учрардим – фанда рўй бераётган жадал тараққиёт туфайли ҳам, узоқ йиллар мобайнида ишлатилмаган айрим кўникмаларни йўқотганим туфайли ҳам. Бироқ мен шу вақт ичида расман сертификатланмаган кўплаб янги кўникмаларни эғалладим.

XXI аср ўқитувчиси

Ўқитувчилар билан боғлиқ катта ва ўсиб бораётган умидлар

Ўқитувчилардан умидимиз жуда катта ва кундан-кунға ортиб бормокда (3-бўлимға қаранг). Биз улардан чуқур ва кенг билимни, фанни, ўқувчиларни ва ўқитиш услубларини тушунишини кутамиз, чунки ўқитувчилар билган нарса, шунингдек, уларнинг ишға муносабати ўқувчи-

ларга жуда қаттиқ таъсир кўрсатади. Бироқ биз ўқитувчилардан малака тавсифларида кўрсатилганидан анча кўпроқ нарсани кутамиз. Биз улар сабр-бардошли, раҳмдил ва ғамхўр бўлиши, таълимни устувор ўринга чиқариши, ўқувчиларни қизиқтириши, уларда жавобгарлик ҳиссини тарбиялаши, турли таълим эҳтиёжларига эга, жамиятнинг турли қатламларидан бўлган ва турли тилларда гаплашадиган ўқувчиларнинг талабларига жавоб бериши, толерантлик, ижтимоий жипсликни сингдириши, баҳолашни узлуксиз равишда олиб бориши ва ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этиши, ҳамма ўқувчилар ўз лаёқатига яраша баҳоланганини ҳис қилаётганига, ҳеч ким умумий жараёндан четда қолмагани ва таълим ҳамкорликда ўтаётганига ишонч ҳосил қилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, биз педагоглардан ўзлари ҳам бир-бирлари, ота-оналар ва бошқа мактаблар билан келишган ҳолда ишлашларини, умумий мақсадлар қўйиб, уларга эришишни назорат қилиб боришларини кутамиз. Агар ўқувчилар ўз билимлари чегарасини енгиб ўтишга ва ўз даврининг қотиб қолган ҳақиқатларига қарши чиқишга интиладиган педагогларда бундай қобилиятни кўришмаса, улар ҳеч қачон узлуксиз таълимга тайёр бўлмаслигини тушуниш керак.

Бугунги ўқувчиларнинг ўқитувчилари рақамлаштиришнинг чақириқларини уддалай олиши керак – болаларни фирибгарлик, шахсий маълумотларни ўғирлаш ёки интернет-таъқиб каби рақамли таҳдидлардан ҳимоя қила олиши ва ўқувчилар фойдаланадиган медиаконтентни чеклай олиши керак. Биз пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш ва технологиялаштиришнинг салбий таъсиридан қочиш учун ўқитувчилар ўқувчиларда интернет-сервислар ва электрон медиалардан фойдаланишга танқидий ёндашиш маҳоратини шакллантира олишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўпчилик омадли инсонларнинг ҳаётини ўзгартирган ҳеч бўлмаса битта ўқитувчи бўлган, чунки у тақлид қилиш учун намуна бўлиб кўринган ёки ўқувчиларнинг бахт-саодати ва келажагига чин дилдан қизиқишини намоёйиш қилган, зарур бўлганида уларга маънавий ёрдам кўрсатган. Педагог ишининг бундай хусусиятларини таққослаш ва ўлчаш қийин, аммо ўқитувчиларнинг бу сифатларини шакллантирадиган меҳнатни ташкил қилиш ва кўмаклашиш маданиятини лойиҳалаштириш ҳар бир ўқувчи муваффақият қозонгунига қадар яна кўп вақтни олади.

Ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш

Одамлар мактабда рақамли технологияларнинг роли ҳақида баҳслашаётган бир пайтда технологиялар мактабдан ташқарида дунёни тубдан ўзгартириб юборганини инкор этмаслик керак. Ҳамма жойда рақамли технологиялар янги бизнес-моделлар ва бозорга чиқиш имкониятларини таклиф этмоқда, ишлаб чиқариш тизимларини ўзгартирмоқда. Улар умримизни узайтириши, янада соғломлаштириши мумкин, зерикарли ва хатарли топшириқларни мустақил бажармаслик имконини беради, виртуал борлиқ имкониятларини очади. Рақамли технологиялардан фойдалана олмайдиган кишилар энди ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг тўлақонли иштирокчилари бўла олмайдилар.

Агар биз ўқитувчилар XXI аср педагогик услубларини қўллаб-қувватлайдиган муҳитда ишлашини истасак, ундан ҳам муҳими – агар биз ўқувчиларга XXI асрда муваффақиятга эришиш учун талаб қилинадиган компетенцияларга эга бўлиш имкониятини тақдим этишни истасак, технологияларга муносиб эътибор қаратишимиз зарур.

Мен рақамли технологиялар ўқитувчининг ўрнини боса олиши мумкинлиги ҳақидаги баҳс-мунозараларга анча хотиржам қарайман. Қадриятлар доим ҳам таълимнинг асоси бўлган, ўқитиш эса энг барқарор ижтимоий институтлардан биридир. Шунинг учун умри давомида ўқувчиларга таълим бериш ва кўмаклашишга қодир бўлган кишиларга эҳтиёж фақат ортиб бораверади.

Рақамлаштириш таълим мазмунига, аккредитация ва дарс бериш жараёнига – анъанавий мактаб нимадан таркиб топган бўлса, ҳаммасига – чуқурроқ кириб боргани сари бу жиҳатдан ўқитувчининг қадри ошиб бораверади. Рақамли асрда бугун биз интеллектуал мулк ва таълим мазмуни деб ҳисоблайдиган ҳамма нарса эртага ҳамма учун очиқ бўлади. Таълимни лицензиялаш ва аккредитациялаш ҳали ҳануз таълим ташкилотларига катта ваколат беради, лекин хаёлан бир неча йил олдинга ўтинг. Модомики иш берувчи номзоднинг компетенциясини бевосита баҳолай олса, диплом нима учун керак? Ёки иш берувчининг кучайиб бораётган номзод ўз резюмесига кўрсатиб ўтган унвонлари ва тажрибасига юқоридан қараш, ҳақиқий билим ва кўникмаларни кўриш қобилиятини тасаввур қилинг. Таълим сифати бугунги таълим институтининг қимматбаҳо ресурсидир.

Рақамли технологиялар ривожланиши натижасида илгари ўқитувчилар бажарган кўп ишлар энди автоматик тарзда бажарилади, ҳатто ўқитувчининг ҳамма иши ҳеч қачон рақамлаштирилмаса ҳам. Кундалик эскирган машғулотлар технологиялар зиммасига ўтиши мумкин.

Табобатда биз маълумотларни ўрганишдан бошлаймиз, қайси даво усули кўпроқ тўғри келишини аниқлаш учун беморнинг қон босими ва иссиғини ўлчаيمиз. Таълимда биз ҳаммага бир хил “даволаш”ни таклиф қилишга мойилмиз, ҳамма болаларни бир хил ўқитаимиз, кўп йиллардан кейин эса натижалар қониқарсиз экани маълум бўлади, бунда мотивациянинг пастлиги ёки ота-оналарни айблаймиз. Бошқа бундай давом этиши мумкин эмас. Рақамли технологиялар ҳозирги вақтда бизга одамларни нимага, қандай, қаерда ва қачон ўқитиш керак, деган мутлақо янги саволларга жавоб топиш имконини беради.

Биз технологиялардан ўқитувчининг билим берувчидан билим яратувчисигача, тьютор, ментор ва баҳолаш бўйича мутахассисгача бўлган ролини ошириш учун фойдаланишимиз керак. Бугуннинг ўзидаёқ рақамли таълим тизимлари сизга нафақат, масалан, табиий фанларни ўргатади, балки сиз қандай ўқиётганингиз, сизга қандай топшириқ тури қизиқарлироқ, аксинча, қайсиниси зерикарли ёки қийин туюлишини кузатади. Бундай рақамли тизимлар таълимни сизнинг индивидуал ўқув услубингизга аъъанавий дарсхона тизимидан кўра кўпроқ аниқлик билан мослаштира олади. Шундай қилиб, виртуал лабораториялар шунчаки тажрибалар ҳақида билиб олиш эмас, балки лойиҳалаш, экспериментлар ўтказиш ва улардан ўрганиш имконини беради.

Технологиялар ўқитувчи ва ўқувчиларга дарслиқдан ташқари ва қайсидир маънода замон ва маконни кесиб ўтадиган махсус материалларга йўл очиши мумкин. Технологиялар фаол таълим асосида янги услубларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Эксперимент, лойиҳалаш, муаммоларга асосланган таълимга кўмаклашадиган, биринчи қўллардан тажриба ўрганишга ва ҳамкорликдаги таълимга ёки шу заҳотиёқ қайта алоқа ўрнатадиган форматив баҳолашга имкон берадиган технологияларга мисоллар бор. Энг янги ишланмалар асосида яратиладиган интерфаол таълим технологиялари экспериментлар ва моделлаштириш, ижтимоий тармоқлар ва ўргатувчи ўйинлар учун мураккаб қўллаб-қувватловчи таълимга қизиқарли мисоллар ҳам бор. Бу шундай

таълим инструментларики, улар XXI аср кўникмаларини ривожлантириш учун зарурдир. Шунингдек, энди битта ўқитувчи ўз ғояларини бутун дунёга ёйиб, миллионлаб ўқувчиларни ўқитиши ва илҳомлантириши мумкин.

Эҳтимол, технологияларнинг энг муҳим жиҳати уларнинг алоҳида ўқувчи ва педагогларнинг эҳтиёжларига хизмат кўрсатганидагина эмас, балки ҳамкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган бутун бир экотизимни яратиш учун ҳам ишлатилишидадир. Технологиялар ўқишни янада қизиқарли ва фойдали қиладиган ўқувчилар ҳамжамиятини ташкил этиши мумкин, чунки ҳамкорликдаги таълим натижага эришиш маҳоратини шакллантиради, иштиёқни, барқарорликни оширади, индивидуал таълим стратегиясининг ривожланишига имкон ярадади. Худди шу йўсинда технологиялар ресурслар ва тажриба алмашиш, биргаликда касбий ривожланиш ва қонун даражасида энг яхши амалиётларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчилар ҳамжамиятини ташкил этишга ёрдам бериши мумкин. Улар ўқув дастурлари ва таълим сиёсати мезонларини ишлаб чиқишда бутун тизим раҳбарлари даражасида ёрдам беришлари мумкин. Ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва экспертлар биргаликда энг муҳим таълим мазмунини яратиш ва режадаги натижаларга эришишга имкон берадиган самарадор педагогик амалиётлар устида ишлайдиган ва бутун жаҳон ўқувчиларида энг яхши ўқув тажрибасига эга бўлиш имкони бўлган жой – улкан краудсорсинг платформасини тасаввур қилинг.

Бироқ ҳақиқий воқелик ҳозирча бу башоратлардан фарқ қилади. 2015 йилда ўқувчиларнинг рақамли кўникмалари ва бу кўникмаларни ривожлантириши лозим бўлган ўқув муҳити ҳақида PISA маълумотлари босилиб чиқди²⁸. Натижалар технологиялар дарсхоналарда ҳали у қадар кенг қўлланилмаётганини кўрсатди. 2012 йилда Европадаги мактабларнинг фақат 37 фоизи юқори сифатли технологиялар ва тезкор Интернетдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди, бироқ кўлам жуда кенг ва Польша мактабларининг 5 фоизидан бошланиб, Норвегия мактабларининг тўлиқ технологиялаштирилиши билан тугарди. Аммо гап компьютерларнинг борлиги ва Интернетга уланиши ҳақида борганида директорларнинг 80–90 фоизи уларнинг мактаби аъло даражада жиҳозланганини айтишди. Жиҳозлари аниқ эскиргани ҳолда кўп мамлакатларнинг директорлари ҳам худди шу гапни айтишди. Умуман олганда, технологиялар шу қадар муҳимми? Ёки, эҳтимол, директорлар

шунчаки технологияларда яширинган таълим потенциалини охиригача тушунишмаётгандир?

Ҳатто технологиялар ишлатилаётган жойда ҳам уларнинг натижаларга таъсири у қадар бир хил эмас. PISA ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ва мактабда ўқувчиларнинг компьютердан фойдаланиш тезлигини ўлчади. Мактабда бир маромда компьютерда ишлайдиган ўқувчилар таълим жараёнида компьютердан кам фойдаланадиган ўқувчиларга қараганда анча юқори натижаларни намойиш қиладилар. Аммо мактабда компьютердан жуда кўп фойдаланадиган ўқувчилар тадқиқотда баҳоланадиган соҳалар бўйича, ҳатто уларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми ҳисобга олинганидан кейин ҳам, жуда ёмон натижаларни кўсатадилар (6.4 диаграммага қаранг).


PISA натижалари таълимдаги рақамли технологияларга жиддий инвестициялар киритилган мамлакатларда ҳам натижалар маълум даражада яхшиланганини кўрсатмайди. Эҳтимол, энг ҳафсалани пир қиладиган кузатув – бу рақамли технологиялар ҳар хил ижтимоий-иқтисодий яшаш шароитига эга ўқувчилар ўртасидаги тафовутни қисқартиришга ёрдам бермаслиги бўлса керак. Оддий қилиб айтганда, ҳар бир ўқувчининг ўқиш ва математикадан таянч саводхонлик даражасини эгаллашини таъминлаш ҳалиям мактабда технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришдан кўра рақамлар оламида таълим имкониятларини тенглаштиришнинг анча самарали воситасидек туюлади.

Чуқур концептуал тушуниш ва юқори даражали тафаккур тизими ўқувчи ва педагог ўртасидаги ўзаро қизғин ҳамкорликни амалга оширса бўладиган далилдир, технологиялар эса баъзан таълим жараёни иштирокчиларини ўзаро ҳамкорликдан чалғитади. Эҳтимол, биз ҳали рақамли технологиядан максимум даражада фойдаланишга имкон берадиган педагогик услубни етарлича ривожлантира олмагандирмиз. XXI аср технологияларини XX аср педагогик амалиёти ва XIX аср мактаб ташкилоти билан бирлаштириш эса таълим самарадорлигини пасайтиради, холос. Агар ўқувчилар саволларга жавобни кўчириб олиш учун қидирувчи сервислардан фойдаланишса, анъанавий таълим яхшироқ экани маълум бўлади.

Шундай қилиб, рақамли технологиялар ўқитиш маҳоратини юксак даражада яхшилаши, аммо ёмон нарса билан камдан-кам алмашилиши мумкин. Ҳозирча мактабни технологиялар билан таъминлаш

6.4. ДИАГРАММА

УЗОҚ ВАҚТ МОБАЙНИДА КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР
ЭЛЕКТРОН ВА БОСМА КИТОБЛАРНИ ЎҚИШ БЎЙИЧА ЭНГ КАМ БАЛЛ
ТЎПЛАДИЛАР.



Изоҳ. Ўқувчилар ва мактабларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини ҳисобга олгандан кейинги ИХТТнинг ўртача кўрсаткичи. Чизиқлар мактабда компьютерлардан фойдаланиш бўйича PISA индекси турли даражаларининг ўзгарувчан натижаларига мос келадиган прогноз қийматини кўрсатади.

Манба ИХТТ, PISA-2012 маълумотлар базаси, диаграмма X.2.

<http://dx.doi.org/10.1787/888933253280>

фрагментар хусусиятга эга экан, биз уларнинг имкониятларини ишга солалмаймиз. Ўқитувчиларнинг рақамли компетенцияларини шакллантиришнинг аниқ режаси керак, таълим соҳасида қарор қабул қиладиган шахслар эса қандай қилиб бунга яхшироқ ёндашиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришлари зарур. Келгусидаги таълим – бу ўқувчиларга таълим мазмунини оддий уқиб олиш ҳисобига унинг қимматини кўришга ёрдам бериш учун технологияларнинг бор имкониятларидан фойдаланишга қодир ўқитувчилардир, бу – танқидий баҳолаш ва фанлараро кўникмаларни шакллантирувчи мақсадли ёндашувга асосланган таълим муҳитини яратувчи ўқитувчилардир.

Алмашиниш маданиятини шакллантириш

Таълим технологияларига бошқа бир нуқтаи назардан ҳам қараш мумкин. Катта ҳажмдаги тадқиқот маълумотлари бошқа соҳалардаги ўзгаришларни қандай қўллаб-қувватлаган бўлса, таълимни ислоҳ қилишга ҳам худди шундай ёрдам бериши мумкин. Янги мультимедиа каналлари орқали ахборот алмашинишга ҳам имкон берадиган ўз ходимларининг барча тўплаган эксперт билимлари ва тажрибасидан ташкил топган таълим тизимини кўз олдингизга келтиринг.

Аммо таълим ҳақидаги очиқ маълумотларнинг шаффофлиги ўз ҳолича ўқувчиларнинг қандай ўқиётгани, педагоглар қандай дарс бераётгани, мактаблар қандай ишлаётганини ўзгартиролмайди. Ва бу, айниқса, катта миқдорда маъмурий ҳисобдорлик механизми мавжуд бўлиши нуқтаи назаридан, кишини ранжитади. Одамларда маълумот бўлиши мумкин, бироқ улар ўрнатилган дарс бериш амалиётини қандайдир ўзгартириш учун улардан фойдаланмаслиги ҳам мумкин.

Рақамли чиқиндини рақамли ёқилғига айлантириш ва маълумотлардан ахборот худди тошга ўйилгандек тасаввур қилинадиган “фақат ўқиш учун” тартибидан чиқишни назарда тутувчи таълим амалиётидаги ўзгаришлар катализатори сифатида фойдаланиш керак. Шаффофликни ҳамкорлик билан бирлаштириш лозим. Кўпинча таълимни олисдаги кабинетдан туриб бошқаришади, юзлаб ва минглаб ўқувчилар ва ўқитувчиларга таъсир кўрсатадиган мазмун, қоида ва талабларни белгилашади. У ёки бу қарор нимага асосланганини кўплар тушунмайди.

Агар биз қарор қабул қилишга асос бўладиган маълумотларни ҳамма учун очиқ қила олсак, олдинги сафда турган илғор ўқитувчи-

ларни экспериментчи ва ижодкорга айлантира олсак, унда биз ишонч қозониш учун катта маълумотлар майдонидан фойдаланган бўлардик. Истеъмолчилар онлайн-платформалар орқали ўзларига мутлақо нотаниш кишилар билан ўз автомобиллари, ҳатто хонадонларини ҳам баҳам кўришганида, мени доим “биргаликда фойдаланиш”нинг қудрати лол қолдиради. Биргаликда фойдаланиш одамларни кичик тадбиркорга айлантирди ва бунда ҳаракатлантирувчи куч бир-бирига нотаниш кишилар ўртасида пайдо бўладиган ишончдир. Тижорат оламида бундай ишончга сазовор нотаниш кишилар турли-туман бозорларнинг ишлаб туришига таъсир кўрсатади. Бунга сабаб, бундай тизимлар ва кишиларда шартнома тузган томонларни яхшироқ билишда мижозларга ёрдам берадиган, томонларга эса, ўз навбатида, ишонч қозониш имконини берадиган таъсирли ва эътиборга лойиқ маълумотлар бўлади. Агар биз нотаниш кишидан бирор нарса сотиб ололмасан, бу сотувчининг фикрлари ва рейтингини ўрганиб чиқамиз, харид қилганимиздан кейин эса, ўз навбатида, сотувчи ишончни оқлайдиган харидор сифатида бизга баҳо бериши мумкин.

PISA-2012 тадқиқотининг етакчиларидан бири Шанхай технологияларидан фойдаланиш тажрибасини батафсил ўрганса арзийди. У ерда маҳаллий ўқитувчилар синфда ишлаш учун технология танлашда жуда синчковдирлар, лекин гап тажриба ва касбий амалиёт билан алмашилиш ҳақида борса, улар доим технологияларга таянадилар. 2013 йилда Шанхайга борганимда ўқитувчилар дарс режалари билан алмашилиш учун рақамли платформадан қандай фойдаланишаётганини кузатдим. Бу ўз-ўзича ноодатий ҳол эмас, ҳақиқатан ҳам ноодатий бўлган нарса шуки, рақамли платформада рейтинг механизми бор. Дарсни қанчалик кўп ўқитувчи юклаб олса, шарҳлаб берса ёки модернизация қилса, дарсини бўлишган ўқитувчининг рейтинги шунчалик юқори бўлади. Йил охирида директор нафақат аниқ бир педагог ўқитган ўқувчиларнинг ўзлаштиришига, балки бу ўқитувчи бутун таълим тизимини яхшилашга қандай ҳисса қўшганига ҳам қарайди.

Шанхайнинг раҳбарлик краудсорсингига ёндашуви – бу нафақат энг яхши ўқитувчилик амалиётини қандай аниқлаш ва ёйишнинг аъло даражадаги намунаси, балки фаолият натижасига боғланиб қолган маошдан кўра касбий ўсиш ва ривожланиш мотивациясининг янада таъсирчан инструменти. Бу баҳолашга янада ҳалол ёндашув бўлиши ҳам мумкин, чунки у кўп йиллардан бери ишламаган битта раҳбарнинг фикрига эмас, профессионалларнинг фикрига асосланади.

Шу маънода Шанхай шунчаки инсоннинг фойда келтириш, ҳамкорлик қилиш ва тан олиниш каби табиий истагини ишга солиб, ўқитувчиларга ўз ижодий имкониятини очишга ёрдам берган улкан ҳаммабоп ҳамжамият яратди. Бу технологиялар педагог маҳоратини тўлдирадиган усулдир. Бугун равшан бўлдики, кадриятлар энди вертикал усул билан буйруқлар ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш орқали яратилмайди, улар биз ким билан ёнма-ён ишлаётган бўлсак, ўшалар билан горизонтал равишда яратилади.

Ота-оналардан болалари олаётган таълим сифати ҳақида сўрашганида, кўпчилик таълим натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бутун таълим тизимига паст, болалари олаётган таълим сифатига юқори баҳо беришади. Биз болаларимиз ўқиётган мактабга мактабларимиздаги ўқитувчиларга қандай ишонсак, худди ўшандай ишонамиз, чунки биз уларни биламиз. Нотаниш кишиларга биз камроқ ишонамиз. Аммо рақамлар асри бизга тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган инсон капиталини яратишга имкон беради. Шанхайда фойдаланилаётган рейтингларга ўхшаш рейтинглар нотаниш кишиларни яқинроқ таништиради ва биз уларга ишона бошлаймиз, чунки бошқалар шундай қилади.

Муваффақиятли ҳамкорлик кўпинча муносабатларга боғлиқ бўлади, бу эса яхши ҳамкасбда дарҳол юқори рейтинг пайдо бўлишини билдиради. Шунингдек, рақамли алмашилиш платформалари эркин тажриба алмашилишни чеклаб, тижоратлаштирилиши мумкин, деган хавф ҳам мавжуд.

Касбга эга бўлиш

Дарс ўтишда асосий урғу технологияларга эмас, касбий маҳоратга берилади. XXI асрнинг илғор таълим тизимлари педагогларнинг дарс бериш маҳоратини ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солади. Мен ўқитувчи ва раҳбарларга таълимда кўпроқ ҳаракат эркинлигини беролмаймиз, чунки улар эркинликдан фойдаланиш учун етарлича компетенцияга эга эмас, дейдиган кўп кишиларни учратдим. Эҳтимол, бунда бир оз ҳақиқат бордир. Бироқ таълим беришнинг истиқболли моделини шунчаки мустаҳкамлашнинг ўзи ижодкор педагогни яратолмайди. Бургерлар учун яримфабрикатларни иситишга ўргатилган кишилар уста ошпаз бўлиб етишиши амримаҳол.

Қачонки педагог ўзини синфда етакчидек ҳис қилса, қачонки ўқувчилар ўқитувчи уларнинг ўқишини назорат қилаётганини ҳис қилса, шундагина таълим самарадор бўлади. Шу боис, бир вақтнинг ўзида ишонч, касбий мустақиллик ва ҳамкорлик маданиятини мустаҳкамлаш керак.

Модомики педагог касбий маҳоратга эга экан, унга у ўзига қўйган талаблардан ортиқ талаб қўйиш қийин. 2011 йилда мен Нидерландия таълим Вазирлиги ўқитувчилар учун профессионал стандартни қандай ишлаб чиққанини билдим. Бошида бу иш мутахассисларнинг ўзига топширилгани учун стандарт камайтирилган талаблардан иборат бўлади, деган хавотирлар бор эди. Аммо акси бўлиб чиқди. Ўшанда таълим, маданият ва илм-фан вазири ёрдамчиси Сандер Деккер менга Нидерландия ҳукумати ҳеч қачон мутахассисларнинг ўзлари ишлаб чиққан бундай жиддий профессионал стандартларни қабул қилолмайди, деган эди. Худди шу нарса бошқа касблар – тиббиёт ва қонунчиликда ҳам юз берди. Баъзан касбий маҳорат ва касбий этика амалдорларга қараганда анча яхши бошқарувчи бўла олади.

Мен бу тажрибадан кўп нарса ўргандим. Биринчидан, ўқитувчиларни профессионал стандартни ишлаб чиқишга жалб қилиш – бу касбий маҳоратни такомиллаштиришнинг ажойиб усулидир. Ҳақиқатан ҳам стандарт актуал бўлиши учун уни ишлаб чиқишда ўқитувчиларга етакчи ролни тақдим этиш табиий ҳолга ўхшайди. Аттестация тизими самарадор бўлиши учун ўқитувчиларга уни ишлаб чиқишда иштирок этиш имконини бериш керак, бу ҳақда 5-бўлимда эслатиб ўтганман²⁹. Ўқитувчиларни иштирок этишга таклиф қилиш – бу уларнинг касбий маҳорати, кўникма ва тажрибасини тан олиш усули ва улар билан жавобгарликни бўлишиш демакдир. Агар ўқитувчилар билан жараён бўйича консультациялар ўтказилган бўлса, улар аттестациядан ўзлари хоҳлаб ўтадилар. Шу сабабли аттестация тизимини ишлаб чиқадиган ўқитувчилар касба уюшмалари ва тажрибали ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилишлари керак. Пировардида ўқитувчилар, бошқа касб усталари каби, стандартга риоя қилиш ва ўз касбининг нуфузини сақлашдан ҳаммадан кўра манфаатдор бўладилар. XXI аср таълим тизимидаги ўзгаришлар суръати туфайли ўқитувчилар касбий маҳоратга эга бўлишлари жуда ҳам муҳим. Ҳатто давлат стандартларини ўқитиш амалиётига жорий қилиш бўйича энг шошилиш чора-тадбирлар ҳам, одатда, ўн йилга чўзилади, чунки тизимнинг барча даражаларида

таълимнинг мақсад ва услубларини тушунтириш ва уларни бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш амалиётига жорий қилиш учун кўп вақт кетади. Мазмун ва услублар шиддат билан ўзгарса, жорий этиш жараёни секинлашади, ўқувчиларнинг таълим эҳтиёжлари билан ўқитувчининг билим бериши ўртасидаги тафовут ортиб боради.

Стандартни жорий қилиш вақтини қисқартиришнинг ягона йўли – бу нафақат қандайдир тайёр маҳсулот сифатида таълим дастурини, балки баён қилинган мақсадларга эришишга энг яхши йўл билан ёрдам бероладиган дастур, услубларни яратиш жараёнини ҳам яхши тушунадиган педагоглар маҳоратини оширишдир.

Мактаблар келажақда одамлар учун нима қийматга эга бўлади, деган саволга жавоб беришдек жиддий зарурият билан тўқнаш келди. Фан мазмуни оз даражада асос ва кўп даражада – таълим контексти бўлади. Бугунги кўп таълим дастурлари ҳозирда йўқ бўлиб кетган статистик оламда ҳаётга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган. Бундай дастурлар саноатлашган давр муносабатларида амалга ошиши шарт бўлган, ўқитувчи бундай тизимда илғор профессионал қарашларга эга бўлмайди. Аммо бундай ўқитиш ҳам энди етарли эмас. Дастур йўналишини тез ўзгартираётган билимлар оқимини ҳисобга олишга қодир бўлмоғи керак.

Ўқитувчи меҳнатини ташкил қилишнинг саноатлашган шакли кўпинча педагогни синф билан яккама-якка қолдириши ажабланарли. Ноль фоиз мактаб мустақиллиги ўқитувчининг юз фоиз яккаланишини билдиради.

Буйруққа асосланган муносабатлар заифлашаётгани сабабли ўқитувчининг обрўсини мустаҳкамлаш лозим. Ҳукумат ривожланиш йўналиши ва режаланган натижаларни белгилаши мумкин бўлган бир пайтда ўқитувчилар таълим тизими учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши, ҳукумат эса уларнинг касбий маҳоратини қўллаб-қувватлаш йўллари топиши керак. Бироқ мустақилликни ошириш ноёб амалиётларни танқидий текширишни кўзда тутати. Бу ҳар бир ўқитувчидаги шахсий педогогик ёндашувдан профессионал ҳамжамият томонидан маъқулланган услублардан умумий фойдаланиш томон силжишни билдиради ва таълимни илмий ёндашувга асосланган гуманитар фанга айлантиради. Шанхай мисолида айнан шуни кўриш мумкин.

Ностандарт ёндашувни ҳаракатлар эркинлиги даврида бирдан-бир мақсад сифатида қабул қилиш ярамайди. Агар учувчи йўлов-

чиларга уни самолётни фақат шамол йўналишига қарши қўндиришга ўргатишганини, лекин ҳозир у самолётни шамол йўналиши бўйича қўндирмоқчи эканини айтса, йўловчилар безовталана бошлайди. Бир томондан, ўқитувчиларнинг “шамол йўналиши бўйича қўнишга ўтиш” ҳақидаги фикри – бу яхши ғоя эканини, иккинчи томондан, уларнинг касбий мустақиллиги ва касбий маҳоратини қўллаб-қувватлашни ҳисобга олсак, мактаб директорига бошқариш осон эмас. Жуда кўп ўқитиш соҳалари стандартларда таърифланмагани сабабли ўқитувчилар ҳамма соҳаларда, ҳатто катта билим тўпланган соҳаларда ҳам, тўлиқ ҳаракат эркинлигига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблай оладилар. Воқеа-ҳодисаларга шаклланган профессионал дунёқараш ҳали пайдо бўлмаган соҳаларда раҳбарлар ўзи танлаган мақсад бўйича ўқитувчиларни бошқаришга ҳаракат қилишса, улар ўзларини ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилингандек ҳис қиладилар.

Янада самарали услубларни топиш маълум бир вақтни, тадқиқотларга инвестиция киритишни ва энг яхши касбий тажрибаларни жорий қилиш ва ёйишда ҳамкорликни тақозо этади. Бунга эришиш учун ўқитувчи меҳнатини анъанавий саноатлашган даврга хос ташкил этишни қайта кўриб чиқиш ва уни маъмурий буйруқбозликка асосланган назорат турлари ўрнини профессионал талаблар эгаллайдиган профессионал тузилмага айлантириш зарур. Ўз навбатида, ўқитувчи меҳнатини профессионал ташкил этиш уларга ўз ўқувчиларининг XXI асрда ўта зарур бўлган ижодий ва танқидий фикрлашини ривожлантиришда кенг ҳаракат эркинлигини беради. Бу эркинликсиз уларни ривожлантириш анча қийин кечади. XXI аср таълим сиёсатида биз ана шундай қайта кўриб чиқиш имкониятини топишимиз керак.

Мактаб ва ундан ташқарида инновацияларни қўллаб-қувватлаш

Қачон бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш унумдорлиги пасайса, инновацияларни ишга солишади; худди шу нарса таълимда ҳам бўлиб туради. Таълимдаги инновациялар даражасини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги даража билан тўла қиёсласа бўлади³⁰. Бироқ масала инновацияларнинг ҳажмида эмас, балки айнан бир хиллиги, сифати ва татбиқ этилиш тезлигида. Инновацияларни татбиқ этишади, лекин

улар таълим асосларига ҳаддан ташқари сушт дахл қилади, мабодо дахл қиладиган бўлса, жуда секин тарқалади.

Инновацион ўзгаришлар меъёр ва қоидаларга мувофиқликни тақозо этадиган иерархияга асосланган тизимларда қийин кечиши мумкин. Таълимда инновацияларни ривожлантиришга мумкин бўлган ёндашув – бу таълим ташкилотлари ўртасида мустақиллик, хилма-хиллик ва рақобатни кучайтириш бўлиши мумкин. Аммо бу ёндашувларнинг самарадорлигини кўрсатадиган далиллар ҳар хиллигича қолади.

Тенг имкониятларга эга тизимнинг мослашувчанлиги ва инновацион хусусиятини мувофиқлаштириш учун назорат механизми ва танлаш тенгсизлик ва камситилишга олиб келмаслиги, айти пайтда ота-оналарга мактабни ўз хоҳишига қараб танлаш имконини бериш учун уни мувозанатлаштириш механизминини ишлаб чиқиш зарур. Бу ҳукумат ва мактаблар пухта қарор қабул қилишда ота-оналарга кўмаклашиши учун ота-оналар ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан муносабатларни ривожлантиришга инвестиция киритишлари кераклигини билдиради. 4-бўлимда қайд этилганидек, таълим тизимида мослашувчанлик қанча кўп бўлса, давлат сиёсати ҳам шунчалик қатъий бўлиши керак. Мактаб мустақиллиги, марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш, ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, ўқитувчиларга қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш нечоғлик кўп бўлса, давлат сиёсати шунчалик стратегик ҳис қилиш ва таълимни бошқариш тамойилларининг аниқлигига, ахборот тарқатиш ва ёйишнинг самарали механизмларининг татбиқ этиш ҳамда мактаб бирлашмалари ва алоҳида мактабларга аҳамиятли қайта алоқани тақдим этишга эътибор қаратиши керак. Бошқача айтганда, агар фақат давлат ва маҳаллий бошқарувчиларнинг кучи билаштирилсагина, мактабни эркин танлаш ўқувчиларга фойда келтиради.

Таълимни бошқаришдаги инновация – бу биринчи даъват, таълим амалиётидаги инновациялар эса – иккинчиси. Янги услубларни таълимга жорий қилишнинг тарихи узун. Бу телевидение бўладими, видео-материалларми, рақамли доскалар ёки компьютерларми – буларнинг ҳаммаси таълим амалиёти ва мактаб таълими самарадорлигини бир қадар яхшилаш умидида мактабда қўлланилади ва нари борса, жорий қилишнинг қиймати ва мураккаблигини секин-аста оширадиган сезилар-сезилмас ўзгаришларга олиб келади. Кўп маротаба ўзимга ўзим, нима сабабдан таълим бошқа соҳалардаги инновациялар ортидан

етиб ололмайди, деб савол берардим. Бироқ қуйидаги сабабни айтмаса, қоникарли жавоб топа олмадим: ҳукумат, таълим ташкилотлари ва ўқув дарсликлари ноширлари ўртасида шаклланган ва мавжуд бизнес-моделни бу ҳаракат барбод қилади.

Эҳтимол, таълим саноати бундай синовга дош бериш учун жуда заиф ва тарқоқдир. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларга ажратиладиган бюджет таълимга ажратиладиган бюджетдан 17 баробар ортиқлигини унутманг³¹. Бу дарс бериш сифатини оширишда педагогларнинг янгиланаётган билимларига биз бераётган катта аҳамиятни билдиради.

Аммо янада катта муаммо шундаки, ҳатто таълимдаги тадқиқот даражаси юқори бўлган жойда ҳам кўп мутахассислар ўзлари дуч келаётган муаммоларни тадқиқот ёрдамида ҳал қилиш мумкинлигига ишонмайдилар. Жуда кўп ўқитувчилар, яхши ўқитувчи бўлиш – бу иш фаолияти давомида эришиладиган кўникмаларга эмас, балки истеъдод ва илҳомга асосланган санъатдир, деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр учун ўқитувчиларни айблаш хато. Муаммо таълим сиёсати, касбий билимлар ва «ноу-хау»ни тизимлаштириш учун рағбат ва ресурсларнинг етишмаслигига бориб тақалади. Кўп мамлакатларда дарсдан ташқари бирор нарсага ажратиладиган иш вақти жуда кам, бу уларнинг касбий ривожланиш имкониятларини чеклаб қўяди. Таълим касбий фаолият тажрибасини орттиролмагани ёки ҳеч бўлмаса бошқа касбларда мавжуд бўлган ягона илмий тилни ишлаб чиқолмагани сабабли касбий фаолиятни қайта тиклаб бўлмайди, у кўринмас бўлиб, ажралиб қолаверади, уни етказиб бериш қийин. Яхши нуқтаи назарга сармоя киритиш ва уни максимал даражада кенг ёйиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак.

Мактабда инновацияларни жорий қилаётганда ҳамма учун максимал даражада тенг шароитлар яратиш ҳам муҳим. Ҳукумат касбий автономия ва ҳамкорлик маданиятини оширишга ёрдам беради, бунда интенсив тарзда ғоялар алмашинуви содир бўлади. У яна молиялаштиришга ҳам ёрдам беради ва бу билан ҳақиқатан натижа берадиган ишнинг қимматини оширади. Аммо ҳукуматнинг ўзи кўп нарса қилолмайди. Ҳукумат инновацияларни мустақил олиб бораётгани учун эмас, балки инновацияларга шароит яратгани учун Кремний водийси ишлаб турибди. Ҳукумат инновацияларни дарсхоналарга олиб

киролмайди, аммо тизимни ўзгартиришга қодир ғоялар туғиладиган муҳит ярата олади. Бу инновациялар ва яратувчи ғоялар учун бутун тизимнинг шаффофлигини ташқаридан қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Бундай жараён тез-тез бўлиб туриши керак.

Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар таълимга кўпинча мактабларни товар ва хизмат кўрсатиш билан таъминлайдиган соҳа сифатида қарайдилар. Улар инновациялар, шунингдек, мактаблар ишлайдиган бутун муҳитни ҳам ўзгартиришига етарлича баҳо бермасликка мойилдирлар. Хусусан, технологияларга асосланган инновациялар мактабни ҳам рақамли, ҳам ижтимоий дунёга бошлаб боради. Улар тизимга янги иштирокчиларни, жумладан, таълимда фаолият юритаётган, бахтли келажак ва таълим қандай бўлиши кераклиги ҳақида ғоя ва орзуларига эга тижорат компанияларини ҳам олиб кирадилар.

Таълим тизими тижоратга суяниши қийин. Тизимни тижоратлашган, деб ҳисоблай бошлашади ёки ўқитувчилар ўрнини компьютерлар эгаллайди, деган хавотирлар кўпинча конструктив муҳокамаларни бошлашга имкон бермайди. Айни пайтда биз таълим соҳасидаги тижоратга талабчанроқ бўлишимиз керак. Кўпчилик болалар ҳалигача компаниялар мактабларга сотишни уддалаётган дастурий таъминотдан ихтиёрий равишда фойдаланмайдилар. Шундай экан, мактабда инновациялар суръати етарли даражадами? Биз ўз хизматини тарқоқ бозорда сотиш учун сотувчилар армиясидан фойдаланадиган таълим ресурсларини етказиб берувчи бир неча йирик компаниялар бирлашмаларини енга оламизми?

Мактабларда инновацияларни бошқариш бизнес-маданиятини яратиш имкони борми? Ҳозирча мактаб маъмуриятига янги технологияларни сотиб олиш ва уларни тушунишни ўқитувчиларнинг ўзига қўйиб бериш осонроқ. Ўқитувчи вақтига ана шундай муносабатда бўлишади, чунки уни тежашдан фойда кўришмайди. Шундай бўлса ҳам, янги инструментлар, услуб ва технологиялардан фойдаланишаётганда бизнес унумдорликдаги тафовутни йўқотишга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўрганса арзийди.

Аслида тадбиркорликнинг таълим соҳасидаги уринишлари чекланганлиги ажабланарлидир. Ўқув адабиёти ва онлайн-курсларни ишлаб чиқарадиган йирик ташкилотлар ва сон-саноксиз мактаб ва университетлар мавжуд. Лекин бу саъй-ҳаракатлар ниҳоятда узук-юлуқдир. Бироқ 2013 йилда мен ҳиндистонлик тадбиркор, соҳага

оид ёндашувни “бизнес давлатга қарши” формуласидан “бизнес давлат билан бирга” формуласига айлантирмоқчи бўлган Санни Варкини³² учратдим. Унинг ғоясини ажратиб турадиган нарсаси шуки, у таълимни аллақандай катта жараённинг бир қисми сифатида кўрмайди, балки бу унинг бирдан-бир мақсадидир.

Эҳтимол, қайсидир йўл билан мавжуд амалиётни оёғини осмондан келтирадиган “вайронкор” бизнес-моделни ахтаришни бас қилишимиз керакдир. Балки бунинг ўрнига биз бутун экотизимнинг таълимий натижадорлик қобилятини тенглаштириш, шарҳлаш ва қўллаб-қувватлашни ўрганишимиз жоиздир. Рақамли технологиялар даврида берилган ваъдаларни бажариш учун мамлакатлар ўқитувчиларнинг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш маҳоратини ривожлантиришнинг ишончли стратегияларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Таълим сиёсатини белгиловчи шахслар бу ривожланишни қўллаб-қувватлашни ташкил эта олишлари керак. Одатда, ўзгаришлар билан бирга, юзага келадиган барча қийинчиликлар ва ноаниқликларни эътиборга олиб, педагоглар кўпинча одатдаги ҳолатни сақлаб қолишни танлайдилар. Мактабда инновацияларга кўмаклашишни ишга солиш учун таълим тизими янада самаралироқ алоқа тармоқларини барпо қилишни ўрганишлари ва улардан фойдаланиб, кутилаётган ўзгаришлар қаршисида ишончни таъминлашлари керак. Ўзгаришларни идора қилиш кўникмаларини ривожлантиришга сармоя киритиш жудаям муҳим, ўқитувчиларнинг ўзи ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши ва технологияларни шунчаки жорий этиш эмас, балки уларни қўллаш услубларини ишлаб чиқишлари керак (5-бўлимга қаранг).

Таълим тизими ўзгаришларнинг энг муҳим омилларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашни яхши уддалаши ва кенг кўламли инновацияларни оммалаштириш учун имконият топиши керак. Гап муваффақиятли инновацияларни топиш ва рағбатлантириш, новаторларни қўллаб-қувватлаш ва таваккалчиликни рағбатлантириш чораларини қўллаш усуллари ҳақида бормоқда. Ўқитувчиларни тадқиқ қилиш бўйича биринчи TALIS тадқиқотининг энг салбий кашфиётларидан бири шу бўлдики, ривожланган мамлакатлар ўқитувчиларининг тўрттадан учтаси иш жойидаги аҳвол ҳар қандай инновациялар учун ноқулай, деб ҳисоблайди³³. Агар вазиятни бундай қабул қилишни ўзгартира олмасак, ўзгаришлар содир бўлмайди.

Самарадор тизим раҳбарини тарбиялаш

Таълимдаги бюрократияни бартараф этишни қабристонни кўчиришга қиёсласа бўлади, бу масалада одамларга суяниш қийин, чунки мавжуд аҳвол ҳаммани қаноатлантиради. Мактаб – бу ниҳоятда консерватив (эскиликни ёқлайдиган, мутаассиб) ижтимоий тизим. Ҳамма таълим ислоҳотини ёқлайди, фақат ислоҳот уларнинг фарзандига дахл қилмаса. Ота-оналар болаларнинг билимини ўз таълимий тажрибалари асосида баҳолашга мойилдирлар. Педагоглар, ўз навбатида, олий таълимда уларга ўргатишганидай эмас, балки уларни мактабда қандай ўқитишган бўлса, ўшандай ўқитишга мойилдирлар. Аммо таълим ислоҳоти учун асосий тўсиқ – бу ота-оналар ёки ўқитувчиларнинг консерватив қарашлари эмас, балки мавжуд аҳволнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун популизмдан фойдаланадиган раҳбарларнинг консерватив эътиқоди, таълимни ўзгарувчан дунё қақириқлари билан бирга ўзгартириш ўрнига, мавжуд таълим дастурига амал қиладиган раҳбарларнинг қарашлари (чунки қулай минтақада қолиш яхшироқ-да), ота-оналарни маблағларни тўғри тасарруф қилишга – масалан, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга – ишонтириш ўрнига, ўқувчи сони кам синфларга ўхшаш одатий чораларга маблағ киритадиган раҳбарларнинг қарашларидир.

Самарадор раҳбар – амалда таълим тизимининг ҳар қандай жабҳасида асосий шахсдир, айниқса, таълим тизимининг сифати паст бўлса. Ҳар қандай таълим тизимида айрим қойилмақом мактаблар ва ажойиб педагоглар бўлгани ҳолда, ҳақиқий яхши тизимни барпо этиш учун самарадор раҳбар керак. Таълим ислоҳотчиси Майкл Фуллан қайд қилганидек, дастур кўламлашмайди, маданият кўламлашади, маданият эса самарали бошқарувнинг хос хусусиятидир. Маданият тизимга ўрганиш, инновациялар ва сермахсул ҳамкорликка очиқ бўлиш имконини яратади, у кенг кўламли ва доимий яхшиланишга олиб келади. Агар сиз реал ва давомли натижага эришмоқчи бўлсангиз, ўзингиздан сизнинг ғояларингизни қанча ўқитувчи қўллаб-қувватлайди, деб эмас, уларнинг қанчаси самарали ҳамкорликда иштирок эта олади, деб сўранг.

Инвестициялар ортишига қарамай, таълим натижалари стагнациясида (турғунлигида) акс этган таълимдаги инқирозни қисман раҳбарликдаги инқироз билан изоҳлаш мумкин.

Рақамлаштириш, глобаллаштириш ва экология масалаларига истиқболли ечимлар топиш, шубҳасиз, раҳбарият компетенциясига киради. Самарали раҳбарият ташкилотлар, педагоглар, тадқиқотчилар ва бошқа новаторлар битта профессионал ҳамжамият сифатида биргаликда ишлайдиган муҳитни яратиш учун зарур. Бундай раҳбарлар ўзгаришларни нима тақозо этаётганини тушунтириш, ҳомийликни ишга солиш ва тизимнинг барча даражаларида ваколатлардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Майкл Фулланнинг таъкидлашича, ўз таълим тизимига келажакка таяниб ўзгаришлар киритишни истайдиган лидерлар шунчаки буйруқ чиқариш ва уларни бажаришга мажбур қилишдан кўра кўпроқ ишни қилишлари керак. Улар биргаликда тушуниш ва умумий жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиши, ўзгаришлар зарурлигини асослаши, ўзгаришларни воқеликка айлантирадиган ёрдамни бериши ва популистга айланмаган ҳолда ишончни сақлаб қолиши зарур.

Улар ресурсларни жамлаши, имконият яратиши, меҳнатни ташкил этишни ўзгартириши ва талабларга риоя қилишга эмас, инновациялар ва ривожланишни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳисобдорлик чоралари ёрдамида тўғри сиёсий муҳит яратиши зарур. Улар яна таълим ташкилотларида ҳалиям устунлик қилаётган ҳудудий ва иерархияга асосланган маъмурий-буйруқбозликнинг ўсиш суръатига қарши бориши керак.

Тизим раҳбарлари ўқувчиларнинг эмас, маъмурият ва ўқитувчиларнинг манфаатини кўзлайдиган ташкилотлар билан курашишлари лозим. Кўпчилик таълим тизимлари ўқувчиларнинг турли-туман эҳтиёжларига жавоб бериш ўрнига, уларни элақдан ўтказиш ва даражаларга ажратиш учун қурилган. Эҳтимол, бундай ёндашув кам сонли одамларни тайёрлаш ва уларга таълим кичик ҳажмда билим бериш учун керак бўлган саноатлаштириш даврида ўринли бўлгандир. Аммо ҳар бир кишининг индивидуал истеъдодидан максимал даражада фойдаланиш ва мос равишда, ҳар бир кишига тенг таълим олиш ҳуқуқини тақдим этиш лозим бўлган ҳозирги жамиятда бундай ёндашув муваффақият қозонишга фақат халақит беради. Тарбияси оғир ўқувчиларни бошқа жойларга қайта тақсимлаш ўрнига ўз ўқувчиларининг талаб ва эҳтиёжларига яхшироқ жавоб беришлари учун мактабларга инновациялар ва кўмак зарур бўлади.

Мактаблар тадбиркорлик ва мослашишга қодир бўлмоғи учун таълим тизими раҳбарлари инновациялар учун зарур бўлган инсоний,

ижтимоий ва молиявий ресурсларни сафарбар этишлари зарур. Улар соҳалар ва мамлакатлар ўртасида мустаҳкам алоқа, давлат раҳбарлари, ижтимоий тадбиркорлар, корхоналарнинг раҳбарлари, тадқиқотчилар ва жамият билан шериклик муносабатларини ўрнатишлари лозим.

Таълим сиёсати марказлаштириш ёки марказлаштирмаслик тарафдорлари ўртасидаги бефойда баҳслар доирасидан чиқиб кетиши ҳам жуда муҳим. Бундай баҳслар долзарб масалалар ва таълимнинг чиндан ҳам ислохотга муҳтож бўлган жабҳалари ва даражаларидан чалғитади. Ўз навбатида, тизим ҳар бир даражада ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кундалик амалиётида уларга қандай ёрдам бериш мумкин, деб ўзига ўзи савол бериши керак.

Бу ўқитувчилар, мактаблар ва маҳаллий раҳбарлар таълим дастурлари, ўқув режалари, имтиҳонлар ва таълим стандартларини жорий этишга тегишли вазифалар беҳад кўп қобилиятларни тақозо этишини тан олишларини ва бинобарин, кўпроқ маълум даражадаги марказлаштиришга амал қилишларини билдиради. Тизим учун текширув – бу ҳамма ўқувчилар учун очик ва пухта ўйланган таълим дастури асосида ишлаб чиқилган ўқув адабиётлар ноширлари ва ўқитувчилар фойдаланадиган жаҳон стандартларининг борлигидир.

Ўқув адабиётлари бозори давлат томонидан тартибга солинмайдиган ва мактаблар (мактаб округлари) иш материалларини ўзлари танлайдиган мамлакатлар Таълим вазирлиги дарсликларни танлаб олиш бўйича жиддий сиёсат олиб бораётган Япония мисолини ўта марказлашган, деб ҳисоблаши мумкин. Лекин япониялик ўқитувчиларга бу ҳақда савол бериб кўринг – улар узоқ йиллар давом этган консультациялар ва профессионал ҳамжамятларни дарсликлар устида ишлаш ва нашр қилиш ишига жалб қилиш ҳақида айтиб берадилар. Улар яна юқори даражадаги компетентлиликни ушлаб туриш ҳамда стандарт ва таълим дастури мақсадларига эришишга ёрдам берадиган кенг кўламли касбий тайёргарлик дастурлари ҳақида ҳам гапириб берадилар. Натижада педагоглар мактаблар ёки округ шунчаки китоб сотиб олиб, кейин синфда ишлаш учун ўқитувчиларга тарқатган вақтдагидан кўра анча катта жавобгарлик ва мустақилликни ҳис қиладилар. Шундай қилиб, биз ваколатларни марказлаштириш ва марказлаштирмасликни иккита мутлақо қарама-қарши механизм сифатида баҳолашни бас қилишимиз лозим.

Таълим тизими раҳбарлари ташкилий тузилма қандай қилиб ўзгаришларни тезлаштириши ёки секинлаштириши мукинлигини тушунишлари керак. Агар тизим ўзгаришларга тўсқинлик қиладиган бўлса, улар унга қарши чиқишга тайёр туришлари лозим. Улар пайдо бўлаётган тенденцияларни пайқай олиши ва улар бутун тизим учун фойдали ёки зарарли бўлиши мумкинми ёки йўқми, англашлари керак. Улар бошқа ташкилотлар ва одамлар билан ишлаётганда сиёсий мослашувчанликни намойиш этишлари лозим. Улар ўзларининг одамлар ўз қарашларини қабул қилишга ва интилишларини қўллаб-қувватлашга бошқаларни ишонтира олишларига нима сабаб бўлиши ҳақидаги билимларига таянишлари керак. Улар ўз имкониятлари чегарасини англаши ва қарорларни қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган бирлашмалар тузиш учун таъсир кучидан фойдаланишлари керак.

Сингапурнинг таълимдаги муваффақияти – саводли бошқаришга ва сиёсат ҳамда амалиётнинг мувофиқлигига, оламшумул таълим стандартлари, ўқитувчилар ва раҳбарларнинг стратегик ҳиссини шакллантириш, мактаб таълимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва педагогик амалиётларни дунёнинг энг яхши амалиётлари билан қиёслашга имкон берадиган доимий такомиллашиш маданиятига мисолдир.

Институционал миқёсда таълим сиёсатининг унинг ниҳоятда пухта ва аниқ жорий этилиши билан мувофиқлиги Таълим вазирлиги ҳамда педагог ва мактабларни тайёрлайдиган Миллий таълим институтининг биргаликдаги иши ҳисобига эришилади. Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Сингапур раҳбарлари, тадқиқотчилари, ўқитувчиларидан мен олиб турадиган ҳисоботлар, ҳатто улар турли нуқтаи назарлардан иборат бўлса ҳам, доим мувофиқлик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Миллий таълим институти раҳбари таълим вазири билан ҳар икки ҳафтада учрашиб туради. Институт профессорлари бундай учрашувларда мунтазам иштирок этадилар. Шу сабабдан институтдаги иш доим вазирликдаги сиёсатчилар билан келишилган ҳолда олиб борилади. Мактаб директорлари, ўз навбатида, йирик ислохотлар лойиҳаси ҳақида тўғридан-тўғри вазирдан билиб олишади.

2014 йилнинг апрелида мен олдинги таълим вазири Хен Сви Китнинг ислохотлар режаси Сингапур юқори мактабларининг барча директорлари билан муҳокама қилинаётган ишчи мажлисларининг бирида чиқиш қилдим. Хен Сви Кит ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари орқали ислохотлар ҳақида гапирмасди, чунки мактаб дирек-

торлари таклиф қилинган ўзгаришларнинг мақсад ва услубларини тушуниб етмагунича ўзгаришлар бошланмаслигини яхши биларди.

Бу учрашувдан таълим соҳаси лидерлари ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари билан ислохотни ривожлантириш йўналишларига ва улар учун ислохот нимани англатишига оид ҳамма нарсада очиқ муносабатда бўлиши нақадар муҳимлигини тушундим. Ислохот муваффақияти раҳбарнинг услуби ва унинг қўл остидаги ходимларни ҳамкорликда ишлаш ва таваккал қилишга рағбатлантириш қобилиятига боғлиқ. Бу ходимларни руҳлантиради, уларни янада дадиллаштиради, масалани ҳал қилишга ҳар томонлама ёндашиш имконини беради. Бу ерда гап ислохотни рад этиш заруратисиз келишувга эришиш ҳақида бормоқда.

Физик сифатида менга таълим тизимини ишлаб чиқиш учун ўзига хос ёндашув зарурлигини тан олиш қийин бўлди. Физикада биз дунёга мураккаб моделлар орқали қарашга ва бир элементнинг ўзгариши бутун моделда қандай акс этишини ўрганишга мойилмиз. Бироқ таълим тизимлари шу қадар беқарорки, бундай ёндашув ишламайди. Ўзгараётган талабларга боғлиқ ҳолда доим тузатишлар киритиладиган ва ўқувчи ҳамда педагогларнинг билим ва тажрибасини сафарбар этиш ва ёйишга қодир таълим тизимлари энг кучли таълим тизимларидир.

Аксарият ўқитувчи ва мактаблар бунга тайёр. Уларнинг ривожланишига туртки бериш учун таълим сиёсати инновацияларни қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши, энг яхши амалиётларни пайқаш ва ёйиши зарур. Бундай сиёсат ишончга – таълимга, таълим ташкилотлари, мактаблар, ўқувчилар ва жамиятга бўлган ишончга қурилиши лозим. Барча давлат хизматларида ишонч – бу самарали бошқарув асосидир. Муваффақиятли мактаб ҳар доим одамлар ишлашни истайдиган ва яхши ғоялар татбиқ этиладиган, уларга ишонадиган ва улар бошқаларга ишонадиган жой бўлади.

Биз таълимда йўқотилган ишончни қандай тиклаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида етарлича билмаймиз. Ишончни буйруқ ёки стандарт талаблари билан тушунтириб бўлмайди, шу боис уни анъанавий бошқарув тузилмасига тўғрилаш қийин. Ишонч – онгли жараён, уни фақат соғлом ва ошкора муносабатлар тизимида тарбиялаш мумкин. Жамоатчилик фикри сўровномалари доим аҳолининг таълим тизимига бўлган юксак ишончини кўрсатадиган Финляндиядан ўрганишимиз мумкин бўлган нарса ана шу. Маъмурий-буйруқбозлик тизимлари заифлашаётган бир пайтда таълим тизимларига бўлган

ишончни мустаҳкамлаш уни такомиллаштиришнинг энг самарали усулига ўхшайди.

Таълим сифатини баҳолашни ислоҳ қилиш

Ўқувчиларни баҳолаш услуги ҳам таълим келажагига катта таъсир кўрсатади, чунки у бутун тизим учун нима устувор эканлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Назорат доим биз муҳим деб билган жиҳатларга эътибор қаратади, бу эса тўғридир. Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари, худди ўқувчилар сингари, назорат қилинадиган нарсага мувофиқ тарзда мослашади.

Баъзи кишилар назорат чеклаб қўяди, чунки таълим мазмунининг фақат айрим жиҳатларинигина қамраб олади, деб ҳисоблашади. Бу эса чиндан ҳам шундай. Бу яна ўлчовнинг ҳар қандай тури, ҳатто кузатув учун ҳам, адолатлидир. Полициячидан гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги тафовутлар ҳақида сўранг ёки ўқитувчиларнинг жинс ёки ижтимоий келиб чиқиш хусусидаги кўр-кўрона ишончини ўрганиб чиқинг, шунда оддий кузатув нақадар чекланган ва ноҳолис бўлиши мумкинлигини кўрасиз.

Масала қандай қилсак, баҳолаш болалар таълими ҳақидаги маълумот манбаларидан бирига айланиши ва ўқитувчилар ва таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга таълим динамикасини кузатиб боришга ёрдам бера олишида. Баҳолаш тизимини айнан дастурлар ва педагогик услублар учун фойдаланиладиган ўша инструментлар ёрдамида қайта кўриб чиқиш керак.

Кўпчилик баҳолаш тизимлари таълим дастури, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмалар билан яхши боғланмаган. Бугунги текширилаётган ишлардаги топшириқларнинг кўпчилигига смартфон ёрдамида жавоб бериш мумкин. Агар болаларимиз ўз смартфонларидан ақллироқ бўлиши керак бўлса, унда имтиҳонлар ўқувчилар билган нарсаларини экстраполяция (нарсаси ёки ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш) қила олишини ва ўз билимларини янги вазиятларда қўллай олишини аниқлаш учун ўқувчиларнинг маълумотни қайта тиклаш қобилиятига эгаллиги доирасидан чиқиши керак. Баҳолаш ижтимоий-эмоционал компетенцияларнинг етуклик даражасини ўлчаш имконини ҳам бериши лозим.

Бугун кўпчилик назорат ишлари пайтида ўқувчилар Интернетдан фойдаланишлари мумкин эмас, чунки улар тўғри жавобларни кўриб олишади, деган эҳтимол мавжуд. Келажакдаги назорат-баҳолаш ишларининг вазифаси – ўқувчиларга энг илғор жаҳон технологияларидан баҳолашнинг валидлиги ва ишончилигига путур етказмасдан фойдаланиш имконини беришдир.

Худди шу нарса назорат ишларининг яна бир “кечирилмас гуноҳ”-га – бошқа ўқувчилар билан алоқада бўлишга ҳам тегишлидир. Аммо ҳамонки, инновациялар борган сари билим алмашишга асосланиб қурилаётган экан, келажакдаги назорат-баҳолаш ишлари синовдан ўтаётганларни имтиҳонлардан четлатиш учун эмас, уларнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши учун имконият топиши керак. Топшириқларни гуруҳ бўлиб ечиш бўйича PISA маълумотлари индивидуал қобилиятларнинг ривожланиш даражаси ўқувчиларнинг биргаликда ишлаш қобилиятини фақат қисман олдиндан айтиб беришини кўрсатади.

Назорат-баҳолаш жараёнларини ишлаб чиқишда биз доим валидликдан кўра самарадорликка ва актуалликдан кўра ишончиликка аҳамият берамиз. Чунки бу ҳолатда натижалар ҳаққонийдек туюлади ва баҳсга ўрин қолмайди. Айрим таълим вазирлари имтиҳон натижалари хусусида баҳслар туфайли ишдан ажраладилар, аммо бу материалларнинг валидлиги ёки муҳимлиги хусусидаги баҳслар туфайли ҳеч ким зарар кўргани йўқ.

Бироқ ишончилик ва самарадорликни устувор қилишнинг ўз баҳоси бор. Энг ишончли имтиҳон – бу ҳамма ўқувчиларга икки маънолиликка йўл қўймайдиган ҳажмда ўхшаш саволлар бериладиган имтиҳонлардир, кўпинча бу топшириқлар бир неча жавобдан биттасини танлаш мумкин бўлган топшириқлардир. Актуал имтиҳонлар таълимда муваффақият қозониш учун муҳим бўлган билим ва компетенцияларнинг кенг қамровлилигини текширади. Бундай материалларни ишлаб чиқиш бир неча жавобга эга форматларни, шунингдек, очиқ жавобли саволлар, яъни янада мураккаб жавобларни кўзда тутадиган топшириқларни назарда тутати. Бундай форматлар ўз-ўзидан янада мураккаб текширувни талаб қилади, чунки тўғри жавоб ягона эмас, бир нечта бўлади. Шундай қилиб, агар биз баҳолашни истаган ўқувчилар сони кўп бўлса ва ёки агар баҳолашни тез-тез ўтказмоқчи бўлсак, биринчи ўринга яна оддий жавоб вариантыга эга бўлган шаклларга устуворлик берадиган тезкорлик чиқади.

Шу сабабли PISA бўйича дастлабки қарорлардан бири мактаб ва ўқувчиларни танлаб олишни чеклаш ҳамда алоҳида иштирокчи (ўқувчи ва мактаб)ларнинг натижаларини эълон қилишдан воз кечиш бўлди, акс ҳолда ставкалар орта бошлайди. Бу қарор валидлик ва аҳамиятлиликни тадқиқотнинг устувор томонига айлантириш имконини берди. Нисбатан кичик танлов бизга жавобларнинг янада қийин ва кенг форматидан фойдаланиш имконини беради.

Аммо, бундан ташқари, баҳолаш ҳалол, техник жиҳатдан асосли ва ўринли бўлиши керак. Баҳолаш таълим тизимининг турли босқичларида қарор қабул қилиш жараёнларига хизмат кўрсата олиши учун таълимнинг барча даражаларида бир хил баҳолашни таъминлаш зарур. Турли мамлакатларда мактаб ва ўқувчиларни танлаб олишни қиёслаш мумкин бўлиши учун PISA тадқиқотида ўхшаш халқаро тадқиқотлар тилга, миллийликка, маданиятга оид тўсиқлар билан боғлиқ валидликни таъминлашнинг қўшимча заруратида дуч келадилар. Ушбу стандартларнинг бажарилишига PISA кўп вақт ва куч сарфлайди³⁴.

Сумматив ва форматив баҳолаш ўртасидаги тафовутни барта-раф этиш учун ишлашда давом этишимиз керак. Сумматив баҳолаш, одатда, бўлим охиридаги ёки ўқиш давридаги назоратни кўзда тутати, форматив баҳолаш ташхис асосидаги ёндашувни кўзда тутати ва бевосита ҳозир нимани ўзгартириш кераклигини кўрсатиш учун ўқитаётган пайтда ўтказилади. Ҳар икки назорат вариантини бирлаштиришнинг янада яратувчан усуллари топиш ва ҳудудий, миллий ва ҳатто халқаро миқёсда турли мактаб ўқувчиларини бирлаштириш мумкин бўлган кўп даражали боғланган баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Яхши назорат-баҳолаш материаллари ўқувчиларнинг фикрлаш ва тушуниш усуллари ҳақидаги маълумотларни ифодалаши, масалаларни ечишда ўқувчилар фойдаланадиган стратегияларни ёритиши керак. PISA тадқиқотида ўхшаш рақамли назорат-баҳолаш материаллари шунчаки натижани кўрсатибгина қолмай, балки ўқувчининг уни олиш усулини ҳам кўрсатиш билан буни амалга ошириш имконини беради.

Қарор қабул қилиш жараёнига кўмаклашиш учун баҳолаш етарли даражада батафсил қайта алоқани тақдим этиши керак. Ўқитувчилар ўқувчилар қандай фикрлаши ҳақида баҳолаш қандай маълумот беришини тушунишга қодир бўлишлари керак. Мактаб маъмурияти, сиёсий қарорларни ишлаб чиқишга жавобгар шахслар ва ўқитувчилар

Ўқувчиларга янада кенг имкониятларни тақдим этиш учун баҳолаш берадиган маълумотдан фойдалана олишлари керак. Ўшанда ўқитувчилар баҳолашни ўқув вақтини оладиган, таълимдан алоҳида аллақандай бир нарса сифатида қабул қилмайдилар. Аксинча, унда ўқув жараёнини тўлдирувчи воситани кўрадилар.

PISA қандай ривожланмоқда

Албатта, буларнинг ҳаммаси PISA учун ҳам адолатлидир. Гарчи тадқиқот натижалари муайян бир ўқувчилар, ўқитувчилар ва мактаблар билан боғлиқ бўлмаса ҳам, PISA бутун таълим тизими муваффақиятини ўлчашнинг муҳим инструменти ҳисобланади. Шундай инструмент бўлгани ҳолда PISA, агар кимдир унинг мезонлари кўлами ўта чекланган, деб ҳисоблайдиган бўлса, таълим ислохотларини тўхтатиши керак эмас, балки уларни ортидан эргаштириши керак. Шу сабабдан PISA тадқиқотининг техник стандартлари ва уни ўтказиш қоидалари атрофида иштирокчи-мамлакатлар томонидан тўхтовсиз баҳс-мунозаралар олиб борилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Мақсад – бу дастур улар даражасида ривожланиши мумкин ҳамда шарт бўлган техник ва қонуний меъёрларни ўрнатишдир.

Баъзи кишилар, агар имтиҳон таълим тизимидаги тараққиёт ва ўзгаришларни ўлчаши керак бўлса, унда биз ўлчаш мезонларини ўзгартира олмаймиз, дейишади. Улар имтиҳон ўзгармаслиги керак, деб ҳисоблашади. Бироқ PISA, агар биз мунтазам равишда мезонларга тўзатишлар киритиб турмасак, бу нарса ўқувчиларнинг келажақда талаб қилинадиган ишни бажара олиш қобилиятини ўлчаш ўрнига, ўтмишда муҳим бўлган ишни бажариш қобилиятини баҳолашимиз билан тугайди, деб ҳисоблаб бошқа йўналишдан боради.

PISA доирасида компьютерлардан фойдаланиш янада кенг кўламли билим ва компетенцияларни баҳолаш имконини беради. Тадқиқот 2012 йилда муаммоларни ижодий ечиш қобилиятини, 2015 йилда эса муаммоларни ечишда гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш кўникмаларини, 2018 йилда глобал компетенцияларни баҳолади. Бу бундай имкониятнинг яққол намунасидир. Ижтимоий-эмоционал компетенцияларни ўлчаш қийинроқ. Бироқ ҳатто улар ҳам, янги тадқиқотлар кўрсатганидек, чуқур ўрганилиши мумкин³⁵.

PISA янада очиқ ва локал бўлишга интилади. PISA худди шу йўналишда ривожланиш учун мактаблар PISA рейтинги бўйича ўзларига тегишли маълумотларни олишда фойдаланиши мумкин бўлган ҳаммабоп инструментларни таклиф қила бошлади. Мазкур PISA тадқиқотига асосланган мактабларга мўлжалланган янги тест³⁶ алоҳида мактабни бутун дунёда бошқа мактаблар билан ўхшаш ва фарқли томонларини топиб қиёслашга имкон беради.

Мактаблар ҳам бу маълумотлардан фойдаланишни энди бошлашяпти. 2014 йилнинг сентябрида мен тест синовларида қатнашган Америка мактаблари вакилларининг йилда бир бўладиган дастлабки йиғилишини очдим. Мени мактабларнинг ўзини нафақат ўз туманидаги бошқа мактаблар билан, балки халқаро миқёсдаги энг яхши мактаблар билан қиёслашга бўлган қизиқишлари жуда руҳлантирди. Фэрфакс округида (Виргиния) ўнта мактабнинг директор ва ўқитувчилари бир йил давом этган дастлабки натижалар муҳокамасини бошладилар. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маҳаллий вакиллари ёрдамида ўзларининг мактаблари бир-бири ва бутун жаҳон мактаблари билан қандай ўзаро муносабатда бўлишини аниқлаб олиш учун маълумотларни синчиклаб ўргандилар. Бу директор ва ўқитувчилар глобал майдонда шунчаки кузатувчилар эмас, балки битта жамоа эдилар. Фэрфакс округида катта маълумотлар катта ишончни шакллантира бошлади. PISA тадқиқотига қанча кўп мамлакат қўшилса, шунча равшан бўладик, тадқиқотни ишлаб чиқиш иштирокчиларнинг, жумладан, ўртача ва паст даромад даражасига эга кўпсонли мамлакатлар хилма-хиллигини ҳисобга олиб ривожланиши керак. Кўплаб мамлакатлар ва ҳудудларда PISA тадқиқотининг аҳамиятини ошириш учун биз ўқувчиларнинг турли хил компетенцияларини аъло даражада баҳолашга, ноқулай шароитларга яхшироқ мос келиши учун сўровномаларни қайта кўриб чиқишга, компетенцияларни ошириш ва ҳомийлар ёрдамида молиявий ва техник келишмовчиликларни тартибга солишга, ривожланаётган мамлакатларда манфаатдор томонлар ўртасида ахборот тарқатишни оширишга имкон берадиган инструментларни ишлаб чиқамиз. “PISA юксалиш учун”³⁷ сифатида машҳур бўлган ташаббус 2016–2017 йилларда тўққизта мамлакатда муваффақият билан синовдан ўтди.

Олдинга юраётиб, ён-атрофга назар солинг

Агар таълим соҳасидаги сезгир ва масъулиятли раҳбар портрети-га яна бир тавсифни қўшиш керак бўлганида, мен бу нафақат олдинга юриш, балки ён-атрофга қараш қобилияти, деган бўлардим. Рейтингда етакчи бўлган мамлакатлар ҳар доим халқаро тадқиқотлар ўтказишга ва уларнинг натижалари асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқишга катта куч сарфлашлари табиий.

Гап бошқа мамлакат амалиётидан нусха кўчириш ҳақида борма-япти. Улар ичидан энг яхшиларини диққат ва холислик билан тадқиқ этишни ўрганиш, турли контекстларда қандай услублар ишлаётгани ҳақида билим тўплаш ва уларни пухта ўйлаб татбиқ этиш зарур.

Финляндия лидерлардан бирига айланиш йўлида ўзини етакчи тизимлар билан қиёслади. Мэйдзи бошчилигидаги қайта қуриш даврида ҳукумат вакиллари ривожланган ғарб мамлакатларининг пойтахтларини бориб кўриб, дунё таклиф қилиши мумкин бўлган энг яхши амалиётлардан фойдаланишга қарор қилган пайтда, Япония ўзининг таълим соҳасидаги жаҳон лидерларидан бири мақомига эга бўлди. Ва улар шу йўналишда ҳаракат қилмоқдалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида Сингапур ундан юз йил олдин Япония нима иш қилган бўлса, худди шу ишни янада кўпроқ диққат-этибор ва интизом билан амалга оширди. Сингапур ҳукуматининг ақлий маркази – Сингапур иқтисодий тараққиёт кенгаши штатда ҳар қандай масала ечимига лойиҳага ёндашгандай ёндашадиган муҳандисларга эга. Нимани ишлаб чиқишга тўғри келмасин, улар лойиҳалаш мезонларини энг яхши жаҳон амалиётлари даражасида ўрнатадилар. Сингапурнинг барча таълим ташкилотларига, Миллий университетдан алоҳида мактабгача, “келажакка тайёр сингапурликларни” тарбиялаш учун халқаро алоқалар ўрнатиш тавсия қилинган. Улар ҳеч қачон бошқа мамлакатлардан ўрганишдан тўхтамайдилар ва буни мунтазам равишда амалга оширадилар.

Сиёсий саҳнага қайтганидан сўнг Дэн Сяопин Хитой таълим ташкилотлари Хитойга энг яхши амалиётларни киритиш мақсадида бошқа мамлакатларнинг энг яхши таълим ташкилотлари билан шериклик қилишга фармойиш берди.

Онтарионинг ўша пайтдаги бош вазири Далтон Мак-Гинти 2008 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларга ташриф буюрганида, Онтариода таълимни ривожлан-

тириш учун қайси стратегияни танлаш ҳақидаги тасаввури кўп жиҳатдан самарали таълим тизимлари амал қиладиган бошқа мамлакатларни бориб кўргани туфайли шаклланганини қайд қилди.

Бошқа тизимларда рўй бераётган ҳодисаларни мунтазам ўрганиб бориш ва таълим сиёсатини яратиш учун бу ўрганишнинг натижаларини қўллаш юқори таълим натижаларига эга мамлакатларнинг умумий хусусиятидир.

Агар мамлакатлар кутилганидан паст натижа кўрсатган бўлса ва турли мамлакатларда бўлаётган ишларни қиёслашни таҳқиқлаш деб ҳисоблаб, PISA натижаларига шубҳа билан қарашса, тескари вазият пайдо бўлади.

Айтиш мумкинки, таълим соҳасида кўрсаткичларнинг ўсишини кўрсатиши мумкин бўлган мамлакатлар ва бундай ривожланишни кўрсатмайдиган мамлакатлар ўртасида муҳим тафовутлар мавжуд. Фарқ шундаки, баъзи таълим тизимлари ўз фикрини ўзгартиришдан қўрқади, бошқалари эса дунё учун очиқ, жаҳон лидерларидан ўрганишга ҳамда улар билан биргаликда ўрганишга тайёрдирлар.

Натижада физика қонунлари ишлай бошлайди. Агар педалларни айлантиришдан тўхтасак, биз нафақат олға ҳаракат қилмаймиз, балки велосипедимиз умуман юрмай қўяди ва биз йиқиламиз. Шамолга қарши эса педалларни янада тезроқ айлантириш керак.

Илгари инсон қаршисида очилган барча муаммо ва имкониятлардан юқори турадиган муаммо ва имкониятлар қаршисида ҳам сусткаш бўлмаслик керак. Биз мақсадларга мувофиқ равишда ҳаракат қилишимиз, олдиндан тахмин қилишимиз ва ўз ҳаракатларимизни йўлга қўйишимиз мумкин. Мен бунини PISA – 2012 тадқиқотида Шанхайнинг энг кам таъминланган оилаларидан чиққан ўқувчиларнинг 10 фоизи математик саводхонликдан АҚШнинг яхши таъминланган оилаларидан чиққан ўқувчиларнинг 10 фоизидан устун келишаётганини кўрганимда бунини яхши тушунганман. Шанхайнинг энг қашшоқ туманларидан чиққан болалар энг яхши ўқитувчилар қўлида мамнуният билан ўқиётганларини кўрганимда, бу китобни ёзишга қарор қилдим. Ўшанда мен юқори сифатли умумий таълим – эришса бўладиган мақсад ва миллионлаб имконияти йўқ болаларга келажакка ишонч бахш этишга кучимиз етишини, бизнинг вазифамиз эса имконсиз нарсани имконли қилиш эмас, балки имкони бор нарсани эришса бўладиган нарсага айлантириш эканини тушундим.



ИЗОҲЛАР

1. ТАЪЛИМ ТАДҚИҚОТЧИ НИГОҲИДА

1. PISA шкаласи бўйича 1-даражали топшириқларни бажараётганда ўқувчилар содда матнларни элементар ўқиш ва тушуниш кўникмаларини, математика ва табиий фанлардан асосий тушунча ва қоидаларни билишларини намоиш қиладилар. 1-даража барча тегишли маълумотлар мавжуд бўлиб, саволлар эса аниқ ифодаланганда ўқувчилар таниш контекстларнинг саволларига жавоб бериши мумкинлигини кўрсатади. Улар ахборотни таснифлай оладилар ва аниқ вазиятларда бевосита қоидаларга мувофиқ стандарт вазифаларни бажара оладилар. Улар деярли доим очиқ кўриниб турган ва бевосита берилган рағбатлантирувчи омиллардан келиб чиқадиган топшириқларни уддалай оладилар. Кейинги бир мунча юқори 2-даражада ўқувчилар камида тўғри хулосани талаб қиладиган контекстлардаги вазиятларни англай ва шарҳлай оладилар. Улар керакли маълумотни манбадан ола биладилар ва ягона репрезентатив тартибдан фойдалана оладилар. Ушбу даражада ўқувчилар асосий алгоритмлар, формулалар, амалий ишлар ёки бутун сонлар билан боғлиқ масала ечиш қоидаларидан фойдалана оладилар ва натижаларни, айнан натижаларни изоҳлаш қобилиятига эгадирлар. Янада батафсил маълумот ва мисолларни OECD 2016а да кўринг.

2. Қаранг. Adams, 2002
3. Қаранг. Chu, 2017
4. Қаранг. <https://www.ccsso.org/>
5. Қаранг. <https://www2.ed.gov/programs/racetothetop/index.html>
6. Қаранг. <http://www.corestandart.org/>
7. PISA – Der Landertest, <http://www.imdb.com/title/tt1110892/>
8. 2018 йил май ҳолатига кўра, ИХТТ га аъзо мамлакатлар 35 та: Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Чили, Чехия, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Исландия, Ирландия, Исроил, Италия, Япония, Латвия, Люксембург, Мексика, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Португалия, Словакия, Словения, Жанубий Корея, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британия ва АҚШ.
9. Қаранг. Hanushek, 2015a, 2015b.
10. Қаранг. Leadbeater, 2016.
11. Қаранг. Griffin & Care, 2015.
12. Қаранг. OECD, 2017h/
13. Ўзлаштиришнинг тарихий кўрсаткичлари бўйича маълумотларни Barro & Lee, 2013 да кўринг.
14. Таълимнинг ҳозирги даражаси ҳақидаги маълумотларни OECD 2017h да кўринг.
15. Умумий ўрта маълумотга эга битирувчилар учун ўртача коэффицентни ҳисобга олган ҳолда ўлчанган, батафсил маълумотларни OECD 2017a да кўринг.

2. АФСОНАЛАРНИ ФОШ ЭТИШ

1. Маълумотларни 6-бўлим, ИХТТ, 2016а да кўринг.
2. Маълумотларни ИХТТ, 2013d да кўринг.
3. Маълумотларни OECD, 2016а да кўринг.
4. OECD, 2017а га қаранг.
5. Ўқитувчилар иш ҳақининг олий маълумотли 25–64 ёшдаги

тўлиқ иш куни билан банд бўлган ходимларнинг ойлик иш ҳақиға нисбати ўқитувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақидан фойдаланиб ҳисобланади (мукофот ва устамалар билан бирга).

6. PISA – 2006 маълумотлари таҳлили ИХТТга аъзо мамлакатларда умумий ўрта таълим мактабида табиий фанлар бўйича дарсларга ҳафтасига икки соатдан кам вақт сарфлайдиган ўқувчиларнинг натижалари, одатда, табиий фанларни ўрганишга вақт сарфламайдиган ўқувчиларга нисбатан 15 балга юқори. Дарсларга икки соатдан кам бўлмаган, аммо тўрт соатдан ортиқ бўлмаган вақт сарфлайдиган ўқувчилар 59 балга юқори натижага эришадилар. Ҳафтасига тўрт соатдан кам бўлмаган, аммо олти соатдан ортиқ бўлмаган вақт сарфлайдиган ўқувчилар, одатда, 89 балга юқори натижага эга бўладилар, табиий фанларни ўрганиш учун ҳафтасига олти соатдан ортиқ вақт сарфлайдиган ўқувчилар 104 балга юқори натижа кўрсатадилар (OECD, 2011a даги 4,2a диаграммаси).
7. Маълумотларни OECD, 2013b да кўринг.
8. PISA тадқиқотида ўқувчиларни тест синовидан ўтказиш билан бирга уларнинг мактабда олган баҳолари ҳақида маълумот беришни сўрашди. Кўпчилик мамлакатлар ва ҳудудларда, одатдагича, қизлар ва қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларда яшайдиган ўқувчиларнинг баҳолари юқори бўлди. Ҳатто таълим масалаларида айрим ўқувчиларнинг ўзлаштириши, муносабати ва хулқ-атворини ҳисобга олганда ҳам баҳолар мактабнинг таълимий контекстига боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши, жалб қилинганлиги ва ўқув кўникмаларига боғлиқ бўлмаган омилларга баҳоларнинг таъсирчанлик факти, ўқитувчиларнинг фикрича, улар рағбатлантириши мумкин бўлган муҳим, лекин бевосита PISA тадқиқотида ўлчанмайдиган ва ўқувчиларнинг тажрибаси ҳамда яшаш шароитлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган жабҳалар ҳақида дарак беради. Ўқитувчилар яна меҳнат бозори ва бошқа ижтимоий шароитларда қадрланадиган ахлоқ моделларини ҳам рағбатлантиришлари мумкин. Ҳамонки, баҳолар ўқувчилар ўзлаштириши ҳамда потенциалнинг ўзгармас ва жуда ишончли кўрсаткичларидан бири экан, баҳоларни тақсимлашдаги доимий тенгсизлик таълим

соҳасида кутилаётган натижаларнинг доимий тенгсизлигига имкон яратади, бу ҳақда 3-бўлимда айтилган. Маълумотлар ва методологияни OECD 2012а да кўринг.

9. Қаранг. Schleicher, 2017.
10. Қаранг. Hanushek, Piopiunik & Wiederhold, 2014.
11. OECD, PISA 2015 Database, II. 5.9, II. 5. 18, II. 5. 22 ва II. 5. 27 диаграммалари.
12. Қаранг. Slavin, 1987.

3. ЮҚОРИ ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭГА МАКТАБ ТИЗИМЛАРИ НИМАСИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ?

1. Қаранг. <http://ncee.org/>
2. Қаранг. <http://ncee.org/what-we-do/center-on-international-education-benchmarking/9-buildingblocks/> ва OECD, 2011b.
3. Қўшимча маълумот учун ST111Q01TA PISA 2015 database бўлимидаги саволга қаранг.
4. Қаранг. Martin & Mullis, 2013.
5. Қаранг. Chen & Stevenson, 1995.
6. Қаранг. Good & Lavigne. 2018.
7. Қаранг. Bandura, 2012.
8. Қаранг. Weiner, 2004.
9. Қаранг. Carroll, 1963.
10. Қаранг. OECD, 2011b.
11. Гамбургда мактаб тизими структурасини ислоҳ қилиш христиан демократлари ҳукмрон коалицияси билан “яшиллар” ўртасида 2008 йил 17 апрелда имзоланган иттифоқ келишувига кўра мувофиқлаштирилган. Ислоҳот 2009 йил 7 октябрида Гамбург парламенти билан келишилган. 2010 йил 18 июлда умумхалқ овозига қўйилиши натижасида келишувга жиддий ўзгартиришлар киритилди.
12. IV.2.6а. OECD, 2013b диаграммага қаранг.
13. <http://www.phenominaledukacion.info/phenomenon-based-learning.html> га қаранг.

14. C6.1a OECD, 2017a диаграммага қаранг.
15. OECD, 2013a га қаранг.
16. OECD, 2017i га қаранг.
17. Эҳтимол, имтиҳондан олдинги ва имтиҳон пайтидаги ҳавотирлилиқ PISA сўровномалари ёрдамида ҳисобга олинмаган, такрорланиш тезлиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатлар сабабли пайдо бўлса керак.
18. Қаранг. <https://asiasociety.org/global-cities-education-network/japan-recent-trends-education-reform>
19. Қаранг. OECD, 2014b ва OECD, 2017e.
20. Қаранг. Fadel, Trilling & Bialik. 2015.
21. Қаранг. Tan, 2017.
22. Қаранг. Barber, 2008.
23. Қаранг. <http://www.globalteacherprize.org/about/>
24. Қаранг. Good & Lavigne, 2018.
25. Қаранг. Hung, Tan & Koh, 2006.
26. Қаранг. OECD, 2014c.
27. Қаранг. OECD, 2009.
28. Қаранг. OECD, 2014c.
29. Қаранг. OECD, 2014c.
30. Қаранг. OECD, 2013c.
31. Қаранг. <https://www.gov.uk/govinternet/news/network-of-32-maths-hubs-across-england-aims-to-raisestandards>
32. Қаранг. <http://www.bbc.co.uk/programmes/b06565zm> & <https://m.youtube.com/watch?v=DYGxAwRUpa133>
33. Қаранг. OECD, 2016b.
34. Қаранг. OECD, 2016b.
35. Қаранг. <http://ncee.org/what-we-do/center-on-international-education-benchmarking/top-peformingcountries/shanghai-china/changhai-china-instrutional-sestems/>
36. Бу бўлим асосидаги маълумотларни OECD, 2017f да кўринг.
37. Қаранг. <http://www.sici-inspectorates.eu/>
38. Қаранг. Pont, Nusche & Moorman, 2008.

39. Қаранг. OECD, 2014с.
40. Қаранг. OECD, 2013b.
41. Қаранг. Fullan, 2011.
42. Қаранг. OECD, 2013b.
43. Қаранг. OECD, 2014а.
44. Қаранг. OECD, 2015f.
45. Canadian Language and Literacy Research Network (2009), Evaluation Report: The Impact of the Literacy and Numeracy Secretariat, http://www.edu.gov.on.ca/eng/document/reports/OME_Report_09_EN.pdf. нинг баҳолаш ҳисоботиға қаранг.
46. Сингапурнинг “Фикрлайдиган мактаб – маърифатли миллат” шиори остидаги ислоҳоти ҳақида биринчи марта 1997 йилда ўша пайтдаги бош вазир Го Чок Тонг томонидан эълон қилинган эди. Бу ҳис (узоқни кўра билиш ҳисси) келажак талабларини қабул қилишга қодир фикрлайдиган, фаол ва манфаатдор фуқаролардан иборат миллатга ва XXI аср талабларига мўлжалланган таълим тизимига таъриф беради. Қаранг. <https://www.moe.gov.sg/about>.
47. Қаранг. OECD, 2016а.
48. Қаранг. OECD, 2016b.
49. Ўқитувчиларни баҳолаш тўғрисида батафсилроқ OECD, 2013е да кўринг.
50. Қаранг. OECD, 2014с.
51. Қаранг. <https://www.cmec.ca/en/>.
52. Қаранг. <https://www.kmk.org/>.
53. Қаранг. OECD, 2017а.
54. Қаранг. OECD, 2017а.

4. НИМА САБАБДАН ТАЪЛИМ ИМКОНИЯТЛАРИ ТЕНГЛИГИГА ЭРИШИШ БУ ҚАДАР ҚИЙИН?

1. Hanushek 7 Woessmann, 2015b.
2. <http://www.nytimes.com/2012/03/11/opinion/sunday/friedman-pass-the-books-hold-the-oil.html>.
3. Қаранг. OECD, 2013a.
4. Қаранг. OECD, 2017a.
5. Қаранг. Passagnella, 2015.
6. Қаранг. OECD, 2017a.
7. Муаллиф: <https://www.oecd.org/china/Education-in-Cina-a-snapshot.pdf>.
8. Қаранг. OECD, 2016a.
9. Қаранг. Schleicher, 2014 <http://oecdeducationtoday.blogspot.fr/2014/07/poverty-and-perception-of-poverty-how.html>.
10. Қаранг. OECD. 2016a.
11. Қаранг. Prensky, 2016.
12. Қаранг. <https://surveys.quajliainstitute.org/>.
13. Қаранг. OECD, 2017b.
14. Қаранг. OECD, 2016a, диаграмма I.6.14.
15. Қаранг. OECD, 2011b.
16. Қаранг. OECD, 2016a, диаграмма I.6. 14.
17. Қаранг. OECD, 2016c.
18. Қаранг. <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/32/section/1>
19. Қаранг. 4-бўлим ва <https://www.gov.uk/education/pupil-premium-and-other-school-premiums>
20. Қаранг. <http://www.oecd.org/edu/School-choice-and-school-vouchers-an-OЭСР-perspective/pdf>
21. Қаранг. OECD, 2016d.
22. Қаранг. OECD/ 2016b.
23. Қаранг. OECD, 2016b.
24. Қаранг. OECD, 2016b.
25. Қаранг. OECD, 2016b.

26. Қаранг. OECD, 2012b.
27. Қаранг. OECD, 2017b.
28. Қаранг. OECD, 2017b.
29. Қаранг. Epple, Romano & Urquiola, 2015.
30. Қаранг. OECD, 2016a
31. Қаранг. OECD, 2016a.
32. Иммиграция комиссияси 2000 йилда немис парламенти томонидан таъсис қилинган.
33. Қаранг. 1.7.13 диаграмма, OECD, 2016a.
34. Қаранг. OECD, 2016a.
35. Қаранг. OECD, 2016a.
36. Қаранг. OECD, 2016a.
37. Қаранг. OECD, 2015g.
38. Қаранг. OECD, 2017j.
39. Қаранг. OECD, 2015e.
40. Қаранг. <https://www.educationandemployers.org/wp-content/uploads/2018/01/Drawing-the-Future-FINALREPORT.pdf>.
41. Қаранг. https://m.youtube.com/watch?v=kJP1zPOfq_0.
42. Қаранг. OECD, 2016e.
43. PISA тадқиқоти когнитив тест ва сўровномадан иборат икки қисмни ўз ичига олади. Когнитив баҳолаш ўқувчиларнинг глобал муаммолар ҳақидаги янгиликларга оид мақолаларни танқидий ўрганиш, ташқи омилларнинг фикр ва дунёқарашга таъсирини тан олиш, маданиятлараро алоқаларнинг тузилишини англаш, глобал ҳамда маданиятлараро муаммоларни ҳал қилиш борасида турли хил чораларни аниқлаш ва таққослаш қобилиятини очиб беради. Сўровноманинг вазифаси ўқувчилар глобал муаммолар билан қай даражада танишлиги, уларнинг тил ва коммуникацион (алоқа) кўникмалари қандай ривожланганлиги, улар маълум муносабатларга, масалан, турли маданиятларга мансуб кишиларга ҳурмат кабиларга қай даражада риоя қилишлари, уларнинг мактабида глобал компетентлиқни ривожлантириш имкониятлари бор-йўқлигини аниқлашдир. Бундан ташқари, мактаб директорлари ва

ўқитувчилардан таълим тизимлари халқаро ва маданиятлараро истиқболларни ўқув дастурлари ва дарс фаолияти билан қандай бирлаштириб юборишаётганини тушунтириб беришни сўрашди.

44. Қаранг. <https://www.oecd.org/education/Global-competency-for-an-inclusive-world.pdf>

5. ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

1. Қаранг. OECD, 2010a.
2. Қаранг. OECD, 2015a.
3. Қаранг. <http://www.corestandards.org/>.
4. Қаранг. https://www.bmbf.de/pub/Bildungsforschung_Band_1.pdf
5. Қаранг. <http://www.oecd.org/skills/nationalskillsstrategies/Diagnostik-report-Portugal.pdf>.
6. Қаранг. OECD, 2013c.
7. Қаранг. OECD, 2005.
8. Қаранг. OECD, 2005.
9. Қаранг. OECD, 2013c.
10. Уларнинг саъй-ҳаракатлари The Folkeskole's response to the OECD да ҳужжатлаштирилган.
11. Danish Ministry of Education and Ramboll, 2011.
12. Қаранг. Alberta Education, 2014, Hargreaves & Shirley, 2012.
13. Қаранг. OECD, 2014c.
14. Қаранг. Barber, 2008.
15. Маълумотлар Халқаро таълим ҳамжамияти ва ИХТТ касаба уюшмаларининг Маслаҳат қўмитаси томонидан тақдим этилган. (EducationInternational and the Trade Union Advisory Committee to the OECD (2013), Survey of Trade Unions' Engagement with Governments on Education and Training, OECD, 2015a).

6. ЭНДИ НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

1. Том Бентли “The responsibility to lead: Education at a global crossroads”, 2017 йил 21 августда Австралия таълим лидерлиги кенгашида сўзлаган нутқи.
2. Қаранг. <http://www.un.org/sustainabledevelopment/sustainable-development-goals/>.
3. Қаранг. Putnam, 2007.
4. Қаранг. OECD, 2017с.
5. Қаранг. OECD, 2016е.
6. Brundtland Comission, 1987.
7. Қаранг. <http://www.oecd.org/social/income-distribution-database.htm>
8. Қаранг. Harari. 2016.
9. Қаранг. Goldin & Katz, 2007.
10. Қаранг. OECD, 2017k.
11. Қаранг. Autor & Dorn, 2013.
12. Қаранг. Echazarra et al., 2016.
13. Назорат стратегияси ва билимлар синтези ва экстраполяциясига асосланган стратегия ўрнига эслаб қолиш стратегиясидан фойдаланиш PISA тадқиқоти математик саволларининг 84 тадан 78 тасида тўғри жавоб эҳтимолининг пасайишига олиб келади. Муҳими шуки, муваффақият кўрсаткичи топшириқнинг мураккаблиги ошиши билан пасаяди. Эслаб қолиш (ёдлаш) стратегияси, эҳтимол, энг осон топшириқларни ечишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бир пайтда, эслаб қолиш стратегияси коэффицентидаги озгина ўсиш ўртача мураккабликдаги топшириқларни тўғри ечиш эҳтимолининг 10 фоизига пасайиши билан (ўқитишнинг бошқа стратегияларидан фойдаланиш билан қиёслаганда) ва энг мураккаб масалаларни тўғри ечиш эҳтимолининг 20 фоиздан кўпроқ пасайиши билан боғлиқдир. Бу таълим стратегияларини қўллашни тақозо этадиган тўрт саволнинг ҳаммасида назорат стратегияси ҳамда синтез ва экстраполяцияга асосланган стратегиядан фойдаланиб ечимга ёндашган ўқувчилар эслаб қолиш стратегиясидан фойдала-

ниб ёндашган ўқувчиларга қараганда уч марта кўпроқ PISA тадқиқотининг математик саводхонлик йўналишида энг мураккаб бешта саволига жавоб беришда муваффақиятга эришганини англатади.

14. Синтез ва экстраполяцияга асосланган стратегиядан тез-тез фойдаланиш энг содда математик масалаларни тўғри ечишда муваффақият қозониш даражасининг пастлиги билан боғлиқдир (480 балдан кам мураккабликдаги). Муҳими, енгил даражадаги кўп масалаларни ечишда эслаб қолиш стратегияси синтез ва экстраполяция асосидаги стратегиядан кўра анча юқори натижаларни беради. Шунга қарамай, саволлар мураккаблашиб боргани сари синтез ва экстраполяция асосидаги стратегиядан фойдаланадиган ўқувчиларнинг муваффақиятга эришиш имкони ортади, айниқса, топшириқлар PISA шкаласи бўйича 600 балдан ошса. Синтез ва экстраполяцияга асосланган стратегиялар ўртача мураккабликдаги масалаларни ечишда эслаб қолиш стратегиясидан кўра анча юқори натижаларни беради, бироқ улар энг мураккаб масалаларни, айниқса, PISA шкаласи бўйича 700 балдан ортиқ баҳоланадиган масалаларни, ечишда назорат стратегиясидан самаралироқ бўлса керак.
15. Европа иттифоқининг ишчи кучини тадқиқ этиш бўйича тўплаган маълумотлари (European Union Labour Force Survey data); Nathan, Pratt & Rincon-Aznar, 2015 дан олинган.
16. Қаранг. OECD, 2016а.
17. 1996 йилда, таълим бўйича 15-мараказий кенгашга, XXI асрда япон таълими қандай бўлиши керак, деган савол берилганида, кенгаш таълимнинг асосий тамойилини “омон қолиш қобилияти”га айлантириш таклиф қилинган маърузани тақдим этди. “Омон қолиш қобилияти” интеллектуал, маънавий ва жисмоний тарбия мувозанатини сақлаб қолишга уринадиган тамойил сифатида баҳоланади. 1998 йилда дарс беришнинг етакчи тамойиллари кенгаш маърузасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилди. Ўқув дастурининг 30 фоизга яқини қисқартирилди ва бошланғич ва кичик ўрта мактабда “комплекс ўқитиш вақти” ўрнатилди.

18. Маълумот учун қаранг. <http://www.oph.fi/download/151294-ops2016-curriculum-reform-in-finland.pdf>.
19. Қаранг. <http://www.neatorama.com/2010/10/30/man-sued-mcdonalds-for-making-him-fat-and-won/>; <https://blogs.wsj.com/law/2017/05/18/starbucks-coffee-spill-leads-to-100000-verdict-for-floridawoman/>.
20. Қаранг. <https://www/PISA4u.org/>.
21. Қаранг. OECD, 2017h.
22. Қаранг. <https://oeb.global/>.
23. Маълумот учун қаранг. <https://www.triciawang.com/>.
24. Friedman, 2016.
25. Маълумот учун қаранг. <http://iasculture.org/>.
26. Маълумот учун қаранг. <https://www.moe.gov.sg/education/secondary/values-in-action>.
27. Қаранг. OECD, 2017a.
28. Қаранг. OECD, 2015d.
29. Қаранг. OECD, 2013c.
30. Қаранг. OECD, 2014a.
31. Ёзилаётган пайтда нашрга тайёрланяпти, OECD.
32. Қаранг. <https://www.varkeyfoundation.org/>.
33. Маълумотларни OECD, 2019 да кўринг.
34. Қаранг. <http://www.oecd.org/pisa/data/2015-technical-report/>.
35. Қаранг. OECD, 2015c.
36. Қаранг. <http://www.oecd.org/pisa/aboutpisa/pisa-based-test-for-schools.htm>
37. Қаранг. <http://www.oecd.org/pisa/aboutpisa/pisafordevelopment.htm>.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Adams, R. (2002), *Country Comparisons in PISA: The Impact of Item Selection*, Available at: <http://www.findanexpert.unimelb.edu.au/individual/publication9377> [Accessed 26 August 2017].
- Alberta Education (2014), *Teaching and Learning International Survey (TALIS) 2013: Alberta Report*, Alberta Education, Edmonton.
- Autor, D. and D. Dorn (2013), "The Growth of Low-Skill Service Jobs and the Polarization of the US Labor Market", *American Economic Review*, Vol. 103/5, pp.1553-1597, <https://doi.org/10.1257/aer.103.5.1553>
- Bandura, A. (2012), *Self-efficacy*, W.H. Freeman, New York.
- Barber, M. (2008), *Instruction to Deliver*, Methuen Publishing Ltd., London.
- Barber, M., A. Moffitt and P.Kihn (2011), *Deliverology 101: A Field Guide for Educational Leaders*, Corwin, Thousand Oaks, CA.
- Barro, R. and J. Lee (2013), "A New Data Set of Educational Attainment in the World, 1950- 2010", *Journal of Development Economics*, Vol. 104, pp.184-198, <https://doi.org/10.1016/j.jdeveco.2012.10.001>.
- Borgonovi, F. and T. Burns (2015), "The Educational Roots of Trust", *OECD Education Working Papers*, No. 119, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/19939019>.
- Brown, M. (1996), "FIMS and SIMS: The First Two IEA International Mathematics Surveys", in *Assessment in Education: Principles, Policy and Practice*, Vol. 3/2, 1996, <https://doi.org/10.1080/0969594960030206>.
- Brundtland Commission (1987), *Our Common Future*, Oxford University Press, Oxford.
- Carroll, J. (1963), "A Model of School Learning", *Teachers College Record*, Vol. 64/8, pp. 723-733.
- Chen, C. and H. Stevenson (1995), "Motivation and Mathematics Achievement: A Comparative Study of Asian-American, Caucasian-American, and East Asian High School Students", *Child Development*, Vol. 66/4, p.1215, <https://doi.org/10.1111/j.1467-8624.1995.tb00932.x>.
- Chu, L. (2017), *Little Soldiers: An American Boy, a Chinese School, and the Global Race to Achieve*, Harper Collins Publishers, New York.
- Echazarra, A. et al. (2016), "How teachers teach and students learn: Successful strategies for school", *OECD Education Working Papers*, No. 130, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/5jm29kpt0xxx-en>.
- Eppe, D., E. Romano and M. Urquiola (2015), *School Vouchers*, National Bureau of Economic Research, Cambridge, MA.
- Fadel, C., B. Trilling and M. Bialik (2015), *Four-Dimensional Education: The Competencies Learners Need to Succeed*, The Center for Curriculum Redesign, Boston.
- Fullan, M. (2011), *Change Leader: Learning to Do What Matters Most*, Jossey-Bass, San Francisco.
- Friedman, T.L. (2016), *Thank You for Being Late: An Optimist's Guide to Thriving in the Age of Accelerations*, Farrar, Straus and Giroux, New York.
- Goldin, C. and L. Katz (2007), *The Race between Education and Technology*, National Bureau of Economic Research. Cambridge, MA.
- Goldin, I. and C. Kutarna (2016), *Age of Discovery: Navigating the Risks and Rewards of Our New Renaissance*, St. Martin's Press, New York.
- Good, T. and A. Lavigne (2018), *Looking in Classrooms*, Routledge, New York.

- Goodwin, L., E. Low and L. Darling-Hammond (2017), *Empowered Educators in Singapore: How High-Performing Systems Shape Teaching Quality*, Jossey-Bass, San Francisco.
- Griffin, P. and E. Care (2015), *Assessment and Teaching of 21st Century Skills*, Springer Dordrecht, New York.
- Hanushek, E. and L. Woessmann (2015a), *The Knowledge Capital of Nations*, MIT Press, Cambridge, MA.
- Hanushek, E. and L. Woessmann (2015b), *Universal Basic Skills: What Countries Stand to Gain*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264234833-en>.
- Hanushek, E., M. Piopiunik and S. Wiederhold (2014), *The Value of Smarter Teachers*, National Bureau of Economic Research, Cambridge, MA.
- Harari, Y.N. (2016), *Homo Deus: A Brief History of Tomorrow*, Harville Secker, London.
- Hargreaves, A. and D. Shirley (2012), *The Global Fourth Way: The Quest for Educational Excellence*, Corwin Press, Thousand Oaks, CA.
- Hung, D., S.C. Tan and T.S. Koh (2006), "From Traditional to Constructivist Epistemologies: A Proposed Theoretical Framework Based on Activity Theory for Learning Communities", *Journal of Interactive Learning Research*, Vol 17/1, pp. 37-55. 17(1), 37-55.
- Husen, T. (Ed.) (1967), *International Study of Achievement in Mathematics: A Comparison of Twelve Countries*, Vols.1 and 2, Almqvist and Wiksell, Stockholm.
- Leadbeater, C. (2016), *The Problem Solvers: The teachers, the students and the radically disruptive nuns who are leading a global learning movement*, Pearson, London.
- Martin, M. and I. Mullis (2013), *TIMSS 2011 International Results in Mathematics*, TIMSS and PIRLS International Study Center, Boston College, Chestnut Hill, MA.
- McInerney, D. and S. Van Etten (2004), *Big Theories Revisited*, Information Age Publishing, Greenwich, CT.
- Nathan, M., A. Pratt and A. Rincon-Aznar (2015), *Creative Economy Employment in the European Union and the United Kingdom: A Comparative Analysis*, Nesta, London.
- OECD (2005), *Teachers Matter: Attracting, Developing and Retaining Effective Teachers*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264018044-en>.
- OECD (2009), *Creating Effective Teaching and Learning Environments: First Results from TALIS 2008*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264068780-en>.
- OECD (2010a), *Making Reform Happen: Lessons from OECD Countries*, 11th ed., OECD Publishing, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264086296-en>.
- OECD (2010b), *PISA 2009 Results: What Makes a School Successful? Resources, Policies and Practices*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264091559-en>.
- OECD (2011a), *Quality Time for Students: Learning In and Out of School*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264087057-en>.
- OECD (2011b), *Strong Performers and Successful Reformers in Education: Lessons from PISA for the United States*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264096660-en>.
- OECD (2011c), *Education at a Glance 2011: OECD Indicators*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/eag-2011-en>.
- OECD (2012a), *Grade Expectations: How Marks and Education Policies Shape Students' Ambitions*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264187528-en>.
- OECD (2012b), *Public and Private Schools: How Management and Funding Relate to their Socio-economic Profile*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264175006-en>.
- OECD (2013a), *OECD Skills Outlook: First Results from the Survey of Adult Skills*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264204256-en>.

- OECD (2013b), *PISA 2012 Results: What Makes Schools Successful (Volume IV): Resources, Policies and Practices*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264201156-en>.
- OECD (2013c), *Synergies for Better Learning: An International Perspective on Evaluation and Assessment*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264190658-en>.
- OECD (2013d), *PISA 2012 Results: Excellence through Equity (Volume II): Giving Every Student the Chance to Succeed*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264201132-en>.
- OECD (2013e), *Teachers for the 21st Century: Using Evaluation to Improve Teaching*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264193864-en>.
- OECD (2014a), *Measuring Innovation in Education: A New Perspective*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264215696-en>.
- OECD (2014b), *PISA 2012 Results: Students and Money (Volume VI): Financial Literacy Skills for the 21st Century*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264208094-en>.
- OECD (2014c), *TALIS 2013 Results: An International Perspective on Teaching and Learning*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264196261-en>.
- OECD (2014d), *PISA 2012 Results: What Students Know and Can Do (Volume I): Student Performance in Mathematics, Reading and Science*, Revised edition, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264208780-en>.
- OECD (2015a), *Education Policy Outlook 2015: Making Reforms Happen*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264225442-en>.
- OECD (2015b), *Improving Schools in Sweden: An OECD Perspective*, Available at: <http://www.oecd.org/edu/school/Improving-Schools-in-Sweden.pdf> [Accessed 26 August 2017].
- OECD (2015c), *Skills for Social Progress: The Power of Social and Emotional Skills*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264226159-en>.
- OECD (2015d), *Students, Computers and Learning: Making the Connection*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264239555-en>.
- OECD (2015e), *The ABC of Gender Equality in Education: Aptitude, Behaviour, Confidence*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264229945-en>.
- OECD (2015f), *Schooling Redesigned: Towards Innovative Learning Systems*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264245914-en>.
- OECD (2015g), *Immigrant Students at School: Easing the Journey towards Integration*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264249509-en>.
- OECD (2016a), *PISA 2015 Results (Volume I): Excellence and Equity in Education*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264266490-en>.
- OECD (2016b), *PISA 2015 Results (Volume II): Policies and Practices for Successful Schools*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264267510-en>.
- OECD (2016c), *Low-Performing Students: Why They Fall Behind and How to Help Them Succeed*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264250246-en>.
- OECD (2016d), *Netherlands 2016: Foundations for the Future, Reviews of National Policies for Education*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264257658-en>.
- OECD (2016e), *Skills Matter: Further Results from the Survey of Adult Skills*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264258051-en>.
- OECD (2017a), *Education at a Glance 2017: OECD Indicators*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/eag-2017-en>.

- OECD (2017b), *The Funding of School Education: Connecting Resources and Learning*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264276147-en>.
- OECD (2017c), *OECD Skills Outlook 2017: Skills and Global Value Chains*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264273351-en>.
- OECD (2017d), *PISA 4 U*, available at <https://www.pisa4u.org/>.
- OECD (2017e), *PISA 2015 Results (Volume IV): Students' Financial Literacy*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264270282-en>.
- OECD (2017f), *PISA 2015 Results (Volume III): Students' Well-Being*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264273856-en>.
- OECD (2017g), *The OECD Handbook for Innovative Learning Environments*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264277274-en>.
- OECD (2017h), *PISA 2015 Results (Volume V): Collaborative Problem Solving*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264285521-en>.
- OECD (2017i), "Is too much testing bad for student performance and well-being?", *PISA in Focus*, No.79, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/22260919>.
- OECD (2017j), *Starting Strong V: Transitions from Early Childhood Education and Care to Primary Education*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264276253-en>.
- OECD (2017k), *Computers and the Future of Skill Demand*, Educational Research and Innovation, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264284395-en>.
- Paccagnella, M. (2015), "Skills and Wage Inequality: Evidence from PIAAC", *OECD Education Working Papers*, No. 114, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/5js4xfgl4ks0-en>.
- Pont, B., D. Nusche and H. Moorman (2008), *Improving School Leadership (Volume 1): Policy and Practice*, OECD Publishing, Paris, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264044715-en>.
- Putnam, R.D. (2007), *Bowling Alone*, Simon and Schuster, New York.
- Presnky, M. (2016), *Education to Better Their World: Unleashing the Power of 21st-Century Kids*, Teachers College Press, New York.
- Rambøll (2011), *Country Background Report for Denmark, prepared for the OECD Review on Evaluation and Assessment Frameworks for Improving School Outcomes*, Aarhus, available from <http://www.oecd.org/edu/evaluationpolicy>.
- Schleicher, A. (2014), "Poverty and the Perception of Poverty: How Both Matter for Schooling Outcomes", Available at: <http://oecdeducationtoday.blogspot.fr/2014/07/poverty-and-perception-of-poverty-how.html> [Accessed 26 Aug. 2017].
- Schleicher, A. (2017), *Teaching Excellence through Professional Learning and Policy Reform: Lessons from Around the World*, OECD publishing, Paris <http://dx.doi.org/10.1787/9789264252059-en>.
- Schleicher, A. (2017), "What teachers know and how that compares with college graduates around the world", Available at: <http://oecdeducationtoday.blogspot.fr/2013/11/what-teachers-know-and-how-that.html> [Accessed 26 Aug. 2017].
- Seldon, A. (2007), *Blair's Britain*, Cambridge University Press, Cambridge.
- Slavin, R. (1987), *Grouping for Instruction*, Center for Research on Elementary and Middle Schools, Johns Hopkins University, Baltimore.
- Tan, O. et al. (2017), *Educational Psychology: An Asia Edition*, Cengage Learning Asia Ltd., Singapore.
- Weiner, B. (2004), "Attribution Theory Revisited: Transforming Cultural Plurality into Theoretical Unity", in D. McInerney and S. Van Etten, eds., *Big Theories Revisited: Research on Socio-Cultural Influences on Motivation and Learning*, Information Age Publishing, Greenwich, CT.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Андреас Шляйхер – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таълим ва малакалар департаменти раҳбари (ИХТТ); ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича Халқаро PISA дастури, шунингдек, турли мамлакат ва маданиятлар вакили бўлган таълим сиёсатини белгиловчи шахслар, тадқиқотчилар ва педагогларга мўлжалланган, таълим соҳасидаги сиёсат ва амалиётга инновациялар ва ўзгартиришлар киритиш учун глобал платформа яратишга имкон яратувчи бошқа халқаро баҳолаш инструментларнинг раҳбари. 20 йилдан ортиқ вақт давомида таълим сифатини яхшилаш ва ҳамма учун тенг таълим олиш имкониятларига эришиш мақсадида дунё бўйлаб таълим вазирлари ва лидерлари билан ишлади.

АҚШнинг собиқ таълим вазири Анре Дункан Шляйхер ҳақида шундай деганди: “У глобал муаммолар ва чақириқларни мен учратган ҳар қандай кишидан кўра яхшироқ тушунади ва менга ҳақиқатни гапиради” (The Atlantic, 2011 йил, июль). Буюк Британиянинг собиқ таълим вазири Майкл Гоув Шляйхерни, гарчи у Францияда яшайдиган немис бўлса ҳам, “Англия таълимидаги энг муҳим инсон”, деб атаган эди. Шляйхер кўплаб мукофотлар, шунингдек, намунали демократик иштироки учун Германия Федератив Республикасининг биринчи президенти номидан берилган Теодор Хойс мукофотининг лауреатидир. Шунингдек, у Гейдельберг университетининг фахрий профессори.

ANDREAS SCHLEICHER
WORLD CLASS
HOW TO BUILD A 21ST – CENTURY
SCHOOL SYSTEM

АНДРЕАС ШЛЯЙХЕР
ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ТАЪЛИМ
XXI АСР МАКТАБ ТИЗИМИНИ ҚАНДАЙ
БАРПО ЭТМОҚ КЕРАК?

Нашриёт лицензияси AI №015. 20.07.2018
Босишга рухсат этилди 10.02.2022. Бичими 70x100 1/16
«PT Sans Pro» гарнитураси.
Ҳажми: 21,5 босма таб. Адади 5000 нусхада.
Буюртма №12. Шартнома №12.

Оригинал макет «Zamin Nashr»
нашриётида тайёрланди.
100053, Тошкент ш., Боғишамол кўчаси, 160.

“RUSTAM PRINT” МЧЖ.
Тошкент ш., Боғишамол 160.